

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

АЛИШЕР НАВОИЙ

**МУКАММАЛ
АСАРЛАР ТЎПЛАМИ**

Йигирма томлик

Ўн олтинчи том

**МУҲОҚАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН
МЕЗОН УЛ-АВЗОН
ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО
ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ
АРБАЎИН
СИРОЖ УЛ-МУСЛИМИН
МУНОЖОТ
РИСОЛАИ ТИЙР АНДОХТАН**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент — 2000

Тахрир ҳайъати:

*ИЗЗАТ СУЛТОН, А. ҚАЮМОВ, Б. НАЗАРОВ, А. ҲАЙИТМЕТОВ, Ф.
СУЛАЙМОНОВА, Т. МИРЗАЕВ, С. ҒАНИЕВА, А. АБДУҒАФУРОВ,
И.ҲАҚҚУЛОВ*

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари номзоди М. МИРЗААҲМЕДОВА

Тақризчилар:

*Филология фанлари номзоди Э.УМАРОВ
Филология фанлари номзоди Қ. ЭРГАШЕВ*

МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН

П. Шамсиев матни асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга
тайёрловчи:
СУЙИМА ҒАНИЕВА

БИСМИЛЛОҲИР - РАҲМОНИР-РАҲИМ

Алҳамду лиллоҳи имтоза-л-инсона ало соирил-махлуқоти
бишарафи-н-нутқ-ва-л-лисони ва азҳара мин азубати лисониҳи ва
ҳаловати баёниҳи суккари-ш-шукри ва шаҳди-ш-шухуди ва-л-
имтинони¹.

Рубоий:

Эй сўз била қилғон офариниш оғоз,
Инсонни арода айлагон маҳрами роз
Чун «кун фаякун»² сафҳасига бўлди тироз
Қилғон они нутқ ила боридин мумтоз.

Субҳоноллоҳ не қудрати комиладурким, инсонни «Хаммарту
тийната одама бияди арбаъина сабоҳан»³ каримаси мазмуни
бирла «аллам аласмоа куллаҳа!»⁴ қобилияти берди ва ани «ал-
мутакаллим» исми маҳзари қилди. Ва то ул бу мазҳарият
шарафидин жамиъи махлуқотқа сарафроз бўлди ва бу ташриф
била борисидин имтиёз топти.

Рубоий:

Яъники, чу оламни яратти Маъбуд,
Олам элига қудрат ила берди вужуд.

Инсон эди мақсудки, бўлди мавжуд,
Инсондин ҳам ҳабиби эрди мақсуд.

Мутакаллимеки, араб фусаҳоси балоғат гулбонгин сипеҳр
гулшанидин ошурғонда анинг булбул нутқи «ано
афсаҳу»⁵ тараннуми била аларни забонбаст ва даъвилари
овозасин ерга паст қилди.

Рубоий:

Ул вақтки, не олам эди, не одам,
Қилмайдур эди буларни сунъ илги рақам.
Чун ул ўзининг хилқатидин урди дам,
Мантуқи эди «кунта набиян фафҳам»⁶.

Ва саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи-т-таййибина ва асҳобиҳи-т-тоҳирина ва саллама таслиман касиран, касира⁷.

Такаллум аҳли хирманининг хўшачини ва сўз дурри самини
маҳзанининг амини ва назм гулистонининг андалиби
нағмасаройи, яъни Алишер ал-мутахаллис бин Навоий ғаффар
зунубаҳу ва саттара айюбаҳу⁸ мундоқ арз қилурким, сўз
дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким,
жомии маонийи жузв ва куллдур. Андоқки, дарёдин гавҳар ғаввос
воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати
жавҳарига кўра зоҳир бўлур. Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ
шарафига соҳиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш
кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси писбатпға боқа
интишор ва иштиҳор топар. Гавҳар қийматиға нечукки, маротиб
асру кўпдур, ҳаттоки, бир дирамдин юз тумангача деса бўлур.

Қи т ъ а:

Инжуни олсалар муфарриҳ учун,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Минг бўлур бир дирамга бир мисқол.
Бир бўлур ҳамки, шаҳ қулоққа солур:
Қиймати мулк, ибраси амвол.

Сўз дуррининг тафовути мундии доғи беғоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур. Андоқки, шарифидин ўлган баданға руҳи пок етар, касифидин ҳаётлик танға захри ҳалок хосияти зухур этар.

Қ и т ъ а:

Сўз гавҳаредурки, рутбасининг
Шарҳидадур аҳли нутқ ожиз,
Андинки эрур хасис муҳлик,
Кўрғузгучадур Масиҳ мўъжиз.

Ва бу сўзнинг танаввуи тааққулдин нари ва тасаввурдин ташқаридур. Агар муболағасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса, етмиш икки навъ била тақсим топариди, худ ҳеч сўз йўқтурки, етмиш икки фирқа каломиға далолат қилғай; аммо улча тафсилийдур. Улдурким, рубъи маскуннинг етти иқлимидин ҳар иқлимда неча кишвар бор ва ҳар кишварда неча шаҳар ва қасаба ва кент ва ҳар даштда неча хайл-хайл саҳронишин улус ва ҳар тоғнинг қўлларида ва қулларида ва ҳар баҳрнинг жазойирида ва савоҳилида не тавойиф бор. Ҳар жамоат алфози ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати ёналаридин мутағаййир ва бир неча хусусият била мутамаййиздурки, ўзгаларда йўқтур.

Андоқки, туюр ва баҳойим ва сибоънинг тиллариким, ҳар бирининг ўзгача хурушу такаллумлари бор ва ғайри муқаррар навою тараннумлари. Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидур ва мазкур махлуқотдин мақсуд инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзиндадур ва такаллум анинг каломиди борур.

Эмди келдук сўз баёнига ва калом достониға: мунча мутанаввиъ шаҳру қуро, жиболу саҳро ва бешау дарё халқиким, битилди ва танаввуё тағайюрини шарҳ этилди, мажмуида маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур.

Барчасидин араб тили фосоҳатойини била мумтоз ва балоғат тазъийини била мўъжизатироздурким, ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур ва сўзи сидқ ва иши таслим – ўқдурким, маликун алломун жалла ва ало⁹нинг каломи мўъжиз ннзоми ул тил била нозил ва Расул алайҳис-салавоту ва саллам¹⁰нинг аҳодиси саодат анжоми ул лафз била ворид бўлубдур.

Ва авлиёи кибор ва машойихи олий миқдор қаддаса оллоҳу асрораҳум¹¹ кўпрак ҳақойиқ ва маорифки сурубтурлар ва маоний зеболарин тақрир либосига киюрубдурлар. Ул фархунда иборат ва ул хужаста алфоз ва ишорат била воқеъ бўлубдур. Оллоҳ, Оллоҳ ул равзаи руҳафзода не назорат ва ул гулшани дилосода не назоҳатдурким, анинг боғбони ва «анзално мин ал-мўъсироти моан сажжожан линухрижа биҳи ҳаббон ва наботан ва жаннатин алфофан»¹² каримаси била такаллум қилур ва андалиб хушнавоси нубувват баёни била ва рисолат нағмаю алҳони била суруд кўргузур ва мазкур бўлғон тайюридин баъзи лав кушифал-ғитоа мо издадат яқинан¹³ адоси била тараннум ниҳоятиға етар ва сойир қушлари ва валоят изҳори ва ҳидоят осоридин навое иршодойин ва садое рашодталқин изҳор этар,

б а й т:

Ки то бўлғай жаҳон боғи бу гулшан мевазор ўлсун,
Ҳаримида бу булбулларга бу дилбонг бор ўлсун.

Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва муътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари билан қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаидурки, Нуҳ пайғамбар салавотуллоҳи алайҳа¹⁴нинг уч ўғлиғаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур

етишур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нуҳ алайҳиссалом тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлакасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди. Ёфасники, таворих аҳли Абул-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турон мамоликининг васатида волий қилди ва Ҳомники, Абул-ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон билодиға узатти. Ва бу уч пайғамбарзода авлоду атбои мазкур бўлгон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар.

Ва Ёфас ўғлонники, Абу-т-туркдур, тарих аҳли иттифоқи била дебдурларки, нубувват тожи билан сарафроз ва рисолат мансаби била қардошларидин мумтоз бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлғай, бу учовнинг авлод ва атбон орасида шоеъ бўлди. Чун Ҳом Нуҳ алайҳиссаломга беадаблиқ қилгон жиҳатдин анинг муборак тилига Ҳом борасида қарғиш ўтуб эрди, бу сабабдин анинг ранги баёзи саводға мубаддал бўлуб, тили шикасталик зоҳир қилиб, фасоҳат ва балоғат ҳулясидин орий қолди ва авлоду атбоъики, Ҳинд кишвари аҳли бўлғайлар, лавнлари мактаб аҳли машқи варақидек шабранг, балки шабгун ва тиллари атфолнинг учи ушалгон қаламидек ўзгача адо била таҳриру тақрир зеваридин ожизу забун қолдилар. Онсиз ҳам бўлмагайким, бирор варақ юзини мураккаб қароси била ўз юзлари сафҳасидек қаро қилғайлар на ўз тилларидек шикаста қалам тили била адо этмаганлар. Аммо ул сафҳа рақамин ўзларидин ўзга киши билмас ва ул калоғполарни ул савод аҳлидин ўзга биров ўқумас ва фаҳм қилмас. Чун арабий тил ва мақол била калом ва ҳиндий алфоз била музаҳрафоти нофаржом, бири ғояти шараф ва улувви манзаладин ва бири ниҳояти нахусат ва дунувви мартабадин орадин чиқтилар. Қолди туркий алфоз била мақсуд адоси ва форсий иборат била калом маъноси.

Андоқ маълум бўлурки, турк сортдин тезфаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ махлуқ бўлубдур ва сорт туркдин тааққул ва илмда дақиқроқ ва камолу фазл фикратида амийқроқ зуҳур қилибдур ва бу ҳол туркларнинг сидку сафо ва

туз ниятидин ва сортларнинг илму фунун ва ҳикматидин зоҳирдурур. Ва лекин тилларида камол ва нуқсон ҳайсиатидин фоҳиш тафовутлардурки, алфоз ва иборат вазъ қилурда турк сортқа фоиқ келубдур ва ўз алфозида ишорат, иборатиға мазиятлар кўргузуптурки, ўз маҳаллида, иншоОллоҳ, мазкур бўлғай.

Яна туркнинг мулоямати табъининг сортдин ортуғлиғига далиле мундин возихроқ ва шоҳиде мундин лойиқроқ бўла олурмуким, бу икки тоифанинг йигити ва қариси, балки улукдин кичик – бориси орасида ихтилот алассавиядур. Ҳар миқдорки, бу бирининг у бири била омизиш ва гуфту-гузори бор, ул бирнинг ҳам бу бир била ҳамонча такаллуму гуфтори бор. Ва сорт орасида аҳли табъ ва дониш зумраи илму зеҳн ва бийниш кўпрақдур. Ва турк элида ажлоф ва сода эл сортдин зиёдадур. Аммо туркнинг улукдин кпчигига дегинча ва навкардин бегиға дегинча сорт тилидин баҳраманддурлар, андоқким ўз хирад аҳволиға кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар. Аммо сорт улусининг арзолидин ашрофиғача ва омийсидин донишмандиғача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилғоннинг маънисин ҳам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўзки айтса ҳам, ҳар киши эшитса билур ва анинг сорт эканин фаҳм қилур ва ул мутакаллим ўз тили била ўз расволиғиға ўзи иқрор қилғондекдур. Ва туркнинг асли хилқатда сортдин табъи мулойимроқ эрканиға мундин бул-ажаброқ тонуг йўқдурки, ҳеч қайси мунунг муқобаласида дам ура олмаслар ва сорт биажмаиҳим агар турк иборати адосида ожиздур, муҳиқ ҳам бор. Невчунки, турк алфози возии асру кўп вақтда муболаға изҳори қилиб, жузвий мафҳумот учун алфоз вазъ қилибдурки, соҳибвуқуф киши то зоҳир қилмас, инонса ҳам бўлмас.

Андоқки, қувормоқ ва қуруқшамоқ ва ушармак ва жийжаймоқ ва ўнгдаймоқ ва чекримақ ва дўмсаймоқ ва умонмоқ ва ўсанмоқ ва игирмақ ва эгармақ ва ўхранмақ ва ториқмоқ ва алдамоқ ва

арғадамоқ ва ишанмоқ ва игланмоқ ва айланмоқ ва эрикмак ва игранмак ва овунмоқ ва қистамоқ ва қийнамоқ ва қўзғалмоқ ва соврулмақ ва чайқалмоқ ва девдашмоқ ва қийманмоқ ва қизғанмоқ ва никамак ва сийланмоқ ва танламоқ ва қимирдамоқ ва серпамак ва сирмамак ва каноркамак ва сиғриқмоқ ва сиғинмоқ ва қилимоқ ва ёлинмоқ ва мунгланмоқ ва индамамак ва тергамак ва теврамак ва қингғаймоқ ва шиғалдамоқ ва синграмоқ ва яшқамоқ ва исқармоқ ва кўнгранмоқ ва сухранмоқ ва сийпамоқ ва қораламоқ ва сурканмоқ ва куйманмак ва ингранмоқ ва тушалмак ва мунғаймоқ ва танчиқамоқ ва танчиқолмоқ ва кўруксамак ва бушурғанмоқ ва бухсамоқ ва киркинмак ва суқадамак, бусмоқ, бурмак, турмак, томшимоқ, қаҳамоқ, сипқормоқ, чичаркамак, журканмак, ўртанмак, сизғурмоқ, гурпаклашмак, чупрутмоқ, жирғамоқ, бичимоқ, қиқзанмоқ, сингурмак, кундалатмак, кумурмак, йигирмак, кунгурдамак, кинаркамак, кезармак, дуптулмақ, чидамоқ, тузмак, қозғанмоқ, қичиғламоқ, гангирамоқ, ядамоқ, қадамоқ, чиқанмоқ, кундурмак, сундурмак, суқлатмоқ.

Бу юз лафздурки, ғариб мақосид адосида таъйин қилибдурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурларки, барчаси муҳтожун илайҳдурки, такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўпи андоқдурки, асло анинг мазмунин тафҳим қилмоқ бўлмас ва баъзиники, англатса бўлғай, ҳар лафз тафҳими учун неча лафзни таркиб қилмағунча бўлмас, ул дағи арабий алфоз мадади била ва турк алфозида бу навъ лафз кўп топилур. Масалан, бу мазкур бўлғон юз лафздин бир нечага машғуллик қилиб собит қилали, то хасм муқобалада илзом бўлсунки, ўзгаларни мунга қиёс қилсун.

Шуаро акобиридинки, баъзи «май» таърифидида муболаға қилибдурлар ва бу мўътаддун биҳ амредурки, май ичмоқ қавоидида сўз кўп суруп, зарофат ниҳоятсиз зоҳир қилурлар. Бири сипқармоқ лафзидурки, муболаға мундин ўтмас. Туркча назмда бу матлаъ бордурким,

б а й т:

Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқарай.

Оё! Бу сипқарай лафзи мазмуниға етганда, форсий шеърда не илож қилғайлар? Ва томшимоққи, ғоят завқдин бот ичмас ва лаззат топа-топа, оз-оз ичар. Бу ғариб маъни адосида туркчада бу матлаъ бордурки,

б а й т:

Соқий чу ичиб, манга тутар қўш:
Томший-томший ани қилай нўш.

Ва бўхсамоқ лафзи адосида турк бу матлаъни дебдурки,

б а й т:

Ҳажри андуҳида бўхсабмен, била олмон нетай,
Ман иложимдур қўпуб, дайри фаноға азм этай.

Форсийгўй турк беклар ва мирзодалар бўхсамоқни не форсий тил била тиласаларки, адо қилғайлар?

Ва шеърнинг бино ва мадори ишққа эврлулур ва ошиқликда йиғламоқдин куллийроқ ва доимийроқ амр йўқтур ва анда танаввуъ бор: йиғламсинмоқ мазмунидаки, турк мундоқ дебдурки,

б а й т:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,
Йиғламсинуру кўзига келмас ёш.

Ва инграмоқ ва синграмакким, дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур ва ораларида тафовут оз топилур, туркчада бу матлаъ борким,

б а й т:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим, гаҳ синграмак.

Форсида бу мазмунки бўлмағай, шоир не чора қилғай?
Ва сиқтамоқким, йиғламоқда муболағадур, турк бу навъ адо
қилибдурки,

б а й т:

Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени,
Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени.

Яна бийик ун билаки, эътидолсиз ошуб била йиғлагайлар, ани
ўқурмак дерлар ва туркчада ул маънида бу матлаъ борким,

б а й т:

Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур.
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўқурмакдур.

Чун ўқурмак муқобаласида форсий тилда лафз йўқтур.
Форсийгўй шоир мунунгдек ғариб мазмун адосидин маҳрумдур.
Яна йиғламоқнинг ўқурмаки муқобаласида инчкирмак дағи бор
ва ул инчка ун била йиғламоқдур ва ул турк лафзида бу навъ
таркиб била адо топибдурким,

б а й т:

Чарх зулмида бўғзумни қириб йиғлармен,
Игирур чарх (киби) инчкириб йиғлармен.

Аммо йиғламоқта ҳой-ҳой лафзин адода ўзларин туркийгўйларга
шарик қилибдурлар ва бу лафз ҳам аслан туркий услубдур ва
фақирнинг бу мақтаи машҳурдурким,

б а й т:

Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп,
Ки ҳай дегунча не гулбун, не ғунча, не гул бор!

Яна турк алфозида қимсанмоқ ва қизғанмоқ икки ғариб
лафздурки, анинг адоси бу байтда борки,

б а й т:

Узорингни очарга қимсанурмен,
Вале эл кўрмагига қизғанурмен.

Форсийгўй шуаро мундоқ хўб мазмун адосндин маҳжурдурлар.

Ошиқ аёғига тикан кирмакка алар «хор» лафзи била таарруз
қилибдурлар, аммо чўкурки, муълимроқдир, бу лафзлари йўқтур
ва бу туркчада мундоқ адо топибдурким,

б а й т:

Чўкурларким, сенинг йўлунгда тевролмиш аёғимга,
Чекиб ул кўй гардин сурма тортармен қароғимга.

Яна ишқ тариқида маҳбуб наззораси муяссар бўлса, ошиқнинг
ниёз юзидин телмурмаги асру муносиб ишдур ва бу лафз аларда
йўқтур ва мунунгдек лафзлари ҳам йўқтур ва бу туркчада мундоқ
дейилибдурки,

б а й т:

Тўкадур қонимни ҳар дам кўзларинг боқиб туруб.
Ким, неча юзумга боққайсен йироқдин телмуруб.

Яна турк лафзининг маҳбуб жонибидин ясанмоғи муқобаласида
сорт лафзида ораста ва оройиш лафзи бор. Аммо безанмак
муқобаласида демайдурлар ва ул ясанмоғининг муболағасидур ва
ани мундоқ дебдурларким,

б а й т:

Эрур бас чу хусну малоҳат санга,
Ясанмоқ, безанмак не ҳожат санга?

Ва хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, қабоғ дерлар. Форсийда
бу узвнинг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоат хўб таърифиди
мундоқ дейилибдурким,

б а й т:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.

Яна ишқ атворидаким, ашк ва йиғламоқ муқобаласида оҳ ва
иссиғ дам умдадур, турклар дамни чоқинға, оҳни илдиригимга
нисбат бериб дебдурларким.

б а й т:

Фироқинг ичра улус ўртамакка, эй моҳим,
Чоқиндурур дамиму илдиригидурур оҳим.

Сорт тилида чоқин ва илдиригидек мутааййин ва мўътабар икки
нимага от қўймайдурлар ва араб тили била «барқун» ва
«соиқатун» била адо қилибдурлар.

Ва хусн таърифиди улуғроқ холғаким, турклар менг от
қўюптурлар, алар от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ
адо қилибдурким,

б а й т:

Анингким, ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти.

Агар бирин-бирин алфоз вазъидаким, алар тақсир қилибдурлар,
таарруз қилилса, сўз узар. Невчунки, кўп воқеъдур.

Яна шеърда барча табъ аҳли қошида равшан ва мажмуъ, фусаҳо
олдида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом бағоят куллийдур. Ва бу

фархунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсийдин кўпрак тажнисомиз лафз ва ийҳомангиз нукта борки, назмга мужиби зебу зийнат ва боиси такаллуфу санъатдур. Масалан: от лафзики, бир маъниси аламдур, яна бир маъниси маркабдур ва яна бир маъниси амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буюрғайлар. Бу тажнисда мундоқ дейилибдурким,

б а й т:

Чун парию ҳурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сортда йўқтур ва муни туюғ дерлар. Ва мунунг таърифин «Мезон ул-авзон»¹⁵ отлиғ арузки битилибдур, анда қилилибдур.

Яна ит лафзи ва анда доғи бу навъ уч маъни бор, андоқки,

б а й т:

Эй рақиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит,
Бизга раҳм айлаб анинг кўйидин ит.
Гарчи бор дўзахча ишқинг шуъласи,
Бизни ўз илгинг била ул сори ит.

Ва туш лафзида ҳам бу навъ уч маъни бор. Ва яна ён лафзида ва ёқ лафзида ҳам бу ҳолдур ва бу навъ лафзики, анда уч маъни бўлғай, ҳад ва ҳасрдин кўпрак топилур.

Ва хили лафз ҳам топилурки, тўрт маъниси бўлғай, андоқки, бор лафзики, бир маъниси мавжудлуғдур ва бир маъниси амрдур – борувға ва бир маъниси юқдур ва бир маъниси самардур.

Ва андоқ лафз ҳам топилурки, беш маъниси бўлғай: соғин лафзидекки, бир маъниси ёд қилмоққа амрдур ва бири сутлук кўй отидур ва ишқ масти ва мажнуни ва бемори муқобаласида соғин

деса, ҳар бирига итлоқ қилса бўлур.

Яна андоқки, туз лафзики неча маъни ирода қилса бўлур. Бири тузки, ўқ ё найзадек нимани дерлар. Яна туз – ҳамвор даштни дерлар, яна туз – рост кишини дерлар, яна туз – созни тузмакка амр қилмоқни, яна туз – икки киши орасида мувофақат солмоқни ва яна туз – бир мажлис асбобини ҳам деса бўлур.

Ва кўк лафзин ҳам неча маъни била истеъмол қилурлар. Бири кўк – осмонни дерлар. Яна кўк оҳангдур. Яна кўк теграда кўкламакдур. Яна кўк қадоғни ҳам дерлар. Яна кўк сабза ва ўлангни дағи дерлар.

Бу навъ алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрт маъни ва ортуғроқким, ирода қилса бўлғай, кўп борки, форсий алфозда андоқ йўқтур.

Ва маъруф ва мажҳул қофияда «вовий», «ёйий» ҳамки, форсий ашъорда воқеъ бўлур, икки ҳаракатдин ортуқ бўлмас, «вовий» андоқки: худ ва дуд ва зўр ва нур ва «ёйий» андоқки: пир ва шер.

Ва туркий алфозда бу маъруф, мажҳул ҳаракат тўрт навъ топилур: ҳам «вовий»си ҳам «ёйий»си; «вовий»си андоқки, ўтки, шайъи муҳриқдур ва ўт мурур маъниси била ва ўт муқаммирга бурд жиҳатидин амр ва ўтки боридин ириқ ҳаракатдур, каллани ўтга тутуп, тукин аритур маънидадур. Яна бир мисол: тўрки, домдур, яна тўрки, андоқ дақиқроқдурки: куш ўлту-рур йиғочдур ва тўрки, андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва тўрки, барчадин ариқдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак уйдур.

Ва «ёйий» мисол уч ҳаракатдан ортуқ топилмас: бийзки сорт «кадуд»дер ва бизки «мо» ва «наҳну» маъниси биладур ва бийзки «дарафш» дерлар. Яна бир мисол: терки, термак маъниси биладур. Терки, андин дақиқдур, улдулки, сортлар ани «арақ» ва «хўй» дерлар. Терки, боридин ариқдур, ўқ маъниси биладур. Ва бу навъ алфоз кўп, уч ҳаракат била вазъ қилибдурларки, ҳоло шоеъдур. Ва неча ҳуруфқа иборат вусъати учун, балки қофия суҳулати учун бир-бирига ширкат берибдурлар. Ул жумладин бири, «Алиф» била «ҳо» орасида муносабат ва мушоракат берибдурларки, бир лафзни ҳам охири алиф лафз била қофия қилса бўлур. Андоқки, «аро» лафзин «саро» ва «даро» била қофия

қилса бўлур, «сара» ва «дара» била ҳам қофия қилса бўлур. Яна бир мисол: андоқки, «ядо» лафзин «садо» била қофия қилса бўлур, «бода» била ҳам қилса бўлур. Ва «вов» била «замма» орасида ҳам ул навъ ширкатдур. Андоқки, «эрур» лафзин «хур», «дур» лафзи била қофия қилса бўлур, «ғурур» ва «зарур» лафзи била ҳам жойиздур. Ва «ё» била «касра» орасида дағи бу навъдур, андоқки, «оғир» ва «боғир» алфозин «содир» ва «қодир» алфози била қофия қилса бўлур, «таъхир» ва «тағйир» алфози била ҳам бўлурки, форсий алфозда бу суҳулатлар йўқтур.

Ва бу алфоз возеълари кўп нимада жузъётқа таарруз қилиб, ғариб мазмун ва мафҳумлар учун алфоз вазъ қилибдурлар, андоқки, баъзи масодирда ўтти.

Яна ғизо ва ҳар таомки, еса бўлур, егулик дерлар ва сорт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам ва ичмакни ҳам «хўрдани» лафзи била адо қилурлар.

Ва улуқ қардош ва кичик қардошни иккаласин «бародар» дерлар ва турклар улуғни – «оға» ва кичикни «ини» дерлар. Ва алар улуғ, кичик қиз қардошни ҳам «ҳоҳар» дерлар: Ва булар улуғни – «эгачи» ва кичикни «сингил» дерлар. Ва булар отанинг оғаниниси «абоға» дерлар. Ва онанинг оғаниниси – «тағойи» ва алар ҳеч қайсиға от тайин қилмайдурлар ва араб тили била «ам» ва «хол» дерлар. Ва кўкалтошни туркча тил била дерлар. Ва атка ва энагани ҳам бу тил била айтурлар.

Бир мутааййин нимаким, «оқ уйдур», анга «хиргоҳ» от кўюптурлар. Аммо анинг ажзосининг кўпини турк тили била айтурлар. Андоқки, тунглюк ва узук ва тўрлуғ ва босруғ ва чиғ ва қанот ва кўзанак ва увуғ ва боғиш ва бўсаға ва эркина ва ало ҳозал-қиёс.

Ва ов ва қушки, салотин одоб ва русумида ҳар қайси бошқа мутааййин эшитур, иккаласин, «шикор» дерлар. Ва овда умдаки кийикдур, турк анинг эркагин «хуна» ва тишисин «қилчоқчи» дер. Яна суйқуннинг ҳам эркагин «буғу» ва тишисин «марал» дер. Сорт оху ва гаваздин ўзга нима демас. Ва бир шўру шайнлиғ овки, тўнғуз овидур, анинг ҳам эркагини «қобон», тишисин

«мегажин» ва ушоғин «чўрпа» дерлар. Ва сорт барчасин «хук» ва «гуроз» лафзи била айтур.

Ва келдук қушқаки, анда муқаррар ва машхур илбосун ўрдакдур. Ва сорт эл илбосунни худ билмас. Дағи турк ўрдакнинг эркагин «сўна» ва тишисин «бўрчин»дер. Ва сорт мунга ҳам от қўймайдур. Ва нар ва мода иккаласин «мурғоби»дер. Ва ўрдакнинг анвои билур қушчилар қошида, масалан, жўрка ва эрка, суқтур ва олмабош ва чоқирқанот ва темирқанот ва алдалдаға ва алапука ва боғчол ва бу йўсунлуқ дерларки, етмиш навъ бўлурким, сорт борисин мурғобиўқ дер. Ва агар бир-биридин мутамайяс қилса, туркча от била-ўқ айтур.

Яна от анвоидаки, тубучоқ ва арғумоқ ва яка ва ёбу ва тоту йўсунлуқ – борини туркча-ўқ айтурлар.

Ва отнинг ёшин дағи кўпракин туркча айтурлар. Бир қулунни «курра» дерлар. Ўзга: той ва ғўнан ва дўнан ва тулан ва чирға ва ланға дегунча фасихроқлари туркча дерлар ва кўпраги муни ҳам билмаслар.

Ва отнинг эйарин агарчи «зин» дерлар: аммо кўпрак ажзосин, мисли: жибилгир ва ҳано ва тўқум ва жазлиғ ва уларчоғ ва ғанжуға ва жилбур ва қушқун ва қантар ва туфак ва тўқа йўсунлуқ кўпин туркча айтурлар ва қамчини агар «тозёна» дерлар, аммо булдурғасин ва чубчурғасин туркча айтурлар.

Ва жиба ва жавшан ва кўҳа ва қолгандуруқ ва қорбичи ва кечим ва оҳа йўсунлуқ уруш асбобин ҳам турк тили била айтурлар.

Ва маъхудий албисадин мисли: дастор ва қалпоқ ва наврўзий ва тўппи ва ширдоғ ва дакла ва ялак ва ёғлиғ ва терлик ва қур йўсунлуг нималарни борисин турк тили била айтурлар.

Егуликлардин агарчи қўй мучаларидин баъзига от қўюптурлар, аммо орқани ва ошуғлуғ иликни ва ён сўнгакни ва қобурғани ва иликни ва ўрта илик ва бўғузлағуни туркча айтурлар. Ва яна баъзи емаклардин қаймоғ ва қатлама ва буламоғ ва қурут ва улоба ва манту ва қуймоғ ва уркамочни ҳам туркча айтурлар. Ва қимизни ва сузгани ва бохсумни ва бўзани дағи туркча айтурлар. Яна тутмоч ва умоч ва кумоч ва толғонни ҳам туркча айтурлар. Ва

бу навъ жузъиётқа машғуллуқ қилса бағоят кўп топилур.

Аммо куллийрак калимотни адо қилали: араб тилининг сарфий истилоҳининг абвобида бир бобдурки, анга – муфоала боби от кўюптурларки, лафз бир мазкур бўлур, аммо икки киши феълиға муштами-дурки, бир навъ воқеъ бўлғай. Андоқки, «муораза» ва «муқобала» ва «мушоара» ва «муколама» ва куллий бобдур ва мунда азим фавоид ҳосил. Ва форсийгўйлар мунча фасохат ва балоғат даъвоси била бу фойдадин маҳрум. Аммо турк булағоси бу фойдаға таарруз қилибдурлар. Ва масдарға бир «шин» ҳарфи илҳоқ қилмоқ била ул мақсудни топибдурлар. Андоқки, «чопишмоқ» ва «топишмоқ» ва «қучушмоқ» ва «ўпушмак» ва бу шоеъ лафздур. Ва лафз возеи азизларға жойи таслим ва таҳсиндурки, бағоят хўб қилибдурлар. Ва бу фасохат била сорт фусаҳосидин тамом сижилибдурлар.

Яна арабий сарф истилоҳда икки мафъуллуқ феъллар борки, анинг адоси дағи мўътабар ва куллийдур. Андин дағи сортлар орий қолибдурлар. Ва атрок анга ҳам хўброқ важҳ била мутобаат қилибдурлар. Арабий андоқки, «Аътайту Зайдан дирҳаман»¹⁶, бу таркибда уч лафз мазкур бўлур. Алар лафзға бир ҳарф орттурғон била мунга ўхшаш бир замирни ортубдурлар, бағоят мухтасар ва муфид тушубдур. Андоқки, югурт ва қилдурт ва яшурт ва чиқарт. Яна бир адолари борки, баъзи алфознинг сўнгғида «ч», «ёй»кн, «чи» лафзидур, орттурурлар, ё мансабнинг ё ҳунарнинг ё пешанинг изҳори учун; форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар.

Мансабда андоқки, қўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йўсунлуғ кўптур.

Ҳунар ва пешада андоқки, қушчи ва борсчи ва қўруқчи ва тамғачи ва жибаши ва йўрғачи ва ҳалвочи ва кемачи ва қўйчи. Андоқки, қуш ҳунарида дағи бу истилоҳ, бордур, андоқки, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушқончики, сорт лафзида йўқтур. Ва алар мазкур бўлгонларнинг кўпин туркча айтурлар.

Яна бир навъ иборат ва адолари борким, бировдин бир ишни

гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбатгуна берурлар, йўқки, таҳқиқ юзидин, балки мазанна ва гумон ҳайсиятидин, аммо мунда диққат кўптур. Андоқки, борғудек ва ёрғудек ва кулгудек ва билгудек ва айтқудек ва қайтгудек ва урғудек ва сурғудек ва бу форсийда бўлмас.

Ва баъзи алфознинг охирида бир «чим» ҳарфи васл қилурлар ва анинг била ул феълда суръат йўсунлуқ ирода қилурлар. Андоқки, тегач ва айтгач ва борғоч ва ёрғоч ва топқоч ва сотқоч; яна бир «ре» ҳарфики, баъзи лафзнинг охирига илҳоқ қилурлар, андин муболаға ва саъй ирода қилурлар, андоқки, билакўр ва қилакўр ва кетақўр ва етақўр.

Ва яна бир ранг ё бир сифатнинг ҳумули ҳолиға муболаға учун анинг аввалида, аввал ҳарфиға бир «п» ё «мим» изофа қилиб, ул шайъға зонд қилурлар: «п» мисоли: оп-оқ, қоп-қора, қип-қизил, сап-сариг, юп-юмалоқ, яп-ясси, оп-очуғ, чуп-чуқур, бу навъ хили ҳам топилур; «мим» мисоли: кўм-кўк, ям-яшил, бўм-бўз.

Яна бир «вов» ва «лом» баъзи лафзга илҳоқ қилиб бир махсус сифатқа таъйин қилурки, салотининг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун муътабардур. Андоқки, ҳировул, қаровул ва чингдовул ва янковул ва сўзовул ва патовул ва китповул ва ясовул ва баковул ва шиғовул ва дақавулким, алар мундин улвийдурлар.

Яна баъзи лафзга бнр «лом» илҳоқ қилурларким, ул шайънинг ул сифатда русухига далолат қилур. Ан-доқки, қаҳол ва ясол ва қабол ва тунқол ва бирқол ва тўсқол ва севарғол.

Бу алфоз ва иборатда бу навъ дақойиқ кўпдурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмағон жиҳатдин бу яшурун қолибдур. Ва ҳунарсиз туркнинг ситамзариф йигитлари осонлиққа бўла форсий алфоз била назм айтурға машғул бўлубтурлар. Ва филҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу лафзда мунча вусъат ва майдонида мун-ча фусҳат топилур, керакким, мунда ҳар навъ сухангузорлиғ ва фасихғуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлғай ва воқеъ осонроқдур.

Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлгон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғон ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштаблари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва билкулл турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили билан назм айтқондек фасих турклар қошида ўқуй ва ўткара олмағайлар ва ўқусалар, ҳар лафзлариға юз айб топилғай ва ҳар таркиблариға юз эътироз ворид бўлғай.

Бас, бу ҳайсиятлардин андоқ маълум бўлурким, бу тилда ғариб алфоз ва адо кўпдур. Муни хушоянда тартиб ва рабоянда таркиб била боғламоғининг душворлиғи бор. Мубтадий табъи ул назмни душворлиғ била боғламоқдин кўфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонроқ сари майл қилур. Чун неча қатла бу нав воқеъ бўлди, табъи хўй қилди, чун табиат муътод бўлди, ўз муътодин кўюб, ғайр муътодғаким, мушкилрак ҳам бўлғай, майл қилмоғи мутааззирдур.

Яна улким, фаҳм жинси ожизларни ҳам мойил, балки муштағил ушбу навъға кўрар ва замон ва расм аҳли тариқидин чиқмоғни муносиб кўрмас ва бу навъ била қолур.

Ва мубтадийға яна одатдурким, табъидин ул нима бош урса, чун ўз зодаи табъи ўзига маҳбуб эканга мажбулдур, тиларки, ани бу фан аҳлиға арз қилиб жилва бергай. Чун бу фан аҳли форсийгўйдурлар ва турк алфозидин баҳраманд эмаслар, табъи ул жонибдин эъроз қилиб, бу фанга машғул эл сари майл кўргузур.

Эмдики, майл кўргузди, муносабатлар топиб ҳам бу хайлдин бўлур, андоқки, бу замонда бўлубдур. Бори ҳар тақдир билаки бор, бовужуд турк алфозининг форсийға мунча вазияти ва нафс

ул-амрда мунча диққати ва вусъати назм тариқида шоеъ эмас эрди ва китмон ниҳонхонасиға тушуб эрди, балки матрук бўлурға ёвушуб эрди. Бу хоксорга сабоват авоилидаким, оғиз ҳуққасидин бирор гавҳар зоҳир бўла бошлар, ул гавҳарлар ҳануз назм силкига кирмайдур эрдиким, замир дарёсидин назм силкига тортилғон гавҳарлар табъ ғаввоси саъий била оғиз соҳилига келабошламоқ кўргузуб эрди. Чун мазкур бўлғон қоида билаким, адо топти – майл форсий сари бўлди. Аммо чун шуур синниға қадам кўюлди, чун ҳақ субҳанаҳу ва таоло табъга ғаробат сари майлни зотий ва диққат ва душворписандликқа шуруъни жибилий қилиб эрди, турк алфозиға дағи мулоҳазани лозим кўрулди – оламе назарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ, анда зебу зийнат; ва сипеҳре табъга маълум бўлди, тўққуз фалакдин ортуқ, анда фазлу рифъат; ва махзане учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин рахшандароқ; ва гулшане йўлуқти, гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшандароқ; ҳарими атрофи эл аёғи етмакдин масун ва ажноси ғаройиби ғайр илги тегмакдин маъмун. Аммо махзанининг йилони хунхор ва гулшанининг тикани беҳадду шумор. Хайлга келдиким, ҳамоноки, бу йилонлар неши наштаридин табъ аҳли хирадмандлари бу махзандин баҳра топмай ўтуптурлар ва кўнгулга андоқ эврулдиким, гўё бу тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутубдурлар. Чун бу тариқда ҳиммат олий эрди ва табъ бебок ва лоуболий, ўтарга қўймади ва тамошосидин тўймади. Ул олам фазосида табъ сипоҳи турктозлиғлар тузди ва ул сипеҳр ҳавосида хаёл куши баланд парвозлиғ-лар кўргузди ва ул ганж жавоҳиридин замир сайрафиси ниҳоятсиз қийматлиғ лаъл ва дуррисамин олди. Ва ул гулшан раёҳинидин кўнгул гулчини ҳад ва ғоятсиз накҳатлиғ гул ва ёсуман қўйниға солди.

Чун бу мавоҳиб била ғинолар ва бу ғанойим била истиғнолар муяссар бўлди, мунунг натойижи гуллари рўзгор аҳлига беҳаду миқдор очила бошлади ва бошларига беихтиёр сочила киришди. Ул жумладин, бири «Ғаройиб ус-сиғар»¹⁷ девонидурким, кичик

ёшда тақририм гузориш ва таҳриримдин нигориш топибдурким, маоний ғурабосидин ғариб алфоз либосиға киюрупмен ва халқ кўнглин ғарибистон аҳли ўти била куйдурупмен.

Яна «Наводир уш-шабоб»¹⁸ девонидурки, йигитлик авоилида баёним килкидин намоийш девониға ва оройиш бўстониға кирибдурким, ул наводир тамошосидин йигитлик мулкида ғавғо солибмен ва мулк йигитлари кўнглидин ором ва қарорни олибмен.

Яна «Бадое ул-васат»¹⁹ девонидурким, умр авоситида хаёлим хомаси анинг зебиға нақшбандлиғ ва зийнатиға сеҳрпайвандлиғ қилибдурким, ул бадеълар воситасидин шайдо кўнгуллар эшигин ишқ тоши била қоқибмен ва ул уйга фитна ва офат ўтин ёқибмен.

Яна «Фавоид ул-кибар»²⁰ девонидурким, ҳаёт авохирида тахайюлум хомаси ани рашки нигорхонаи Чин ва ғайрати хулдибарин қилибдурким, анда улуғларга фоидалар зулолин еткурупмен ва ҳаваслари шуъласига насойиҳ зулолидин сув урубмен.

Бу тўрт девон овозасин чун рубъи маскунга еткурупмен, «Хамса» панжасига панжа урупмен²¹. Аввалким, «Ҳайрат ул-аброр»²² боғида табъим гуллар очибдур, Шайх Низомий²³ руҳи «Махзан ул-асрор»идин бошимга дурлар сочибдур.

Яна чун «Фарҳод ва Ширин»²⁴ шабистониға хаёлим юз тутубдур. Мир Хусрав²⁵ дами «Ширин ва Хусрав» ўтидин чароғимни ёрутубдур.

Яна чун «Лайли ва Мажнун»²⁶ водисида ишқим пўя уруб, Хожу²⁷ ҳиммати «Гавҳарнома»сида нисоримга гавҳарлар еткуруптур.

Яна чун «Сабъаи Сайёра»²⁸ расадин замирим боғлабдур, Ашраф²⁹ «Ҳафт пайкар»ининг етти ҳурвашин пешкашимга яроғлабдур.

Яна чун «Садди Искандарий»³⁰ асосин хотирим муҳандиси солибдур, Ҳазрати Махдум³¹ «Хираднома»³²-сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур.

Бу «Хамса» шуғлидин чун фароғат топибмен, тахайюлим гети

навардин салотин таърихи даштига чопибмен, чун нома саводи зулматидин «Зубдат ут-таворих»³³ адосин тузупмен, салотин ўлган отин бу ҳайвон суйи била тиргузупмен.

Чун «Насоим ул-муҳаббат»³⁴ нафаҳоти баёнидин килким файзрасон бўлубдур, авлиёўллоҳ муқаддас руҳи фанзидин олам тўлубдур.

Чун «Лисон ут-тайр»³⁵ илҳоми била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен.

Чун «Наср ул-лаолий»³⁶ хазоини таржимасига еттим, «Назм ул-жавоҳир»³⁷ била маъни абкорин ҳуллаларин мурассаъ эттим.

Чун «Мезон ул-авзон» баҳрларида ғаввос бўлдум, ул меъёр била Насири Тусий³⁸узрин қўлдум.

Яна доғи расоилга³⁹ қалам сурупмен ва макотибга⁴⁰ рақам урупменки, форсий сеҳрсозлар ва паҳлавий афсона пардозлар ҳам анда авроқ ораста ва ажзо пироста қилибдурларким, доно ҳакам адолат юзидин кўз солса ва бурунги форсий ва сўнгги туркий латойиф ва дақойиқидин баҳра олса, ҳукм сўрар замонида ва ҳар қайсининг мартабасини таъйин қилур авонида умидим улдур ва хаёлимга андоқ келурким, сўзум мар-табаси авждин қуйи инмаган ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай.

Бу сўзлардин хасм мундоқ билмасун ва муддаий бу навъ гумон қилмасунки, менинг табъим турк алфозиға мулойим тушган учун таърифида муболаға изҳор қилурмен ва форсий иборатқа муносабатим озроқ учун инкор ва нафйиға исрор кўргузурменким, форсий алфоз истифосин ва ул иборат истиқсосин киши мендин кўпрак қилмайдур эркин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркинким, умрум гулшанининг тоза баҳорининг таровати чоғи ва ҳаёт равзасининг наврас сабззорининг назоҳати вақтиким, ўн беш ёштин қирқ ёшқачадурки, инсон хайлининг табъи булбули ҳар гул жамолиға шефта ва руҳи парвонаси ҳар шамъ хуснига фирефта бўлур, вақт бу авқотдур. Ва бу авқотда кўп ғариб воқеъ ҳодисдурки, ул воқеа

бирова ҳусну нозин ё ўз ишқу ниёзин шарҳ этарга боис бўлур. Ва бу ҳол ғазал тариқида мунҳасирким, ё айтурға мута-аммил бўлулғай ё ўқуриға муштағил. Ўқурига давовиндин бу фақир мутолаасига кўп машғул бўлмағон девон оз эркин. Батахсис, ишқу дард аҳлининг раҳбар ва пешвари Амир Хусрав, Дехлавий девониким, ошиқ-ликда дарду ниёз ва сўзу гудоз тарихин ул мунташир қилди ва онинг ишқи машъалидин бу партав олам тийра хокдониға ёйилди.

Яна ҳақиқат аҳлининг сархайл ва сарафрози Хожа Ҳофиз Шерозий⁴¹ нукот ва асроринки, анфоси руҳулқудсдин нишон айтур ва руҳуллоҳ анфосидин асар еткурур.

Яна бу фақирнинг пири ва устози ва тариқат аҳлининг соҳиби иршоди, жамиъ аҳлуллоҳнинг муқтадо ва шайх ул-исломи Ҳазрати Махдумий Нур-ул-миллати вад-дини Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг руҳпарвар-латойифи ва руҳгустар заройификим, андин ҳар ғазал «кал-ваҳйил-мунзал»⁴² ва ҳар рисола «кал-аҳодисин-набийи мурсал»⁴³ олий шон ва рафъе макондурким, алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдорроқ ва ҳирқатда лаъли оташиндин барққирдорроқ. Ва иккаласи мазкур бўлғон азиз каломи мўъжиз низомидин анча чошни ва насиб ва ўз ишқу камолоти ва ниҳояти ҳолоти мунга изофаки, ҳазо шаъйун ажиб⁴⁴. Барчасига кўп қатла ўтупмен, балки кўпин ёд тутупмен ва қасойид ва ғазалиётларининг ғариб ва латофатин билибмен, балки ғариброқ ва латифроқлариға татаббуъ дағи қилибмен. Қасойиддин Амир Хусравнинг «Дарёи аброр»⁴⁵иким, машхур мундоқдурки, дер эмиш бўлғайки, «Юз минг байтдин ортуғ девонларим ғазалиёти ва қасойид ва маснавийларим абъёти агар олам саҳифасидин ююлса ва даврон саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасида қолсаки, анда маъни истийфоси вофийдур, бу фан аҳлиға менинг фазойилим далилига кофийдур». Матлаъи машхурдурким,

Н а з м:

Кўси шаҳ холию бонги ғулғулаш дарди сар аст,
Ҳар ки қонеъ шуд ба хушку тар, шаҳи баҳру бар аст.⁴⁶

Бу шеърга Ҳазрати Маҳдумий Нуран жавоб айтубдурлар ва отин
«Лужжат ул-асрор» битибдурлар. Ва матлаи будурким,

б а й т:

Кўнгури айвони шаҳ к-аз кохи кайвон бартар аст,
Рахнаҳо дон к-аш ба девори ҳисори дин дар аст⁴⁷, –

ки, агар ул «Дарёи аброр»дур, бу абри баҳордурки, мартабада
андин баландроқ ва баҳрада андин фойдамандроқдурки, анинг
устига соя солурга ёйила олур ва бошиға дурафшонлиғ дағи қила
олур. Фақир иккаласи бузургвори рафеъ миқдориға ниёзмандлиғ
ва гадолиғ юзидин татаббуъ қилибмен ва отин «Тухфат ул-
афкор»⁴⁸ дебман. Ва матлаи будурким,

б а й т:

Оташин лаъле ки тожи хусравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст⁴⁹.

Ва кўп маъниангез иборат ва таъмияomez ишорат изофа
қилибменки, бу фан аҳлининг моҳирлари мусаллам тутуптурлар.
Ва ҳар кишига бу бобда тараддуд бўлса, Ҳазрати Маҳдумий
Нураннинг «Баҳористон»⁵⁰ отлиғ китобинким, ани «Баҳористони
ҳаёт ва нигористони нажот» деса бўлур, бу матлаъни
битибдурлар ва истишҳод юзидин таърифин айтибдурларки, бу
маншури давлат сипеҳр тоқиға осилса ери бор ва бу туғройи
саодатни Муштарий⁵¹ бўйнига овиза қилса, мужиби мубоҳот ва
ифтихордур. Ул китобни олдик ва бу маҳални топиб назар солдик
ва билдикки, улча мен таърифиди таҳрир қилибмен, тақсир
қилибмен.

Яна Мир Хусравнинг «Миръот ус-сафо»⁵² отлиғ қасидасиғаким,

халлоқул маоний Хоқоний Шервоний⁵³ татаббуъе қилибдур ва
матлаи будурким,

б а й т:

Дилам тифл асту пири ишқ устози забондонаш,
Саводул-важҳ сабақу, масканат кунжи дабистонаш⁵⁴,

Ва Ҳазрати Маҳдумий Нуран анинг жавобида «Жило ур-руҳ»⁵⁵
отлиғ қасидани дебдурлар ва матлаи будурким,

б а й т:

Муаллим кист, ишқу кунжи хомуши дабистонаш,
Сабақ нодонию доно дилам тифли сабақхонаш⁵⁶.

Ва фақир ҳам «Насим ул-хулд»⁵⁷ қасидасин иккаласи бузургворга
татаббуъ қилибмен ва матлаи будурким,

б а й т:

Муаллим ишқу пири ақл дон тифли сабақхонаш,
Паи таъдиби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш⁵⁸.

Бу қасидага дағи кўп маоний гавҳари дарж ва умр нақди харж
бўлубдур.

Яна «Руҳ ул-қудс»⁵⁹ қасидасини баланд овоза қилибменки,
қудсийлар руҳин андин тоза қилибмен ва матлаи бу дурурким,

б а й т:

Зиҳи ба хомаи қудрат мусаввар ашё,
Ҳазор нақши ажиб ҳар замон аз у пайдо⁶⁰.

Яна «Айн ул-ҳаёт»⁶¹ қасидаси зулолин еткурупменки, ғафлат
аҳлининг ўлук баданларига жон киюрупмен ва матлаи будурким,

н а з м:

Ҳожибони шаб чу шодурвон савдо афгананд,
Жилва дар хайли бутони моҳсиймо афгананд⁶².

Яна «Минҳож ун-нажот»⁶³ қасидасида ҳидоят тариқин тузупмен
ва залолат аҳлига нажот шаҳроҳин кўргузупмен ва матлаи
будурким,

б а й т:

Зиҳи аз шамъи руют чашми мардум гашта нурони,
Жаҳонро мардуми чашм омади аз айни инсони⁶⁴.

Яна «Қувват ул-қулуб»⁶⁵ қасидасинки, килким сабт этибдур,
ҳақиқат йўлида заъфлиғ кўнгулларга ул қутдин қувват этибдур
ва матлаи будурким,

б а й т:

Жаҳон ки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,
Дар ў масоз иқомат ки роҳи шоҳу гадост⁶⁶.

Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано ва мавъизатдур ва аҳли
тасаввуф ва ҳақиқат тили била маърифат.

Яна зоҳир шуароси тариқида ҳам тўрт қасидаки, «Фусули
арбаа»га⁶⁷ мавсумдур ва андин тўрт фасл: ҳарорат ва бурудат ва
рутубат ва юбусат кайфияти маълум, хомам рақам қилибдурки,
тўрт фасл хосията асаридек рубъи маскунға ёйилибдур.

Яна суханпардоз устози олий шон Хожа Калимиддин Салмон⁶⁸ки,
қасида майдонининг чобуксуворидур ва ўз замонининг беназир
сухангузори, машҳурдурки, чун маснуъ қасидаси тартибиға қалам
сурубдур, ўн саккизда итмом еткурубдур. Воқиян ише
қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида
саргардондурлар, тарсиъ санъати⁶⁹ким, матлаъдин ўзга байтда
бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаи ростдур,
аммо асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида таҳаллуф
қилибдур ва матлаъ будурким,

б а й т:

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,
Ҳавои жаннати қўят бибехт мушки татор⁷⁰.

Бу матлаъга татаббуъ қилғон кўп суханварлар ва назмгустарлар
чун муқобалада дебдурлар, лат ебдурлар. Бу фақирнинг матлаи
будурки,

б а й т:

Чунон вазид ба бўстон насими фасли баҳор,
К-аз он расид ба ёрон шамими васли нигор.

Басорат аҳли мулоҳаза қилсалар билурларки, бу матлаъ тарсиъга
воқеъ бўлур, айбдин муарро ва мурассаъга келур, эътироздин
мубарродур. Бу навъ шеърнинг таъкид ва муболағаси учун яна
бир рубоий ҳам дебменки, то Халил бинни Аҳмад⁷² рубоий
қоидасин вазъ қилибдур, тарсиъ санъатида рубоий айтилғон
эшитилмайдур, балки йўқтур ва ул будурким,

р у б о и й:

Эй руи ту кавкаби жаҳон орое,
Вэй буи ту ашҳаби равон осое,
Бе муи ту, ё раб, чунон фарсое,
Гисуи ту чун шаби фиғон афзое⁷³.

Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ
сухан адолар ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдур,
тартиб берибменким, олти мингдин абъёти адади кўпрақдурки,
кўпрақ ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлубдур. Ва баъзи
Ҳазрат Шайх Муслиҳиддин Саъдий⁷⁴Ҳакам ғазал таври
мухтарийдур. Ва баъзи Мир Ҳусравгаким, ишқ оташкадасининг
шуълаангизидур ва дард ғарибхонасининг ашкреси. Ва
маънавиятбаъзи Ҳазрат Махдумий НуранҲакам, камол авжининг
меҳри ломиидур ва мазкур бўлғон азизлар ҳолотининг жомиики,
бу девон халойиқ орасида шоеъдур ва рўзгор аҳлининг табълари

ул сари рожеъ ва анда кўп турлук дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқеъдурки, тафсили бу фақирдин муносиб эмас. Ва анда ҳар навъ назм аснофидин, мисли: муқаттаот ва рубоийёт ва маснавий ва таърих ва луғаз ва ул жумладин беш юзга яқин муаммоким, кўпи Ҳазрат Махдумий Нуран муборак назариға етибдур ва ул ҳазратнинг ислоҳ ва таҳсини шарафин касб этибдурким, хомамдин рўзгор сафҳасига ёзилибдур ва қаламим лайлу наҳор авроқида нақш қилибдур.

Булардин доғи бошқа, йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутупмеп ва алар завқу хушҳоллиғидин ўзумни овутупмен ва салоҳу фасодларига фикр айтибмен ва махфий дақойиқиға тааммул ва тафаккурлар била етибмен ва форсий алфоз айбу ҳунари мулоҳазаси идроқида табъим ўзин солмайдур, балки ул водий қатъида килким равандаси тезгомлиғ била қадам урмагон ер қолмайдур.

Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамоликининг мисри муаззами ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жамиъ назм аҳли, шуаройи ширин каломи ва фусаҳойи вожибул-эҳтироми ҳар не ҳар маъни билаким, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз билаким, ажзо узориға намоийш берибдурлар, бу фақир суҳбатига еткурубдурлар ва заиф оллинда ўткарибдурлар ва ҳақ ва ислоҳ илтимосин қилибдурлар ва хотирига хутур қилғон нуктаки, айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар баъзи ибо қилибдурлар далоийл била аларга хотирнишон қилилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар.

Ва басо маоний аҳли хурдадонлар ва дақойиқ хайли дақиқ баёнларки, Анварий⁷⁵ ва Салмон шеърда ҳар бири бирининг жонибин тутуб баҳслар қилиб, сўзлари бир-биридин ўтмагандин сўнгра бу фақир олиға муҳокама учун келтуруптурурлар ва ҳар не ҳукм топибдурурлар мусаллам тутиб, муноқашалари бартараф

бўлубдур. Ва ғазалда Мир Шоҳий⁷⁶ ва Мавлоно Котибий⁷⁷ ва алар ғайри тарафидин доғи бу йўсунлуқ ва маснавийда ҳазрат Шайх Низомий ва Мир Хусрав Дехлавий жонибидин дағи бу дастурлуқ кўп воқеъ бўлуптур.

Барчадин куллийрак санад буким, Ҳазрати иршод паноҳи навара марқадаҳу Нуранки, каломи малики аллом ва аҳолиси мўъжаз низом, хайруланом алайҳиссалавоту васаламдин сўнгра форсий сўзда жамиъ алар сўзидин юқорироқ сўз йўқтур, кўпрак кутуб ва расоил ва ғазалиёт ва қасойиддаки, маоний гавҳарларин назм силкига кийдурур эрдилар ва замир ниҳонхонасидин анжуман тамошогоҳиға жилва берур эрдилар, анинг мусаввадасин бурунроқ бу фақирға илтифот ва эътиқод юзидин берур эрдиларким: «Бу авроқни ол ва боштин оёғиға назар сол, хотирингга ҳар не айтқу дек сўз келса, айт», деб ва ҳар не ишорат бўлғониким, мазкур бўлди, зоҳир қилсам, мақбул тушар эрди. Бу даъвоға далил буким, ўндин ортиқ кутуб ва расоилда ул Ҳазрат бу фақирнинг отин мазкур қилибдурлар. Ва кўпи табъ ва идрок ва мунга муносиб нималарга нисбат бериб, мастур қилибдурлар. Бу қабул назари асаридин бир қарндин ортуқ султон ус-салотини⁷⁸ сипехройин суҳбатларида ва фирдавс тазйин хидматларидаким, аҳли каломдин ва мақолдин фазлу камол зумрасининг мажмаидур ва илму фазлнинг манбаидур, бу фақирнинг сўзига мартаба рафеъ ва мақола васеъ эрди ва ўзига сўз жиҳатидин азим эътибор ва сўзига ўз жиҳатидин бийик поя ва миқдор.

Ва Султон ус-салотинки, мазҳари лутфи илоҳий ва музҳири анвори ҳақойиқи номутоноҳийдур ва фархунда замири улум гавҳарининг дарёси ва хўжаста хотири хоксор бандалар зотининг кимиёсидур, бу тоифанинг кўпрак истилоҳ ва қавоидидин олий мажлисда сўз ўтса мухотаб бу фақир, фасоҳат ва балоғат аҳли натойижи табъидин ҳар не мазкур бўлса, мушорун илайҳ бу ҳақирни қилур эрдилар. Ва ул миқдор бу туфроғнинг рутбасин фалакка еткуруб ва онча бу зарранинг поясин қуёшдин ошуруб эрдиларким, ўзларининг хуршед файз табъларидин зуҳур қилғон

рисола-ки, ўз гавҳаррез қаламларидин нигориш топибдур ва ўз камоҳий ҳолотлари кайфиятида гузориш сурати тутубдур, бу бойри бандаларини назм тариқининг барча навъида таърифлар битиб, соҳибқиронлик лақаби била сарафроз қилибдурлар ва бемисл ва анбозлиғ васфи била мумтоз этибдурлар ва муқаррардурки, ҳумоюн табълари замон мушкилотининг меъёридур, фархунда зеҳнлари олам дақойиқининг ҳаллоли ва соҳиб асрори.

Бандаи хоксор агарчи туфроғдин ўксук эрдим, аммо ул қуёш тарбияти била ранго-ранг гуллар очтим ва афкандаи беътибор агарчи заррадин камрак эрдим, ул соҳиб тақвияти била гуногун дурлар сочтим ва дилсўз абётим муножот аҳлиға ошуб ва ғавғо солди ва базмафрўз ғазалиётим хароботийларға оху вовайло солди.

Ҳосили калом, андин сўнграким, мунча қавий далоил ва азим шавоҳид била бу фақирнинг вуқуфи, балки маҳорати бу фаннинг форсий ва туркий назмида собит ва равшан бўлди, агар бирни яна бирга таржиҳ қилсам, керакки, бу тоифадин ҳеч кишига мусаллам тутуб, саддақа демакдин ўзга мақол ва мажол бўлмагай. Батахсиски, мунча бурҳони қотетъ била ҳам қатъ топқай ва истишҳодга бу мусаввадининг ҳам лафзи йўқки, ҳар ҳарфи фарёд урғайлар ва ғавғо кўтаргайлар.

Яна бир куллия буким, то мулк араб хулафоси ва салотинида эрди, фалак ул вақтда назм дабирига араб тили била жилва берди, андоқки, Ҳассон Собитдек ва Лақит⁷⁹дек малик ул-калом суҳангузорлар ва маъний офарин фасоҳатшиорлар пайдо бўлдилар ва ўз тиллари била назм адосининг додини бердилар.

Бу муносабат била араб салотини дағи Иброҳим Маҳди⁸⁰дек ва Маъмун⁸¹ халифадек ва булардин ўзга ҳам салотинзодалар ғарро назмлардин қасоид айттилар ва фавоид зоҳир қилдилар.

Чун мулкдин баъзи ақолим ва кишварда сорт салотини мустақил бўлдилар, ул муносабат била форсийгўй шуаро зуҳур қилдилар. Қасидада Хоқоний ва Анварий ва Камол Исмоил⁸² ва Заҳир⁸³ ва Салмондек ва маснавийда устози фан Фирдавсий⁸⁴ ва нодири

замон Шайх Низомий ва жодуйи ҳинд Мир Хусравдек ва ғазалда мухтариин вақт Шайх Муслиҳиддин Саъдий ва ягонаи аср Хожа Ҳофиз Шерозийдекки, буларнинг таърифи юқориноқ чун шаммаи сурулубдур ва васфларига қалам урулубдур. Сўзни узотмоқ ҳожат эмас ва калом татвилини маъни аҳли мустаҳсан демас. Ва бу муносабат била сорт салотинидин ҳам Султон Тўғ-рулдек ва Шоҳ Шужоъ⁸⁵дек олий қадр подшоҳлар ва рафеъмартаба анжумсипоҳлар рангин абёт ва ширин ғазалиёт айттидар ва замонларида машхур бўлди ва рўзгорлари авроқида мастур. То мулк араб ва сорт салотинидин турк хонларға интиқол топти, Ҳулогухон⁸⁶замонидин султони соҳибқирон Темур Кўрагон⁸⁷ замонидин фарзанди халафи Шоҳруҳ Султон⁸⁸нинг замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул Ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуш табъ салотине зуҳурга келди: шуаро Саккокий⁸⁹ ва Ҳайдар Хоразмий⁹⁰ ва Атоий⁹¹ ва Муқимий⁹² ва Яқиний⁹³ ва Амирий⁹⁴ ва Гадоий⁹⁵деклар. Ва форсий мазкур бўлғон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфий⁹⁶дин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўкуса бўлур. Ул жумладин бири будурким,

б а й т:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.

Ва салотиндин ҳам ўлгуча табъ асари ҳеч қайсидин зоҳир бўлмади ва варақ юзига нақш қилгуча нима қолмади, Султон Бобур⁹⁷дин ўзгаким, бу матлаъ алар табъи асаридурким,

б а й т:

Неча юзунг кўруб ҳайрон бўлайин,
Илоҳи мен санга қурбон бўлайин.

То бу вақтқачаким, мулк дудмоннинг тахти салтанатиға хотам ва тожи хилофатиға сазовор ва мусаллам, асолат баҳрининг дурри

шоҳвори, адолат маъданининг гавҳари олий миқдори,
сипаҳбадлиғ маъракасининг Рустами достон⁹⁸и, сипаҳдорлиғ
майдонининг Соми Наримони⁹⁹, сарафрозлиғ тожининг гавҳари
зебандаси, базмсозлиғ сипеҳрининг ахтари фархундаси,
жаҳондорлиғ базмининг Искандари¹⁰⁰ Жамшед¹⁰¹жоҳи,
жаҳонгирлиғ анжуманининг хуршеди олампаҳои, рифъат
жаҳонининг қуллаи гардунхароши, адолат сипеҳрининг саҳоби
гавҳарпоши, фазлу камол ҳадиқасининг мардумаки бийноси,
такаллум ва мақол ҳа-диқасининг булбули хуш навоси ас-султони
биннис-султон ал-хоқон бинни-л-хоқон муизз-ус-салтана ваддунё
вад-дин Абул Ғозий Султон Ҳусайн Баҳодирхон халадаллоҳ таоло
мулкаҳу ва салтанатаҳу ва афоза алал-оламина бирраҳу ва
мукарраматиҳи¹⁰².

Рубоий:

Ким то фалак офоқ уза давр қилур,
Анжум гули ҳар тун бу чамандин очилур,
Не шоҳ анинг зоти киби ёд билур,
Не табъ анинг табъидек истаб топилур.

Токим фалак эврлур, давом ўлсун анга,
Иқбол бисотида мақом ўлсун анга.
Ҳам нутқ била жонбахш калом ўлсун анга,
Ҳам назм каломи мустадом ўлсун анга.

Жаҳонбонлиқ тахтида мақом тутти ва кишварситонлик
маснадида ором топти – мулк силкига амният гавҳарларин чекти
ва жаҳон мазраъида жамият доналарин экти, чун салим (табъи)
гавҳари кони маоний эрди ва мустақим зеҳни мавриди файзи
субҳоний, калом аҳлига тарфия ва ибтиҳожлар ва калом хайлига
равнақ ва ривожлар даст берди. Ва ҳар илмда муфид таълифлар
ва ҳар фанда мунтиж таснифлар қилдилар ва ғариб расоили
маънавий зуҳур қилди ва ажиб давовин ва ғазал ва қасоид ва

маснавий ёйилди. Ва ўз шариф таъ ва латиф зеҳнларидин дағи, агарчи ҳам форсий демакка қодир ва ҳам туркча айтмоққа моҳир эрди, аммо аслий таъ иқтисоси ва шоеъ такаллум муносабати адоси била туркий девон тадвинига майл қилдилар ва дилпазир абёт ва беназир ғазалиёт тартиб бердиларки, то Уторид фалак девонхонасининг қаламзан ва роқимидур ва сипеҳр байтул-интизомининг рақамкаш ва нозими, андоқ гулшани дақойиқ гулу раёҳини била ороста ва ул навъ махзане маоний жавоҳири самини била пийроста кўрмайдур. Дақиқ маъни гулўзорлари салис алфоз кисватларида жилванамой ва ғариб мақсуд моҳрухсорлари латиф адо ҳуллаларида чехракушой. Девон демайки, баҳри Уммондур, ҳар ғазал анда жавоҳирдин мамлу бир сафина; сафина демайки, хазинадур, ҳар байти бир уй маоний гавҳарларидин анда юз дафина, сўзнок абётини ўқуғувчининг нафаси эл кўнглин ўртамакка самуми офат ва дардмандона алфозини адо қилғувчининг уни хорошидин маҳзунлар бағри жароҳат; иборати нишотлиғ замирларни мотамзада қилғувчи ва ҳарорати муздек совуғон кўнгулларни оташкада қилғувчи; ҳуруфи тартибида сеҳрсозлиғлар ва адоси таркибида фусунпардозлиғлар ҳосилки, туркча тил била бу навъ девонки, мазкур бўлди ва таърифи бу сифат ва ойин билаки, мастур бўлдиким, бу йўсунлуқ ғаройиб йўқки, салотини мукаррами Доро ҳашамдин, балки шуаройи қудсий нафаси Масиҳ дамдин воқеъ бўлмайдур ва ораға кирмайдур, воқеъ бўлди ва ораға тушти ва анинг зулоли ҳаётининг файзи қуёш чашмасидин ўтгали ёвушти ва бу тоифанинг бебахралари, бу руҳ нақдидин баҳраёб ва лаб ташналари бу оби ҳаётдин сероб бўлдилар. Бовужуд бу султон ус-салотиннинг кимиеасар хотири ва хуршедосор замири дағи мунга мойилки, турк нозимлари ўз алфозлари билан шеърга машғуллуқ қилғайлар ва кўнгул ғунчаси доғидинки, печлар чирманибдур баҳор насимидек анфос била гулдек очилғайлар. Ва илтифот ва эҳтимом юзидин баъзи маънилар топиб, назм қилурга ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубиға таъйинлар ва адосига таълимлар ҳам изҳори бўлди.

Турк улусининг хуш табъ беклари ва мирзодалари ва соҳиби зеҳни пок табълари ва озодалари андоққи, керак машғуллуқ асбобин туза олмадилар ва ул навъ табъ натижаси кўргуза олмадиларки, андин хушгўй-луқ умиди тутса бўлғай, балки бу умидни аларнинг рўзгори ҳолига ёвутса бўлғай. Турфароқ буким, бу навъ подшоҳи сухандон тарғиби ва талқини, эҳсони ва таҳсини қоидаи мутобаат ва мувофақатни унутиб ва жоддаи нофармонлиғ ва залолатни тутуб, кўпи, балки бориси форсийға мойил бўлдилар ва ул тил била назмга қойил. Бу иш мундин ўзга бўла олмаски, турк тили таърифида андоққи, юқорироқ мазкур бўлди: бовужуди алфоз касрати ва иборат вусъати ва маоний ғаробати ва адо салосати дилпазир боғламоқда суубат бор ва дилписанд тартиб бермакта табъ ранж ва уқубат топар, лозим кўрунди турк тили шарҳида бир неча вараққа зеб-оройиш бермак ва анда ҳазрати султон ус-салотин муломайи табъ ва маҳорати зеҳнларин шарҳ этмак ва ҳумоюн раъйлари тартиб берган девон бобида бир неча сўз густохлиғ юзидин сурмак ва ул ҳазрат камоли донолиқ ва вуқуфи тавонолиғ ниҳоятин бу фан асҳобиға ва бу фазл арбобиға таълимлар бериб ва талқинлар қилиб, булар ул ҳазратнинг дақиқ сўзин ё англамай, ё англасалар буюрулгон йўсун била амал қилмай, ё қила олмай. Ва бу заифи хоксор ул ҳазратнинг қудсий нафаси посини асраб ва вожибул-изъон ҳукмларига итоат ва фармонбардорлиқ қилиб, кўнглумдин ва тилимдин келганча ва қаламим ва илгимдин қувват фаҳм қилганча ул ҳазратқа бовужуди бандалиғ ва ул бандалиғ била саодатмандлиғ ва фархундалиғ – шогирдликка дағи ўзумни мушаррафу аржуманд ва мубоҳию сарбаланд қилдим. Ва йиллар турк тили ва назми қоида ва услубида билмаганларимни сўруб ва мушкилларимни ҳаллоли мушкилотим тобуғида арзга еткуруб, азим фоидалар топиб, куллий натижалар кўрдум. Ул Ҳазратнинг таълими ва тарбияти била ва раҳнамойлиғи ва тақвияти била ишим ул ерга еттиким, ул ҳазрат ўз пок табълари натижасидин зоҳир бўлгон рисолаки, ўз маорифнигор килки таҳрири эрди ва ўз латоифосор нутқи тақрири, алқобимни юқори адо қилдимки,

не унвон била сабт қилдиларки, муқаррар қилмоқ ҳожат эрмас. Бу бандага ҳам чун бу навъ азим давлатки, ҳақ субҳонаху ва таолонинг «Ал-мутакаллим» деган исмиға мазҳарийят бўлғай ва халойиқ орасида такаллумда ақрон ва амсолдин имтиёз ва эътибор ва улуғ от била овоза ва иштиҳорғаки, ул ҳазратнинг иноят ва эҳтимомлари боис бўлди ва юқори мазкур бўлғон давовин ва маснавий ва соир кутуб ва расоили маънавийки, то олам биносидур бу тоифадин ҳеч кимга ижтимое даст бермайдур ва ихтирое муяссар бўлмайдур, даст берди ва муяссар бўлди. Агарчи борчани ул Ҳазратнинг шариф исмиға муҳайял ва ҳумоюн алқобиға музайял қилибмен, буларни соир иноятлари муқобаласида тутуб «Ал-мутакаллим» исмиға мазҳариятим узриға туркий ва сорт луғати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисолаи жамъ қилиб битидим. Ва анга «Муҳокамат ул-луғатайн» от қўйдум, то турк эли тили фасоҳату диққати ва балоғату вусъятики, ул Ҳазрат бу тил ва иборат била назм бисоти тузубдурлар ва Масихо анфоси ва Хизр зулолидин ўлук тиргузмак тариқин олам аҳлига кўргузубдурлар, зоҳир қилдим. Ва хаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасихлариға улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишидин қутулдилар. Алар дағи ранж ва машаққатим муқобаласида, чун бу махфий илмдинки, зоҳир қилибмен, вукуф топсалар, умид улким, бу фақирни хайр дуоси била ёд қилғайлар ва руҳумни анинг била шод қилғайлар.

Р у б о и й:

Бу номаки, ёзди қаламим тортиб тил,
Таърихин анинг жумодиюл-аввал бил,
Куннинг рақамини чоршанба қилғил,
Тўққиз юз йилдин ўтуб эрди беш йил¹⁰³.

МЕЗОН УЛ-АВЗОН*

И. Султон нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга
тайёрловчи:
СУЙИМА ҒАНИЕВА

БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Комил ҳамд ва вофир шукр ул сониъгаким инсон хилқати байтининг назмин аносир тўрт рукни била тузди ва бу байт арконин назм аҳлининг солим табъ ва мустақим зеҳни икки мисраи била манзум кўргузди. Ва жаҳид наът ва қариб дуруд ул нозимгаким, олам аҳли интизоми учун шариат мезонини адл авзони била рост келтурди, то ул ростлик сиқли ҳашр мезониға мадад еткурди.

Аммо баъд, солим ва мавзун табълиғ назм аҳлига ва матбуъ табъ ва мулойим зеҳнлик шеър хайлиға маъруз улким, бу банда ҳазрати султон ус-салотин муизз ус-салтанати вад-дунё вад-дин Султон Ҳусайн Баҳодирхон халладаллоҳу мулкаҳу ва адома

* Навоийнинг бу асари туркигўй халқларни аруз илмидан баҳраманд этиш ниятида ёзилган. Шоир анъанавий арузга туркий шеърятга хос бўлган вазнларни, уларнинг баҳрларини қўшди.

«Мезон ул-авзон»дан аввал Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунуни балоға», кейин эса Бобурнинг «Рисолаи аруз»и туркийда яратилган.

«Мезон ул-авзон» 1993 йилда проф. Камол Эраслан томонидан Туркияда нашр этилаётган Навоий қуллиётининг 14-жилди сифатида босмадан чиқди. Ундаги қисқа маълумотномада Навоийнинг ҳаёти, адабий фаолияти ва асарлари адади берилади. Асарлар саногида «Зубдат ут-таворих» ҳам бор, лекин бу Навоийнинг алоҳида асари бўлмай, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ва «Тарихи мулуки Ажам»га шоир берган умумий номдир.

Киришда Камол Эраслан аруз ва аруз илми, бу соҳадаги Навоий хизмати ҳақида, жаҳон хазиначаридаги «Мезон ул-авзон»нинг қўлёзмалари ҳақида маълумотлар беради. Асар матни сўнгида нусхалардаги фарқлар (3 бет), матннинг ҳозирги турк тилига ўгирилган матни, аруз вазнлари (5 бет) ва аруз атамалари (71 бет) берилгандир.

умраҳу¹ ва давлатаҳунинг ҳар навъ назм бобида таълим ва тарбиятлари била ва ҳар синф шеър услубида тафҳим ва тақвиятлари била ажам шуароси ва фурс фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, маъни абкориға зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чиғатой лафзи била рақам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлғон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға бу муяссар бўлмайдур.

Аммо чун ул Ҳазратнинг шариф мажлислари маоний жавоҳирининг кони эрди ва латиф таъълари назм қавоидининг мезони ва замон шуароси олий даргоҳда ходим ва даврон булағо ва зурафоси маолий боргоҳда мулозим эрдилар, мудом назм ва насрдин сўз мазкур ва аладдавом шеър ва муаммодин таъб натойижи мастур бўлур эрди ва ул ҳазратнинг дақойиқшиор таъълари назм ойини ва интишориға толиб ва ҳақойиқосор зеҳнлари шеър тартиби ва иштиҳориға роғиб; андоқки, назм аҳлининг шакаррези ва муҳаббат хайлининг оташангези, дарду шавқ тариқининг покрави, яъни Амир Хусрав Деҳлавий раваҳаллоҳу руҳаҳунинг ғазалиётиниким, тўрт девонға машҳурдур, улча саъй ва имкони бор, қилилиб, йиғдурдилар ва анинг абёти адади ўн секкиз мингға етти ва ани ғоятти зийнату зеб ва ниҳоятти такаллуф ва жадвалу тазҳиб била замон хушнавислариға китобат қилдурдилар ва анинг ривож ва равнақин қуёшдек ройи оламорой машғуллиқи била фалақдин ошурдилар. Чун ул маликул-калом бу фанда маҳорату камолидин ва амийқ таъбу дақиқ хаёлидин кўпрак баҳрда шеър айтибдур ва аксар назм номатбуъ вазнда дебдур ва замон зурафосидин баъзининг солим таъби анинг балоғатидин қосир ва идрокидин мутаҳаййир, балки мутанаффир эрди. Ул Ҳазратнинг ҳумоюн таъълариға ғариб ихтирое ва ажиб ижтиҳоде келдиким, ҳаргиз салотиндин, балки шуаройи назм ойиндин ҳеч кимнинг хаёлиға келмайдур ва хотириға хутур қилмайдур.

¹ Тарж. ар.: Оллоҳ мулкани даҳлсиз ва умрини узун қилсин!

Анинг шарҳи будурки, ул девонда ҳар ғазал бошида ул ғазал не баҳрда ва не вазнда эрканин ва аркониға қайси зиҳоф кириб, не навъ тағайюр топқанин битгайлар ва сабт қилғайлар, то барча эл ул баҳр аҳ-волини ва ул вазн ашколини маълум қилғайлар ва алҳақ бу хаёл асру ғариб ва нодир тушубдур, балки жамъи девон тартиб берган шуароға азим ҳаққе собит бўлубдур. Ва бу банданинг дағи тўрт девониғаким, туркча тил билан назм топибдур ва абёти адади йигирми беш мингга яқинлашибдурким, ул Ҳазратнинг ҳумоюн алқобиға рақам топибдур ва музайян бўлубдур ҳам ушбу мазкур бўлғон дастур била тартиб берилибдур.

Чун ул Ҳазратнинг муборак хотирлари шеър бухуру авзониға ва назм қавоиду мезониға мунча мойил эрди, аруз фаннида бу мухтасар сабт бўлди ва анга «Мезон ул-авзон» от қўюлди ва неча қоидау доира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возии Халил ибни Аҳмад² ва илм устои Шамс Қайс³ кутубида ва Хожа Насир Тусий⁴нинг «Меъёр ул-ашъор»ида, балки Ҳазрати Махдумий⁵ наввара марқадаҳу нуран «Аруз»ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихрож қилиб эрдиким, бу китобға изофа қилдим. Эмди Тенгридин тавфиқ тилаб, ул азизлар руҳидин истимдод қилиб, шуруъ қилилур.

Аммо билгилким, аруз фаннимким, назм авзонининг мезонидур, шариф фандур. Невчунким, назм илмининг рутбаси бағоят бийик рутбадур. Андоқки, ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг каломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубдурки, аруз қавоиди била ростдур. Ул жумладин бири бу оятдурким: «Лан

² Халил ибн Аҳмад (ваф. 175/791) – Аруз илмининг асосчиси. Арузга оид асари «Китоб ул-айн» деб аталади. Бир ривоятга кўра у аруз ҳақидаги асарини Маккада, бошқасида Басрада ёзган дейилади.

³ Шамс Қайс – Шамсуддин Муҳаммад бин Қайс Розий (ваф. 628/1230 – 31) Эроннинг Рай шаҳрида туғилган. Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Бухоро, Марв, Ироқда яшаган, мўғуллар истилоси йилларида сарсон-саргардонликда машаққатлар чеккан. Унинг «Ал-мўъжам» асари машҳур бўлган.

⁴ Хожа Насир Тусий (597/1200 – 1201 – 672/1273 – 1274) – «Асос ул-иқтибос» ва «Меъёр ул-ашъор» номли арузга оид асарлари бор.

⁵ Махдуми Нуран – Абдурахмон Жомийнинг лақаби.

таноллуваал бирра ҳатто тунфиқуна»⁶дур, «рамали мусаддаси маҳзуф» воқеъ бўлубдур. Ва яна будурким: «Вал-мурсалоти урфан, фал-осифати асфан»⁷ким, вазни: «мафъулу фоъилотун мафъулу фоъилотун»дур, «музореи мусаммани ахраб» воқеъ бўлубдур. Ва яна: «Жанноти аднин фадхуллуҳо холидин»⁸ким, вазни: «мустафъилун, мустафъилун, мустафъилон»дур ва «ражази мусаддаси музол» воқеъ бўлубдур. Ва Каломуллоҳда кўп ерда бу навъ воқеъдур. Ва Расул саллаллоҳу алайҳи вассаллам аҳодисида дағи ҳам бу тариқ тушубдур. Ул жумладин бири будурким, «ман акрама олимани фақад акрамани»⁹ким, вазни: «мафъулу мафоилун мафоийлу фаул»дур ва рубоий вазнида «ҳазажи ахраби мақбузи макфуфи мажбуб» воқеъ бўлубдур.

Ва Амир ул-мўъминин Али¹⁰ каррамаллоҳу ваҷҳахунинг ашъори кўпдур, балки девони бор. Яна машойих ва аймма ва авлиёуллоҳдин ҳам кўп азимуш-шаън элнинг назми, балки девони ва маснавий тариқи била китоблари борким, истишҳодға ҳожат эмас, нечунким, халойиқ қошида равшандурур ва ҳам сўз татвил топар. Ва бу назмларнинг асли ва зобитаси аруз бухур ва авзониға мавқуфдур.

Бас собит бўлдимки, аруз фани шариф фандур. Ва буким, бу илмни нечун «аруз» дедилар, мухталиф ақвол бор. Ул жумладин, бири била иктифо қилидур. Ва ул будурким, Халил ибни Аҳмад раҳматуллоҳқи, бу фаннинг возиидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул

⁶ Тарж- ар.: «Суйган нарсаларингизни инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз» (Қуръон. «Оли Имрон» сураси, 92-оят).

⁷ «Пайдар-пай юбориладиган самоллар ва кутирадиган бўронларга қасам» (Қуръон. «Вар-мурсалат» сураси, 21. 1, 2-оятлар).

⁸ «[Тақводор зотлар учун] барча дарвозалари очиқ мангу жаннатлар бордир. Унга мангу қолғувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз» (Қуръон. «Сод» ва «Зумар» суралари. 50 ва 70-оятлар).

⁹ Амир Хусрав Дехлавий – Қаранг: Ушбу китоб, изоҳлар, 311-бет.

¹⁰ Амир ал-мўъминин Али – Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (661 йилда қатл қилинган). Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва кўеви. У «хулафо ар-рошидин» (тўғри йўлдан боровчи халифалар) деб аталган («Чорёрлар» ҳам дейдилар) дастлабки тўрт халифадан тўртинчиси. Ислолдаги икки асосий оқимлардан бири «шиалик»ни ташкил этган ва шиаларнинг биринчи имоми.

водийда аъроб уйлари тикиб, жилва бериб, баҳоға киюрурлар эрмиш. Ва уйни араб «байт» дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунини номавзундин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳоси маълум бўлур, бу муносабат била «аруз» дебдурлар. Байтники уй оти бирла отабдурлар, муносабати муни дебдурларки, уйнинг чун биноси тўрт рукн биладур, бу байтнинг ҳам биноси тўрт рукн биладур, бу байтда ҳам маъни ҳайсиятидин кўп нималар бўлур, ҳатто уйнинг маҳзунот ва махфиёти ўрниға ҳам мунда махфий ва мактум хаёлот ва маони топса бўлур, бу муносабатлардин ани «байт» дебдурлар.

Аммо маълум бўлсункин, аруз фани аҳли назм авзони усулининг биносин уч рукнға қўюбдурларким, аларни сабаб ва батад ва фосила дебдурлар.

Сабаб икки навъдур: сабаби хафиф ва ул лафзедур муштамил: бир мутаҳаррик ва бир сокинға, андоқким, май ва най ва гул ва мул. Ва сабаби сақийл ва ул лафзедур муштамил: икки мутаҳаррикка, андоқким, юзи ва кўзи ва хати ва қади.

Ва батад дағи икки қисмдур: ва батади мажмуъ ва ул лафзедур: икки бурунқи ҳарфи мутаҳаррик ва бир сўнгқи ҳарфи сокин, андоқким, шажар ва самар ва Хўтан ва Адан. Ва батади мафруқ ва ул лафзедур: бурунқи ва сўнгқи ҳарфи мутаҳаррик ва ўртанчи ҳарфи сокин, андоқким, хома ва нома ва ноқа ва фоқа.

Фосила дағи икки навъдур: фосилаи суғро ва ул лафзедур: уч ҳарфи мутаҳаррик ва тўртунчи ҳарфи сокин, андоқким, мираким ва юраким. Ва фосилаи кубро ва ул лафзедур: тўрт ҳарфи мутаҳаррик ва бешинчи ҳарфи сокиндур, андоқким, яшамаған ва кисамаған.

Ва бу арконнинг мажмуи бу калимот таркибида даражадурким: «Ул кўзи қаро дарду ғамидин чидамадим».

Ва мавзун калом таълиф бу арконнинг ҳеч қайсини то яна бириға мураккаб қилмағайлар, мустаҳсан тушмас. Не сабабдин, андоқким,

б а й т:

*Эй ой, келким, ёрингдурмен,
Фурқат шоми зорингдурмен.*

Ва не автоддин, андоқким,

б а й т:

*Қади ҳавосидин гаҳи шажар сари назар қилай,
Юзи хаёлидин гаҳи чаман сари гузар қилай.*

Ва не фавосилдин, андоқким,

б а й т:

*Мираким, тилаким чу сен ўлдунгу бас,
Не қилай яналар кўрарни ҳавас.*

Пас мавзун калом таълифида бу аркон таркибидин гузир йўқтур ва арабу ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоидиндур ва аруз аҳли ани «афойил» ва «тафойил» дерлар ва ул секкиз фаслға мунҳасирдур:

- 1) Фаъулун – ватади мажмуъ тақдими била сабаби хафифқа.
- 2) Фоъилун – сабаби хафиф тақдими била ватади мажмуъқа.
- 3) Мафоъийлун – ватади мажмуъ тақдими била икки сабаби хафифқа.
- 4) Мустафиълун – икки сабаби хафиф тақдими била ватади мажмуъқа.
- 5) Фоъилотун – ватади мажмуъ кивурмак била икки сабаби хафиф орасиға.
- 6) Мафоъилатун – ватади мажмуъ тақдими била фосилаи суғроға.
- 7) Мутафоъилун – фосилаи суғро тақдими била ватади мажмуъға.
- 8) Мафъулоту – икки сабаби хафиф тақдими била ватади мафрукқа.

Ва улча бу секкиз усулдин форсий шеърда касирул-вуқуъдур –

бешдур: 1) мафоъилун, 2) ва фоъилотун, 3) ва мустафъилун, 4) ва мафъулоту, 5) ва фаъулун. Ва туркча шеърда ҳам улча мулоҳаза қилилибдур, бу аркондин ўзга вуқуъ топмас, магар такаллуф била. Ва бу беш аслнинг ҳар бирига неча фаръдурким тағайнорлар сабабидинки, ани арузийлар «зиҳоф» дерлар, ҳосил бўлур. Ул жиҳатдин зиҳоф ва фуруъ орасида бир фасл тартиб берилди.

Фасл. Мафоъийлун зиҳофоти ўн бирдир ва фуруи дағи ўн бирдур. Аммо зиҳофи: 1) «Қабз» – мафоъийлун «ё»сининг исқотидур, то мафоъилун қолғай. 2) «Қаф» – мафоъийлун «нун»унинг исқотидур, то ма-фоъийлу қолғай. 3) «Харм» мафоъийлун «мим»ининг исқотидур, то фоъийлун қолғай ва мафъулун анинг ўрниға битарлар. 4) «Харб» – мафоъийлун «мим»и ва «нун»ининг исқотидур, то фоъийлу қолғай ва мафъулу анинг ўрниға битарлар. 5) «Шатар» – мафоъийлун «мим» ва «ё»сининг исқотидур, то фоъилун қолғай. 6) «Ҳафз» – мафоъийлуннинг охир жузвининг охир сабаби хафифи исқотидур, бас мафоъийлундин мафоъий қолғай ва фаъулун анинг ўрниға қўярлар. 7) «Қаср» – охир жузвининг, яъни сабаби хафиф охирининг исқотидур ва мақобилининг искони бас мафоъийлун мафоъийл бўлғай. 8) «Ҳатм» – «ҳазф» ва «қаср» ижтимои, бас мафоъийлунда мафоъ қолғай ва фаъул анинг ўрниға қўярлар. 9) «Жабб» – икки сабаби хафиф исқотидур, бас мафоъийлундин мафоъ қолғай ва фаъул анинг ўрниға қўярлар. 10) «Залал» – «ҳатм» ва «харм» ижтимоидур, мафоъийлунда бас фоъ қолғай.¹¹⁾ «Батар» – «жабб» ва «харм» ижтимоидур,

¹¹ Хожа Исмаи Бухорий (ваф. 1437) – Бухорода яшаб ижод қилган шоир. Халил Султон саройида хизмат қилган. Халил Султон зиндонбанд этилгандан сўнг у саргардонликка учрайди. Улуғбек тахтга ўтиргач, Исмаи Бухорийни саройга таклиф этади. Лекин шоир таклифни қабул қилмайди, у узлатни, дарвешлар орасида бўлишни афзал кўради. Исмаи Бухорийнинг 8000 минг байтдан иборат шеърлар девони, «Иброҳим Адҳам» номли маснавийси мавжуд. Шоирнинг тасаввуфий фикрлар, сўфиёна ҳис-туйғулар билан йўғрилган шеърлари халқ орасида машхур бўлган. Шоирнинг девонида Улуғбекка (13), Халил Султонга (40) ва Темурий шаҳзодаларга бағишланган жамъи 75қасида, 466 ғазал, мухаммас, қитъа ва бошқа шакллардаги шеърлари мавжуд. Бу девон 1987 йилда Техронда нашр қилинди. Унга Аҳмад Карамий «Забардаст олим ва порсо ориф» номли (6,5 саҳ.) сўзбоши ёзган. Сўзбошида таъкидланишича, ирфоний жиҳатдан Исмаи Бухорий шеърлари Ҳофизга ва равонлиқда Саъдийга ўхшайди. Шоир

мафoъийлунда бас фoъ қoлғай, фаъ анинг ўрниға қўярлар.

Аммо фуруъи: мафoъилун – мақбуз; мафoъийлу – махфуф; мафаъулун – ахрам; мафаъулу – ахраб; фoъилун – аштар; фаъулун – маҳзуф; мафoъийл – мақсур; аул – аҳтам; фаул – мажбууб; фoъ-асалл; фаъ-абтар.

Фoъилотун зиҳoфоти ўндур ва фуруъи ўн беш. Аммо зиҳoфоти: 1) «Ҳабн» – аввал жузвнинг сабаби хафифининг сокин ҳарфининг исқотидур, бас фoъилотундин фаъилотун қoлғай. 2) «Каф» – бешинчи ҳарф исқотидур, бас фoъилотун фoъилон бўлғай. 3) «Шакл» – «ҳабн» ва «каф» ижтимоидур, бас фoъилотун фаъилоту бўлғай. 4) «Ҳазф» – фoъилотунда «то» ва «нун» исқотидур – фoъило бўлур ва фoъилун анинг ўрниға битирлар. 5) «Қаср» – фoъилотунда фoъилот бўлур ва фoъилон анинг ўрниға қўярлар ва баъзи ҳамул «то»ға тағйир бермай мазкур қилурлар. 6) «Қатъ» – фoъилотунда сўнгғи сабаб исқотидур ва ватад сокинининг ҳам исқоти ва моқабли искони, бас фoъил қoлғай ва фаълун анинг ўрниға қўярлар, аммо баъзи ани салм дебдурлар. 7) «Ташъис» – фoъилотун ватадининг икки мутаҳаррикидин бирининг неқотидур, то фoъотун қoлғай, ё фoлотун қoлғай, ҳар тақдир била мафъулун анинг ўрниға қўярлар. 8) «Жаҳф» – фoъилотунни хабн қилмоқдур ва фoсилани исқот қилмоқ, тун қoлғай, фаъ анинг ўрниға қўярлар. 9) «Тасбиғ» – охир жузвнинг сабаби хафифиға бир ҳарф ортурмоқдурким, фoъилотун фoъилотон бўлғай, фoъилиён анинг ўрниға қўярлар. 10) «Рабъ» – фoъилотунда қатъ ва ҳабн ижтимоидурким, фаул қoлған.

Аммо фуруъи: фаилотун – махбун; фoъилатун – мақфур; фаъилоту – машкул; фoъилун – маҳзуф; фаилун – махбуни мақсур; фoъилун – махбуни маҳзуф; фаълун – мақту; мафъулун – мушаъас; фаълои – мақтуи мусаббаъ; фаул – марбуъ; фoилиён – мусаббаъ; фoлиён – махбуни мусаббаъ; фoъ – мажхуфи мусаббаъ; фаъ – мажхуф.

Ва мустафъилун зиҳoфоти тўққуздуру ва фуруъи ўн тўрт.

Аммо зиҳфоти: 1) «Хабн» – мустафъилунда мутафъилун бўлур, мафъилун анинг ўрнига қўярлар. 2) «Тай» – мустафъилуннинг тўртунчи ҳарфининг исқотидур, мустаъилун қолур, муфтаъилун анинг ўрнига қўярлар. 3) «Қатъ» – мустафъилуннинг «нун»ининг исқотидур ва «лом»ининг искони, мустафъил қолур, мафъулун анинг ўрнига қўярлар. 4) «Тахлиъ» – мус-тафиълунда «хабн» ва «қатъ» ижтимоидур, мутафъил қолур, фаъулун анинг ўрнига қўярлар. 5) «Ҳазаж» – мустафъилуннинг ватади исқотидур, мустаф қолур, фаълун анинг ўрнига қўярлар. 6) «Рафъ» – бир сабаби; хафиф исқотидур, ул жузвдинким, аввали икки сабаби хафифдур, бас мустафъилундин тафъилун қолғай, фоилун анинг ўрнига қўярлар. 7) «Хабл» – мустафъилундин «син» ва «фо» исқотидур, яъни «хабн» ва «тай» ижтимоидур, мутаъилун қолур, фаъилатун анинг ўрнига қўярлар. 8) «Изола» – мустафъилуннинг охиридағи ватади мажмуъа бир сокин орттурмоқдур, мустафъилон бўлур. 9) «Тарфил» – мустафъилуннинг ватади мажмуъиға бир сабаби хафиф изофа қилмоқдур, мустафъилотун бўлур, мустафъилотун анинг ўрнига қўярлар.

Аммо анинг фуруъи: мафоилун – махбун; муфтаилун-матвий; мафъулун – мақтуъ; фаулун – мухаллаъ; фаъилун – маҳзуз; фоилун – марфуъ; фаилатун – махбул; мафоилон – ватвийи музол; мустафъилен – музол; фаилатон – махбуни музол; мафоилотун – махбуни мураффал; муфтаилотун – матвийи мураффал; мустаъилотун – мураффал.

Мафъулоту зиҳфоти тўққуздур ва фуруъи ўн тўрт. Аммо зиҳфоти: 1) «Хабн» – мафъулотуда мафъулоту бўлур ва мафъилу анинг ўрнига қўярлар. 2) «Тай» – мафъулотуда мафъилоту бўлур, фоилоту анинг ўрнига қўярлар. 3) «Хабл» – мафъулотуда «хабн» ва «тай» ижтимоидур, маъилоту бўлур, файлоту анинг ўрнига қўярлар. 4) «Вақф» – мафъулоту «то»сининг исконидур, мафъулун анинг ўрнига қўярлар. 5) «Кашф» – мафъулоту «то»сининг исқотидур, мафъулун анинг ўрнига қўярлар. 6) «Салм» – мафъулоту ватадининг исқотидур – мафъу қолур, фаълун анинг ўрнига қўярлар. 7) «Жадъ» –

мафъулотунинг, иккала сабабининг исқоти ва «то»сининг исконидур – лот қолур, фоъ анинг ўрнига қўярлар. 8) «Наҳр» – мафъулотунинг иккала сабаби ва «то»сининг исқотидур – ло қолур, фаъ анинг ўрнига қўярлар. 9) «Рафъ» – мафъулотунинг бурунқи сабабининг исқотидур, улоту қолур, мафъулу анинг ўрнига қўярлар.

Аммо анинг фуруъи; мафойилу – махбун; фоилоту – матвий; файлоту – махбул; мафъулун – мавқуф; мафъулун – макшуф; фаулун – махбуни мақшуф; фаулун – махбуни мавқуф; фаълун – аслам; фоилун – матвийи мавқуф; фоилун – матвийи, макшуф; файлу – махбуни матвийи макшуф; мафъулу – марфуъ; фоъ – маждуъ; фаъ – манхур.

Ва фаулуннинг зиҳфоти олтидурур, фуруъи ҳам олти. Аммо зиҳфоти: 1) «Қабз» – фаулунда фаулу бўлур, «лом» замми бирла. 2) «Қаср» – фаулунда фаул бўлур, «лом» сукуни била. 3) «Ҳазф» – фаулунда фау бўлур, фаул анинг ўрнига қўярлар. 4) «Салм» – фаулунда «фо» исқотидур, улун қолур; фаълун анинг ўрнига қўярлар. 5) «Сарм» – : фаулунда «фо» ва «нун» исқотидур, улу қолур, фаълун анинг ўрнига қўярлар. 6) «Батар» – фаулунда ватади мажмуъ исқотидур, лун қолур, фаъ анинг ўрнига қўярлар. Аммо анинг фуруъи: фаулу – мақбуз; фаулу – мақсур; фаул – мақзуф; фаълун – аслам; фаълун – асрам; фаъ – абтар.

Фасл. Чун авзон ва баъзи зиҳфот фуруъиким, муҳтожун илайҳ эди, билинди. Эмди билким, бухуреки баъзининг такрори ва баъзининг таркиби баъзи била ҳосил бўлур, ўн тўққузду, баъзи арабқа махсус ва баъзи ажамқа махсус ва баъзи муштарак ва турк шуаросиға миллати истиъмолдин ҳеч қайси бу вақтқа дегинча махсус эмас эрмиш ва мулойим таълиғ нозимлар ҳар баҳр ва вазнда кайфа маттафақ назм айтур эрмишлар ва аруз қоида ва зобитасидин бевакуф эрмишлар, то бу вақтда Тенгри иноятин турк тили била шеър ажам шуаросиға махсус бухур ва авзон дағи назм силкиға кирди.

Аммо бухур асомиси: тавил, мадид, басит, вофир, комил, ҳажаз, ражаз, рамал, мунсарих, музориъ, муқтазаб, мужтасс, сарий,

жадид, қарийб, хафиф, мушокил, мутақориб, мутадорик.

Аммо тавил ва мадид ва басит биноси икки мухталиф жузвгадур, бири хумосий ва бири субойй.

Тавил ажзоси икки қатла: «фаулун мафойилун (фаулун мафойилун)»дур, андоққим

б а й т:

*Десам оразу зулфунг ул ўтдур, тутундур бу,
Дер ондин санга куймак, бу бирдур қаро қайғу.*

«Фоъилотун фоъилун»дур, андоққим,

б а й т:

*Чехрадин бурқаъ очиб ўтқа куйдурдунг мани,
Чун кул ўлди пайкарим, қўкка совурдунг мани.*

Ва басит ажзоси икки қатла: «мустафъилун фоъилун мустафъилун фоъилун»дур, андоққим,

б а й т:

*Ишқинг мени туну кун мажнуну зор айламиш,
Кўнглумни зору ҳазин, жисмим низор айламиш.*

Вофир ва комил биноси субонётгадур: мураккаб беш мутаҳаррик ва икки сокиндин. Вофир ажзоси мусаддасда олти қатла «мафоилатун», андоққим,

б а й т:

*На фурқат эрур сенсизин ўртанур юраким,
Не бўлғай агар манга гузар айласанг, мираким.*


Ва комил ажзоси ҳам мусаддасда олти қатла «мутафоъилун»дур, андоққим,


б а й т:

*Не бало эмиш сенинг ул хиром ила қоматиинг,
Гаҳи суръатинг, гаҳи ноз бирла иқоматинг.*


Ва аҷам шуаросиға бу беш биҳордаким, мазкур бўлди, назм оз воқеъ бўлмиш бўлғай.

Аммо ҳажаз ва ражаз ва рамал биноси тавил ва мадид ва баситнинг субоиётиғадур. Ҳазажи мусаммани солимда секкиз қатла «мафойилун»дур, ва ражаз ажзоси саккиз қатла «мустафилун»дур ва рамал ажзоси саккиз қатла «фойлотун»дур. Ва бу баҳрни бир доираға қўюбдурлар ва ул доирани «Муъталифа» дебдурлар. Ва ул бу сурат била дурур:






Ва мутақориб ва мутадорик ажзоси хулосиётқадурки, мураккаб уч мутаҳаррик ва икки сокиндиндурлар. Мутақориб ажзоси секкиз қатла «фаъулун» ва мутадорик ажзоси секкиз қатла «фаъилун» ва бу икки баҳрни бир доирада қўюб, отин «Муттафиқа» дебдурлар. Бу сурат биладур:




Агар мунсариҳ ва музориъ ва муқтазаб ва мужтасс баҳриға зиҳофот йўл бериб, мусамман қилиб, бир доира қўбдурлар ва сариъ ва жадид ва қарийб ва хафиф ва мушокил баҳриға дағи зиҳофот дохил қилиб, яна бир доира қўбдурлар. Аммо буларнинг солиминики, анга ҳеч зиҳоф кирмамиш бўлғай, ҳеч доирага тартиб била забт қилмайдурлар.

Бу мазкур бўлган тўққуз асл баҳрнинг солиминики, зиҳофот духулидин саломат қолмиш бўлғайлар, бир доираи азимада жамъ қилиб, ҳар бирининг ўрниға алоҳида мисол келтуруб, тўққузтасини яна бир мисраъдин ҳам истихрож қилиб, ул «Доираи мужтамаи» дейилди ва бу доира расми замон зурафосидин баъзининг хаёлига келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим ва ул бу навъ сурат биладур, ҳоказо:



Ва комил баҳри била вофир баҳрида чун назм кам воқиъ бўлубдур, агар солим ва матбуъ баҳрлардур, аммо доирасиға оз таъарруз қилибдурлар, ул икки баҳрға дағи доира қўюлди ва анинг отин «Доираи мухталита» дейилди, бу сурат биладур:



Аммо тавил ва мадид ва басит баҳри араб шуаросининг махсусидур, алар арузларида доираға киюрубдурлар ва ажам шуароси анга машғул бўлмайдурлар, аларни дағи бир доираға киюруб, бу мухтасарға дохил қилилдиким, ул доирадин орий бўлмағай ва ани «Доираи муштабиқа» дебдурлар, бу сурат биладур:

Тақтиъи: Кетти улким – фоилотун – сендин ором – фоилотун – истагаймен, фоилотун – эй кўнгул – фоилун – ким мулоҳаза қилилса бу мисраъда ўн тўрт ҳарфи тақтиъ қилурда хориж бўлур. Ва ул «ё»ларким, хастае ва бастае ва ёрае ва оворае ва ёнае лафзидек танкир ва сифат ҳолида зоҳир бўлур, тақтиъ чоғи дохил қилурлар, андоқким,

б а й т:

*Хастаеким, бастаи ул зулф эрур,
Уйла йўқ девонаи фарзонае.*

Тақтиъи: Хастаеким фоилотун – бастаи ул – фоилотун зулф – эрур – фоилун. Уйла йўқ де – фоилотун – вонаи фар – фоилотун – зонаи – фоилун.

Аммо улча китобатда бордур ва лафзда йўқтур – «атфи вовий»дек мисли: жону жаҳон ва заммаи лаёнийи вовийдек, мисли: бу ва йу ва заммаи ишбойи вовийдек, мисли: хобу хўрд; андоққи, бу мисол уча-ласига шомилдур,

м и с р а ъ:

Хўрду хобим бу дабистон олмиш.

Ҳамул ўтган дастур била тақтиъ қилилур. Яна «ҳо» ҳарфики, талаффузга кирмаски: важҳ ва хора ва ёрадек, агар байт ўртасида воқиъ бўлса, тақтиъдин соқит бўлур ва агар байт охирида тушса, сокин ҳарф ҳисобиға кирар, андоқким,

ш е ъ р:

*Чунки ул юз гуле эрур тоза,
Тоза гулга не ҳожат ғоза.*

Яна «нун» ҳарфидур, ҳар «нун»ки, «вов» ва «алиф» ва «ё»дин сўнгра воқиъ бўлсаки, моқабл ҳаракати аларнинг ўз жинсидин

бўлса, агар байт ўртасида тушса ва анга ҳаракат ориз бўлса, тақтиъдин соқит бўлур, андоқким,

м и с р а ъ:

Жонон мани маҳзунға қилурким пинҳон.

Яна «то» ҳарфидур. Ҳар «то»ки андин бурун бир сокин ҳарф бўлғай «маст», «аласт»дек, чун байт ўртасида бўлса, бир мутаҳаррикка маҳсубдур ва агар байт охирида тушса, бир сокин ҳисобиға кирар, андоқки,

м и с р а ъ:

Лаълинг майидин эрур кўнгул масти аласт.

Яна ҳар сокин ҳарфиким, яна бир сокиндин сўнгра воқиъ бўлса, андоқким,

м и с р а ъ:

Яна ёр айлади бедоде бунёд.

Ва ҳар «то»ки яна андин бурун икки сокин бўлғай, агар байт ўртасида тушса ва талаффузға кирса, ўз моқабли била, ҳар бири бир мутаҳаррик ҳисобиға кирарлар, андоқким,

м и с р а ъ:

Ғам юкидин кўнгулда кўфтидурур.

Ва агар байтнинг охирида тушса, ҳар ҳол била тақтиъда соқит бўлур, невчунким, аруз авзонида уч сокин ҳеч важҳ била жамъ бўлмас, андоқким,

м и с р а ъ:

Жаҳон бўлмасун дўст гар бўлмаса дўст.

Ва ҳам бу навъдур «бо» ҳарфи Гаштосб била Лўҳросбда.

Ва яна «алиф»дур, ҳар мутаҳаррик «алиф»ким, анинг ҳаракатин муқбилиға нақл қилсалар, тақтиъ(да) соқит бўлур, андоқким,

м и с р а ъ:

Ман агар ёрдин айрилмасам эрмасдур тонг.

Яна «ё» ҳарфидур, чун «ё» ҳарфидан сўнгра мутаҳаррик «алиф»ким, машқда бўлғай, чун талаффузға кирмагай, тақтиъдин соқит бўлғай, андоқким,

м и с р а ъ:

Борди ул шўху кетти иш мендин.

Ва яна аксар малфуз ҳарфиники, ғайри мактубдур ва мактуб ҳарфиники, ғайри малфуздур, бу мазкур бўлган ҳуруфға мунҳасир билмагайлар.

Яна туркча алфоздурким, анда «алиф» ва «вов» ва «ё» «фатҳа» ва «замма» ва «касра» ҳаракати ўрниға битилурки, бу ҳеч маҳалда ҳарф ҳисобиға кирмас, балки ҳаракат ўрнигадурур, магар баъзи ердаким, байтнинг охирида тушган ва ани заруратдин қофия қилмиш бўлғайлар, андоқким,

б а й т:

*Белингу зулфунг хаёлин шарҳ этармен мў-бамў,
Ташнадурмен лаълинга то бордурур жонимда сув.*

Яна ортуқси «нун»лардурким, сўз иртиботи учун: замойирда «нинг» лафзида битилур, мисли «онинг» ва «менинг» ва «сенинг» лафзида, андоқким,

б а й т:

Эй қўнгул, билгилки бу жон не сенингдур не менинг,

Балки онингдур десанг кимнинг дейинким ёрнинг.

Ва бу мазкур бўлгон алфознинг «коф»ларидурким, «коф» ўрнига битилур, аммо талаффузга «коф» ўрнига кирмас. Ва яна «нун» била «коф»лардурким онинг ва менинг ва тонг ва ўнг ва сўнг ва нанг ва танг лафзида воқиъдурким, барчаси тақтиъда соқит бўлур.

Чун му муқаддимот баёнига кирди, аммо билмак керакким, бу саноат арбоби аввалғи мисраънинг бурунқи жузвин «садр» дерлар, сўнгғи жузвин «аруз» дерлар ва сўнгғи мисранинг бурунқи жузвин «ибтидо» дерлар ва сўнгғи жузвин «зарб». Ва улча «садр» ва «аруз» ва «ибтидо» ва «зарб» орасидадур, ани «ҳашв» дерлар ва ҳар байтки, анинг тақтиъида зиҳофе воқиъ бўлмайдур, они «солим» дерлар.

Энди ҳар бирининг солимин ва ё зиҳофиким, анга кириб, ани солимлиғидин чиқорибдурки, андин баъзи матбуъ тушубдур ва баъзи номатбуъ тартиб била адо қилилур.

Чун ҳажаз ва ражаз ва рамал баҳри бурунқи доирага кирдиким, «муъталифа»га тасмия топти ва бурунроқ ҳажаз мазкур бўлди, андин ибтдо қилилур.

(ҲАЗАЖ БАҲРИ)

(Ҳазажи мусамман)

Ҳазажи мусаммани солим ул-аркон

*Зиҳи мулкунгнинг ўн секиз мингидин бир келиб олам,
Бу олам ичра бир уйлук қулунг Ҳавво билан Одам,
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун*

Ҳазажи мусаммани мусаббағ

*Майи лаълингға гўёким, ҳаёти жон эрур мамзуж-
Ки, ул эрмас-зулоли чашмаи ҳайвон эрур мамзуж.
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун, мафоъийлун*

Ҳазажи мусаммани маҳзуф

*Зиҳи қаддинг ниҳоли бутуб жон гулшани дин,
Юзунг меҳри кўнгулга кириб кўз равзанидин.
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун*

Ҳазажи мусаммани ахраб

*То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.
Мафъулу мафоъийлун мафъулу мафоъийлун*

Ҳазажи мусаммани макфуфи мақсур

*Зиҳи қадду юзунг кўрса уётлиғ парию хур,
Десам сарву гул эрмас, бу муҳиқмен доғи маъзур.
Мафоъийлу мафоъийлу мафоъийлу мафоийл*

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур

*Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолау фарёд.
Мафъулу мафоъийлу мафоъийлу мафоъийл*

Ҳазажи мусаммани макфуфи маҳзуф

*Кўзунгдек қони нарғис, юзунгдек қони гулшан?
Энгингдек қони насрин, қадингдек қони савсан?
Мафоъийлу фаулун мафоъийлу фаулун*

Ҳазажи мусаммани макфуфи мақсур аруз ва зарб

*Жамолингға неча боқсам эрур хуснинг фузунроқ,
Хаёлингға неча тушсам бўлур фикрим узунроқ.
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун мафоийл*

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуф

*Ортар манга ҳайрат гар онинг хусниға кўз солсам,
Ўртар мани ғайрат гар ўртар чоғда боқиб қолсам.
Мафъулу мафоийлу мафоийлу мафоийлун*

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

*Ишқ ичра қони мен киби зеру забар ўлғон?
Ҳар кимки йўқ андин батар ўлғон, батар ўлғон.
Мафъулу мафоъийлу мафоъийли мафулун*

Ҳазажи мусаммани аштари маҳзуф

*Эй хатинг муанбар, вэй қадинг санубар,
Раҳм қилки, бўлдум фурқатингдин абтар.
Фоилун фаулун фоилун фаулун*

(ҲАЗАЖИ МУСАДДАС)

Ҳазажи мусаддаси солим

*Зиҳи рухсоринг олида қуёш тийра,
Қуёшдин йўқки ондин эл кўзи хийра.
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийлун*

Ҳазажи мусаддаси мақсури аруз ва зарб

*Унутмоғилки, то ҳажр этди бедод,
Мани бир нома бирла қилмадинг ёд.
Мафоъийлун мафоъийлун мафоъийл*

Ҳазажи мусаддаси маҳзуфи аруз ва зарб

*Ики кўз манзилинг, эй моҳ маҳмил,
Кўнгулга азм қил манзил-баманзил.
Мафоъийлун мафоъийлун фаулун*

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи садр ва ҳашв

*Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз нажҳ ила бўлди гул харидоринг.
Мафъулу мафоъийлун мафоъийлун*

Ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи садр ва ҳашв

*Эй ҳусин жаҳон ичра бало солғон,
Қатл этгали халқ узра сало солгон.
Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун*

Ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи маҳзуф

*Гар қад будур, эй сарви суманбар,
Тубий санга бир бандаи чокар.
Мафъулу мафоъийлу фаулун*

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур

*Эй лаъли лабинг учун фидо жон,
Қолмиш ул ики лабинг аро жон.
Мафъулу мафоъийлун мафоъийл*

Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф

*Сансиз манга умру жон керакмас,
Ҳажринг аро хону жон керакмас.
Мафъулу мафоъийлун фаулун*

Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф

*Рухсоринг гул киби очилмиш,
Ашким ҳам жоладек сочилмиш.
Мафъулун фоъилун фаулун*

Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари солими аруз ва зарб

*Келгилким, ҳажр аро ҳазиндурман,
Ишқингдин ғамға ҳамнишиндурман.
Мафъулун фоъилун мафоъийлун.*

(ҲАЗАЖИ МУРАББАЪ)

Ҳазажи мураббаъ араб шуароси даъбидур:

*Санга ул турраи ҳинду,
Манга солмиш қаро қайғу.
Мафоъийлун мафоъийлун
Мафойилун мафойилун.*

Ахрам зиҳофотининг амсоли (ва) ахраб зиҳофотининг амсоли.

Рубой вазниким, ани «ду байтий» ва «тарона» ҳам дерлар, ҳазаж баҳриниинг «ахрам» ва «ахраб»идин истихрож қилибдурлар ва ул вазнедур асру хуш оянда ва назмедур бағоят рабоянда.

Шеър авзонидин ушбу вазндурким, назм устодлари анга ҳадде муайян қилибдурлар ва ғоят латофатидин икки байтга ихтисор қилубдурлар ва ул йигирма тўрт навъ келибдур ва мажмуъи икки қисмга мухтасардур.

Бири улки, аввалқи жузви «мафъулун» бўлғайки, ҳазаж бир жузвини «харм» қилибдурлар ва ани «ахрам» дерлар. Ва бу ўн икки навъ келур.

Яна бири улки, аввалқи жузви «мафъулу» бўлғайки, ҳазажнинг биз жузвин «харб» қилибдурлар ва ани «ахраб» дерлар. Бу ҳам ўн икки навъ келур. Аммо –

Ҳазажи ахрам

*Ё раб, не офатдур ул ҳусну жамол-
Ким йўқтур ер ила жаҳон ичра мисол.
Мафъулун мафъулун мафъулу фаул
Мафъулун мафъулу мафоийлу фаул*

*Минг қатла шукрин десам оз эрур,
Гар бўлса бир замон манга коми висол.
Мафъулун мафъулун мафъулу фаул
Мафъулун фоъилун мафоъийлу фаул*

*Эй сенсиз умрумдин осойиш йўқ,
Кўз истарким, кўрса жамолинг тўқ.
Мафъулун мафъулун мафъулун фоъ
Мафъулун мафъулу мафоъийлун фоъ*

*Келгилки, бир қатла узорингни кўрай-
Ким ҳажринг кўп урди бу кўкусмга ўқ.
Мафъулун мафъулу мафоъийлу фаул
Мафъулун фоъилун мафоъийлун фоъ*


Эй маҳваш, ўткай бу саркашлик ҳам,

*Раҳм айлаб бу қулға жафони қил кам.
Мафъулун мафъулун мафъулун фаъ
Мафъулун мафъулу мафоъийлун фаъ*

*То Тенгри асрағай халойиққа сени,
Айлармен юз дуо сенинг сори дам.
Мафъулун фаъулун мафоъийлу фаул
Мафъулун фоъилун мафоъийлун фаъ*

Ҳажаз баҳрида «аҳрам» зиҳофотида ўтган уч рубойким, ҳар мисраъ ўзга вазнда эрдиким, ўн икки вазн бўлур, бу шажарада жамъдур.

АХРАМ ШАЖАРАСИ



Аммо –
Ҳазажи ахраб

*Эй сандин ўлуб бағрим ҳам кўксум доғ,
Кўнглум ўту ул ўтқа тўкуб ашким ёғ.
Мафъулу мафоъийлун мафъулун фоъ
Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун фоъ*

*Тан ўлса ғаминг ичра жонингға фидо,
Жон қуйса муҳаббатингда сен бўлғил соғ.
Мафъулу мафоъийлун мафъулу фаул
Мафъулу мафоъийлун мафоъийлун фоъ*

* * *

*Бир лаҳза кўнгул сенсиз ҳолин билмас,
Жаврингни кўнгулга, эй париваш, қил бас.
Мафъулу мафоъийлун мафъулун фаъ
Мафъулу мафоъийлун мафоъийлун фаъ*

*Ҳажрингда фиғонимға улус нола қилур,
Қил ҳолима раҳким, эрурман бекас.
Мафъулу мафоъийлу мафоийлу фаул
Мафъулу мафоъийлу мафоъийлун фаъ*

* * *

*Эй шўх, бизнинг сори бир айла назар-
Ким оху фиғон ўти чекар кўкка шарар,
Фаъулу мафоъилун мафъулу фаул
Мафъулу мафоъийлун мафоъийлу фаул*

*Ё васл ила кўнглумга қарин айла мурод,
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимға асар.
Мафъулу мафоилун мафоъийлу фаул
Мафъулу мафоъийлу мафоъийлу фаул*

«Ҳазаж» баҳрида «аҳраб» зиҳофотида ўтган, яна уч рубойким, ҳар мисраъ ўзга вазнда эрдик, бу ҳам ўн икки вазн бўлур, бу шажарада жамъдур.



Бурунқи доиранинг иккинчи баҳри ражаз баҳридурур, бу дурур.

(РАЖАЗ БАҲРИ)

Ражази мусамман

Ражази мусаммани солим

*Вайронаедур масканим, андин манга бисёр ғам,
Оҳим била эшикда ўт, ашким билан девор нам.*

Мустафълун мустафълун мустафълун мустафълун

Ражази мусаммани матвийи махбун

*Кел бери, эй рашки қамар, лаъли лабинг тунги шакар,
Фурқатинг ўтида қўнгул чекти сипеҳр узра шарар.
Муфтаилун муфтаилун муфтаилун муфтаилун*

Ражази мусаммани матвийи махбун

*Гар алаимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай,
Ваҳ, ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.
Муфтаилун муфоъилун муфтаилун мафоъилун*

Ражази мусаммани махбуни матвий

*Манга қўнгул ҳажринг аро зордур, эй рашки пари,
Юзунгни қўргузгилу, айла ғуссадин жонин бари.
Мафоъилун муфтаилун мафоъилун муфтаилун*

Ражази мусаммани махбуни мақтуъ

*Тенгри учун қайда эдинг рост де, эй сарви сиҳи,
Фурқатинг ўтидин манга риоят айла гаҳ-гаҳи.
Мустафълун мустафълун мафоъилун мафъулун*

Ражази мусаммани матвийи махбуни мақтуъ

*Сарв нечук дейин сеники, йўқ анга гулранг юз,
Нахл нечук дейин сеники, йўқ анга ширин сўз.
Муфтаилун мафоъилун муфтаилун мафъулун*

(РАЖАЗИ МУСАДДАС)

Ражази мусаддаси солим

*Ҳажрингда, эй гулчеҳра, беҳад зорман,
Қон ичра ғарқа гул киби афғорман.
Мустафзилун мустафзилун мустафзилун*

Ражази мусаддаси мақтуъ

*Эй ишқинг ичра одатим маҳзунлуқ,
Ҳажрингда даъбу сийратим мажнунлуқ,
Мустафзилун мустафзилун мафъулун*

Ражази мусаддаси матвийи музол

*Келки, фироқингда кўнгул бўлди ҳазин,
Айлама мунча манга бедол ила кин.
Муфтаилун муфтаилун муфтаилон*

Ражази мусаддаси матвийи мақтуъ

*Кўргали ҳуснунгни сенга ҳайронмен,
Водийи ҳасрат аро саргардонмен.
Муфтаилун муфтаилун мафъулун*

Ражази мусаддаси махбун

*Юзунг қамар, қадинг шажар, лабинг шакар,
Манга булар хаёлидин не хобу хўр.
Мафоъилун мафоъилун мафоъилун*

Ражази мусаддаси матвийи махбун

Ваҳки, яна фурқатинг ичра тушмишам,

*Ўлгали бу фурқат аро ёвушишам.
Муфтаилун муфтаилун муфтаилун*

(РАЖАЗИ МУРАББАЪ)

Ражазии мураббаи солим

*Сенсиз ишим фарёд эрур,
Ўз жонима бедод эрур.
Мустафъилун мустафъилун
Мустафъилун мустафъилун*

Учинчи баҳри рамал баҳридир.

(РАМАЛ БАҲРИ)

(Рамали мусамман)

Рамали мусаммани солим

*Келки, ишқингдин кўнгулда йўқтурур сабру қарорим
Бошима еткур қадамким, ҳаддин ошти интизорим.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун*

Рамали мусаммани мақсур (аруз ва зарб)

*Ваҳ, не ҳолатдурки, мен ҳар неча кўргузсам ниёз,
Эй маҳи бадмеҳр, сандин зоҳир ўлмас ғайри ноз.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон*

Рамали мусаммани маҳзуф

*Қосидеким, етқурур қўнглумга жонондин хабар,
Уйладурким, бергай ўлғон жисмға жондин хабар.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

Рамали мусаммани махбун

*Субҳи давлат юзунг, эн, тавсани гардун, санга ашҳаб,
Тожинг устидаги дур уйлаки, тонг бошида кавкаб.
Фаилотун, фаилотун фаилотун фаилотун*

Рамали мусаммани махбуни мақсур

*Ваҳки, ул муғбача ҳар дамки ичар бодаи ноб,
Қўзғалур арбадасидин бу кўҳан дайри хароб.
Фаилотун фаилотун фаилотун фаилун*

Рамали мусаммани махбуни мақтуъ

*Олам ичра манга ул ҳури малак сиймо бас,
Бу қачон бўлса муяссар, қадаҳи саҳбо бас.
Фоилотун фаилотун фаилотун фаълун*

Рамали мусаммани машкул

*Тилагим сенинг ҳузуринг, талабим сенинг жамолинг,
Неча кун тириклигимдин ғаразим сенинг висолинг.
Фаилоту фоилотун фаилоту фоилотун*

(РАМАЛИ МУСАДДАС)

Рамали мусаддаси солим

Эй жамолингдин хижил хуршиди анвар,

*Қоматингдин мунфаил сарву санавбар.
Фоилотун фоилотун фоилотун*

Рамали мусаддаси мақсур

*Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол,
Мен ёмон бордим, вале сен яхши қол.
Фоилотун фоилотун фоилъон*

Рамали мусаддаси махбуни мақсур

*Яна муғ дайрина кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст.
Фоилотун фоилотун фоилъон*

Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф

*Келки, ҳажрингда ҳазинмен беҳад,
Не менга сабр, на ҳушу не хирад.
Фоилотун фоилотун фаилун*

(РАМАЛИ МУРАББАЪ)

Рамали мураббаи солим

*Келгил, эй рухсори зебо-
Ким бўлурмен ношикебо.
Фоилотун фоилотун
Фоилотун фоилотун*

Рамали мураббаи махбун

Манга ҳажрингдин алам кўп,

*Санамо, килма ситам кўп.
Фаилотун фаилотун
Фаилотун фаилотун*

Мунсариҳнинг мусаммани солимидурки, доираға дохил эмас
ва Дарвеш Мансурнинг «Аруз»ида мусбатдур.

(МУНСАРИҲ БАҲРИ)

Мунсариҳи мусаммани солим

*Эй оразинг кўнглум коми, лағли лабинг жон ороми.
Васлинг кунин етгургилки, жоним олур ҳажрнинг шоми.
Мустағилун муфғулоту мустағилун мафғулот*

Иккинчи доираким, муайян тўрт баҳрға эрдиким, ғайри
солим эрдиларким, мунсариҳ ва музориъ ва муқтазаб ва
мужтасдур, мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуфдин бунёд
қилилур.

Мунсариҳи мусаммани матвини мавқуф

*Оҳки, сенсиз ишим оҳ ила фарёд эрур,
Жонима, ошубу шайн, жисмима бедод эрур.
Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон*

Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф

*Ваҳки, яна ўт солур жонима бир хурваш,
Нағлбару доғсўз, риндвашу журғакаш.
Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун*

Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуфи мактуъ

*Ишқ яна ҳажр ила жонима қилди ситам,
Фурқату ҳижрон ўти бошима чекти алам.
Муфтаилун фоилун муфтаилун фоилун*

Мунсариҳи (мусаммани) махбуни макшуф

*Гаҳи манга ул санам қилур вафо вағдаси,
Вафосидин зулму кин вале фузундур баса,
Мафоилун фоилун мафоилун фоилун*

Мунсариҳи (мусаммани) матвийи маждуъ

*Чарх яна зулму жавр айлади бунёд,
Қилди фалак ҳодисоти жонима бедод.
Муфтаилун фоилоту муфтаилун фоъ*

Мунсариҳи (мусаммани) матвийи манҳур

*Шукрки, дилрабо ёниб, яна манго келди,
Маскани айшимда васл шамъи ёқилди.
Муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ*

Мунсариҳи (мусаммани) матвийи мақтуи манҳур

*Кўнглум истар сайр майли гулшан сори,
Ман нега ичмай бировки бўлғай ёри.
Муфтаилун фоилоту мафъулун фаъ*

(МУНСАРИҲИ МУСАДДАС)

(Мунсариҳи) мусаддаси матвий

*Ишқи мани зор қилди олам аро,
Айлади овора хайли одам аро.
Муфтаилун фоилоту муфтаилун*

(Мунсариҳи) мусаддаси матвийи мақтуъ

*Қўйди ғаминг дарду доғ қўнглумга,
Қўймади ниқинг фароғ қўнглумга.
Муфтаилун фоилоту мафъулун*

(МУНСАРИҲИ МУРАББАЪ)

Мунсариҳи мураббаи матвийи мазқуф

*Айла вафо ошкор, кел бери, эй гулғузор,
Муфтаилун фоилон мутаилун фоилон*

Мунсариҳи мураббаи матвийи махбуни мавқуф

*Келки, санга фидо жон,
Ваҳки, фидо санга жон.
Муфтаилун фаулон
Муфтаилун фаулон*

Доиранинг иккинчи баҳри музориъдур.

**(МУЗОРИЪ БАҲРИ)
(Музориъи мусамман)**

(Музориъи мусаммани) макфуфи мақсур

Манга, эй суманбарим, жафо қилма беҳисоб,

*Юзунга замон чекиб ёпмағил ниқоб.
Мафойилу фоилоту мафойилу фоилун*

(Музориъи мусаммани) макфуфи маҳзуф

*Юзунгдин хижил қамар, лабингдин доғи шакар,
Манга ҳар бирдин ўт, санга қилмай ул асар.
Мафойилу фоилун мафойилу фоилун*

(Музориъи мусаммани) ахраб

*Ишқу жунун эрурлар беихтиёр манда,
Мендурману бу икки, ўзга не бор манда.
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун*

(Музориъи мусаммани) ахраби мусаббағ

*Мен ишқ эли гадоси, сен ҳусн элига султон,
Бўлмас гадоға ҳаргиз султон висоли имкон.
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун*

(Музориъи мусаммани) ахраби макфуфи маҳзуф

*Ҳайҳотким, биров ғамидин зормен яна,
Фарёдким, балоға гирифтормен яна.
Мафъулу фоилоту мафоъийлу фоилун*

(Музориъи мусаммани) ахраби макфуфи мақсур

*Ул шўхдин манга гаҳ эрур нозу, гаҳ итоб,
Йўқ анда ихтиёр, доғи менда ижтиноб.
Мафъулу фоилоту мафойилу фоилон*

(Музориъи мусаммани) ахраби макфуфи солим аруз ва

зарб

*Сендин манга таҳаммул эмас бир замон йироғлиқ,
Жон риштаси эрур чу сенинг сунбулингға боғлиқ,
Мафъулу фоилоту мафойилу фоилотун*

(Музориъи мусаммани) ахраби маҳзуф

*Ишқинг ажаб балодур, эй нозанин санам,
Жон анда мубталодур, кўрмас ба жуз ситам
Мафъулу фоилотун мафъулу фоилун*

(Музориъи мусаддас)

(Музориъи) мусаддаси макфуфи мақсур

*Сенингдек жаҳонда кимса не имкон,
Буён кел, қилай қошингда фидо жон.
Мафойилу фоилоту мафойил*

(Музориъи) мусаддаси макфуфи маҳзуф

*Кўнгул бўлган хаёлингға мойил,
Кўзум ҳам ўлди хуснингға зойил.
Мафойилу фоилоту мафъулун*

(Музориъи) мусаддаси ахраби макфуф

*Ишқингда оху нола қилур кўнглум
Ким, қон ёшини жола қилур кўнглум.
Мафъулу фоилоту мафойилун*

(Музориъи) мусаддаси ахраби макфуфи маҳзуф

Эй хотирим ҳавоси қошингға,

*Эврулгали ҳамиша бошингға,
Мафъулу фоилоту фаулун*

Доиранинг учунчиси муқтазаб баҳри эрди.

**(МУҚТАЗАБ БАҲРИ)
(Муқтазаби мусамман)**

Муқтазаби мусаммани матвий

*Эй нигори маҳвашим, эй ҳарифи журъакашим,
Тут қадаҳки, беҳад эрур ишқ тобидин оташим.
Фоилоту муфтаилун фоилоту муфтаилун*

Муқтазаби мусаммани матвийи мақтуъ

*Эй йигит, буён келки, шавқдин харобингмен,
Бўйни боғлиғ ит ёнглиғ бастаи танобингмен.
Фоилоту мафъулун фоилоту мафъулун*

**(МУҚТАЗАБИ МУРАББАЪ)
Муқтазаби мураббаи матвин**

*Фурқатинг ёшим оқизур.
Ҳасратнинг қоним томизур.
Фоилоту муфтаилун*

(Муқтазаби) мураббаи мақтуъ

*Бода келтур, эй соқий,
Қилма айшни боқий.
Фоилоту мафъулун*

Фоилоту мафъулун

Муқтазаби мураббаи махбуни матвий

*Жамолингда қолди кўзум,
Гамингда узолди сўзум.
Мафойилу муфтаилун
Мафойилу муфтаилун*

(Муқтазаби) мураббаи матвий

*Ҳасратингда афсурдамен,
Фурқатингда озурдамен.
Фоилоту мустафъилун
Фоилоту мустафъилун*

Доиранинг тўртинчи баҳри мужтасс баҳри эрди.

**(МУЖТАСС БАҲРИ)
(Мужтасси мусамман)**

Мужтасси мусаммани махбун

*Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ичгил,
Нафас-нафас қуюбон май, тўло-тўло қадаҳ ичгил.
Мафоилун фоилотун мафоилун фоилотун*

Мужтасси (мусаммани) махбуни мақсур

*Кўнгул ҳароратин англлатти оҳи дардолуд,
Уй ичра ўт эканин элга зоҳир айлар дуд.
Мафоилун фоилотун мафоилун фоилон*

Мужтасси (мусаммани) махбунн маҳзуф

*Фироқ иситмаси андоқ танимдин ўт чиқорур-
Ки, гар табиб илигим тутса, бормоғи қоборур.
Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун*

Мужтасси (мусаммани) махбуни мақтуъ

*Бизнинг сори ул шўхи ишвагар келмас,
Билурки фурқатидин ўлмишам, магар келмас.
Мафоилун фаилотун мафоилун фаълун*

Мужтасси (мусаммани) махбуни мусаббағ

*Ул ой менинг била бемеҳр эканин англабмен,
Мани ўзига вафосиз деганни англабмен.
Мафоилун фаилотун мафоилун фаилон*

Мужтасси (мусаммани) махбуни маҳзуфи мусаббаъ

*Бизнинг сори келмассен, не бўлди, эй бадмеҳр,
Вафо йўлин билмассен ёпиб ниқоб ила чеҳр.
Мафоилун мафъулун мафоилун фаилон*

Мужтасси (мусаммани) махбуни маҳзуфи мусаббаъ

*Агар очилса ул юз ниқобдин, ваҳ,
Қачон ўзида қолғай гадо билан шаҳ.
Мафоилун мафъулун мафоилун фаъ*

(МУЖТАССИ МУРАББАЪ)
Мужтасси мураббаи махбун

*Юзунг қўзумга керактур,
Узунг ўзумга керактур.
Мафоилун фаилотун
Мафоилун фаилотун*

Мужтасси мураббаи махбуни мақсур

*Ғаминг мани қилди зор,
Юзунг манга бўлди ёр.
Мафоилун фоилон
Мафоилун фоилон*

Учинчи доира беш баҳрдур: сариъ ва жадид ва қарийб ва хафиф ва мушокил, аммо ҳеч қайси солим эмастурлар.

(САРИЪ БАҲРИ)

Сариъи (мусаддаси) матвийи мавқуф

*Йўқ манга ҳажрингда жуз оҳу фиғон,
Ишқу муҳаббат ўтидин алъамон.
Муфтаилун муфтаилун фоилон*

Сариъи (мусаддаси) матвийи макшуф

*Бизга қизил гул юзунг афкандаси,
Савсани озод қадинг бандаси.
Муфталиун муфтаилун фоилун*

Сариъи (мусаддаси) матвийи аслам

*Истамасанг эсламасанг бизни,
Мен ўпарам йўлунг уза изни.
Муфтаилун муфтаилун фаълун*

Сариғи (мусаддаси) махбуни матвийи макшуф

*Қаро кўзум, бирор биза боқ ахи,
Жароҳатимға марҳаме ёқ ахи.
Мафоилун мафоилун фоилун*

Сариғи (мусаддаси) матвийи махбуни макшуф

*Сендин яна ўт ичрадур юраким,
Ўтумға сув ур, васл ила мираким.
Мустафъилун мустафъилун файлун*

Учунчи доиранинг иккинчи баҳри жадиддур ва ул мустаҳдас баҳрдурким, они ғариб ҳам дебдурлар.

(ЖАДИД БАҲРИ)

Жадиди (мусаддаси) махбун

*Ики рухсоринг эрур гул чаман аро,
Арақинг юз уза шабнам суман аро.
Фаилотун фаилотун мафоилун*

Учинчи доиранинг учунчи баҳри қарийбдур ва бу ҳам мустаҳдас баҳрдур ва бу баҳр ажам шуароси шеърида оз воқеъдур.

(ҚАРИЙБ БАҲРИ)

Қарийби (мусаддаси) макфуф

*Жамолингда таҳайюрға қолди кўз,
Бу маънида улус ичра тушти сўз.*

Мафойилу мафойилу фоилон

Қарийби (мусаддаси) ахраби макфуф

*Ишқингда қўнгул ичра нолалардур,
Юз узра ёшим қони лолалардур.
Мафъулун мафойилу фоилотун*

(Қарийби мусаддаси) ахраби маҳзуф

*Кел бизга вафо бирла, эй пари,
Бу телбани фурқатдин қил бари.
Мафъулу мафойилун фоилун*

Учунчи доиранинг тўртунчи баҳри хафифдур ва бу баҳрнинг матбуъ авзонида ажам шуароси маснавийлар битибдурлар.

(ХАФИФ БАҲРИ)

Хафифи (мусаддаси) махбун

*Фурқати неш сочти юрокимга,
Ашк қонин оқизди бу этокимга.
Фоилотун мафоилун фаилотун*

Хафифи (мусаддаси) махбуни солими садр

*Эй юзунгдин бўлуб кўзум равшан,
Дурру лаъл айлабон ани махзан.
Фоилотун мафоилун фаълун*

Хафифи махбуни мақтуи мусаббаъ

Сани ул дамки кўрдум, эй гулчеҳр,

*Тушти кўнглумга оразингдин меҳр.
Фоилогун мафоилогун фаилогун*

Хафифи махбуни мақтуъ

*Калимоти ғариб дер носих,
Хирад аҳлиға ҳашвдур возих.
Фоилогун мафоилогун фаълун*

Хафифи махбуни мушаъас

*Келди дилдору мен қадаҳ ичгумдур,
Зухду номусу нангдин кечгумдур.
Фоилогун мафоилогун мафълун*

Учунчи доиранинг бешинчи баҳри мушокилдур ва бу ҳам мустаҳдас баҳрдур. Паҳлавий шеърни кўпрак бу баҳрда айтибдурлар.

(МУШОКИЛ БАҲРИ)

Мушокили мусаддаси макфуфи мақсур

*Ишқинг ичра манга асру ситамдур,
Кўнглум ўтиға чарх узра аламдур.
Фоилогу мафоилогу мафоилогун*

Мушокили мусаммани макфуфи мақсур

*Қайда борди нигоримким, гум ўлди қарорим,
Ўлди жисми заифим, куйди жони низорим.
Фоилогу мафоилогу фоилогу мафоилогун*

(МУШОКИЛИ МУРАББАЪ)

(Мушокили) мураббаи макфуни мақсур

*Эй ниғори парийрўй,
Гулғузори суманбўй.
Фоилоту мафойил
Фоилоту мафойил*

(Мушокили) мураббаи макфуни маҳзуф

*Қайда эрди ҳабибим,
Ғусса бўлди насибим.
Фоилоту фаулун
Фоилоту фаулун*

Тўртунчи доира икки баҳрдур, мутақориб ва мутадорик ва ажам тили била асли маснавий мутақориб баҳридур.

(МУТАҚОРИБ БАҲРИ) (Мутақориби мусамман)

Мутақориби мусаммани солим

*Яна сансизин мунисим ғам бўлубдур,
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлубдур.
Фаулун фаулун фаулун фаулун*

(Мутақориби) мусаммани мақсур

*Манга кўйи сайриға йўқ эҳтимол,
Эса олмас ул ён насими шамол.*

Фаулун фаулун фаулун фаул

(Мутақориби) мусаммани маҳзуф

*Очилди чаман, гулғузорим қани,
Сиҳи сарв бўйлиғ нигорим қани?
Фаулун фаулун фаулун фаул*

(Мутақориби) мусаммани аслам

*Эй шўҳи зебо, эй сарви раъно,
Бўлдум ғамингдин мажнуну шайдо.
Фаъулун фаулун фаъулун фаулун*

Мутақориби мусаммани асрам

*Келки ғамингдин жонға этибмен,
Ҳажрда ўлмак чора этибмен.
Фаъулу фаулун фаъулу фаулун*

Мутақориби мусаммани асрами мақсур

*Келки ғамингға бўлдум асир,
Зарраману сен меҳри мунир.
Фаъулу фаулун фаъулу фаулун*

Мутақориби мусаммани мақбузи аслам

*Агар сўрарсен ва гар тиларсен,
Щзунг биларсен, неким қиларсен.
Фаулу фаълун фаулу фаълун*

Ажам шуаросининг мутааххирларидин баъзи мақбузи аслам биносин ўн олти рукнга қўюб назм айтибдурлар, бу навъким,

б а й т:

*Юзунг хаёлида зор бўлдум,
Белинг ғамидин низор бўлдум.
Дедим бу шиддатда нола чекмай,
Нетайки, беихтиёр бўлдум.
Фаулу фаълун фаулу фаълун
Фаулу фаълун фаулу фаълун*

Мутақориби мусаммани маҳзуф

*Манга, эй санам, жафо айладинг,
Ўзунгдин мани жудо айладинг.
Фаулун фаул фаулун фаул*

(МУТАҚОРИБИ МУСАДДАС)

Мутақориби мусаддаси солим

*Яна ҳажр аро зор бўлдум,
Фироқингдин афгор бўлдум.
Фаулун фаулун фаулун*

Мутақориби мусаддаси маҳзуф

*Қадинг сарви ноз, эй йигит,
Сўзунг дилнавоз, эй йигит.
Фаулун фаулун фаул*

Тўртунчи доиранинг иккинчи баҳриким, мутадорик баҳридур ва анн «ракзул-хайл» ва «савтин-ноқус» ҳам дерлар, бу навъдур.

(МУТАДОРИК БАҲРИ)

Мутадорик мусаммани солим

*Не монгишдурки, танлар ҳабоси анинг,
Не боқишдурки, жонлар фидоси анинг.
Фоилун фоилун фоилун фоилун*

Мутадорик мусаммани махбун

*Не саманд экон улки, буён сурасан,
Бошим узра жафо қиличи урасан.
Фоилун фаилун фаилун фаилун*

Мутадорик мусаммани мақтуъ

*Бўлманг бизга ҳаргиз мойил,
Не ҳолинг бордур, эй қотил.
Фаълун фаълун фаълун фаълун*

Мутадорик мусаммани махбуни мақтуъ

*Ишқдин ишим мушкил айладинг,
Ҳажрин манга қотил айладинг.
Фоилун фаул фоилун фаул*

(МУТАДОРИКИ МУСАДДАС)

Мутадорик мусаддаси солим

*Фурқатингда мани сўрмадинг,
Раҳм кўзи билан кўрмадинг.*

Фоалун фоилун фоилун

Мутадорики мусаддаси махбун

*Мани истамасанг нетайин,
Бош олиб қаёне кетайин.
Фаилун фаилун фаилун*

Мутадорики мусаддаси мақтуъ

*Элдин ул юзни ёп,
Қўнглумнинг комин топ.
Фаълун фаълун фаълун*

Бешинчи доираким, андин тўққуз бухур усули мустахраж бўлурким, алар мунсарих, хафиф, музориъ, муқтазаб, мужтасс, мушокил, сарих, жадид, қарийбдурлар ва «доираи мужтамиа»га мавсум бўлубдур. Аввалғи баҳр чун «мунсарих» эрди, андин бунёд қилурлар, андоқким:

Мунсарихи мусаддаси солим

*Эй фурқатинг маҳзунларға жон олғучи,
Ушшоқни кўрган чоғда ўт солғучи.
Мустафъилун мафъулоту мустафъилун*

Хафифи мусаддаси солим

*Ўлгум эрди бир лаҳза гар келмасанг, бил,
Қайда эрдинг, эй маҳвашим, шарҳ қилғил.
Фоилотун мустафъилун фоилотун*

Музориъи мусаддаси солим

*Энгинг ойдур, оразинг гул, сочинг сунбул,
Булар шавқидин ичармен туну кун мул.
Мафойилун фоилотун мафойилун*

Муқтазаби (мусаддаси) солим

*Келмас бизга ул кофири қотил даме,
Ваҳки, бизни ўлтургуси онинг ғами.
Мафъулоту мустафъилун мустафъилун*

Мужтасси (мусаддаси) солим

*Эй оразинг гулдин ортуқ гулшан ичра,
Сендин йироқ хотиримдур шеван ичра.
Мустафъилун фоилотун фоилотун*

Мушокили (мусаддаси) солим

*Неча сенсиз фироқингда фиғон айлай,
Нола бирла улус бағрини қон айлай.
Фоилотун мафойилун мафойилун*

Сариъи (мусаддаси) солим

*Сендин йироқ кўзнинг эрур ҳайронлиғи,
Ҳажринг аро ҳар лаҳза саргардонлиғи.
Мустафъилун мустафъилун мафъулоту*

Жадиди (мусаддаси) солим

*Не балолиғ ҳажр эрурким зор ўлмишам
Келки, ул кўз ҳажрида бемор ўлмишам.
Фоилоту фоилоту мустафъилун*

Қарийби (мусаддаси) солим

*Жамолингдин қуёш асру бор уётлиғ,
Сочингға банда боғ ичра сунбул отлиғ.
Мафойилун мафойилун фоилотун*

Олтинчи доираки, андин икки баҳр мустахраж бўлур, бу ҳам ажам шуароси арузларида кўрулмайдурким, алардин бири комил баҳридурур ва бири вофир баҳриким, мусаммани солимда оз шеър воқиъ бўлубтур.

Комили мусаммани солим

*Не хаёл эди янаким, кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
Баданимға ҳар соридин хаданг урубон анга қафас айладинг.
Мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун*

Вофири мусаммани солим

*Фироқ ўтидин куяр баданим, тафидин эриб оқар жигарим,
Ғамим будурурки, боғланибон юзунг сори тушмагай назарим.
Мафоилотун мафоилатун мафоилатун мафоилатун*

Еттинчи доираким, андин уч баҳр мустахраж бўлур ва ул араб шуароси назмининг махсусидур ва алар тавил ва мадид ва басит баҳрларидурлар.

Тавили мусаммани солим

*Фироқингда жон бердим, бошимға қадам еткур,
Агар худ тирик эрмас, чу ёлғон дедим ўлтур.
Фаилун мафойилун фаулун мафойилун*

Мадиди мусаммани солим

*Эй қадингдин сарвға минг хижолат ҳар нафас,
Сарв қадингдин менинг қўнглума юз минг ҳавас.
Фоилотун фоилун фоилотун фоилун*

Басити мусаммани солим

*Эй сунбулунг ҳалқаси бўйнулға тоқиб расан,
Ҳар тобида юз бало, ҳар торида минг шикан.
Мустафъилун фоилун мустафъилун фоилун*

Чун доираға кирган бухурдин фориг бўлулди, яна бир неча вазнки, баъзини ажам шуароси мутааххирлари айтибдурлар ва баъзи бу замонда назм топидур ва ҳеч арузға дохили бўлмайду, агарчи филҳақиқат аруз бухуриға дохилдурлар, ишорате алар сори қилмоқ холи оз муносабате эрмас эрди. Ул жумладин, рамали махбундулки, ҳар мисраи саккиз рукндурки, байти ўн олти бўлғай, Хожа Исмаат Бухорийда пурбаҳо дебдурлар, бу услуб биладур.

*Қомату зулфу қўзу қошу узору хат ила холи
Лабингдурки, аларча эмас, эй шўхи ситамгар.
Фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун
Фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун*

*Сарв ила сунбул нарғис янги ойу қуёшу сабзаи
Жаннат кураи нофау гулбарг аро шаккар.
Фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун
Фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун*

Яна турк улуси, батахсис чигатой халқи аро шойиъ авзондулким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар.

Бириси «туюғ»дулким, икки байтқа муқаррардур ва саъй

қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур, мундоқким:

(ТУЮҒ)

*Ё раб, ул шаҳду шакар ё лаб мудур?
Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?
Фоилотун фоилотун фоилон*

*Жонима пайваста новак отқоли,
Ғамза ўқин қошиға ёлабмудур?
Фоилотун фоилотун фоилон*

Яна «қўшиқ»дурким, арғуштак усулида шойиъдур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлубдур ва ул суруд аъробининг тева сураар худилари вазни била мадиди мусаммани солимда воқеъ бўлур, анинг асли бу навъдурким,

б а й т:

*Ваҳки, ул ой ҳасрати, дарду доғи фурқати,
Ҳам эрур жонимға ўт, ҳам ҳаётим офати.
Фоилотун фоилун фоилотун фоилун*

Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамал мусаммани маҳзуф вазниға элитиб, мусиқий ва адвор илмида мулойим табълиқ беназир йигитлар ғариб нағамот ва алҳон била ажаб тасарруфлар қилиб, Султони соҳибқирон мажлисида айтурларким, анинг мулойимлиғ ва хушояндалиғи васфқа сиғмас ва таъсир ва рабояндалиғи сифатқа рост келмас, балки ул ҳазратнинг ихтироидур ва бу ҳам ул ҳазратнинг Масиҳосо анфоси натойижидин истишқодға келтурмак муносиброқ эрди, андоқким,

б а й т:

*Сабзаи хаттинг саводи лаъли хандон устина,
Хизр гўё соя солмиш обиҳайвон устина.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

Яна «чинга»дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилураким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва ёр-ёр лафзини радиф ўрниға мазкур қилурлар, андоқким,

б а й т:

*Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр?
Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон*

Ва яна ҳам турк улусида бир суруддурким, ани «Муҳаббатнома» дерлар ва ул ҳазажи мусаддаси мақсур баҳридадур ва ҳоло матрукдур, будур,

б а й т:

*Мени оғзинг учун шайдо қилибсен,
Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсен.
Мафойилун мафойилун мафойил*

Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳринг икки рукни била адо қилиб, суруд нағамотиға рост келтурурлар эрмиш ва ани «мустазод» дерлар эрмиш, андоқким,

мустазод:

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли.

Мафъулу мафойилу мафойилу мафулун

Мазҳар санга ашё.

Мафъулу фаулун

Сен лутф била кавну макон ичра мувалли,

Олам санга мавло.

Яна Ироқ аҳли тарокимасида сурудедур шойиъким, ани «арузворий» дерлар ва анинг байти кўпрак ҳазажи мусаммани солимдадур, андоқким,

б а й т:

*Сақоҳум раббуҳум хамри дудоғинг кавсариндандур,
Бу майни ичтикунг нуқли ҳадисинг шаккариндандур.
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун*

Ва яна рамали мусаммани маҳзуф вазнида ҳам айтурлар, андоқким,

б а й т:

*Давлати васл илтимоси не ҳикоятдур манго,
Буки ёдинг бирла жон берсам кифоятдур манго.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

Чун ўзонларнинг ўзмоғи ва ўзбакларнинг буди-будойи ҳеч вазн била рост эмас эрди, анга таарруз қилилмади, агарчи асарлари бордур, аммо анинг аруз илмиға дахли йўқтур.

Яна сурудедурким, ани «туркий» дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубдур ва ул ғоятдин ташқори дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз айш аҳлиға судманд ва мажолис оро суруддур, андоқки, сало-тин ани яхши айтур элни тарбиятлар қилибдурлар, туркигўйлик лақаби била машхурдур ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқиъдур, андоқким,

б а й т:

*Эй саодат матлаъи, ул орази моҳинг сенинг,
Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.
Фоилогун фоилогун фоилогун фоилогун*

Ҳазрати Султон соҳибқирон бу вазнинг ғоят равонлиғ ва латофатидин ва руҳпарварлиғ ва салосатидин ўз девонларинки, жамиъ давовин орасида баданлар аро жондекдур ва кавокиб ичра хуршиди рахшондек воқиъ бўлубдур, бошдин-оёқ илтизом қилиб, бу вазнда тартиб берибдурлар эрди.

Ғараз бу мақолотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким назм воқиъ бўлубдур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркондур ва ул фан ривожи учун киши аруз фаннида китобе ё рисолае битмайдур. Бу хужаста замондаким, замон подшоҳи девон тартиб бердилар, муборак хотирларин шеър вазниға ва байт тақтиъиға машғул қилдилар, бу жиҳатдин шеърнинг пояси етти кўкдин ўтти ва бу байтнинг мартабаси байт ул-ҳаромға етти; ҳар ойинаким, мулойимтабълиғ озодалар, балки қобилфаҳм ва зеҳнлик шаҳзодалар бу шариф илмға иштиғол кўргузадур эрдилар ва бухур авзони ва тақтиъи ва зиҳофоти ва давойири илмидинки, араб фусаҳоси ва ажам булағо ва шуароси ул илмда китоблар тасниф қилибдурларки, онсиз бу фанга вукуфе ва шууре бўла олмас, бу алфоз назмида йўқ эрди ва Султон ус-салотиннинг муборак хотирлари мунга мултафит бўлуб, андоқки, китобнинг ибтидое воқиъ бўлмиш бўлса, эътироз била ўтмагайлар ва сабаб бўлди ва бу сабабдин бу илм зобитасиға қалам сурулди.

Илтимос бу фан аҳлидин улким, ҳар ерда саҳв ва хатое воқиъ бўлмиш бўлса, эътироз била ўтмагайлар ва ислоҳ қалами била тuzатгайлар.

Р у б о и й:

То чарх давойиридин ўлғай айём,

*То шеър хаёлотига йўқтур анжом,
То байт тарокибида бўлғай ибҳом,
Топсун назминг била жаҳон аҳли низом.*

ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО

Матни нашрга тайёрловчи:
ЛАТИФ ХАЛИЛОВ

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

Одам салавотуллоҳ алайҳ хилқати Одамнинг кунияти Булбашардур ва лақаби Сафиюллоҳдур. Чун иродатуллоҳ анинг хилқатиға муқтазий бўлди, Жабраилға амр бўлдиким, бир миқдор туфроғ анинг тийнати тахаммури учун ул ердинки, ҳоло Макка анинг ўрнидадур, келтурсун. Жабраил алайҳис-салом бу амрға иштиғол кўргузди, бирҳол тили била анга онт бердиким, туфроғни мендин олмаким, бўлмағайким, бу махлуқдин ношойист амр вужудқа келгайким, ул сабабдин мен ҳақ таолонинг мужиби сахту хитоби бўлғаймен. Жабраил а. с. қайтиб анинг сўзин арз қилди эрса, Микойилға ҳукм бўлди. Ул дағи ердин ҳам андоқ онт эшитиб қайтди, эрса, Исрофилға ҳукм бўлди. Ул ҳам ул икининг узри била қайтқондин сўнгра Азроилға буйруқ бўлдиким, ердин туфроқ кетургай. Ер Азроилға онт бергандин сўнгра Азроил айттиким, ҳақ субҳона ва таолонинг амри санинг онтингдин юқорироқдур. Бир овуч туфроқ ер юзидин олиб, ҳақ таолонинг амри била биҳиштга келтуруб, Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаламнинг тийнатин тасним суйи била юғуруб, борча малоикка арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офаринишидин мунунг хилқатидурким, охируз-замон пайғамбари бўлғусидур. Андин сўнгра Одам а. с. туфроғиға қирқ кун раҳмат ёмғури ёғдуруб, ўз қудрат илки била тахмир қилдиким, «хаммарту тийнати одама биядайя арабина сабоҳан»¹ андин хабар берур. Чун инсон қисватин одамға кийдурдилар ҳақ субҳонаҳу ва таоло асмой ҳуснини анга ўргаттиким ва аллама

одамаал асмоа куллаҳо² ва малойикайи муқарраб анинг илмиға муътариф бўлдилар ва тангри таоло ҳукми била анга сажда қилдилар. Иблисдин ўзгаким, ул жиндин эрди фасаждал малоикату куллуҳўм ажмаунилло иблиса³. Ва иблис кўп тоат қилғондин сўнг малоика мартабасиға етиб эрди. Чун тангри таоло амридин бўюн тўлғоди, шақоват ва лаънати жовид тавқи анинг бўйниға туштиким, «Ва инна алайкал-лаънати ило явмиддин»⁴. Одам ва Ҳаво биҳиштда сокин бўлсун деб амр бўлдиким, «ё Одаму, ускун анта ва завжука ал-жанната»⁵. Ва Ҳаво Одам а. снинг сўл ёнидин яратилди. Ва баъзи ривоятда андоқдурким, Ҳаво дунёда яратилиб эрди. Ҳар тақдир била Одамға буғдой емакдин наҳй бўлди. Баъзи узум, баъзи анжир дебдурлар. Иблис Одам жиҳатидин лаънати абадияға шойиста бўлуб эрди. Бу хусуматдин йилон воситаси била биҳиштга кириб, Одам а. с. буғдой емак васвасасин қилиб, чун иродатуллоҳ мунга жорий бўлуб эрдиким, олам юзин Одам авлоди тутқай. Одам ва Ҳавони биҳиштдин чиқардилар. Ва Ҳиндистон мулкида бир-биридин айру туштилар. Одам а. с. Маккага келиб, Арафот ёнида Ҳавоға учради. Андин Арафот ул ерга лақаб қолди. Андин сўнгра Одам а. с. Каъба уйин ясади. Дағи Ҳиндистон сори азимат қилдилар. Ва Жабраил а. с. хубубот келтуруб, Одамға қўш суруб, экин эмак қоидасин ўргатти. Ва Ҳаво Одамдин хар қачон ҳомила бўлиб эрди, ики фарзанд келтурур эрди: бир ўғул, бир қиз. Бу ўғулға яна бир қорнидин келган қизни берурлар эрди ва бу қизни яна бир қориндин келган ўғулға берурлар эрдиким, орада фарқ бўлғай. Қобил била туқғон қизни оти Иқлимо дебдурлар. Тиладиким, Ҳобилға берғай. Қобил ўз синглининг хусни жиҳатидин анга мойил эрди, уномадиким Ҳобилға бергайлар. Одам икисига қурбон буюрдиким, ҳар қайсининг қурбони қабул тушса, анга бергай. Ҳобилнинг қурбони қабул тушуб, Одам а. с. Иқлимони анга берди. Қобил хусумат жиҳатидин Ҳобилдек қариндошиким, сабури жамол ва маънавий камол била ораста эрди ва Одам а. с. ани бағоят севар эрди, ҳалок қилиб, Одамни анинг фироқида мубтало қилди. Аввал кишиким, ноҳақ қон

қилди Қобил эрди. Чун андин бурун ҳеч киши ўлукни кўрмайдур эрди. Қобил мутаҳаййир бўлуб, Ҳобилни кўтариб юрур эрди. Бори таоло ҳукми мунга мутааллиқ бўлдиким, одамизод майитнинг тадфинин билгай. Ики малакни ики қарға сурати била Қобил қошиға йибордиким, бир-бири била урушуб, бири яна бирин ўлтурди ва қотил қарға ерни тирнаб, минқори била қозиб, мақтулни дафн қилди. Қобил дағи бу таълимни олғоч, Ҳобилни гўр қазиб, дафн қилдиким, бори таоло Қобил тилидинким, «Аъ-жазту ан ақуна мисли ҳазал ғуроби»⁶ каримасин адо қилур. Ва қурбон қилмоқ бу эрдиким, қўй ўлтуруб, тоғ устида қўярлар эрди. Осмондин ўт тушуб, қайсини куйдурса эрди, қабул нишонаси ул эрди. Чун Қобилнинг қурбони куймади, шайтон анга бу навъ бози бердиким, ўт сендин ранжа бўлубдурким, қурбонингни куйдурмади. Ўтқа сажда қилсанг, сендин хушнуд бўлур. Қобил дағи ўтқа сажда қилиб, оташпарастлик расми бунёд бўлди. Чун Одам а. с. Ҳобил фироқида кўб бетоқатлик қилур эрди, ҳақ таоло Шис а. с. ни Одамға каромат қилди. Ва Шис а. с. муҳаббати Одамнинг Ҳобил мотамида изтиробин кам қилди, Иқлимони анга никоҳ қилиб, ўз ўрнида валиаҳд қилди ва ҳаёт вадиъатин арвоҳ қобизиға топшурди. Ва умрин баъзи минг йил ва баъзи тўқуз юз ўтуз йил дебдурлар. Ва Одам а. с. сўнгра баъзи уч, баъзи ети кундин сўнгра Ҳавоға ажал етти. Мадфанларида ҳам ихтилоф бор. Аммо мавлоно шарафул милла ваддин Али Яздий «Зафарнома» муқаддимасида айтибдурким, Одам а. с. ни Шис ғусл бериб, намоз қилди ва Ҳиндистонда дафн қилди. Ҳаво ҳам Одам а. с. ёнида мадфун бўлди. Аммо Нуҳ а. с. замонидаким тўфон бўлди, Нуҳ аларнинг муборак жасадларин кемада асраб, тўфондин сўнгра Абул Қайс тоғида ва баъзи дебдурларким, Байтул-муқаддасда дафн қилди. Ва Одам а. с.нинг Ҳобилға марсияси бор.

Р у б о и й:

*Одамники, ҳақ лутф ила мавжуд этти,
Мажмуъи мулк хайлиға масжуд этти.*

*Охир танидин руҳни манқуд этти,
Ул навъки, нобуд эди, нобуд этти.*

Шис а. с. – Одамдин сўнгра анинг ўрнида ўлтуруб, анинг авлодиға муҳофазат бошлади. Ва бори таоло Шисға нубувват каромат қилди ва анга саҳифа нозил бўлди. Ва Катъба биносин тош ва гач била Шис а. с. иморат қилди. Ва Қобил авлодиким, куфр ва инод аҳли бўлуб, оташпарастликқа машғул эрдилар, қолин бўлуб, Одам авлодиға зарарлар тегар эрди. Шис а. с. чун бағоят далир ва шужоъ эрди, алар устига сипоҳ тортиб, фасодларин дафъ қилиб, алар берк тоғларда маскан қилиб, мустаъсал ва паришон бўлдилар. Ва Шис а. с. Бобилда Сус шаҳрин бино қилди. Ва ети ўғли бор эрди. Чун нубувватидин қирқ беш йил ўтти, ўғлонлариға Қобил авлодининг ҳарб ва дафъин васият қилди. Анушким, улуғроқ эрди, ўз ўрнида валиаҳд қилиб, оламға видоъ этти. Ва ани Одам а. с. ёнида дафн қилдилар. Ва ёши тўқуз юз ўн ики йилға етти.

Р у б о и й:

*Гар Шис ва гар Қобил эрур, гар Ҳобил,
Ёшлари агар юз йил эрур, гар минг йил,
Бир неча кун этсалар жаҳонда таътил,
Охир бориға ажал буюрур таъжил.*

Ануш пайғамбар эмас эрди, аммо валоятдин насиби бор эрди. Ва одил ва сахий киши эрди. Атбоъ ва авлодин Одам динига даъват қилди ва аввал кишиким, хурмо йиғочи экти, ул эрди. Ва аввал кишиким, садақа расми пайдо қилди, ул эрди. Ул сабабдинким, анинг замонида рафохийят кўп бўлди. Ва онча қўй ва ўй ва сойир баҳоним пайдо бўлдиким, ҳеч ҳисобин билмас эрди. Ул буюрдиким, чун ҳақ таоло ҳисобдин ортуқ мол каромат қилибдур, ҳар мингдин бирин айириб, муҳтожларға беринг.

Ва тарихи Жаъфарийда битибдурким, анинг замонида Сувод

мулкида бир аждаҳо пайдо бўлуб, халойиққа кўб нуқсонлар еткурди. Ануш бориб, ул аждаҳони Одам а. с. биҳиштдин чиқарғон асо била ўлтурди. Дедиларким, Мусо а. с.ға теккон ҳамул асодур. Анинг замонида жин хайли одамизод орасиға кириб, зарар еткурур эрди. Ва анинг ўн ики фарзанди бор эрди. Қинон улуғроқ эрди, ани валиаҳд қилиб, вафот қилди. Ани оталари ёнида дафн қилдилар. Ва умрида ихтилофдур. Жаъфарийда уч юз йил дебдурлар, аммо ўзга таворихда тўқуз юз олтмиш беш йил дебдурлар.

Б а й т:

*Минг йил доғи сурса эри давронни Ануш,
Ҳам айлағуси эди ажал жомини нўш.*

Қинон бинни Ануш чун отаси ўрниға ўлтурди, баъзи Сусни, баъзи Бобилни дебдурларким, ул иморат қилди, вале муттафиқдурларким, халқдин юзар-юзар киши айириб буюрдиким, кентлар, ҳисорлар ясадилар. Чун Қиноннинг ёши тўқуз юз йилға етти, Маҳлойилким, улуғроқ ўғли эрди, валиаҳд қилиб, оламдин ўтти.

Маҳлойил бинни Қинон оталари дорул-мулкидин Рум мулкига борди ва Шис а. с. авлодини ўзи била элтти ва сойир атбоъин олам мулкида пароканда қилди. Анинг замонида кўп ерда эл зоҳир бўлдилар. Умри секиз юз олтмиш бешга еткондин сўнг, Язидни валиаҳд қилиб, оламдин ўтти.

Язид бинни Маҳлойил. Дерларким, Язид бағоят зеборўй ва писандидахўй эрди. Қушлар эти ва болиғ эти емакка ул мухтариё бўлди. Ва ариғлар қозиб, сув чиқорди ва кўп никоҳ қилур эрди. Анга қирқ ўғул пайдо бўлди. Боридин кичикроқ Ахнух эрдиким, ани Идрис дебдурлар. Умри тўқуз юз олтмиш икига етконда, Идрис а. с. ни валиаҳд қилиб, охират сафарига озим бўлди ва аждоди ёнида дафн қилдилар.

Идрис а. с. сурёний пайғамбардур. Отаси Язид замонида

бутпарастлиқ шойъе бўлди. Анга ваҳй келдиким, ул элга бутпарастлиқдин манъ қилғай. Черик тортиб, кўп жиҳод қилиб, Қобил авлодинким, бутпарастлиқ қилур эрдилар, қатл ва асир қилиб, ғазв ва жиҳод қоидасин ул ароға киюрди. Ва ани халқ мусалласун-наъма дейдиларким, учунчи пайғамбар ва учунчи ҳаким ва учунчи подшоҳ эрди. Юнон аҳли ақидаси будурким, Хурмис ҳаким улдур. Хат ва нужум илмини ул пайдо қилди ва киймак ва емак андин қолди. Ҳақ таоло анинг учун ўтуз саҳифа нозил қилди. Ва анинг замонидин Нуҳ а.с. замониғача тўрт юз ўтуз тўрт йилдур. Олтмиш беш ёшида Матушлах мутаваллид бўлди. Ва Идрис а. с.нинг мавтин киши кўрмайдур. Ҳам шаръ аҳли қошида, ҳам тарих аҳли олида ақида будурким, ул тирикдур ва биҳиштдадурким, каломи олиҳи ондин хабар берурким, «варафаъноҳу ма-конан алиййан»⁷. Ва бу қиссанинг шарҳин мабсутроқ кутубдин маълум қилса бўлур. Ва ани янбуъул-ҳаёт дебдурлар. Умри уч юз олтмиш бешга етконда ани малоика осмонға рафъ қилдилар. Ва борурда ўғли Матушлахни валиаҳд қилди. Ва ани Идрис дарс кўп айтурдин дебдурларким, ниҳоятдин кўпрак шогирди бор эрди. Ва анинг замонида мазкур бўлғон улум шойеъ бўлди.

*Чу Идрис оламда бўлди муқим,
Расул эрдию, подшоҳу ҳаким.
Агарчи анга бўлди учмоқ макон,
Жаҳон ичра худ қолмади жовидон.*

Матушлах бинни Ахнух. Анинг авлоди қолин бўлди. Ва дерларким, от анинг даврида кўп бўлди. Доно киши эрди. Доим авлодиға черик бошлатиб, Қобил авлоди устига йиборур эрди ва аларни мактум қилур эрди. Собеъ анинг ўғли эрдиким, ҳоло бир машхур музаҳҳиблари бор. Ёши тўқуз юз сексонға етти. Баъзи мингдин ҳам ортуқ дебдурлар. Оқибат Малик Мулкоким ўғли эрди, валиаҳд қилди. Аммо Малик Матушлахдин бурунроқ ўтти ва

Малик юз етмиш яшағонда оламға видоъ қилди. Ва Матушлах андин сўнгра ўғли кейнига азимат қилди.

*Гар Матушлах ва гар Малик ўлсун вар Нуҳ,
Ичмак керак албатта фано жомидин сабуҳ.*

Нуҳ бинни Малик бинни Матушлах бинни Идрис пайғамбари мурсалдур ва Бахиюллоҳ анинг лақабидур. Баъзи қирқ ёштин сўнгра, баъзи эллик ёштин сўнгра дебдурларки, анга ваҳй нозил бўлди. Ва анинг замонида олам халойиқи бутпараст бўлуб эрдилар Тўқуз юз эллик йил элни ўз диниға даъват қилди. Сексон кишидин ортуқ қабул қилмадилар. Куффордин анга изолар тегар эрди. Ул сўз айтса, эшитмоли деб қулоғларин тутар эрдилар. Ҳаддин ўткондин сўнг, Нуҳ дуо қилди: «Рабби лотазарни алал арзи минал кафирина даййоро»⁸ дуоси мустажоб бўлди. Жабраил а. с. бир дона келтуруб буюрдиким, ани Нуҳ а. с. экти ва ул еткоч йиғочи бўлди. Неча йилдин сўнгра ул йиғоч улғойди. Амр бўлдиким, ани кесиб, кема ясағай. Ул кеманинг тули уч юз қари ва арзи ва умқи анга кўра. Дебдурларким, кема тугангондин сўнгра, ҳақ таоло тўфон ошкор қилди. Андоқким, ҳам осмондин ёғар эрди, ҳам ердин сув қайнаб чиқар эрди. Ривоят мундоқдурким, сув аввал Нуҳ а. с. тануридин қайнаб чиқти. Алқисса, олти ойғача ҳол бу эрди, то тамом оламни сув тутти. Ва Нуҳ аввал имон келтургон сексон киши била кемага кириб, уч ўғли дағи кемага кириб, чун кема уч табақа эрди, бир табақада вухуш юз баҳойим ва сибоъ кириб, яна бир табақада башар кириб, кема ердин кўтарилиб, андоқ бўлдиким, сув тоғлардин қирқ қари ўтти. Дерларки, Нуҳ а. с. кемаси ҳақ таоло амри била ики қотла машриқдин мағрибқа ва яна бир қотла мағрибдин машриққа борди. Чун тамом оламда кема ичидаги махлуқотдин ўзга ҳеч махлуқ қолмади, борча ҳалок бўлдилар. Тўфон таскин топти ва сув озола бошлади. Ва Нуҳ а. с. кемаси Мўсулда Жуди тоғи устида қарор тутти. Ва Нуҳ а. с. муҳаррам ойининг ўнида кемадин чиқиб, ҳамул ерда таскин тутуб, ул эл била бир кент ясадилар. Ва Нуҳ а. с.

умри минг олти юз йил бўлгондин сўнг оламдин ўтти. Ва ривоят будурким, Одам замонидин Нуҳ а. с. замониғача ики минг беш юз йилдур ва Нуҳ давридин Иброҳим Халил салавотурраҳмон алайҳ давриғача минг беш юз йил ва - Иброҳим а. с. аҳдидин Мусо а. с. аҳдиғача тўрт юз олтмиш йил ва Мусо а. с. чоғидин Исо а. с. чоғигача минг тўқуз юз ўтуз йил ва Исо а. с. айёмидин Ҳазрат Рисолат с. а. в. фархунда айёмиғача юз сексон йил воқеъдур. Олам аҳли аксари Нуҳ наслидиндур. Бу жиҳатдин ани икинчи Одам дебдурлар. Ва анинг тўрт ўғли бор эрди: Ёфас ва Сом ва Ҳом ва Канъон. Ва бу Қанъон кофир эрдиким, Нуҳ а. с.га имон келтурмади ва тўфонда ҳалок бўлдиким, «иннаҳу лайса мин аҳлика»⁹ анинг шаънида нозил бўлди. Ривоят будурким, Нуҳ а. с. кемадин чиққондин сўнг, ул сексон киши андоқ ҳалок бўлдиларким, алар наслидин киши қолмади. Нуҳ а. с. Турон ва Хўтанни Ёфасқа берди ва Эронни Сомға ва Ҳиндистонни Ҳомға. Бу мазкур бўлгон мамолик аҳли бу уч кишининг наслидиндурлар. Бу жиҳатдин Ёфасни Абут-Турк ва Сомни Абул-Ажам ва Ҳомни Абул-Ҳинд дебдурлар. Ва Ҳомнинг ранги қаро эрдиким, ҳинд аҳли қаро воқеъдурлар. Ва анинг жиҳати бу эрди. Дебдурларким, Нуҳ а. с. ўюб эрди ва аврат узви очилиб эрди, Ҳом кўруб кулди. Ва Ёфас ва Сом манъ қилиб ёптилар. Нуҳ а. с. уйғониб маълум қилиб, Ҳомни ёмон дуо қилди. Ул жиҳатдин ранги қаро бўлуб, пайғамбарлик анинг наслидин мунқатиъ бўлди. Ва Нуҳ а. с. кемага кирарда, Одам а. с. сўнгокин мадфанидин чиқориб, кемаға киюруб эрди, кемадин чиққонда, баъзи дебдурлар Мадян ерида, баъзи дерлар Нажафда дафн қилди.

Ёфасни пайғамбари мурсал дебдурлар. Ва ани ети ўғли бор эрди: Бука, Хизр, Суқлоб, Рус, Бик, Чин, Камо. Баъзи секиз ўғул дебдурлар ва секизинчи Торах дебдурлар. Ва Искандар Зулқарнайн Ёфаснинг тўртинчи ўғлидур Рус наслидин.

Чун Ёфас Хито мулкида мутамаккин бўлди, бу ўғлонлариға ҳар ерники берди, ул ерни ул ўғли оти била атадилар. Чун бу тарихки битиладур, хотирда андоқдурким, Султони соҳибқирон ҳолот ва ансоби мазкур бўлғай, иншо аллоҳ таоло ул Ёфас

тарихиға мавқуфдур. Чун бўлғусидур мунча била ихтисор қилилди.

Сомни ҳам баъзми пайғамбари мурсал дебдурлар ва кўпрак анбиё. Ва Эрон мулуки анинг наслидиндурлар.

Ва анинг олти ўғли бор эрди. Баъзи тўқуз ўғул ҳам дебдурлар. Каюмарсни ҳам анинг авлодидин тутубдурлар. Арфахшад анинг наслидиндур. Тўртинчи, Басти Қаҳитон Қолеъға етишурким, ибри Қолеъ наслидиндур. Арабнинг кўпи Қаҳитон наслидиндурлар. Қаҳитондин учунчи пушт Сибоға етарким, аъробдин Хамандий ва Вахмий ва Оъмирий ва Қазоъий ва Ашъарий ва Оздий ва Тоий Сибо наслидиндур. Ва Сомнинг икинчи ўғли Олимдурким, Хуросон ва Мисол анинг ўғлонларидурлар. Ироқ Хуросон ўғлидур. Ва Кирмон ва Макрон Мисол ўғлонлари. Ва учунчи ўғли Асва-дурким, Аҳвоз ва Паҳлу анинг ўғлонларидур. Ва Форс Паҳлунинг ўғлидур. Ва тўртинчи ўғли Будаздурким, Озарбайжон ва Арон ва Арман ва Фаръон анинг ўғлонларидурлар. Ва бешинчи ўғли Овадурким, Од ва Самуд қавми анинг наслидиндурлар. Ва олтинчи ўғли Сағрдурким, Шом ва Рум анинг ўғлонларидурлар.

Ҳомни ҳам баъзи пайғамбар дебдурлар. Аммо чун Нуҳ а. с. анга Ҳинд мамоликин муқаррар қилиб, ул навоҳийға юборди, Ҳомнинг авлоди ул васиъ мулкда ёйилдилар. Ва анинг тўқуз ўғли бор эрди: Ҳинд, Синд, Нуба, Канъон, Куш, Қибт, Барбар, Рих, Ҳабаш. Ва бу тўқуз кишининг авлоди кўп бўлди ва ароларида ўн секиз луғат пайдо бўлдиким, бири яна бирининг луғатин яхши англамаслар эрди. Баъзи дебдурларким, бу жиҳатдин ҳар луғат аҳли бир мулкка мутафарриқ бўлдилар. Аммо асли будурким, Ҳом авлодиға ул иқлимдағи мамоликни бериб узатти, анда аларнинг табаъи кўп бўлди, Алфозлари мутанаввеъ бўлуб, Бухтуннаср ва Намруд икаласин дерларким, Ҳомнинг Куш отлиғ ўғли наслидиндурлар. Бу тарихни мутолаа килур маходим арзиға еткурулурким, таворихики битибдурлар, бу мавзуъдин паришонроқ ер йўқтур. Асру кўп мухталиф ақвол бу ерда мазкурдурким, битмоки ўхур элга мужиби тараддуд бўлур. Ул

жиҳатдин баъзи муътабар кутубдин ушмунча сўз била ихтисор қи-лилди.

Худ а. с. Тарих аҳли баъзи дебдурларким, Нуҳ замонидан Иброҳим салавоттуллоҳ алайҳ замониғачакимин минг ики юз йил бўлғай, Худ била Солиҳ а. с. дин ўзга пайғамбарлари маъбус бўлмади. Ва Худ а.с.нинг нисбатин мундоқ дебдуларким, ул Абдуллоҳ бинни Рамоҳ бинни Ҳорис бинни Ҳорут бинни Аваз бинни Эрам бинни Сом бинни Нуҳнинг ўғлидур. Ва аксар кутубда ани Обир бинни Солиҳ бинни Арфаҳшод бинни Сом бинни Нуҳ дебдурлар. Они Ҳақ субҳона ва таоло Од қавмиға йиборди. Ва ул қавм бағоят бийик бўйлуғ ва азим кучлук халқ эрдилар ва аларнинг ойини бутпарастлиғ эрди. Ишлари кўп нима емак ва фиққ эрди. Худ а. с. эллиқ йил аларни имонға даъват қилди. Алар ғафлат ва жабборлиғдин анинг сўзин эсламадилар, ўз ноҳамворлиғларидин тажовуз қилдилар, магар қалилким, иймон шарафиға мушарраф бўлуб, иймонларин ул қавм ваҳмидин махфий тутарлар эрди. Худ а. с. алар ишидин ожиз бўлуб, балки навмид бўлғондин сўнгра, алар бобида ёмон дуо қилди. Ва ул дуо мустажоб бўлди, Тенгри таоло аларни қаҳат балосиға мубтало қилди. Ул навъким ети йил ёғин ёғмади. Доғи рудхона ва булоғлар қуруди. Ул чоғда маъхуд бу эрдиким, ёмғур ёғмаса, Макка ҳарамига бориб, қурбон қилиб, ҳақ таолодин ёғин истидъо қилур эрдилар. Луқмон бинни Одни неча киши била ул қавм ёмғур дуоси учун Маккага юбордилар. Ва Луқмон ҳам ёшурун иймон келтуруб эрди, аммо ароларида баъзи кофир эрди. Алар дуо қилғоч, уч пора булут пайдо бўлди: бирининг ранги оқ ва бирининг ранги қизил, бирининг ранги қаро. Доғи осмондин ун келдиким, Од қавмиға қойси булут керак? Луқмоннинг ул рафиқиким кофир эрди, бу тамаъ билаким, қаро булут сувлуқ бўлур, қаро булутни қавми учун тилади. Тенгри таоло анинг истидъоси била муродин берди. Ва ул сарсари эрдиким, ани рихул ақим дебдурлар, Од қавмиға етти кеча ва секиз кун эсти. Андоқким, иморатларин йиқти ва йиғочларни қўнғорди. Ул қавмким ўз кучлариға мағрур эрдилар, хошокдек совуруб, тоғ ва тошға уруб, борисин ҳалок қилди. Ва бу ҳол

шаввол ойида бардул-ажуз вақтида эрди.

Худ а. с.нинг умрида ихтилофдур. Аммо «Соҳиби гузида» – куффор дафъидин сўнгра, эллик йил тирик бўлубдур, юз эллик яшагондин сўнгра, оламға видоъ қилди. Ибрий тил била они Обир дебдурлар. Ибрий Обирдин муштақдур. Араб Худ деди. Яъни, Банийул-лоҳдир. Муъжизоти кўптур. Ул жумладин бири Од қавмининг дафъи эрди.

Р у б о и й:

*Ул қавми азим дедилар они Од,
Сардорлари Шадид ёхуд Шаддод.
Бир дам елидин оқибат ул аҳли инод,
Хошок каби борчаси бўлди барбод.*

Солиҳ а. с. Они ҳақ субҳона ва таоло Худ а. с. дин сўнгра Самуд қавмиға мабъус қилиб йиборди ва Самуд қавми Одийлардин бурун Ҳижардаким, Ҳижоз ва Шомнинг орасидадур, муқим эрдилар ва Од қавмининг заволидин сўнгра Самуд қавми аларнинг мулкиға бориб, бузулгон иморатларин ясаб, салтанат маснадида ўлтурдилар. Ва Тенгри таоло аларға онча мол ва жоҳу фароғат насиб қилдиким, ҳадду ҳасрдин ўтти. Бу жиҳатдин ғурур димоғлариға йўл топиб, жаҳл ва ғафлатдин гумроҳ бўлуб, ҳақ таоло амр ва наҳйидин бўюн тўлғоб, бутпарастлик ихтиёр қилдилар. Ва азим фисқу фужурға иштиғол кўргуздилар. Аларнинг ҳидоят танбеҳи учун Солиҳ а. с. мабъус бўлди. Ул қавмни туз йўлға далолат қилиб, ҳеч ким қабул қилмади. Кўп муддат ул ҳазрат насойиҳ ва мавоиз ва ваъду ваъид кўргузди. Оз киши алардин анинг диниға майл қилдилар. Аммо Солиҳ а. с. тангри таоло ҳукми била алар даъватидин илик тортмас эрди. Алар ожиз бўлгондин сўнгра, Солиҳдин ғариб муъжиза тиладиларким, хора тошдин дуо қилиб, бир бўталиғ тева чиқорғил. Солиҳ а. с. дуо қилиб, ҳақ таоло ул тошни шақ қилиб, тева бўтаси била тош аросидин чиқти. Бовужуди мундоқ ҳол ул

гумроҳлар нубувватиға муътариф бўлмадилар ва Солиҳ а. с. теvasи ўтуз йилгача мавжуд эрди. Оқибат Самуд қавми ул теvasи неча киши йибориб ўлтурттилар ва бўтаси қочиб тоғ сори юзланди. Солиҳ а. с. ул қавмға айттиким, бу бебокликким сиздин воқеъ бўлди, ҳақ таолодин мунинг интиқоми сизга бу бўлғусидурким, уч кунгача бир кун юзларингиз сориг бўлғусидур, икинчи кун тийраликка мойил бўлуб, учунчи кун тамом қорарғусидур, деб уйига юзлонди. Ноқани ўлтургон бадбахтлар Солиҳ а. с.ни доғи ўлтурур қасди қилиб, Солиҳ а. с.нинг уммати айттиларким, ул бир сўз айтадурким, анинг мавъиди йироқ эрмас, тонглағача таҳаммул қилинг, осори зоҳир бўлса, ҳарне қилсангиз билурсиз. Бу сўз аларға маъкул кўрунуб қойттилар. Аммо Солиҳ а. с. деган йўсун била уч кунда уч аломат зоҳир бўлур. Ва ул қавмға ҳолате зоҳир бўлдиким, ўзларин изтироб бирла ерга урарлар эрди, ногоҳ Малакут оламидин бир маҳобатлиқ ун келдиким, борчалари ҳалок бўлдилар. Баъзи кутубда мундоқ дебдурларким, бир заифаким, оти Вазийа эрди ва аёғ-илки мафлук ва Солиҳ а. с.ға доим тил текурур эрди, ўлмай қолди ва тани дуруст бўлуб, ул диёрдин водиюл-қарияға келди ва халойиққа ҳақ субҳона ва таолонинг қаҳҳорлиғ баҳри мавжға тушуб, Самуд қавмини фасод ва макони эгримида ғарқа қилғон ерга етиб, сув тилаб ичкондин сўнгра, ҳамул гирдобқа чўмди. Ривоятдурки, ул қавмдин Абузуюл отлиғ бир киши Макка ҳарамида тирик қолди. Ҳарамдин чиқғоч, ўлди ва анинг бир шох олтуни бор эрди, ҳамул олтун била дафн қилдилар. Неча минг йилдин сўнгра ҳазрат Рисолат а. с. замонида ул ҳазрат ул ердин ўтар эрдиким, асҳобқа айттиким, бу ер Абузуюлнинг мадфанидур. Ва Солиҳ набий ва Самуд қавмин қиссасини айтти ва ул шох олтундин ҳам хабар берди. Асҳоб ул ерни шақ қилиб, олтун мавжуд эди, олдилар. Солиҳ а. с.нинг умри ики юз сексон йилға етти. Шариати Нуҳ а. с. шариати эрди. Ва мадфани ҳарам яқинида Дорун-надвада, баъзи Рукн била Мақом орасида ҳам дебдурлар.

Рубоий:

*Солиҳ келди Самуднинг қавми чоғи,
Толиҳ эдилар бу қавм боштин аёғи.
Бу турфаки, чарх золининг ўйнамоғи,
Толиҳни доғи қўймади, Солиҳни доғи.*

Хантила бинни Сафвон Қаҳр бинни Қаҳитон ўғлидур. Они Тенгри таоло Асҳобур-расқаким, Каломуллоҳда мазкурдур, йиборди. Ва Рас подшоҳе эрди Самуд наслидин. Мағриб заминда ул яздонпараст эрди. Охиратул-умр ва вусъат салтанатдин димоғиға ғурур юзланди, Тенгрилик даъвоси қилди. Анинг замонида эронлар ливота қилиб, баҳойим била жамъ бўлур эрди. Ва хотунлар чарм ва теридин олат ясаб, ўзларига истиъмол қилурлар эрди. Ва ҳоло гўеки бу навъ зуафони рас ҳам дерлар. Ва баъзи ўзларини бир-бирига суртуб таскин берурлар эрдиким, аларни саътарий ҳам дерлар. Хантила ул қавмни бу афъолдин манъ қилди ва ҳақ таоло убудиятиға даъват қилди, қабул қилмадилар. Ҳаддин ўткондин сўнгра дуо қилдиким, аларнинг сувларин қурутти ва алар Хантила дуосидин билиб, анинг қасдиға черик тортиб, ул доғи атбоин йиғиб, Тенгри таоло ҳукми била Расқа ўтру юруди. Рас черики бир ўққим Хантила сори оттилар, ҳақ таоло қудратидин ул ўқ ёниб, отқан кишига тегиб, ани ҳалок қилди. Чун ул ботил сипоҳ ҳалок бўлдилар, Рас қочиб, бир мис ва рўйдин ясағон кўрғонға кирди, аммо фойда бермади. «Валав кунтум фи бурувжим мушайядатин»¹⁰ мазмуни била Азроил руҳин қабз қилди ва жаҳаннам сори йиборди. Соҳиби гузида бу навъ битибдурким, аммо Мавлоно Мирхонд «Равзат ус-сафо»да Солиҳ а. с. зикридин сўнгра Зулқарнайн Акбар қиссасин битиб, мундоқ баён қилибдурким, аксар аҳли тарих Нуҳ а. с.дин сўнгра ва Иброҳим салавотур-раҳмон алайҳдин бурун Ҳуд била Солиҳ а. с.дин сўнгра ўзга пайғамбар бўлмайдур дебдурлар. Аммо салтанатдин баъзининг каломи мунга машъардурким, бу мобайнида Зулқарнайн Акбар нубувват мартабасиға мушарраф

бўлудур. Невчунки, мужоҳид Абдулло бинни Умар разийОллоху анхумодни нақл қилибдурким, Зулқарнайнинг нубувватиға бир далил будурким, тангри таоло ўз каломида «ва қулно ё Зулқарнайн»¹¹, деб анбиё дастури била хитоб қилиб, баъзи яъжуж дафъи учун сад боғлабдур ва яъжуж ва маъжуж сифотида доғи муболағалар кўргузубдур. Бу фақир қаламиға ул қобилият йўқдурким, аҳли тарих биткондин таҳрир қилғай. Ул ғаройибқа иттилоъ тилаган киши мабсут таворихда ўқуб, маҳзуз бўлғай. Ва лекин Банокатий таворихида Нух била Иброҳим а. с. орасида ўн киши битибдурким, салтанат қилдилар. Ва бу ўн кишининг замони ики минг етмиш секиз йил ортуқ ё бирор нима ўксукрак дебдурлар. Ва аларнинг асомийси: Сом бинни Нух, Арфахшад бинни Шолиҳ Синни Фолах бинни Обир, Аръави бинни Фолах бинни Солиҳ бинни Обир, Аръови бинни Фолиҳ бинни Солиҳ, Аргутохур бинни Соруғ, Торах бинни Моҳава. Гўё ўнунчи киши Иброҳим а. с. дур. Дерларки, Иброҳим бинни Торах битибдурким, кўпрак анбиё ва салотинни булар наслидин теъдод қилибдурким, шарҳининг тули бор ҳам паришонлиғи.

*Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур,
«Шаҳнома»нинг ул навъки лофи кўптур.
Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,
Сен ёзғали ҳам нуктаи вофи кўптур.*

Иброҳим салавотур-раҳмон алайҳ улул-азм битибдурлар. Отас Озар эрдиким, ани Торах ҳам битибдурлар. Ва бу Озар Куфанинг Кавсармо отлиғ кентидиндур ва Иброҳим а. с.нинг валодати Самуд бинни Канъон бинни Куш бинни Орам бинни Сом бинни Нух замонида эрди. Бу Намруд тарих аҳлининг иттифоқи била тўрт кишиким оламда салтанат қилдилар, бири улдур. Бу тўрт кишидин икиси пайғамбардурлар. Бири Зулқарнайн, бири Сулаймон а. с. Ва яна икиси кофирдурлар – бири Намруд, бири Бухтуннаسر. Ва баъзи булардин ўзгани ҳам дебдурлар. Намруд замонининг қоҳин ва мунажжимлари анга арз қилдиларким, бу

йил бир нутфа раҳмға борадурким, ул киши мутаваллид бўлса, сенинг заволингға боисдур. Ул ҳукм қилдиким, ҳеч киши ул йил хотуни била мубошират қилмасун ва борча халойиқни зуафодин ойириб, ҳар ўнни бир амин кишига топшурди. Ва нужум аҳли бир кунни таъйин қилдиларким, ул кун ул муборак зот ота пуштидин она қорниға интиқол қилибдур. Намруд ўзи Бобил шаҳридинким пойтахт эрди, чиқиб буюрдиким, ҳсч киши шаҳрда қолмасун, борча халқ анинг била чиқондин сўнгра, шаҳрда зуафо доғи чўқ - чўқ матофларға сайрға машғул бўлди. Озар Намрудға мулозим эрди ва шаҳрнинг бир дарвозасиға они кўюб эрди, иттифоқо анинг завжаси бу дарвозадин сайрға озим эрдиким, Озар кўруб анга мойил бўлди ва хилватқа киюруб, анинг била жамъ бўлди. Заифа ҳомила бўлди, аммо ёшурур эрдилар. Ҳам Озар ва ҳам ҳомила то ҳамл вазъининг вақти етти, Озарға жуфти айттиким, манга бу иш суубат била бўлғусидур. Улуғ бутхоналарға бориб, алардин тазаллум била менинг учун дуо қилким, жоним саломат қутулсун. Тифл мутаваллид бўлғач, сенга хабар қилдурой. Ва Намруд коҳинлар хабари билаким, ул тифл бу ёқинда мутаваллид бўлур деб эрдилар, ҳукм қилиб эрдиким, ҳар тифл мутаваллид бўлғоч, ўлтурсунлар. Баъзи етмиш минг, баъзи юз минг тифлни дебдурларким, ул шумнинг ҳукми била ўлтурдилар.

Чун Иброҳим а. с. мутаваллид бўлди, онаси ани ёшуруб, Озарға хабар қилдиким, тифл ўлук тушти ва дафн қилдуқ. Ва Озардин ёшурун нақб ичинда анга парвариш берур эрди. Бир ривоят ҳам борким, онаси Намруд ваҳмидин ани бир ғорда асрар эрди. Ҳар тақдир била чун Иброҳим а. с. бўлуғ ҳаддиға етти, онаси анга дегнича андин кўп ғариб аҳвол мушоҳада қилур эрди, то улким онасидин бир кун сўрдиким, манинг парвардигорим кимдур? Онаси дедиким: - мен, Дедиким: - санинг парвардигоринг кимдур? Дедиким: - отанг. Айтти ким: анинг парвардигори кимдур? Дедиким: Намруд. Деди: Намруднинг парвардигори кимдур? Айтти: олам аҳлининг парвардигори. Айтти: Намруднинг шакли яхшироқдур ё отамнинг? Деди: - отангнинг. Деди: - отамнинг ҳусни кўпрақдур ё санинг? Деди: -

манинг. Дедиким: – санинг чиройинг яхшироқдур ё манинг? Дедиким: – санинг. Иброҳим а. с. айттиким, парвардигор ўзидин яхшироқни яратмоқ бўлмас. Онаси мутаажжиб бўлуб, Озарға кайфияти ҳолдин хабар қилди. Ва Озар ул Намруд ҳукми ижросига – Иброҳим а. с. қатлиға озим бўлуб, муборак юзин кўргач, оталиғ муҳаббати ани ул хаёлдин ўткорди. Ва Иброҳим а. с. парвардигори талабида саъй қилди. Бир кеча бу фикрда эрди, ҳар кавкаб тулуъ қилса, «ҳозо рабби»¹² ишорати била хушҳол бўлуб, ғуруб қилғоч, навмид бўлур эрди. То куёшқа навбат етти, андин доғи маъюс бўлуб, «фаламмо афалат қола ё қавми инни бариун мимма тушрикун»¹³ каримаси била мутаранним бўлуб, муборак замири аивори ҳидоят била боруди. Алқисса, Иброҳим а. с. ул вақтнинг бутларин билиб, ихонат қилиб, элни Тенгри таолоға даъват қилди. То хабар Намрудқа етишти, Намруд мутараддид бўлуб, анинг ихзориға ҳукм қилди. Иброҳим а. с. Намруд боргоҳиға киргоч, анга эл дастури била сажда қилмади. Намруд мутағаййир бўлуб, анга саждаға бош индурмагонининг сабабин сўрди эрса, Иброҳим а. с. айттиким, мени биров яратибдурким, тирикни ўлук, ўлукни тирик қилур. Намруд дедиким, мен ҳам бу ишни қилурмен. Буюрдиким, зиндондин ики киши келтуртуб, бирин ўлтурди, бирин озод қилди. Иброҳимўмининм а. с. бу навъ ўлтурмак ва тиргузмакни мусаллам тутмай, дедиким, менинг парвардигорим кунни машриқдин толеъ қилур, сен агар мағрибдин толеъ қилсанг, даъвингни мусаллам тутай. Намруд бу ҳужжатдин ожиз бўлуб, Иброҳим а. с. ул мажлисдин чиқиб, халойиқни илойина юзидин Тенгри таолоға далолат қилиб, даъватин фош қилди. Ривоятдурким, бир кун куффорнинг ийди эрдиким, борча ийдгоҳлариға чиқарлар эрди, Иброҳим а. с. бир баҳона била шаҳрда қолди. Доғи болту олиб, куффорнинг бутларин доғи ушотти, болтуни бутларнинг улугроғининг бўйнидин осиб, куффор келгондин сўнгра, ул ҳолдин бағоят музтариб бўлуб, таҳқиқ қилдилар. Иброҳим а. с. шаҳрда қолгонни билиб, ани мухотаб қилдиларким, бу ишни сен ыилибсен. Ул айтти: – улуғ бутким болту анинг бўйнидадур ул

қилди. Дедиларким, анинг жони ва ҳаракати йўқтур, бу иш қилғоли нечук бўлғай? Иброҳим а. с. айттиким, бир нимаким анинг мунча қудрати бўлмағай нечук Тенгриликка шойиста бўлғай? Бу сўздин дағи куффорни илзом қилиб, кўп киши анинг диниға кирдилар. Чун бу сўз Намрудға етишти, билдиким, мунажжимлар хабар берган киши Иброҳим а. с.дур. Ани маҳбус қилиб, ҳукм қилдиким, ғалаба ўтун йиғиб, ўт солдиларким, Иброҳим а.с.ни ул ўтқа солиб ўртагайлар. Ўтнинг ёқиниға киши бора олмас эрдиким, ани ўтқа солғайлар. Оқибат манжаниқ била ўт ичиға оттилар. Нақлдурким, ўтқа етмасдин бурун Жабраил а. с. келиб сўрдиким, ҳожатинг недур? Иброҳим а. с. дедиким, санга ҳеч ҳожатим йўқтур, анга ким ҳожатим бор. Ул вақтдур ҳақ таоло малоикага Иброҳим а. с.нинг сидқу таваккулин кўргузуб, ҳар ойинаким ўтни анга гулистон қилди, Намруд гумроҳға асар қилмай, Иброҳим а. с.ни Бобил шаҳридин ихрож қилдурди. Иброҳим а. с. Сора билаки амузодаси ва жуфти эрди, Мисрға борди. Сибон бинни Аълвонки Миср подшоҳи эрди, Сораға тамаъ қилиб, Иброҳим а. с.дин олди. Узр юзидин анинг сори илик сунғоч, илики тутмас бўлди. Сораға узр қулуб, Ҳожар отлиғ канизак берди. Ва ул ҳолда Иброҳим а. с. кўзидин ҳижоблар рафъ бўлуб, Соранинг поклигига мутталиъ эрди. Чун Сора Иброҳим а. с. қошиға кирди, Мисрдин Фаластинға борди. Анда қаҳат эрди. Қулларин Халил Мисрий отлиғ дўстиға йибориб, қувват тилади. Ул бетавфиқ нима бермай, қулларни маҳрум қилиб қайтарди. Алар қопни қум била тўлдуруб келтуруб, Иброҳим а. с.ға кайфнятни айттилар. Иброҳим а. с. хижолатдин уюқламади. Ҳақ таоло ул қумни буғдой қилди. Ҳожар андин ёрғучоқ била ун қилиб, ўтмак пишурди ва Иброҳим а. с.ни уйғоттиким, таом егай. Иброҳим а. с. сўрдиким, ўтмакни қайдин олдинг? Ҳожар дедиким, қоптоғи ундин пишурдум. Иброҳим а. с. билдиким, тангри таоло ул сунъани кўргузубдур ва ул буғдойдин баъзисин экиб, тангри таоло онча баракат бердиким, Иброҳим а. с.ға бағоят кўп мол ҳосил бўлди ва меҳмондорлиғ шиъор қилди. Намруд жаҳлдин бир сандуқнинг тўрт поясиға тўрт қочирни боғлаб, ўзи сандуққа

кириб, тўрт юқори гўшасида ит боғлаб, каркаслар ит сори майл қилиб ҳаволандилар. Осмон сори ўқ отиб, ўқни ҳақ таоло хунолуд анинг сандуқиға тушурди. Ва ул нодон тангри таолони ўқладим деб каркасларни юқори ёниға боғлағон итларни қуйи ёниға боғлаб, ерга инди. Ва гумроҳроқ бўлуб, Тенгрилик даъвосин кўпрак қилди. Ва баъзи Намрудни Ковис дебдурлар. Оқибат Иброҳим а. с. дуоси била Намруднинг сипоҳин паша хайли ҳалок қилди, еллар азоб била ани дағи ҳалок қилди. Ривоятдурким, ул паша Намруднинг мағзиға қасд қилса эрди, анинг монглайиға анинг нима урсалар эрди, таскин топар эрди. Иш бир ерга еттиким, тўқмоқ ясатти. Муттасил анинг бошиға биров урар эрди ва анинг ҳавосининг яхшироқ хизмати бу эрдиким, ул тўқмоқни анинг бошиға бир карак урғай, то бу азоб била жаҳаннамға борди.

*Душмани хоксор жоҳилким,
Ҳаққа даъвойн иштирок этти.
Кўрки, ҳақ ғайратин не навъ опи,
Сарзанишлар била ҳалок этти.*

Сора Ҳожарни Иброҳим а. с.ға бағишлади ва Иброҳим а. с.ға сексон ёшарғонда Тенгри таоло Исмоил а. с.ни берди ва Сора рашқдин Ҳожарға фитнани вожиб қилди. Ва Исмоил а. с.чун ики ёшади, Сора бетаҳаммул эрди. Иброҳим а. с. Ҳожар била Исмоил а. с.ни элтиб, бир биёбондаким, ҳақ таоло ўз каломида «Водин ғайри зи заръин»¹⁴ дебдурки, Макка еридур, қўйди. Аларнинг мақдами баракатидин анда Зам-зам суйи пайдо бўлди ва халойиқ ул сув жиҳатидин кўп йиғилдилар. Ва Исмоил а. с анда парвариш топти ва журҳум аҳли анда йиғилдилар ва Иброҳим а. с. Каъба уйини анда бино қилғуси. Бу қисса бу ерда турсун, биз Лут а. с.нинг қиссасини шарҳ қилиб, иншо аллоҳ яна бу қисса бошиға келели.

Лут а. с. Иброҳим а. с.нинг қардоши Ҳорун ўғли эрди. Тенгри таоло анга нубувват каромат қилиб, Муътафикот аҳли ҳидоят ва иршодиға йиборди. Ва Муътафикотни баъзи беш шаҳр ва баъзи

ети шаҳр дебдурлар ва баъзи аҳли тарих бу шаҳарларни Сийстон била Кирмон орасида дебдурларки, ҳоло Лут биёбониға машҳурдир. Ва баъзи Арди навоҳийсидаким, Шом мулкида дебдурлар. Ҳар тақдир била Муътафикот шаҳри аҳли ливота шаҳватиға машъуф эдилар, бутпараст ҳам бор эрдилар. Лут а. с. ул мулкка бориб, неча вақт аларни Тенгри таоло ибодатиға далолат қилди. Ҳеч киши қабул қилмади ва ул ҳазратқа кўп изо ва малолат алардин етишти. Ва ул шумларғаки ғурабо алар мулкига убул қилурлар эрди ва шаниъ амр иштиғолиға қасд қилурлар эрди ва Лут а. с. Иброҳим а. с.дек зиёфат амриға машғул эрди, ҳар киши анга меҳмон бўлса эрди, ул палид қавм бу навъ ишга қасд қилур эрдилар. Лут а. с. ожиз бўлуб, дуо қилди. Малоикани ҳақ таоло мард йигитлар суратида Лут а. с.ға меҳмон юбордиким, Муътафикотни бузғайлар. Ул қавм Лут а. снинг меҳмонлари қасдиға майл қилдилар. Лут эшикин боғлаб, алардин ул кеча муҳлат тиладиким, тонгла аларни топшурай. Ёрим кеча малоика ўзларин Лут а. с. зоҳир қилиб, буюрдиларким, кўпунг ва бу шаҳрдин чиқинг. Лут а. с. табаи била шаҳрдин чиқдилар. Жабраил а. с. ул шаҳрларни ердин кўнғориб, осмонға элтиб, сарнигун ерга урди ва ул элдин ҳар кишиким, ҳар қайда бор эрди сижжил тоши ёғиб, борисин ҳалок қилди. Ҳаттоки, Лут а. с: нинг жуфти ул қавмдин эрди, ул тошдин ҳалок бўлдш Ва Лут а. с.нинг даъвати муддати йигирма йил ва бир нима. Ва баъзи ўтуз йил дебдурлар. Ва марқади Иброҳим а. с. ёнида бўлди.

М а с н а в и й:

*Гар Лут ва гар ливота аҳли-
Ким кетгали келдилар жаҳонға.
Кўргузмади бу жаҳони ғаддор,
Не яхшиға меҳр, не ёмонға.*

Исмоил а. с. пайғамбари мурсал. эрди. Ҳақ таоло Иброҳим а. с.ға йиборғандаким, Иброҳим а. с. Соранинг хотири учун ани

Ҳожар била Макка биёбониға элтиб қўйғони мазкур бўлди. Анда Исмоил а. с. улғойиб, табъ пайдо қилди ва дойим овға майл қилур эрди. Иброҳим а. с. Шомдин Маккага келиб, гоҳи андин хабар тутар эрди. Бир қотла келганда, Исмоил а. с овда эрди, анинг уйига бориб, аҳволин сўрди. Ҳарами Иброҳим а. с.ни зиёфат қилмай, бепарволиғ била ани узотти. Иброҳим а. с. айттиким, Исмоил келса, айтқойсенким, эшигинг пошнасиға тағйир бергайсен деб. Исмоил а. с. келганда, заифаси айттиким, бу сифат била биров келиб эрди, санга бу навъ сўз эълум қилди. Исмоил а. с. билдиким, отаси эркандур. Ҳамул замон ул хотунни талоқ қилди, яна бировни никоҳ қилди. Яна бир йил Иброҳим а. с. Маккага келдн ҳам Исмоил а. с. овда эрди. Аммо бу хотуни Иброҳим а. с.ға кўп таъзим қилиб, зиёфат истидъоси қилди. Иброҳим а. с. айттиким: Исмоил келса, айтгилким, эшигингнинг яхши пошнаси бор, тағйир бермагайсен. Исмоил а. с. келгач, маҳрами бу сўзни айтти. Исмоил а. с. билдиким, отаси бу заифадин рози бориб, сипориш қилибдур. Ани азиз ва муҳтарам тутти. То улки Иброҳим а. с. Маккага келиб мақом тутти ва юз яшаганда, ҳақ таоло Сорадин Иброҳимға Исҳоқ а. с.ни каромат қилдиким, ул оятки «Алҳамду лиллоҳиллази ва ҳабали алаал кибари Исмоила ва Исҳоқа»¹⁵ андин хабар берур. Ва Иброҳим а. с.ға Жабраил башорат бердиким, минг пайғамбар Исҳоқ наслидин мутаваллид бўлғай. Иброҳим а. с. муножот қилиб дедиким, худоё, чун Исҳоққа бу навъ улуғ мавҳибат каромат қилдинг, Исмоилни ҳам бир махсус иноят била баҳраманд қил. Хитоб келдиким, охируззамон пайғамбари саллОллоҳу алайҳи васалламким, коинот офариниши ва мавжудот парваришиға анинг шариф зотининг хилқати сабабдур, Исмоил а. с. наслидин бўлғусидур. Иброҳим а. с. шодмон бўлуб, тангри таоло ҳазратида шукр қоидасин бажо келтуруб ва Маккада Каъба уйин бино қилди. Ва ул уй тамомға еткондин сўнгра, манқулдурким, шукр қилиб, учасин Каъба девориға қўюб, тафоҳур қилдиким, бу уйин туготдим деб. Хитоб келдиким, бир очниму тўйғорибсен ё бир ялонғочни бутқорибсенким, мубоҳат қиладурсен!

Андин сўнгра Иброҳим а. с. билгачким, бу ики ишнинг не миқдор қурби ва фазилати бор эрмиш, меҳмонхона ясаб, эл зиёфатиға муболаға кўргузди ва Тенгри таоло амри била қурбонға маъмур бўлди. Исмоил а. с. никим, қурратул-айни эрди, Тенгри ризосн учун Мино тоғи устида аёғ-илкин боғлаб, қурбон қилурға пичоқ бўғзиға сурди. Ва ҳақ таоло анинг сидқи баракотидин қурбонин қабул қилиб, биҳиштдин Исмоил а. с. эвази Жабраил а. с.ға амр бўлдиким, кўчқор келтуруб, Иброҳим а. с. ани қурбон қилди. Ва Исмоил а. с. Ҳазармавт аҳлиға ҳидоят учун маъмур бўлди ва ул халойиққа эллик йил насиҳат қилиб, Тенгри таоло йўлин кўргузди, қабул қилмадилар магар оз киши. Ва Иброҳим а. с.нинг умри ихтилофида юз тўқсон беш йил дебдурлар. Ва Шом навоҳийсида Жабрун қарийясида Тенгри таоло раҳматиға борди ва ани Сора ёнида дафн қилдилар. Лақаби Халилуллоҳ ва Халилул-раҳмондур. Ва куняти Абуз-Зийфон ва Абул-Ан-биё ва Абул-Муҳаммаддур. Санъати деҳқонлиқ. Ва Иброҳим Абу роҳимдур, яъни раҳмлиқ ота. Анбиёға миллат отасидур.

Шеър:

*Гар Иброҳиму Исмоил бўлсун
Ки, ҳақ амрин қабул этмак керактур.
Бу фоний дайрда чун қилди манзил,
Туруб бир неча кун кетмак керактур.*

Исҳоқ а. с. пайғамбари мурсалдур. Ҳақ таоло ани Шом аҳлиға йиборди ва ул Шом халойиқин Тенгри таолоға далолат қилди. Ва анинг ики ўғли бор эрди. Руфақодинки амузодаси эрди. Бирининг оти Иъйс, бирининг Яъқуб. Ва Шомда Исҳоқ а. с. кўзлари нобино бўлди ва фарзандларидин Иъйс овға мойил эрди. Яъқуб а. с. қўи асрамоққа ва Исҳоқ а. с.нинг муҳаббати Иъйсға кўп эрди ва руфақонинг Яъқубқа. Бир кун Исҳоқ а. с.нинг кўнгли бирён майл қилди. Иъйсни тилаб, ул орзуни анга зоҳир қилди. Иъйс ўқ ва

ёсин олиб, тоғ сори югурди. Руфақо бу ҳолдин воқиф бўлуб, Яъқуб а. с.ға бу ҳолдин хабар берди. Филҳол бир семиз ўғлоғни бирён қилиб, Исҳоқ а. с. қошиға келтурди. Чун анбиё уйи саодати анга насиб эрди, Исҳоқ а. с. анинг борасида дуо қилди ва мустажоб бўлди. Сўнграким, Иъйс ҳам ул таомни тартиб қилди. Исҳоқ а. с. дедиким, улча мен сенга тиладим, насиб бўлғай. Тенгри таоло Яъқубқа насиб қилди. Анга дуо қилдиким, салотин сёнинг наслингдин бўлғай. Ва баъзи дебдурларким, Собир пайғамбар сенинг наслингдин бўлғай деб ҳам дуо қилди. Ва Айюб а. с. Иъйс авлодидиндур ва Иъйсга бу мазкур бўлғон жиҳатдин Яъқуб а. с.ға хусумат пайдо қилди. Ва Яъқуб а. с. андин ҳаросон эрди. Ва Исҳоқ а. с. умри юз сексонга еткондин сўнгра Тенгри таоло ҳукмин буткорди ва Иброҳим а. с. ёнида дафн қилдилар. Ушбу йил Юсуф а. с. Миср азизи бўлди.

Назм:

*Хизрға насиб ўлса ҳайвон зилоли,
Скандарга ичмакка йўқ эҳтимоли.*

Яъқуб а. с. пайғамбари мурсалдур ва кўпрак анбиё анинг наслидиндур. Ва Исроил ани дерлар. Исҳоқ а. с. анга васият қилиб эрди, чун Яъқуб а. с.нинг Иъйсдин доғи азим хавфи бор эрди. Баъзи дебдурларким, ҳамул кечаким Исҳоқ а. с. бақо оламига юзланди, Яъқуб а. с. Канъондин махфий чиқиб, Шом диёриға азимат қилди. Ва бу сафарда бир кеча туш кўрдиким, Тенгри таоло анга хитоб қилиб, ул муқаддас ерда Байтул-муқаддас биносин қилурга башорат берди. Ва ул ернинг ободонлиги Яъқуб а. с.нинг авлод ва зурриёти ҳоким бўлуб, нубувват ва ҳукумат қилиб, халойиқни ўз ҳимоятларида мураффаҳул-ҳол асрарға ваъда қилди. Яъқуб а. с. уйғониб шодмон бўлуб, Исҳоқ а. с.нинг дуоси анинг борасида мустажоб бўлғонин билиб, йўлға тушти. Ва мароҳил қатъ қилиб, Лубноннинг мақоми Фидон дегаи ерга етиб маскан қилди. Ва Яъқуб а. с.нинг суҳбати Лубнонға мулойим

тушти. Ва Яъқуб а. с. анинг Лаййо отлиғ қизин қулмоқ истидъо-си қилди. Чун ҳеч бу кадхудолиғ асбобиға дастрасн нўқ эрдн, ети йил анинг қўйчилик амрин бажо кел-турди. Никоҳ вужудин мунга қарор бердилар: Мавъид еткоч, ақд қилғон кеча Роҳилниким улуғроқ қизи эр-ди, ақд қилиб берди, Яъқуб а. с.ға маълум бўлгач,. Лубнонга гила изҳори қилди. Ул айттиким, улуғ эгачи уйда қолиб, кичики хасм уйига бормоқ номуносибдур. Ва агар кўнглунг тилар Лаййоға вобаста бўлмоқ, яна ети йил хндмат ихтиёр қил, то ани ҳам санга мусаллам тутай. Яъқуб а. с. анинг муддаосини қабул қилиб, ети йилдин сўнг, Лаййони ҳам анга берди. Ва Лаййо ики канизакким, бири Фалиҳа ва бири Залифаға мавсум эрдилар, Яъқуб а. с. уйига йиборди ва ул шаръда ики эгачи-сингилни бир кишига никоҳ қилмоқ раво эрди. Мусо а. с. замонида мамнуъ бўлди. Ва аксар таворих аҳли иттифоқлари борким, Яъқуб а. с.ға Лаййодин олти ўғул бўлди: Рўбил, Шамъун, Яхудо, Лови, Зарбун, Яшхар. Ва Роҳилдин Юсуф а. с. ва Ибн-Ямин мутаваллид бўлдилар ва Фалиҳадин Дон ва Нафқол ва Залифадин" Ков ва Ашира вужудқа келдиким, «Каломулло»да исбат лафзиким мазкурдур, иборат бу жамоатдиндур. Ва Яъқуб а. с.ға бу фарзандлар муяссар бўлғондин сўнгра, қўй ва сонир мавошии ванддин кўб жамъият ҳосил бўлди. Ва Канъонғаким ватан Маълуф эрди борди. "Баъзи дебдурларким, бир йил: Канъонда бўлғондин сўнгра, Ибн Ямин мутаваллид бўлди. Ва Яъқуб а. с. ғурбатдин ватанға келгандин сўнгра, Иъйс сафар ихтиёр қилиб, Рум сори мутаваж-жиҳ бўлди. Ва анинг Исмоил а. с. қизидинки амузодаси эрди, беш ўғли бор эрди. Бирининг оти Рум эрдик, ул мулкни анинг оти била атарлар. Ва Рум қайсарлари анинг наслидиндурлар. Ул кунки Иъйс Румда оламдин ўтти, Яъқуб а. с. доғи Канъонда оламға видоъ қилди. Ва Иъйснинг сўнгокин Жирунға нақл қилиб, обоси мақобири жаворида қундилар. Ва Яъқуб а. с. Иъйснинг ғурбати айёмида Канъон аҳли ҳидоятйға маъмур бўлуб, неча вақт рисолат амриға машғул эрди, то дори бақоға борди. Ва анинг баъзи ҳолотн Юсуф а. с. қиссасида ижмол била иншоаллоҳ мазкур бўлғай. Иншоаллоҳул-азиз.

Ш е ъ р:

*Яъқубни ҳам сипеҳри пурфан,
Берди неча кун жаҳонда маскан.
Паймонайи умри чунки тўлди,
Даврон анга доғи узр қўлди.*

Юсуф а. с. қиссаси андин машҳурроқдурким, эҳтиёж анинг тафсилина бўлғай, невчунки ғаробат ва ширинлиги учун акобир ҳам назм ва ҳам наср анинг шарҳи асбобин тузубдурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубдурлар. Ул жумладин бири Фирдавсий Тусий ва яна бири ҳазрат махдуми Мавлоно Нуриддин Абдурахмон ал-Жомий наввараллоху марқадаҳуким, андоқким Юсуф а. с.нинг ҳусни ва жамоли таърифдин мустағнийдур. Аларнинг доғи фазл ва камолиға васф ҳожат эмас. Яна хожа Масъуд Ироқий ҳам назм қилибдур ва балоғатнинг додин берибдур. Яна доғи азизлар мушғуллуқ қилибдурлар. Бовужуди булар бу бибизоатки, ҳам иборат роқимдиндур. Коми хотирға бу орзуни кечурурким, иншооллоҳ умр омон берса, турк тили била-ўқ кофурчун варақ узра хомани мушкин шамомани сургай. Ва бу қисса назмин ибтидо қилиб, интиҳосиға еткургай.

*Ҳақ бу тавфиқни насиб этгай,
Ё насиб улча тангридин етган.*

Бас, бу мухтасарға қиссани ижмол расми била адо қилмоқ ансабдур.

Юсуф а. с. бани одам жинсининг жамилроғидур. Бир кун ўз юзин кўзгуда кўруб, андоқки ҳусн истиғною ғурурға муқтазодур, кўнглига кечтиким, оё агар мен қул бўлсам эрди, менинг баҳомни ким бера олғай эрди. Чун бу хиёл далолат бемислликка қилур, улким «лайса камислиҳи шайъун ва хувас-самиъул-басир»,¹⁶ анинг шаънидадур. Ҳақ таоло ғайрат кўргузуб, андоқ қилдиким,

оғолари Юсуфни ўн ети қалб дирамға соттилар. Ва мунинг кайфияти бу эрдиким, Юсуф а. с. туш кўруб эрдиким, гунашу ой ва ўн бир кавкаб анга сажда қилдилар. Бу тушни Яъқуб а. с.га айттиким. «Ваизқола Юсуфу лиабиҳи ё абати инни раайту аҳада ашара кавкабан ваш-шамса валқамара раайтухум ли сожидина»¹⁷ андин хабар берур. Яъқуб а. с. айттиким, бу тушунгни қардошларингдин ёшурким, алардин сенга осиб тегмагайким, бу тушнинг таъбири будурким, отаю она ва қардошларинг сенга муҳтож бўлғайлар. Чун тақдири олиҳи Юсуф а. с.нинг меҳнатларига мутааллиқ бўлуб эрди, қардошлари ул тушни ва оталари таъбирин эшитиб, мутағаййир бўлуб, Юсуф а. с. қасдиға бел боғладилар. Ва ўзларин Юсуф алайҳис-саломға мушфиқ кўргузуб, Яъқуб а. с.дин ани гаштка элтурбиз деб ёзиға бориб, ани чоҳға солиб, кўнглокин қўй қониға булғаб, Юсуфни бўри еди деб, қонлиғ кўнглокин Яъқуб а. с. қошиға келтурдилар. Ва Яъқуб а. с.ни муҳлик мотамға ва ўчмас ўтқа солдилар. Ва ҳамул учурда ул чоҳ бошинда бир карвон тушуб, чоҳға далв солиб, анда биров бор эканин билиб, Юсуф а. с.ни чоҳдин чиқардилар. Ва қардошлари хабар топиб, ул карвонға бориб Юсуф а. с.ни бизинг қулумиздур дебким қочиб эди деб, ул қофиланинг улуғи билаким, оти Молик бинни Зиъар Хазоий эрди, ўн ети ё йигирми дирамға соттилар. Ва Молик бу савдодин масрур эрдиким, Мисрда анинг баҳосидин суд мутасаввар эрди. Юсуф а. с.да заъф ва шикасталиқ ул мартабада эрдиким, Моликнинг ул сўзин эшитиб, ўз-ўзи била айтур эрдиким, бу мусулмонким менинг баҳомдин ўзин хуррам қилибдур, бу ҳол билаким мен-мен ики оқчаға олғойларкин ул олибдур. То иш анга еттиким, Мисрда анинг вазни била ети қотла мушк вазн қилиб, Малик Раённинг хозиннким, Мисрнинг азизи эрди, Юсуф а. с.ни сотқун олди. Ва азизнинг Зулайхо отлиғ хотуни бор эрди, Юсуф а. с.га ошиқ бўлди. Ҳар неча ўзин забт қилур эрдиким, ани хадқ маълум қилмағай. Аммо бетоқатлиғ инонихтиёрин илиқдин чиқарур эрди, то улки Юсуф а. с. га ишқин изҳор қилиб, қалб висол қилди. Юсуф а. с. ул матлубин имтиноъ қилиб, Зулайхоға Тенгри таолодин тасвиф қилди ва мавоиз ва

насойиҳ изҳор қилди. Ва бу ҳолатда Юсуф а. с. ўн ети ёшида эрди. Чун Зулайхо Юсуф а. с.ни ул ишдин бағоят мужтаниб кўрди, ваҳмдинким азизға изҳор қилғай. Узи азиз қошида Юсуф а. с.дин шикоят қилдиким, Юсуф манга изҳори тааллуқ қилиб, висол орзуси изҳорин қилди. Азиз тафаҳҳуе қилғондин сўнгра маълум қилдиким, Зулайхо ўз қилғонин Юсуф а. с.ға тухмат қилибдур. Бу иш Миср аҳли орасида иштиҳор топти. Ва Мисрнинг ашрофининг зуафоси Зулайхоға таън тили узоттиларким, фалон канъони қулға ошиқ бўлуб, ўзин халқ тилига солибдур. Зулайхо ул ишда муҳиқ эрканин собит қилур учун тоин ва таннозларни зиёфат қилур учун истидъо қилиб, алар ҳузурида Юсуф а. с.ни мажлисда киюргач ва ул жамоат олида турунж ва турунж кесарга иликлариди бичоқлар эрди. Юсуф а. с.ни кўргач, «Мо ҳозо башаро»¹⁸ деб анинг жамоли майидин андоқ лояъқил бўлдиларким, турунж ўрниға иликларин кестилар. Юсуф а. с. чиқғоч, ўз ҳолларидин воқиф бўлуб, Зулайхони маъзур туттилар. Ва Зулайхо эл мазаннаси дафъи учун азизға илтимос қилдиким, Юсуфни зиндонда маҳбус қилиб ва бу ҳибсда Тенгри таоло Юсуф а. с.ға таъбир илмин каромат қилди. Зиндон аҳли туш кўруб, бири-бирига айтсалар эрди, таъбир қилур эрди ва ҳеч тахаллуф қилмоғондин зиндон аҳли мутаажжиб бўлур эрдилар. Малик Раён сувчисн бирла баковули анга заҳр берур таваҳҳумидин ёзгуруб, зиндонға йиборди. Алар Юсуф а. с. эл тушига таъбир қилурин кўруб, иттифоқ била ҳар бири ёлғон туш ясаб, Юсуф а. с.ға арз қилдилар. Сувчи тушини мундоғ дедиким, бир боғда уч хўша узум кўрдум, ул узумни сиқсам, филҳол чоғир бўлди ва ани маликка туттум, ичиб манга илтифот ва таҳсин қилди. Баковул тушини мундоқ айдиким, Малик матбахидин уч хонда нон бошим устида кўрдум ва осмондин қушлар бошимға қўнуб, ул нонларни едилар. Чун Юсуф а. с. ул иковнунг ғайбдин оғизлариға келгон сўзларнинг бирини неъмат ва бирини балийятқа дол кўрди, дедидим: «ло яътикумо таомун турзақониҳи илло наббаътукумо битаъвилиҳи»¹⁹, яъни сизга улча кўрубсиз етмағай. Магар улки хабар берурмен сизга. Уч кундин сўнгра сувчини малик Раён

чиқориб, риоят ва тарбият қилур. Ва баковулнинг бу узридин осор алар айттиларким, биз бу тушни кўрмайдур эрдик, балки ясаб эрдук. Юсуф а. с. айттиким, тангри таоло тақдири менинг тақририм била мувофиқ тушубдур, боқи сиз билурсиз. Ва сувчиға айттиким, малик Раёнға бориб эътибор топсанг, мени соғундургайсен. Чун Юсуф а. с. мухаллиси учун Тенгри таолоға илтижо қилмай, махлуқни васила қилди. Ҳақ таоло ғайратдин яна йиллар ани зиндонда асради ва ҳамул уч кунда малик Раён баковул қатлиға ҳукм қилди ва соқийни тарбият қилди. Ва ул соқий ети йилғача Юсуф а. с.ни соғинмади. Бир кеча малик Раён туш кўрдиким, ети семиз ўйини ети оруқ ўй едилар ва ети тоза кўкарган хўшани ети қуруқ хўша чирмошиб, бетароват қилди. Ва бу туш таъбиридин муаббирлар била қоҳинлар ожиз бўлдилар. Соқийнинг ёдиға Юсуф а. с. келиб, малик арзиға етқурди ва малик амри била бориб, Юсуф а. с.дин бу туш таъбирин сўрди. Юсуф а. с. айттиким, семиз ўйлар, тоза хўшалар тўқлуқ ва зироатлиғ йилға далилдур ва оруғ ўйлар била қуруқ хўшалар қаҳатлиққа дол. Ети йил қутлуқ бўлуб, яна ети йил қаҳатлиғ бўлғусидур. Бурунғи йилларда ошлиғингизни яхши асрангким, сўнғи йилларда ярағай. Соқий бу таъбирни маликка айтти эрса, ҳақиқати анга маълум бўлуб, Юсуф а. с.ни тилади. Юсуф а. с. бормай зълум қилдиким, турунж била иликин кескан зуафодин истифсор қилғил. Малик тафаҳхусқа машғул бўлуб, азизни ва Зулайхони ва ул зуафони тилади. Ва Зулайхо ул жамоат била Юсуф а. с. нинг поклигига тонуғлуқ. бериб ва азиз инфиолдин Зулайхони талоқ қилди ва Юсуф а. с.ни зиндондин чиқориб, малик қошига келтурдилар. Малик эъзоз қилиб муносиб ерда ўлтуртуб, дедиким, бу тушум таъбирин манга санинг ўз тақрирингдин эшитур хотирим бор. Юсуф а. с. бурун анинг тушин айттиким, кўп нима малик унутуб эрдиким, ёдиға келмади. Бағоят мутаажжиб бўлуб, Юсуф а.с. дин таъбирин ҳам тилади. Юсуф а. с. таъбирин юқори ўтган дастур била айттиким, Малик азизни азл қилиб, азизлиғни Юсуф а. с.ға берди. Ва мулк ва хазоиннинг амини ва соҳиби ихтиёри қилди. Юсуф а. с. вилоят маъмур йилларда

ошлиғини яхши муҳофазат қилиб, қаҳат бўлғон йилларда халойиққа сабаби ризқ бўлди. Ва қаҳат шиддати бир ерга еттиким, халойиқ бору йўқин, балки ўз нафсларин егуликка соттилар. Ривоят будурким, Юсуф а. с. жамиъ Миср элин сотқун олиб, қаҳатдин чиққондин сўнгра озод қилди ва Зулайхони ўз никоҳи ақдига киюрди. Ва бу вақтда Юсуф а. с. ўтуз ики ёшар эрди ва Зулайхо ўтуз ва бикр эрди. Невчунки, азиз айнайн эрди. Ва Юсуф а. с. га Зулойходин ики ўғул бўлди. Нақлдурким, қаҳат шиддати саъб бўлғандаким, атрофдин халқ ризқ учун Юсуф а. с.га юз қўюб эрдилар, Канъон эли ҳам ул жумладин эрди. Ва Яъқуб а. с. Юсуф а. е. фироқида халқдин улфат узуб ва фарзандларин унси мунқатиъ қилиб, гўша тутуб, Байтул-аҳзон мақоми бўлуб эрди. Фарзандлари анинг рухсати била Мисрға ўзи учун мутаважжих бўлуб, Ибни Яминни Яъқуб а. с. ўз қошида асрадиким, андин Юсуф а. с. иси топар эрди. Чун ўн оғо-ини Юсуф а. с. хизматиға етиштилар, бизоатларин арз қилиб, рўзи тиладилар. Юсуф а. с. алардин насабларини сўруб, оталарининг ҳолин тафаҳхус қилиб, тирик эрконин билиб, Ибни Ямин ҳолин маълум қилиб, эҳтиром этиб, ошлиғ бериб, бизоатларин доғи ошлиғ ичига ёшурун солиб узотти ва айттиким, яна келсангиз, қолғои ишингизни олиб келингким, бу қотлоғидин кўпрак риоят қилай. Алар Каиъонға келғондин сўнг, кайфиятни Яъқуб а. с. қошида арз қилиб, яна қотла Ибни Яминни, агарчи Яъқуб а. с. рози эрмас эрди, ўзлари била олиб Мисрға Юсуф а. с. мулозиматиға борғайлар ва Яъқуб а. с. хизматида ўткан ҳолотни тақрир қилдилар. Ва илтимос этдиларки, Ибни Яминни бир қотла алар била азиз қошиға йиборғай. Анга агарчи ул еаъб кўрунди, аммо заруратдин Ибни Яминни йиборди ва бир руқъа битди. Иброҳим а. с.нинг дасторинки, ирс расми била Яъқуб а. с.га қолиб эрди, Ибни Яминдин ҳадийя дастури била азиз хизматиға ирсол қилди. Ва аларға васият қилдиким, Мисрға бир дарвозадин кирманг. «Ло тадхулу мин бобин воҳидин вадхулу мин абвобин мутафарриқа»²⁰.

Алар Яъқуб а. с. буюрғон дастур била амал қилиб, азиз

эшикига ҳозир бўлдилар. Азизга хабар бўлғоч, аларни тилаб таъзим била ўлтуртуб, Ибни Ямин руқъа била дасторни Юсуф а. с.га таслим қилди. Юсуф а. с.га муфрит нишот юзланиб буюрдиким, алар илайиға хон торттилар ва ҳар иков илайида бир табақ қўйдурди. Ва Ибни Ямин ёлғуз қолди. Алардин ани ўз қошиға тилаб ҳамтабақ қилди. Чун Юсуф а. с. бурқаъ била эрди, алар тонимас эрдилар. Юсуф а. с. нинг тоқати қолмади, қориндошиға ўзин нозуклук била изҳор қилиб, мутағаййир бўлмай, дағи ул жамоатқа кетурган улоғлариға кўра ошлиғ бериб ва олтун кайлким, жавоҳир била тарсиъ қилиб эрдилар, Ибни Ямин юкида ёшуртти. Алар Канъонга мутаважжих бўлгондин сўнг, киши йибориб, юklarин ахтартиб соъни Ибни Ямин юкида топтилар ва Ибни Ямиини олиб азиз қошига келтирдилар. Ва қардошлари ҳам анинг била қойтиб келдилар. Бу ерда ихтилоф кўптур. Ҳар тақдир била Юсуф а. с. Ибни Яминни олиб қолиб, қардошлари яна Канъонға бориб, Яъқуб а. с.га Ибни Яминнинг ўғурлуқ қилиб, азиз ани асрагонин айттилар. Яъқуб а. с. нинг меҳнати ўтти ва фурқати шуъласи бирга минг бўлуб, бир йўли оёғдин тушти. Оқибат азизға бир руқъа битиб, Яҳудо ўғли Фориздин йиборди ва ўз ҳолиниким, Юсуф отлиғ ўғли фироқидин не суубатқа қолиб эрди ва Ибни Ямин фурқатидин не шиддатқа мусаххар бўлди деб арз қилди. Юсуф а. с. анинг жавобида ул навъ насиҳатомиз руқъа йибордиким, Яъқуб а. с.га еткач, ўқутуб айттиким, бу мактубдин анбиё каломи ва русул пайғоми ҳолоти кўнгулга етишадур.

Яна ўғлонлариға Мисрға борурни таклиф қилиб, алар бизоати мужжот била келдилар. Ва бу қотла Юсуф а. с. ўзин аларға зоҳир қилиб, кўп алтоф кўргузди. Аларни ўз қилғонларининг хижолати ва Юсуф а.с.нинг лутфу карами лол қилиб, Яъқуб а. с.нинг кўзи кўрмасин арз қилдилар. Юсуф а. с. ўз кўнглокин Яҳудодин Яъқуб а. с.га йиборди. Яҳудо Мисрдин чиққоч, Яъқуб а. с. ул кўнглок исин Канъонда топиб, ҳуззорға зоҳир қилди. Аларнинг димоғи хиффатиға ҳамл қилиб, то Яҳудо эшитиб, Юсуф а.с.нинг ҳаёти хабарин ва саломатлиғин Яъқуб а. с.га еткуруб,

кўнглокни анинг юзига солди, ҳамул замон басир бўлгон кўзи бино бўлуб, шукрлар қилди. Ва Яхудо борча ҳол кайфиятин анга арз қилиб, Мисрға борур сўзида эрдиким, Юсуф ы. с.нинг расулларин азим яроғлар била етиб ва зурриётин Мисрға элтиб, Юсуф а. с.ға хабар еткоч, истиқбол қилиб ва Малик Раён доғи ул давлатни ғанимат била мувофиқат қилди.

Юсуф а. с.ға яқинлошқоч, Яъқуб а. с. маҳмилдин чиқиб, Юсуф а. с. анинг аёғига тушуб кўруштилар. Ва Мисрға келиб, Юсуф а. с. отаси, онасини тахт устида ўлтуртуб, ўзи алар ёнида ўлтуруб, қардошлариға улча қоидаи икром эди, бажо келтурди. Ва алар борча анга саждаи таҳийят қилдилар. Ва Юсуф а. с. Яъқуб а. с.ға айттиким, «ё абати ҳозо таъвилу руъкойа мин қаблу»²¹. Бир ривоят била ўн ети йилдин сўнгра, бир ривоят била йигирми тўрт йилдин сўнгра Яъқуб а. с. Тенгри таоло раҳматиға борди ва Юсуф а. с.ни васий қилиб эрди ва анинг васияти била Қуддусда Иброҳим ва Исҳоқ а. с. жаворида кўйдилар. Ва оз фурсатдин сўнгра малик Раён ҳам оламдин чиқди. Ва анинг беаъмамидин Қобус отлиғ кофир мақхур Миср тахтида салтанатқа ўлтурди. Юсуф а. с. бир неча йил ани исломға далолат қилди, бир тутмас эрди. Аммо Юсуф а, с.ни таъзим қилур эрди. Юсуф а. с. анинг даъватидин маъюс бўлуб, балки ўз авқотидин ҳам ҳавл, ҳақ таолодин муножотда обоу аждоди суҳбатин тилади. Ва ул дуо мустажоб бўлди, бани Исроилға ислом русухиға васийят қилиб, Фиръавн била Мусо а. с.дин хабар бериб, ул қавмнинг валийси Яхудони қилиб, ўзининг мадфанини Нил рудида Мисрдин бир йиғоч йироқ муқаррар қилди ва дорулфанодин гулшани бақоға хиром қилди. Бани Исроил Яъқуб а. с. зурриётидур ва исбот ўн бир ўғли.

Ш е ъ р:

*Борди Юсуф, қолмасди Қобус ҳам бўлмай адам,
Ичтилар жоми фано сиддиқ ҳам, зиндиқ ҳам.*

Хизр а. с. ни мурсал дебдурлар. Ва ул Арфахшад бинни Сомнинг ўғлонларидиндур ва Зулқарнайн замонида анинг мулозими эрди. Зулқарнайи ҳайвон суйи хиёли била зулумотқа киргонда Хизр а. с. ани бошлаб кирди. Ва дерларким, Илёс а. с. доғи била эрди. Умидким, қуйироқ зикр бўлғай.

Ул сувни Тенгри таоло бу иковга насиб қилди ва Зулқарнайн маҳрум ёндин.

Ва баъзи дебдурларким, ҳақ таоло Хизр а. с.га илми ладунни насиб қилди ва ҳайвон суйи иборат ондиндур. Аҳли ислом муътақиди улдурким, Хизр а. с. умри жовид топибдур. Ва Хожа Муҳаммад Порсо қ. с. баъзи нусхада мундоқ битилибдурким, Хизр а. с. Сабзаворнинг Кавк отлиғ кентидиндур ва ҳоло Ҳазрат Рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам динидадур ва имом Шофеъи раҳматуллоҳи мазҳабидадур, валлоҳу таоло аълам.

Шеър:

*Хизр умрин тиларлар аҳли хирад,
Ер васлидурур, ҳаёти абад.*

Айюб Сабур а. с. онаси Лут а. с. қизидур. Отасини Иъйс бинни Исҳоқ а. с. авлодидиндурур дебдурлар: Вале баъзи мухолафат қилибдурлар. Мавлуди Румдур, аммо Шомда муқим эрди. Ҳар навъ мол ва манולי кўп эрди ва ўн ўғли бор эрдн. Ғанимат жуфтидин ҳеч нима йўқ эрдиким, ҳақ таоло ибодати ва тасбиҳи ва таҳлилига ул навъ машғул ва машъуф эрдиким, ҳеч нимага илтифот қилмас эрди. Ул мартабадаким, ҳақ таоло малоикаға анинг ҳолотини жилва бердиким, манинг ибодатимдин ўзга ҳеч нимага парво қилмас. Малоика айттиларким, худоё, ҳеч навъ жамъиятдин йўқтурким, анга насиб қилмайсен. Невчун санинг ибодатингдин ўзга иш қилғай.

Тенгри таоло малоикаға хитоб қилдиким, бу зоҳир жамиятлари паришонлиғ асбобидур. Вале сизинг мазаннангиз бу бўлсаким, бу жиҳатлардинким, анинг кўнгли жамъ учун ибодатқа

машъудур, андоқ қилойки, сизлар билгайсизким, бўлар-бўлмаса ҳам анинг иши тоатдур. Бу муколимадин сўнгра Тенгри таоло Айюб а. с. сори балолар мутаважжих қилди. Аввал мавошийсиға андоқ офат туштиким, бири қолмади. Анга айттилар эрса, илтифот қилмади. Мазруотиға андоқ бало юзландиким, йўқ ҳисоби тутти. Мунга ҳам мултафит бўлмади. Ҳар жиҳотики, анга не итлоқ қилса бўлур, бениёзлик ерига борди, парво қилмади, ҳамул ҳақ таоло ибодатиға машғул эрди. Уй йиқилиб ўн ўғли том остида қолдилар ва ҳалок бўлдилар. Ул дедиким, манга Тенгри таоло басдур, алар бўлмаса. бўлмасун! Булардин сўнгра ҳеч нимаси, балки ҳеч кишиси қолмади, муборак жисмига беморлиғлар ва балолар юзланди. Доғи жароҳатлар бўлуб, қуртлар тушти, доғи ул жароҳатлар исланиб, ул навоҳий халқи андин мутанаффир бўлуб, ароларидин ани ихрож қилиб, бир номуносиб ерга солдилар ва теграсида ҳеч киши қолмади. Ҳарамидинким, отини Раҳима бинти Яъқуб а. с. дебдурлар ва бинти Иброҳим бинни Юсуф а. с. ҳам дебдурлар. Ва Раҳима ё муздурлуқ, ё гадойлиқ қилиб, Айюб а. с.ға қут келтурур эрди. Ва Айюб. а. с. ул балийятқа сабр қилиб, Тенгри таоло тоатидин хотириға ўзга нима кечмай, дерларки, шариф баданидин бир қурт агар тушса эрди, яна олиб ўрниға қўяр эрдиким, сизга ҳақ бу насиб қилғон рўзидин маҳрум бўлманг. Ва шайтони лаъин Раҳимаға ҳар навъ иғволар қилур эрдиким, муҳофазати Айюб а. с.ға етмагай. Тенгри таоло ани шайтон мутобаатидин асрар эрди. То улким, бир кун бир заифа сурати бирла Раҳимаға учради. Ва Раҳима ул кун ҳеч нима топмайдур эрдиким, Айюб а. с.ға келтургай. Шайтон анга айттиким, менинг сочим бағоят қисқадур. Агар гисуларингни кесиб, манга берсангким сочимға уласам, мунча баҳосин берурман. Раҳима дедиким, Айюб а. с. қошиға бу кун қут топмайдур, манга гису бўлмаса бўлмасун. Ўз гисуларин кесиб, анга бериб, олғон важҳқа қут олиб, Айюб а. с. қошиға етмасдин бурун ул лаъин Айюб а. с. қошиға Раҳиманинг сочин келтуруб, номуносиб сўзлар деди. Раҳима қут кетургач, Айюб а. с. анинг сочин кўрмади. Машҳурдурким, аҳд қилдиким

Раҳимани юз йиғоч урғай. Чун ҳақ субҳона ва таоло Айюбнинг балийятини ниҳоятқа еткурди. Ва ул ҳамул сабр ва шукр қилур эрди. Малакут оламиға шўр тушти ва ғавғо. Ва малоика анинг фазл ва сабурлуқин эътироф қилиб, ўз сўзларидин нодим бўлдилар. Тенгри таоло иноят қилиб анга сиҳат йибориб, Жабраил а. с. келди ва иликин тутуб кўпорди. Ва тамом қуртлар танидин тушти. Ва ики жонибидин ики булоғ пайдо бўлди ва Жабраил а. с.нинг муборак жисмини ул сувларға ғусл бериб, борча жароҳатлари бутти. Ва Раҳиманинг поклигига тануғлуғ бериб, машхурдирким, юз супургу йиғочни бир-бирига боғлаб, Раҳима учасиға уруб, уҳд-уҳдасидии чиқти. Ва Айюб а. с.ға Тенгри таоло зойеъ бўлғон амволидин ортуғроқ яна каромат қилди. Баъзи дебдурларким, авлодин ҳам тургузди, баъзи барондурким, яна авлод берди ва анинг эвиги баъзи дебдурларким, олтун чугуртка ёғди. Ва баъзи анинг манзилин Шомдадур ва баъзи Хуросон вилоятида Роз Машҳадда дебдурлар. Ва муддати нубувватида уч киши анга иймон келтурдилар ва балийятида муртад бўлдилар, сиҳотдин сўнгра Румға борди. Хўмилки, улуғроқ ўғли эрди, васий қилиб, оламдин ўтти. Умри бобида ихтилоф кўп учун битилмади.

Ш е ъ р:

*Бесабр улус гарчи жаҳондин кетти,
Айюб сабур доғи кетмай нетти.*

Шуъайб а. с. Ани хатибул-анбиё дебдурлар. Иброҳим ё Солиҳ а. с. авлодидин эканда ихтилоф бор. Ва онаси Лут а. с. қизи эрди, оти Мико. Ва ҳақ таоло ани асҳоби Мадян ва асҳоби Айка ҳидоятиға мабъус қилди ва баъзи Мадян ва Айка асҳобидин бир қавм дебдурлар. Ва алар кайл ва вазн ишида қалблиғ қилур эрдилар. Ва танга ва пул сойир маскукотин нима қотиб бе аёр ясар эрдилар. Ва ўғрилиқ ва қароқчилик қилур эрдилар. Ва Шуъайб а. с. мулозиматиға келур элнинг йўлин тутуб, манъ ва изо

этарлар эрди. Ва миллатлари бутпарастлиқ эрди. Шуъайб а. с. аларни туз йўлга далолат қилиб, Тенгри таоло азобидин кўрқутур эрди. Алар муқобаласида истихзо ва сафоҳат қплур эрдилар. Чун бу муддат татвил топти, ул қавм жаҳолатларидин Шуъайб а. с. тахвифин ёлғон хиёл қилиб, тамасхур юзидин азоб ваъдасиға тақозо кўргуздилар. Шуъайб а. с. муножот қилиб, «Раббана фатх байнано ва байна қавмино билҳаққи ва антахайрул-фотиҳин»²² такаллуми била тазарруъ қилди. Тенгри таоло ети кун ҳавонинг ҳароратин ул мартабада қилдиким, ул қавм бетоқат бўлуб, аёл ва атфоллари била шаҳрларидин чиқиб, беша ва дарахтистонға юзландилар. Ва Ибни Аббос разийаллоҳу анҳудин манқулдурким қазои илоҳи дўзах ўтидин шуъла йибориб, борчасин ўртади. Ва тарих аҳли ани ҳам самум елига иснод қилибдурлар. Ҳар тақдир била Шуъайб а. с. Иброҳим а. с. шариатиға даъват қилур эрди ва даъвати муддатида минг етмиш киши даъватиға кирдилар ва ул қавм ҳалокидин сўнгра, ҳақ таоло амри била ҳамул ерда сокин бўлди, то Мусо а. с. анга қўшулди. Ва Мусо а. с. айрилғондин сўнгра, ети йил ва тўрт ой ҳаётда эрди. Умри икки юз йигирмага еткондин сўнгра охират оламиға юзланди ва Маккада рукну ва мақом орасида мадфундур. Ва асҳоби рас зикриким ўтти, баъзи Шуъайб а.с. замонида дебдурлар. Ва Шуъайб а. с.ни сурённй тили била Шируб дебдурлар. Ва муъжизотидин бири улким, куффор тошни мис қилмоқ тиладилар, анинг дуоси била борча тошлар мис бўлди. Чун ақида қилмадилар, яна аввал ҳолига борди.

Ш е ъ р:

*Шуъайб айлади чун жаҳондин хиром,
Зухур этти Мусо алайҳис-салом.*

Мусо ва Ҳорун а. с. Мусо а. с. улул-азмдур ва лақаби Калимуллоҳдур. Ва Яъқуб а. с. авлодидиндур. Ва бу қиссанинг ибтидоси будурким, Юсуф а. с. ки, Раён бинни Валиддин сўнгра

Қобус замонида рихлат қилди. Қобус бани Исроилни забун қилиб, азим аниф таклифлар қилур эрди. Ва борчасин ўз убудийятига мансуб қилиб, қибтиларғаким ўз қавми эрди, ожиз ва зеридаст қилиб эрди.

Чун ул Фиръавн жаҳаннамға борди, қардоши Валид бинни Мусъабки машхурдиким, Фиръавн улдур. Миср салтанатида ўлтурди ва кўп йил халқни бутпарастлиққа таклиф қилди. Чун салтанати замони имтидод топти, мабхут димоғиға фосид хиёл бўлуб, «Ана раббукум-ул аъло»²³ даъвоси била элни ўз ибодатиға таклиф қилди, чун салтанати замони имтидод топти ва улуҳийят муддаоси била жаббор сифатлиғ бунёд қилди. Ва бани Исроилға жафо ва ситамни ҳаддин ўткорди. Ва андоқки, шарҳи кўпрак таворихда мастурдур ва халқ орасида машхур. Ва қибтиларға риоят қилди.

Ва ул малъун бир кеча туш кўрдиким, Шом соридин бир ўт пайдо бўлуб, мисрийларнинг боғ ва саройларин куйдурди. Ва кент ва шаҳарларидин асар қўймади. Ваҳм била уйғониб, коҳинларни тилаб, бу тушнинг таъбирин тилади. Алар дедиларким, ул соридин биров мутаваллид бўлғайким, санинг давлатинг ва миллатинг заволига сайъ қилғай ва бани Исроилдин бўлғай. Ва қибтилар заволи ондин бўлғай. Фиръавн зуафо тайин қилдиким, бани Исроилдин ҳар ўғул мутаваллид бўлса, ўлтургайлар. Беш йилдин сўнгра бани Исроилға тоун заҳмати воқе бўлуб, кўп халқ зонеъ бўлди. Қибтилар Фиравнға айттиларким, бу тоифанинг атфолин сен ўлтурасен, улуғларин тоун. Оз вақтда тугонурлар. Бизинг хизмат ва пайкоримизни ким қилур?

Фиръавн нодонлиғидин буюрдиким, атфолни бир йил ўлтурсунлар, бир йил қўйсунлар.

Бахшиш йили Ҳорун а. с. мутаваллид бўлди ва ғайри бахшиш йил Мусо а. с. мутаваллид бўлди. Тафсили будурким, коҳинлар дедилар, Фиръавнгаким, ул мавлуд фалон кеча Искандарияда ота пуштидин раҳмға борур. Фиръавн Искандарияға бориб, ул кеча жамиъ бани Исроилни зуафодин айирди ва ўзи эса Осия

бирлаким ҳарами эрди, хилват ихтиёр қилди. Ва Имрон Мусо а. с.нинг отасиким, муқарриб кишиси эрди, боғ эшикида қўйди. Зуафо сайрда эрдиларки, боғ эшикига еттилар, Имрон хотунин кўруб майл қилди.

Алқисса, Мусо а. с.ни онаси ҳомила бўлди ва Мусо а. с. нинг бир муъжизи буким, онасининг ҳомила эркани ўзга зуафодек маълум бўлмас эрди. Ва муаккалаларға вуқуф ҳосил эрмас эрди. Чун Мусо а. с. мутаваллид бўлди, онаси ани бир тобутқа момуқлар орасида таъбия қилиб, дарзларин қир била тутуб, Нил рудиға солиб, Тенгри таолоға топшурди. Ва Фиръавннинг бир қизи бор эрдиким, анга барас иллоти бор эрди. Ва иложидин атиббо навмид бўлуб эрдилар. Коҳинлар ушбу тарихда деб эрдилар, бир зулҳаёт дарёдин чиққойким, анинг оғзи луобидин ул мараз дафъ бўлғай. Қиз онаси била ҳамул ваъда кунни Нил қироғинда ўлтуруб эрдиларким, ул тобут етиб, бир дарахтқа банд бўлди. Канизаклар ул сандуқни келтурдилар, Осия очти, тифли кўрдиким, бормоғин эмадур эрди. Яна Мусо а. с.нинг муъжизи буким, оғзи суйи била ул барас филҳол дафъ бўлди ва Осия анга Мусо от қўйдики, ибрий тили била маънисни сарв дарахтидур. Она ва қиз Мусо а. с.ни Фиръавн қошиға келтурдилар. Ва Фиръавннинг кўзи анинг юзига тушкоч, Тенгри таоло Мусо а. с. муҳаббатини анинг кўнглига солиб, халқи айттиларким, бу ҳамул тифлдурким тилар эрдинг, қатлида таъхир қилма. Аммо Осия айттиким, «Қудрату айнен ли валака ло тақтулуху асойан янфаано авнаттиҳизаху валадо»²⁴.

Фиръавн анинг қатлин Осияға бағишлаб, Осия анинг муҳофазати учун сутлук зуафо келтурди. Ҳеч қойсининг сунин ичмай, иттифоқо онасини ҳам келтуруб эрдилар, онасининг сунин ича киришти ва онаси сунин била парвариш топти. Бир ёшоғондин сўнгра Осия Фиръавн қошиға келтурди. Фиръавн қўйниға олғоч, илик уруб, анинг сақолин тутуб, тортиб неча қилин узуб, Фиръавн ғазаб қилди, доғи Мусо а. с.нинг қатлиға ҳукм қилди. Осия монё бўлдиким, атфолни бу навъ ҳаракотқа мухотаб қилса бўлмаским, аларға шуур ва ғараз бўлмас. Имтиҳон учун буюрдиким, бир табақда ўт ва бир табақда ёқути аҳмар

келтурдилар. Мусо а. с. илайига қўйдилар. Мусо а. с. илик ёқут табақиға узотти. Аммо Жабраил а. с. иликин ўт табақи сори мойил қилди. Ва Мусо а. с. бир чўғни олиб, оғзиға солди, тили куйди. Дерларки, муборак тилида лакнат воқеъ бўлдим, син ҳарфин яхши айтаолмас эрди. Андоқки, муножотида «Ваҳдул уқдатан мин лисони»²⁵ андин хабар берур. Фиръавн бу ишни кўргач, мунбасит бўлуб, Мусо а. с.ни Осия анинг қошидин элтиб, тарбият қилур эрди, то ўн ёшиға етти. Ва ани салотин авлоди ва дастури била ғоят зеб ва тажаммулда асрар эрди. Ўтуз ёшиға еткач, қибтиларнинг ашрофидин бирининг қизин анинг никоҳига киюрди. Ва ул тўйда мулук дастури била ойинлар боғлатти. Ва Мусо а. с.ға ики фарзанд бўлди. Ва ул муносибат асли била бани Исроилға қибтилар зулм қилғанда раҳм қилур эрди. Бир кун сайрда кўрдиким, бир бани исроилийға Қонун отлиғ қибти зулм қилғонда шиддат била изо қиладур. Ул насиҳат юзидин манъ қилди. Ва ул мумтонеъ бўлмади ва изони ортурди. Ва чун ул беқондалиғи ҳаддин ўтти, Мусо а. с.нинг ғазаби ўти муштаил бўлуб, ул қибтини урғоч, йиқилиб ўлди. Фиръавн эшиткоч, Мусо а. с. қатлини кўнглига жазм қилиб, анинг изҳориға ҳукм қилди. Ҳамул нажжорким, анинг онаси ани сувға солурда сандуқ йўнуб эрди, куфрдин ёниб, дин қабул қилиб эрди, Мусо а. с.ға ул ҳолдин хабар берди. Мусо а. с.ға чун ҳануз нубувват рутбаси етмайдур эрди, ваҳмдин яёғ Мисрдин қочиб, ети кеча-кундуз кўп риёзат била йўл қатъ қилиб, бир чоҳ бошиға етиштиким, Мадойин навоҳийсида эрди.

Ва анда бир дарахт соясида сокин бўлди. Бир лаҳзадин сўнгра эл гала қаросин ул чоҳ бошиға суворғали келтуруб, чоҳ устида ёпқон тошни олиб, қолин қўй ва мавошийға сув бердилар. Доғи чоҳға тошни ёпиб, галаларин суруб кеттилар. Ики заифа бир неча қўйни қироқға асраб эрдилар, эл кеткондин сўнгра, қўйларин суворуб, эл мавошийсидин қолғон сувни ўз қўйларига бердилар. Мусо а. с. ул иштин мутаажжиб бўлуб, ул зуаффонинг кайфияти ҳолин сўруб, алар дедиларким, биз Шуъайб пайғамбар қизларибиз. Куффор қўйларин суворғондин сўнгра, ул галадин

қолғон туфайли сувдурким, биз ҳам сувлаб борурбиз. Мусо а. с. аларнинг қўйларига сув тортиб сероб қилиб йиборди.

Алар хушнуд келиб Шуъайбқа ул ҳолдин хабар бердилар. Шуъайб а. с. Мусо а. с.ни уйига индаб, ҳасаб ва насабни маълум қилиб, Сафура отлиғ қизин анга атади. Шу шарт билаким, секиз йил Мусо а. с. Шуъайб а. с.нинг кутган миъод ўтқач, Мусо а. с.ни уйландуруб, бирор нима молидин бериб, ўн йилдин сўнгра одам Сафийуллоҳ биҳиштдин чиқарғон асони анга бериб, ани Мисрға узотти. Ва асо бобида сўз кўптур. Мабсут кутубдин билса бўлур.

Чун Мусо а. с. беш кун юруди, Тури Сино тоғига етишти. Олтинчи кечаким ҳаво совуғ бўлуб, булут оламни тийра қилди. Сафураға туғуруб дарди пайдо бўлуб, ўтқа эҳтиёж бўлди ва ул тоғ сори мутаважжих бўлдиким, ўт кетургай. Кўп юргондин сўнгра бир ёруғлуғ кўрунди, еткоч, ул ёруғлуғ бир дарахтда эрди, Мусо а. с. еткоч, дарахтқа чиқти. Ва ул ёруғлуғ қошида куёш нури тийра кўрунди, аммо йиғочни куйдурмай яфроғ ва шохларин тозароқ қилиб эрди. Мусо а. с.ға ҳайрат ғолиб бўлуб деди: Ё раб, бу на ҳол эркин? «Инни аналлоҳ»²⁶ нидоси келиб, Мусо а. с.нинг давлатманд бошиға рисолат тожи қўюлди ва саодатманд эгнига нубувват хилъати кийдурулди ва яди байзо ва асо мўъжизаси каромат бўлди. Ва орада ўткон муколама «Тоҳо» сурасида маълум. Ва Мусо а. с. ўз убудийяти ажзин зоҳир қилиб, Ҳорун а. с.ға ҳам нубувват давлати насиб бўлуб, Фиръавн ҳидоятига ва бани Исроил истихлосига маъмур бўлди. Мусо а. с. водийи муқаддасдин масрур ёниб, манзилга келиб, тонгласи Миср азимати қилиб, ёткон кеча онаси уйига бориб, онаси ва халқини ўз диниға киюруб, Ҳорун а. с.ға нубувват башорати бериб, тонгласи Фиръави қасрига юзланди. Ва анга нубувват фарридин элга маҳобат даст бериб, Фиръавн била мулоқот қилиб, ани Тенгри таоло убудийятиға далолат қилди. Ва ўз нубувватин изҳор қилиб, ўз диниға йўл кўргузди. Фиръавн мўъжиза тилади эрса, Мусо а. с. асони илкидан солғоч, аждаҳое бўлдиким, ҳайбатидин неча киши ҳалок бўлди. Фиръавн ваҳмдин беҳуш бўлуб, ўз ҳолиға келди. Сўнгра, илтимос қилиб, Мусо а. с. асони

олғоч, ҳамул асо бўлди. Ва асони олурда яди байзо кўргузди. Фиръавн деди: «Сен соҳирсен, менинг ҳам соҳирларим бор. Агар аларға ғолиб келсанг, сен дегондек қилай, йўқ эрса, сени ҳалок этай». Соҳирларин йиғиб, ҳолни аларға айтти. Алар қабул қилдиларким, неча кундин сўнгра биз сеҳрлар қилоликим, Мусо а. с. нинг сеҳрин ботил қилғай.

Миъдод куни алар ип ва йиғочлар била йилонлар ясаб эрдилар, ул даштқа қўйғоч, мутаҳаррик бўлуб, Мусо а. с. асони ташлағоч, аждаҳо бўлуб, ул сеҳрларни ютти. Ва Мусо а. с. тутқонда ҳамул асо бўлуб, ул: саҳара бу ҳолни кўргоч, Мусо а. с.ға иймон кетурдилар ва бани Исроил масрур бўлдилар.

Осия дағи Фиръавн мусоҳабати кудуратда батанг бўлди, ҳақ таолоға муножат қилдиким, «Раббибни ли индака байтан фил жаннати ва нажжини мин Фиръавна ва амалиҳи ва нажжини минал қавмиззолимин»²⁷. Ҳақ таоло дуосин мустажоб қилди ва Фиръавн бани Исроилнинг сурурин кўруб, сойир қибтиларға буюрдиким, аларға бурунғидин кўпрак изо қилғайлар. Алар Мусо а. с. ҳазратида тазарруъ ва тазаллум қилдилар эрса, Мусо а. с. қибтилар бобида дуо қилди ва балийят алар сори юзланди. Ул эл уч йил қаҳат балосиға гирифтор бўлдилар. Иккинчи, тўфон балоси эрдиким, баъзи ёгин дебдурлар, баъзи тоун, ўзга нималар ҳам дебдурлар. Бу бало ети кунгача бўлди ва аксар ашрофлари ўлди. Ва учунчи, чугуртка балоси эрдиким, борча мазруот ва жиҳотларин нобуд қилди. Бу ҳам ети кун эрди. Тўртинчи, қамл балоси эрдиким, аъзолариға, балки кулоқ ва кўзлариға тушуб, кўпини маъдум қилди. Анда ихтилоф кўптур. Бешинчи, зафоъ балоси эрди. Чун булар била ул бадбахтлар танбиҳ бўлмадилар. Олтинчи бало ул эрдиким, ҳақ таоло аларға Нил суйин қон қилди. Бани Исроилға сув эрди, қибтиға қон. Бу ҳам ети кунга тортти. Етинчи бало ул эдиким, азим еллар ва тийра ҳаволар ва раъду барқ аларни ҳалок этти. Ва секизинчи бало ул эрдиким, ёзи вухуш ва сибоъини ҳақ таоло аларға мусаллат қилдиким, азоб қилдилар. Ҳар бало бўлғонда шарт қилур эрдиларким, дафъ бўлғонда, имон келтироли. Мусо а. с. дуо била дафъ қилғоч, куфрда музирроқ

бўлуб, бани Исроилға зулм кўпрак қилур эрдилар. Чун Мусо а. с. Фиръавн била қавмидин ноумид бўлди, ўз қавми бани Исроилға ҳақ таоло амри била буюрдиким, Мисрдин чиқиб, Нил қироғинда тушсунлар. Ул қавм буюрғондек қилдилар. Ўткон балиёт асносида Фиръавн сарҳи мумаррадни Ҳомонға буюрдиким, осмонға чиқиб, Мусо а. с.нинг тенгриси била урушай, деб кўп муддат устодларни жамъ қилиб, ул сарҳни ясадиким, «Ё Ҳомонубни ли сарҳан»²⁸ анга долдур. Ва анинг иртифоъин баъзи тўрт йиғоч ва баъзи мундин ортуқ дебдурлар. Фиръавн чун ул қасрға чиқти, осмон анга ердин кўрунгондек кўрунди. Мунфаил тушкондин сўнг, ҳақ таоло амри била ул қаср нобуд бўлди. Чун Мусо а. с. қавмин Нил қироғинда таъбия қилди, Мусо а. с. нинг тобутин анинг васияти мужиби била олиб чиқтилар. Ва ул мақбара Нил руди ичинда қолиб эрди, Мусо а. с. дуоси била сув анинг устидин кетти. То ерни қозиб, тобутниким, баъзи тошдин, баъзи шишадин дебтурлар, чиқордилар. Фиръавн бу ҳолатдин вуқуф топғоч, черик тортиб, Мусо а. с. рўбарўйиға чиқти. Ул сипаҳнинг ададин ҳисобдин тошқари дебтурлар. Мусо а. с. бағоят мутаваҳҳим бўлди, Мусо а. с.ға нидо келдиким, «Изриб биасокал баҳра»²⁹.

Мусо а. с. ҳақ таоло амрин бажо келтурди. Нил дарёсида ўн ики ерда сув айрилиб, ўн ики кўча сув пайдо бўлди. Исбот адади била мувофиқ Мусо а. с. ҳар сабт қавмини бир кўчага кирарга фармон буюрди. Аларға буюрғондек қилиб, чун ҳақ таоло амри била дарё туби қуруб эрди, солим ўттилар. Фиръавн сув қирғоғиға еткач, ул ҳолни мушоҳида қилғоч, аъзосиға раъша тушуб, сувға кирарда мутараддид бўлди ва Ҳомон иғвоси била отин сурди. Ва қибтилар доғи кирдилар. Чун тамом черикдин бири тошқори қолмади, ҳануз бири сувдин чиқмайдурлар эрдиким, сувға амр бўлдиким, муттасил бўлуб равон бўлди. Қаҳҳорлиғ ва мунтақимлиқ баҳри муталотим бўлди эрса, бир лаҳзада Фиръавн била андоқ азим сипоҳдин осор қолмади. «Наузу биллоҳи мин ғазабиллоҳи ва наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин саййиоти аъмолино»³⁰.

Ва бу воқеа ошуро кунда содир бўлди. Ва неча кун ул дарё юзида ва ики қироғида қибтилардин лошай эрди, ниҳоятсиз зеб ва тажаммулким, аларнинг либосида эрди, Мусо а. с. қавмига иршод қилур эрдиким, бу амволға тасарруф қилманг. Саодат аҳли маъмур бўлуб, шақоват аҳли ул жиҳодин ихтиёр қилиб жамъ қилур эрдилар. То оқибат аларға етишгон қуйироқ мазкур бўлғай, иншоаллоҳул-азиз. Ва Мусо а. с. Ювшаъ бинни Нунға қолин сипах кўшуб, Мисрға йиборди. Ва ул Мисрни фатҳ қилиб, қибтилар амволин ва сойир жиҳотин забт қилиб ҳам қибтидин бир кишини валиаҳд қилди, доғи Мусо а. с.ға кўшулди. Ва Мусо а. с. муҳаррам ойининг ўн икисида сув яқосидин кўчуб азимат қилди. Ул ёнки Тенгри таоло амри эрди, баъзи Рай шаҳрига дебдурлар. Чун бани Исроил доим Мусо а. с.дин илтимос қилурлар эрдиким, бир алоҳида шариат бизинг учун Тенгри таолодин тиласангким, ул дастур била амал қилсак. Ул ҳазрат муножот қилиб, хитоб келдиким, Тури Сино тоғиға бориб, ўтуз кун рўза тутуб, улча тиларсен етсун.

Мусо а. с. қавмнинг хилофатин Ҳорун а. с.ға бериб, қавм ашрофидин етмиш киши айириб, ўзи била олиб Тури Синотоғиға бориб, миъод муқаррар қилдиким қачон келгаи. Чун рўза айёми ул муқаддас водийда муътакиф бўлди, Жабраил а. с. келиб, пайғом келтурдиким, яна ўн кун дағи бу дастур била ўткар. Чуи қирқ кун ўтти, Мусо а. с. Турға мутаважжих бўлуб, ул жамоат қолдилар. Ораларида бир булут пайдо бўлуб, монёъ бўлди.

Мусо а. с. била ҳақ субҳона ва таоло тилсиз такаллум қилди ва ўн лавҳ йиборди. Ва анда шариат аҳкоми марқум эрди. Ва Мусо а. с. руъят истиъдоси қилиб муяссар бўлмади. Чун рафиқлари қошиға келди, ул қавмлари ҳақ таоло каломин эшитурни истидъо қилдилар. Борчани ғзаби илоҳи ҳалок қилди. Яна Мусо а. с. қойтиб, қавмға мулҳақ бўлди, ул ўн кун жиҳатидинким мавъидға ўтуб эрди, қавм Сомири иғвоси била гўсолапараст бўлуб эрдилар, магар ўн ики минг кишиким исботдин эрдилар.

Мусо а. с. бу ҳолдин мутаажжиб бўлуб, Ҳорунға ғзаб оғоз қилди. Ҳорун а. с. масмуъ узр этиб ва Сомири бобида ёмон дуо

қилди ва гўсолани кўйдурди. Ва қавм бобида ҳақ таолодин хитоб келдиким, ул ўн ики минг кишиким гўсола парастииш қилмайдурлар, жамиъ бани Исроил элини қатл қилсунлар. Ғариб рустохез тушти ва ажиб қатл воқеъ бўлди. Яна Мусо а. с. дуоси била Тенгри таоло аларнинг қолғонин боғишлади ва тиғ юрумас бўлди. Мусо а. с. буюрдиким, қатлдин илик торттилар. Яна Мусо а. с. бориб муножот қилди, «Таврот» нозил бўлди. Ва ул қирқ мужаллад эрди. Ва анинг аҳкомин қавм эшиттилар ва қабул қилмадилар ва дедилар: «Самиъно ва асайно»³¹. Мусо а. с.ға яна малолат бўлуб, Жабраил а. с. Тур тоғини ердин кўториб, ул қавм боши устига келтурдиким, Тенгри таоло ҳукмин эшитмасалар, бошлариға урғайлар. Заруратдин сажда қилдилар, аммо ваҳмдин бир юз била сажда қилиб, бир кўзлари юқори тоғ сори эрдиким, тоғ тушмагай. Андоқки, яхудға бу дастур бўлдиким, эмди доғи бир юзлари била сажда қилурлар. Чун қавм дин қабул қилдилар, яна Мусо а. с. дуоси била ул тоғ алар боши устидин ғойиб бўлди. Ва, тўрт аҳкоми олти юз ўн учга қарор тутти. Ва Мусо а. с. қавмини бошлаб, Мисрға мутаважжиҳ бўлди. Ва Мусо а. с. сексен яшағонда Тенгри таоло амри била бир сандуқ ясаб, жавоҳир била мураассаъ қилиб, алвоҳи самовийни анда солиб, теграсига ҳафтранг дебодин шодурвон ва саропарда тикиб, анинг муҳофазатин Ҳорун а. с. ва авлодиға муқаррар қилди. Ва ани сандуқуш-шаҳода дедилар. Ва ул тавобеъ байтул-муҳаддасқа шуҳрат тутти. Ва бу учурда бани Исроил Омил отлиғ кишини қардошининг ики ўғли моли учун ўлтуруб, ики қавм орасиға солдилар ва қотилни топмоқ учун Мусо а. с.ға илҳоқ бунёд қилдилар. Мусо а. с. ул ики қавмғаким, мақтул аларнинг орасида толилиб эрди, қассомаға ҳукм қилди. Алар қабул қилмадилар ва дедиларким, дуо қил, то қотил топилсун. Дуо қилди. Тенгри таоло ҳукм буюрдиким, бир ўйин келтуруб ўлтурунг ва анинг бир узвини мақтулға урунг, то айтсунким, қотили кимдур. Алар ўй сифатида илҳоқ қилиб, ўзларига ишни душвор қилдилар. То иш анга етдиким, бир ўйким ўрта ёшлиғ, ранги сориғ, зироат ва юк заҳматин кўрмаган бўлғай ва нопок ерда ўтламамиш бўлғай ва

умрида анга машаққат етмамиш бўлғай, топқулуқ бўлдилар. Андоқким, Бақара сурасида мазкурдур. Ва топқондин сўнгра иёси баҳосида муболаға қилиб, ўй терисини ёрмоқ тўлдуруб анга берур ваъдаси била ўйни олиб ўлтурдилар. Ва этидин ўлукка уруб, ўлук тирилди. Ва Мусо а. с. андин қотилин сўрди. Ул ики қотилни кўргузди ва ҳамул замон Тенгри ҳукмин бутқарди. Мусо а. с. қотилларин қасосқа етқурди ва ул ўйни куйдуруб, кулин асрадилар. Ҳар қачон бу навъ иш воқеъ бўлса, анинг кулидин ҳам бу хосият топар эрдилар. Ва ул мўъжиза Ҳорун а. с. авлодида эрди.

Ва бу воқеадин сўнгра, бани Исроилға Қурбон фарз бўлди ва Қорон жўясида Шуъайб а. с. келиб, Мусо а. с. ни кўрди. Мусо а. с. азим жашн қилиб, Шуъайб а. с. ни знёфат қилди. Ва Шуъайб Мусо а. с.га буюрдиким, сибтининг раёсатни бир кишигаким, алар орасида ақл ва киёсат ва шижоат била ороста бўлғай, муқаррар қилди. Ва ул халойиқнинг ададин дафтарларда мастур қилдилар. Олти юз мингдин ортуғроқ эрдиларким, йигирми ёш била эллиқнинг орасида эрдилар. Шайх ва шабобининг ниҳояти йўқ эрди. Ўн ики киши буларға сардор бўлдилар. Ва бу вақт ҳавонинг ҳарорати чоғи эрди. Ҳақ таоло Мусо а. с.нинг черики устига доим бир қаро булут йибориб эрдиким, кўланка қилгай.

Ногоҳ Ҳорун била Марямнинг хиёлларида бу кечтиким, насаб ва ҳасабда биз Мусодин кам эмасбиз ва башарият жиҳатидин бир неча нима Мусо а. с. нисбатиға. Дедиларким, ул ҳазрат ул нималардин бири эрди. Ул булутдин бу иш манъиға наҳийб ун келдиким, эй бани Исроил, сизга не ҳадким, Мусо а. с. била ўзунгузни тенг тутқайсизким, бу кунгача барча мурсал пайғамбарларни Жабраил воситаси била ва илҳом била ва рўё била ўз хитобимизға мушарраф қилибмиз. Ва анга воситасиз ўз каломи мажидимизга такаллум қилиббиз ва анга берилган мўъжизот ҳеч расулға берилмайдур. Бу ун муртафнъ бўлғоч, ул булут доғи ғойиб бўлуб ҳаво остида ҳарорат топиб, Ҳорун а. с. била Марям Мусо а. с. ҳазратида ул густохлиқдин истиғфор қилдилар ва ул афв қилди. Аммо Марям юзига барас иллати зоҳир бўлуб, ул ҳам Мусо а. с. дуоси била дафъ бўлди. Яна Қорун

қиссасидур. Ул бани Исроилда илму фазлда мунфарид эрди. Ва ғоят ҳусн ва жамолидин ани мунаввар дерлар эрди. Ва Мусо а. с.нинг яқин қаробатидур. Ва Мусо а. с. анинг тарбиятида муболаға қилур эрди. Ва улуми ғариба ва фунуни ажибаким, файзн илоҳидин муборак замириға мунаққаш эрди. Анинг фаҳми етконча не анга таълим қилур эрди, бу жумладин, кимё илмидурким, Қорун ўргониб анга иштиғол кўргузди. Ва анинг молу тажаммули ул ерга еттиким, хазойину қунузларининг калидларин қирқ хачир кўтарур эрди. Аксар бани Исроил анга мунқод бўлдилар.

Мусо а. с. анга амр қилдиким, мингдин бир закот Тенгри таоло ҳукми била бергил. Ул бетавфиқ ибo қилди, бу Байтулмуқаддас ва сандуқи шаҳодат ихтиёрики Ҳорун а. с.ға тааллуқ эрди, истидъo қилди. Мусо а. с. анттиким, ул ишлар ҳақ таоло амри била анга қарор тутубдур. Андоқки, мунча зоҳир асбоби санга мутааллиқ бўлубдур. Қорун Мусо а. с.ға ихонат ва истехзо қилиб, бир заифаға кўп мол бериб буюрдиким,, Мусо халойиққа ваъз ва насиҳат қилурда, ул заифа кўпуб, Мусо а. с.ға ўзи била туҳмат қилғай ва таврия ҳукми била Мусо а. с.ни бани Исроилға буюруб сиёсат қилдурғай. Ул вақтни асраб, ул хотун кўпуб, бу сўзни айтурда Тенгри таоло тилига рост сўзлар солдиким, Қорун анга буюртубдур. Ва сўзи тугагондин сўнг, иймон арз қилиб Мусо а. с.ға узр қулди. Мусо а. с.ға Қорун ишида ғазаб муставлий бўлуб, муножот қилиб, Жабраил а. с. келиб, ҳукм келтурдиким, биз ерни санинг фармонингда қилдуқ, Ҳорун ҳар нега шойиста бўлса қил. Мусо а. с. хушқол бўлуб қавмға буюрдиким, Тенгри таоло мени Қорунға музаффар қилди. Ҳар ким анинг тобеъидур, анга қўшулсун, манинг тобеъим манга қотилсун.

Қавм мутаваҳҳим бўлуб, Мусо а. с.га қўшулдилар.. Мусо а. с. ерга айттики, «Ё арзи хузиҳи»³². Ер Қорунни ошуғиғача ўзига тортти. Ҳорун дедиким, эй Мусо яна сеҳр оғоз қилдинг. Мусо а. с. айтти: «Ё арзи хузиҳи». Тизиғача ерга ботти. Қорун мутаваҳҳим бўлуб», узр оғоз қилди. Мусо а. с. ға мақбул тушман ерга амр айтар эрди ва ер ани қуйироқ тортар эрди, то тамом ерга кирди

ва гум бўлди. Хитоб келдики, ё Мусо, Қорун сендин етмиш қотла иймон тилади ва топмади. Бир қотла биздин тиласа эрди, қабул қилур эрдук. Мусо а. с. дедиким, мен доғи кўз тутар эрдимким, сандин иймон тилагай. Тақдиринг йўқ эрди, тиламади. Андин сўнгра қавм арозил ва ботилга гумон бўлдиким, Мусо а. с. Қоруннинг моли тамаъиға ани ҳалок қилди. Мусо а. с. дуо қилдиким, анинг йиғилғони мажмуъи ерга кирдиким, ҳеч нима қолмади. Ва Мусо а. с. ға амри илоҳи нозил бўлуб эрдиким, Шом диёрига аъмолиқа ва жабборлар дафъин қилған. Ва ул тоифа бағоят захим ва жасим эл эрдилар. Авж бинни Унуқки машҳурдурким, боши булутқа суртулур эрди, ул қавмдин эрди. Мусо а. с. ўн ики нақибниким, қавмнинг сардори қилиб эрди, йибордиким, Шомга бориб, ул қавм аҳволининг кайфиятин билиб, хабар келтургайлар. Ўзи қавм била алар сўнгича тебради. Алар Шомға етиб иттифоқо Авж бинни Унуққа йўлуқтилар ва Авж аларни тутуб, баъзи дебдурларким, этокига солиб, баъзи дебдурларким овучиға олиб, подшоҳ қошиға элттиким, бу тоифа келадур эрмишки, мулкни биздин олғайлар. Тамасхур қилиб, ул жамоатни қўйдилар. Қойтиб шарт қилдиларким, кўргонларин Мусо а. с.дин ўзга кишига демагайлар, қавм эшитсалар, таваҳҳум ғолиб бўлуб, мунҳазам бўлмагайлар. Аммо қавмға еткондин сўнгра Ювшаъ бинни Нунға Қолаб бинни Юфнодин ўзга ўн рафиқ юруб, қавмға айттилар: Мусо а. с. Шом азиматин мусаммам қилиб, бани Исроил дедиларким, бизга аъмолиқа била урушур қувват йўқтур, урушға бормасбиз. Эй Мусо, агар Шом мулки ҳукуматин тиларсен, «Изҳаб анта ва раббука фақотило»³³. Мусо а. с. қавмидин ранжа бўлуб, сажда қилиб айттиким, «Рабби инни ло амлику илло нафси ва ахи, фафруқ байнано ва байнал қавмил фосиқин»³⁴. Ва Ювшаъ ва Колут йиғлаб, қавмни ёмон дуо қилдилар. Ҳамул замон хитоб келдиким, Эй Мусо, неча бу қавм бизинг возиҳа оёт ва лойиҳа баййинотимизни кўруб, тамарруд ва исён қилғайлар. Чун буларни фосиқ дединг, жазоларин бероли. Бу ваиъддин сўнг, ул ўн кишиким, аҳдларин синдуруб эрдилар, жасадлари эриб оқти! Ва қавм қолиб, Мусо ва Ҳорун ва Ювшаъ ва

Колут а. с. Шомға азимат қилдилар. Ва бани Исроил Мисрға ёндилар. Ва ул кун тонгидин оқшомғача йўл юруб, оқшом манзилға тушгондин сўнгра кўрдиларким, ҳамул кўчгон манзил эрди. Ҳайрат била тонгласи кўчуб, яна бу ҳолни кўрдилар. Билдиларким, ул афўоллари жиҳатидин Тенгри таоло аларни бу балоға гирифтор қилди, ердин чиқардин ноумид бўлуб, ерлик ерига тушуб, кўнгуллларин балоға қўндилар.

Мусо а. с. чун асҳоб била Шомға еттилар, ул кишиким аввал аларға учради, Авж бинни Унуқ эрди. Дебдурларки, Авж бир тоғ порасин кўториб, жамиъ кавмининг устига ташлаб, борисин ҳалок қилди, деб келадур эрди. Сониъи корсоз қудрат изҳориға худхудга амр қилдиким, ул тоғ устида ўлтуруб чўқуғоч, андоқ тешилдиким, Авжнинг бўйниға тушуб, ани ҳалок қилди. Баъзи дебдурларким, Мусо а. с. асоси зарби била ўлди.

Ва Мусо а. с. асҳоб била қавм сори келдиларким, бу киши ҳалок бўлди. Алар ул ҳолларин арз қилдилар. Мусо а. с. дуо қилиб, аларға карак ва таранжабин ёғар эрди. Ва бир тоштин ики булоғ жорий бўлуб, алар сероб бўлур эрдилар, то ҳақ таоло ул қавмни қирқ йил ул бодияда азоб била ҳалок қилдиким, бири қолмади. Аммо қудрат кўргузуб, тихада бўлғон авлод ва атбоъларин аларнинг адади била мувофиқ биёбондин нажот берди ва қавмдин ҳамул тўрт бузургвор чиқдилар. Мусо а. с.нинг фазлу илм ва нубувват жиҳатидин мартабаси андин ўттиким, уқул ҳавсаласиға сиғиқмай, ё тилига, ё кўнглига кечтиким, оё бу кун олам юзида Тенгри таолонинг мендин донороқ бандаси борму экан? Хитоб келдиким, эй Мусо, ўзунгдин олимроқ бандани кўрар бўлсанг, мажмаул баҳраинға бор. Мусо ва Ювшаъ а. с. ул мавзиъға бордилар ва бир тош устида булоғ бошида озуқларни унуттилар. Ва ул қоқ болиғ эрди. Хизр а. с. мақдами баракотидин ул болиғ тирилиб, талпиниб ўзин сувға солди. Мусо а. с. Ювшаъдин жуъ дафъиға нима тилади эрса, Ювшаъ з. с. айтти, зодни фалон тош устида унутибмен. Иков ёндилар: «Қола Араайта из авайно илассахрати фаинни наситул хута»³⁵. Чун ёниб ул мавзиъға еттилар. Мусо а. с. Хизр а. с.ға мушарраф бўлуб, андин мусоҳабат

истидъоси қилди. Хизр а. с. дедиким, шояд санга менинг мусоҳабатлигим тоқати бўлмағай. Мусо а. с. дедиким, «Сатажидуни иншо аллоҳу собиран вало аъси лака амро»³⁶ бу шарт била иков бир кемага кирдилар ва баҳр қатъининг асносида Хизр а. с. ул кеманинг тубин тешиб, маъюб қилди. Басе заҳмат била ясадилар. Мусо а. с. таажжуб қилиб, сабабин сўрди. Хизр а. с. айттиким, «Алам ақул иннака лан тастатиа маия сабран»³⁷. Мусо а. с. хомуш бўлуб, кемадин чиққондин сўнг бир шаҳрға еттилар. Сурук атфол ўюнға машғул эрдилар. Хизр а. с. алар орасидин бир тифлни ҳалок қилди. Мусо а. с. ни ҳайрат беихтиёр қилиб, яна ул иш кайфиятидин савол қилди. Яна Хизр а. с. дедиким, «Алам ақул иннака лан тастатиа маия сабран»³⁷. Мусо а. с. яна дегондин пушаймон бўлуб, азимат қилиб, кечқурун бир шаҳрға еттилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дебдурким, ул Антокия шаҳри эрди. Кеча анда бўлуб, ул элдин таом тилаб, алар ибо қилдилар. Иков андин ўтуб, бир ерга еттиларким, бир бузуқ девор эрдиким, оз асари қолиб эрди. Хизр а. с. ул деворни иморат қилиб, бийик қилди. Мусо а. с. яна таажжуб қилиб, бетоқат бўлуб дедиким, бу деворни не жиҳатдин иморат қилмоқға боис эркин. Хизр а. с. дедики, бизинг оромизда мусоҳабатлиғ ушмунча бўлғай. «Қола ҳозо фироқу байни ва байника»³⁸. Ва лекин уч иш ҳикматин Мусо а. с. сўруб, Хизр а. с. айттиким, кема ғарқиға жиҳат ул эрдиким, чиққон вилоят подшоҳи Манзар отлиғ золим кишидур. Элнинг бутун кемасин зулм била олур эрди ва бу кема ўн фақирнинг эрдиким, маошлари анинг ижараси била кечар эрди. Бу кемани анинг учун тештимки, пайвандлиғ кўруб, маъюб деб олмағай, то ул фақирлар маош жиҳатидин ожиз бўлмағайлар. Ва ул тифлки ўлтурдум, мусулмон элнинг ўғли эрди ва улғойса, кофир бўлғуси эрди. Анинг маслаҳати бу қатлда эрдиким, куфр аҳли зумрасиға кирмағай ва азоби дўзах муставжиби бўлмағай. Аммо бу вайрона иморатиға сабаб бу эрдиким, бу шаҳрда ики ятим тифлдурким, ато-ано солиҳ эркандур. Ва ул атфол учун бу девор орасида ганж мадфун қилибдурлар. Алар булуғ ҳаддиға етиб, муни тасарруф қилурдек бўлғунча, бу девор мунҳадим бўлур эрди. Ва алар ўз

ҳақларин топмаслар эрди. Бу нишона жиҳатидин топқусидурлар.. Мусо а. с. Хизр а. с.нинг илмиға муътариф бўлуб, хайрбод қилиб, бир-биридин айрилиштилар. Баъзи бу воқеани тихадин бурун, баъзи сўнгра дебдурлар. Аммо асаҳ улдурким, тиха балийяси айёмида эркандур. Баъзи таворихда Ҳорун а. с.нинг воқеасин тиха балийясининг учунчи йилида дебдурлар ва баъзи ул балийянинг қирқинчи йилида ва анинг шарҳи будурким, мазкур-бўлғон тарихда Мусо а. с.ға ваҳйи келдиким, Ҳорун а. с.ға ажал етибдур. Анинг била фалон мавзиъға бор. Мусо а. с. Ҳорун а. с. била ул сори мутаважжиҳ бўлдилар. Бир ерга еттиларким, бир мутакаллиф уйда бир зебо тахт кўрунди. Ҳорун а. с. Мусо а. с. ға айттиким, хотирим орзу қиладурким, бу тахт устида ором топсам. Мусо а. с. айттиким, андоқ қил. Ҳорун а. с. истидъо қилдиким, Мусо а. с. дағи анинг била ётқай. Мусо а. с. қабул қилди. Чун иков тахт устида ёттилар, Ҳорун а. с. руҳ вадиъатин ажал мутақозийсиға топшурди. Мусо а. с. маълум қилғоч, анинг мадфаниға машғул бўлғоч, ул уй била тахт ғойиб бўлди. Мусо а. с. ул қавмға келиб, хабарни айтти эрса, бани Исроил дедиларким, Мусо а. с. бу жиҳатдинки қавм андин Ҳорун а. с.ни кўпрак севарлар, ани ўзи қатл қилибдур. Мусо а. с. дуо қилди, то ҳақ таоло ул тахтни Ҳорун а. с. била аларға кўргузди. Ва Ҳорун а. с. ул тахтдин қавмға манъ қилди. Доғи яна ул тахт ғойиб бўлди. Ва Мусо а. с. уй ва тахтни кўрган ерга олий иморат ясаб, Ҳорун а. с.нинг Алфозор отлиғ ўғлин отаси мансабида волий қилди. Бу ҳолдин сўнграким, Мусо а. с.нинг ёши юз йигирмига етиб эрди, бани Исроилни ҳозир қилиб, аларға насиҳатлар қилди. Ва котиблар ўлтуртуб, «Таврот»ни мутааддид битиб ва ўзи бирни муборак хати била битиб, Жабраил а. с. била тасҳиҳ қилиб, сандиқуш-шаҳодаға солди. Ва ўзгаларни тасҳиҳ қилғондин сўнгра ҳар қавмиға бирин берди. Ва анинг тиловати ва аҳкомининг ижросиға васият қилди. Ва ўз хилофатиин Ювшаъ а. с.ға бериб, элни анга топшурди, элдин васиқатлар олди.

Ювшаъ а. с. хилофатиға ва борча қабул қилғондин сўнгра Ювшаъ била қавм орасидин чиқти ва Ювшаъ а. с.ни қучуб,

хайрбод қилиб, кийгон кўнглоки орасидин ғойиб бўлди. Ноинсоф қавм Ювшаъни Мусо а. с. қатлиға муттаҳам қилиб, маҳбус қилдилар. Кечаси Мусо а. с. қавм тушига кириб, ул ишдин манъ қилиб тонгласи ани қўйдилар. Ва Мусо а. с. Ҳорундин уч ёш кичик эрди. Ва қабри маълум эрмаским қойдадур.

Р у б о и й:

*Мусоки, жаҳонға тушти ғавғоси анинг,
Ҳорун эрди вазири доноси анинг.
Чун бўлди биҳишт сори маъвоси анинг,
Не қолди асо, не яди байзоси анинг.*

Баъзи мутафарриқ ахборки, ул чоғ воқеа бўлди, Фиръавн қизининг бир машшотаси бор эрди. Бир кун анинг сочин тарарда тароғи иликдин тушти. «Бисмиллоҳ» деб ердин олди. Қиз отасиға айтти. Отаси ул заифани темир қозуғлар била чормих қилиб, ўтлуқ қизиқ тошни бош ва юзига қўйдурди. Ул мазлума диндин ёнмади. Ва уч ойлиқ тифлни қизиқ танурға солди. Ва ул тифл онасиға фасиҳ тил била дедиким, «Исбири ё уммоҳ фақад васалти илаллоҳи ва нилти ризоҳу ва лайсал она байнаки ва байнал-жаннати илло хатватан авхатватайни»³⁹. Бу ҳолдин азим халқ қибтилардин мусулмон бўлдилар. Ва Осия бинти Мизоҳум розияллоҳу анҳо анинг мақтали мужмалан ўтти, чун тожуррижол эрди, онча била ўтса бўлмас. Нисбати Лут а. с.ға етар ва Фиръавннинг ақрабосидиндур. Баъзи анинг мақталин дебдурларким, машшотани Фиръавн қатл қилурда, ул изтироб қилиб, Фиръавнға қотиқ сўзлаб, динни изҳор қилди. Фиръавн ани ҳам машшотаға қилган азоб била қатл қилди. Аммо азоби чоғида Мусо а. с. дуоси била Тенгри таоло ул азобдин алам еткурмай, биҳишти жовидонға элтти. Ва Мусо а. с.нинг муъжизоти борча анбиёдин кўптур.

Ювшаъ бинни Нун а. с. мурсал пайғамбардур. Ва Мусо а. с.дин сўнгра Шом хилофатин яхши қилди. Ва кўпрак муфассирлар

муттафиқдурлар мунгаким, ҳақ субҳона ва таоло ул оятда дебдурким: «Ва из қола Мусо лифатоҳу ло абраҳу ҳатто аблуға мажмаал баҳрайни ав амзия ҳуқубан»⁴⁰ иборат Ювшаъдиндур. Анга амр бўлдики, Мусо а. с.дин сўнгра, Шом жабборлари яна истило топдилар, бориб аларни дафъ қилган. Ювшаъ а. с. бани Исроил била мутаважжих бўлуб, Ардун рудиға етконда, сув улук эрди, Мусо дуоси била Нил шақ бўлуб черик ўтти. Ва Ари шаҳриким, матонат ва кўрғони рифъатда васфдин тошқоридур, муҳосара қилди. Халойиқ айтдиларким, бу қалъани муҳосара била олмоқ мумкин эрмас. Ювшаъ а. с. эшитиб, дуо қилди. Ул кўрғоннинг пораси йиқилиб, қавм кириб тасарруф қилдилар ва ғанойимни Ювшаъ а. с. амри илоҳи била буюрдиким, куйдирдилар. Бир киши бир олтин тошин хиёнат қилиб эрди, хоинға ҳам ўт тушти. Ва бу воқеадин сўнгра Ювшаъ а. с. қавмға амр қилдиким, ўтган ёзуғларингиз узри учун Тенгри ҳазратида тазарруъ қилиб, талаби мағфират қилинг! Аларким амр баҳо келтурдилар, мағфур бўлдилар. Баъзи ул сўзга истехзо қилдилар. Осмондин бир ўт тушуб, мустаҳзий элни ўртади. Ва Ювшаъ а. с. Дори шаҳрини фатҳ қилиб, Балқоға мутаважжих бўлдилар. Ва Болиқ деган анда подшоҳ эрди. Балъам Боъурки, мустажобуд-даъва эрди, ул шаҳрда эрди.

Ювшаъ а. с. муҳосара қилгондин сўнгра Болиқ истидоъсидин дуо қилдиким, Ювшаъ а. с. сипоҳи мунҳазим бўлди. Ювшаъ а. с. муножот қилдиким, хитоб келдиким, бу шаҳрда бир банда бизниг исми аъзам била дуо қилур. Бу инҳизом анинг дуосидин бўлди. Ювшаъ а. с. дедиким, бори худоё, чун ғайри мавқеъ дуо қилди, ул исмни анга унутурғил. Тенгри таоло Ювшаъ а. с. истидъоси била ул исм Балъам замиридин маҳв бўлди. Яна Ювшаъ а. с. сипоҳ йиғиб, ул шаҳрни муҳосара қилди. Бу қотла хуш шакл фоҳишаларни шаҳрдин чиқардиларким, бани Исроилдин ҳар ким зино қилса эрди, Тенгри таоло бало йиборур эрди. Биров ул фавоҳишдин бири била зино қилғоч, оролариға тоун тушти. Ул киши била ул фоҳишани ўлтуруб, халқ тазарруъ қилиб, Ювшаъ а. с. дуоси била Тенгри таоло ул балони дафъ қилди. Андин сўнгра

Ювшаъ а. с. ул шаҳрни фатҳ қилди ва аъмолиқа қатлиға ҳукм қилди. Ва Балъам ҳам ул мақтуллар орасида, чун ислом таркин қилиб эрди, дўзах азимати қилди, жумъа сабоҳидин шомигача ёқин қатл эрди. Ва аъмолиқадин хотиржамъ бўлмайдур эрди. Бани Исроилға шанба кечаси ва куни ҳам тоатдин ўзга ишга рухсат йўқ эрди.

Ювшаъ а. с. дуоси била Тенгри таоло кунни мағриб соридин қойториб, фалакда онча таваққуф бердиким, қавм душман ишидин фориг бўлуб, ўз ибодатлариға машғул бўлдилар. Ва гунашни Ювшаъ а. с.дин бошқа Тенгри таоло Сулаймон а. с. била амирул-мўминин Али каррамуллоҳи важҳа мўъжиза ва кароматидин мағрибдин машриқ сори ҳаракат берди. Ҳар қойси ўз ерида келгай, иншоаллоҳ таоло.

Ва Ювшаъ а. с. бу фатҳдин сўнгра Оъй деган шаҳрни ҳам фатҳ қилиб, злидин ўн ики минг кофирни қатл қилди. Ва ул диёрда кўп халқни исломға киюрди. Ва мағриб заминға азм қилиб, кўп билод олиб, ўтуз бир подшоҳ куффордин ўлтуруб қойтти. Ва мунча ғаройиб тақрибан ети йилда бўлди. Ва андин сўнгра, йигирми йил халқни «Таврот» мутолаасиға таълим қилди. Андин сўнг қазо етти. Ва баъзи исломға кирганлардин ҳам муртад бўлдилар дебдурлар. Колут бинни Буқёни ўз хилофатиға мушарраф қилиб, халқни анга топшурди ва оламдин видоъ қилиб чиқти ёши баъзи ривоятда юз ўн ва баъзида юз йигирми етидур. Валлоҳу аълам.

Ш е ъ р:

*Ювшаъки, солиб куфр аҳли кўнглига харош,
Мусо динида эл била қилди маош.
Ҳар неча қуёшда айлади муъжиза фош,
Охир қаро ерга кирди андоққи қуёш.*

Колут бинни Юфно а. с. кўпрак уламо қошида мурсалдур. Ювшаъ а. с.дин сўнгра бани Исронлни яхши забт қилиб, мулк очти. Охирул-амр Салм хайёмиға сипоҳ тортиб, малик Борақни

асир қилди. Ва ул ко-фире эрднким, йиллар жаббор сифатлиғ била салтанат қилди. Дерларки, етмиш подиюҳ ва подшоҳдин доия қилғонлар анинг ҳибсида эрдиларким, бормоғларин кесиб эрди. Шом таоми тортилуруда аларни ҳозир қилиб, илайларига таом кўидилар ва алар оғизларин ерга келтуруб, иЪлардек нима ерлар эрди. Колут анинг била ҳам бу муомалани қилди. Чун бу фатҳ даст берди, Колут қавми Мисрға олиб келди ва кўп вақт ҳам нубувват ва ҳам салтанат сурди. Оқибат ўғли Нушо Қавсга салтанатни мусаллам тутуб, валиаҳд қилиб, оламдин ўтти. Муддати замони неча йил эркани маъдум эрмас учун битилмади.

Р у б о и й:

*Колутки, Ювашаъ васий этти они,
Кўп вақт эрди олам аро даврони.
Ҳам шаҳлиғ ва ҳам нубувват эрди шони,
Гар шоҳу гар набий бўлурлар фони.*

Ҳизқил а. с. Халойиқ ани Абулаъжуз дедилар. Шарҳи буким, атосининг ики хотуни бор эрди. Анинг аносифа фарзанд бўлмас эрди. Ва ёши ҳам улғойиб эрди. Аммо яна бир хотундин ўн ўғли бор эрди. Ва бу хотун андоққи, зуафо расмидур, ул бирга ҳам ўғулсизлиқ жиҳатидин ҳам таън қилур эрди, ҳам ажузалиғ жиҳатидин шамотат кўргузур эрди. Ажуза анинг шамотатидин мутаассир бўлуб, бир кеча тонг отқунча муножот қилиб, Тенгри таолодин бу балонинг иложин тилади. Тенгри таоло анинг дуосин бу навъ мустажоб қилибдурким, ул ўн ики ёштин йигит бўлди. Ва Ҳизқил а. с.нинг атосидин ҳомила бўлуб, Ҳизқил а. с. вужудқа келди. Бу жиҳатдин ани Абулажуз дебдурлар. Тафсир аҳли қошида мухолифатдур, бу бобдаким ул пайғамбарким, қавмини Тенгри таоло исёнлари жиҳатидин ҳалок қилди ва ул дуо била борчасин тиргузди, Ювашаъдур, ё Ушмул, ё Ҳизқил а. с. Ва дебдурларким, асаҳ улдурким, Ҳизқил а. с. бўлғай. Ул воқеа бу навъдурким, Ҳизқил а. с.ға амр бўлдиким, Илё шаҳриға бориб,

куффорни динға далолат қилғай. Ва баъзи Дорон деган шаҳрни дебдурлар. Ҳизқил а. с. амрни бу қавмға тарғиб қилди. Қабул қилмадилар. Қаҳри ялоҳи қавмни тоун балосиға мубтало қилди. Қавм ул бало махласиға жало ихтиёр қилдилар. Чун мулкларидин бир миқдор йўл чиқдилар, бир ҳойил ун осмондин келиб, борчаси ҳалок бўлдилар. Ибн Аббос разийаллоҳу анҳу аларни тўрт минг дебдур ва Ҳасан секиз минг ва Ваҳб бинни Мунаббиҳ сексон минг. Ҳар тақдир била, чун борча ҳалок бўлдилар, киши йўқ эрдиким, аларни дафн қилғай. Ислониб этлари сўнгакларидин айрилди. Ҳизқил а. с. эътикофидин чиқиб, чун қавмға ўтуб, ул ҳолни кўрди, кўнглига риққат бўлуб, дуо қилдиким, Ёраб, бу халқни тиргуз! Дуоси мустажоб бўлди, Тенгри таоло аларни борчасин тиргузди. Бо вужуди бу ғариб ҳол қавм гоҳи Ҳизқил а. с. амриға мутиъ эрдилар, гоҳ эмас эрдилар. Муборак хотири алардин малул бўлуб, ватандин ҳижрат қилиб, Бобилға борди. Ва анда муддате бўлуб, Тенгри таоло ҳукмин буткарди. Ва муборак марқадин Ҳилла била Куфа орасида ҳам дебдурлар.

Р у б о и й:

*Ҳизқил эрди расули покиза сифот,
Мурсал дедилар нубувватин борча сиқот.
Ўлганлар агарчи дамидин топти ҳаёт,
Ўлмакдин ўзига бўлмади лек нажот.*

Илёс а. с. Ҳорун а. с. наслидиндур. Баъзи ани Идрис дебдурлар, бу манъи билаки, анинг руҳи ва ҳақиқати бу сурат била ноқислар такмили учун зуҳур қилмиш бўлғай. Баъзи ҳам мусаллам тутмайдурлар.

Ривоятдурки, Ҳизқил а. с.дин сўнгра бани Исроиғ орасида миллат ҳайсийятидин кўп булгончуғлуқ воқеъ булди. Ул навъки, Мусо а. с. дини ародин чиқти ва «Таврот» аҳкоми унут бўлди ва анвоъ бутлар ясаб, ул қавм бутпарастлиғқа машғул бўлдилар ва фисқ ва исёнлари ҳаддин ўтти. Ҳақ таоло Илёс а. с.ни аларнинг

ҳидояти учун мабъус қилди. Ва Илӛс а. с. аларни Тенгри таолоға далолат қилди. Ҳеч киши Илӛс а. с. сўзин қабул қилмади ва анинг қатли қасдиға машғул бўлдилар. Илӛс а. с. амри илоҳи била аларнинг аросидик чиқиб тоғлар аросида маҳфий маош ўтқарур эрди, то улки Баълабак подшоҳи бир азим бут ясаб, отин Баъл қўйди. Ва борча ишда истионат андин қилур эрди. Ва севар ўғли хаста бўлди. Ҳар неча анинг сиҳатин истидъо қилди, фойда топмади. Хотуни макқораи қаттола ғариб эрди. Бани Исроилдин еги подшоҳға тегиб эрди. Ҳар бирин бир ҳийла била ўлтуруб ва етмиш фарзанд ул салотиндин ҳосил қилиб эрди. Ва Илӛс а. с.ға бағоят душман эрди ва анинг қатлиға кўп саъй қилур эрди. Ва ўғли шифосиға Шом вилояти бутларидин истимдод учун жамоати касир йибориб эрди. Илӛс а. с. чун аларға учраб дедиким, эй нодон қавм, бу жа-модлардин ҳеч нафъ ва зарар йўқдур, нега анга марау берган холиқдин шифосин тиламассиз? Қавмға анинг сўзи ҳайбатидин титротма тушти. Келиб подшоҳқа айттиларким, кишилар йибориб Илӛс а. с.ни келтурурға ҳукм қилди. Ул элга осмондин ўт тушуб куйдилар. Неча қотла бу навъ воқеъ бўлди. Оқибат Илӛс а. с. амри илоҳи билан Баълабакка келиб, Юнус а. с. атоси уйида қарор тутти. Ва Юнус а. с. тифл эрди, неча кундин сўнгра яна тоғу дашт азимати қилди. Ва ул фаврда Юнус а. с. ға ажал етиб охир бўлди.

Юнус а. с. атоси Илӛс а. с.ни топиб илтимос қилиб, Илӛс а. с. дуоси билан Юнус а. с. баданиға руҳ кириб ихё зумрасиға кирди. Ва Илӛс а. с. ажузалар уйларида маҳфий юрур эрди. Чун қавм нодонлиғидин малул бўлди, дуо қилди, уч йил элга ёгин ёғмади ва азим қаҳат бўлди. Бу аснода Алясаъ а. с. Илӛс а. с.ға рафиқ бўлди. Ва ул йигит эрди. Ва Илӛс а. с. улғойиб эрди, яна амри илоҳи била қавм аросиға кириб деди, йил-лардурким бу жамодларни парастиш қиладурсиз, буларға шафоат қилингким, сизга ёгин ёғсун. Ва иллоҳ, сиз иймон келтурунг, мен Тенгри таолоға муножот қилай то ёгин ёғсун. Қабул қилдилар. Алар шафоатидин юбусат кўпрак бўлғай. Илӛс а. с. дуосидин ёгин ёғиб, ҳубубот кўкарди. Куффор ваъдаға вафо қилмадилар, Илӛс а. с.ға

ул гумроҳлар ихтилотидин малолат ортқондин сўнгра, Алясаъ а. с. ни хилофатиға таъйин қилиб, халойиқ кўзидин махфий бўлди. Ва Тенгри таоло ани иззат қибобида элдин мастур асрабдур. Баҳру бар дармондалариға дастгирлиқ қилур. Ва ҳоло тириқдур. Авдоққи, Ҳизр а. с. валлоху таоло аълам. Ва муддат ва даъватида бир киши анинг диниға кирди.

Р у б о и й:

*Илёсқа элдин чу кўб ўлди туғён,
Элнинг кўзидин руҳдек бўлди ниҳон.
Ҳар кимни халос қилса элдин яздон,
Не тонг анга умри абадий бўлса ниҳон.*

Алясаъ а. с. бани Исроил анбиёсидиндур. Атосини. Ахтуб дебдурлар. Ва анинг иши деҳқонлиқ эрди. Илёс а. с.ға ваҳй еттиким, ани валиаҳдинг қил! Ўл ҳазрат анинг тарбиятиға машғул бўлди, иши элга хилофатқа етти. Ва муддате бани Исроилни ҳақ таолоға даъват қилди. Ва андин хориқ одот ва муъжизот кўп воқеъ бўлубдур. Ул жумладин бири буким, биров уйига меҳмон бўлди ва ул мезбониға фарзанд орзуси эрди ва бўлмас эрди. Анинг дуоси била Тенгри таоло анга фарзанд берди. Ва ул фарзандиға неча вақтдин сўнгра ажал етти. Яна анинг дуоси била руҳ баданиға кириб, кўп вақт тирилди. Бу навъ муъжизоти кўптур. Бовужуди бу навъ ҳолот бани Исроил гоҳи анга мунқод эрдилар, гоҳи йўқ. Хотирини ул элдин ториқиб, Зул-кифлни ўз хилофатиға таънин қилди. Ва ўзи муножот қилиб, Тенгри таолоға восил бўлди. Ва бу муродини Тенгри таоло ҳосил қилди.

Р у б о и й:

*Илёс чу Алясаъни волий этти,
Ҳақдин анга анвори нубувват етти.
Гар ул қочиб эл малолатидин кетти,*

Ул кетгондек бу доғи кетмай нетти.

Зул-кифл а. с. бобида ихтилоф кўбдур. Баъзи ани Дизқил дебдурлар. Баъзи дебдурларки, Айюб а. с.нинг ўғлидур, оти Башар. Ва агар бу ривоятлардин ҳар қойси рост бўлса, Алясаъ замонидин йироқ тушар. Ул асаҳ ривоят била Алясаъ бинни Ахтуб а. с.ға васийдур. Ва бу лақаб била мулаққаб бўлганида ақвол кўптур. Бу мухтасарда ики қавл била ихтисор қилилур. Бири улким, Алясаънинг васоясиға бани Исроилнинг Тенгри таолоға далолат қилмоғида Мусо а. с. динининг ривожиди ва «Таврот» аҳкомининг ижросиди ва таълимида мутакафил бўлди. Яна бир қавл улким, Тенгри таоло бир кофир подшоҳ даъватиға амр қилдиким, оти Канъон эди. Ул айттиким, мендин кўб исён воқеъ бўлубдур. Сўзунг била иймон қабул қилсам, не билайким Тенгри таоло қошида қабул борму, ё йўқ? Магар сен ҳақ таоло раҳматиға кафил бўлғайсенким, мен кўнгул тинчи била иймон кетургаймен. Зул-кифл а. с. Канъонға кафил бўлди, кафолат хати битиб берди. Ул иймон қабул қилиб, салтанат таркин тутуб, Тенгри ибодатиға машғул бўлди. Чун ажал етти, ул хатни васият қилдиким, анинг била дафн қилғайлар. Ривоят будурким, ҳақ таоло пайғамбари кафолати жиҳатидин Канъонға раҳмат қилиб, биҳишт насиб қилди. Ва бир малакка амр бўлдиким, ул хат била элга зоҳир бўлуб, Канъон башоратин еткурди. Қавм ул ҳолдин мутаассир бўлуб, иймон қабул қилиб, анинг рисолатиға эъти-роф қилдилар. Баъзи дебдурларким, эътироф аҳлининг иймонлариға ҳам қабул учун кафил бўлди. Чун иши Тенгри таоло раҳматиға эътимодидин бу навъ ишларга кафолат эрди, бу лақаб била машхур бўлди. Ва муддат қавми ҳидоятиға иштиғол кўргузуб, олами фонийға видоъ қилди.

Р у б о и й:

*Зул-кифл ишиким, ҳаққа далолат эрди,
Ҳақ раҳматидин элга кафолат эрди.*

*Чун қавмнинг ойини залолат эрди,
Ўтти чу замириға малолат эрди.*

Ашмуил а. с. олий шаън пайғамбардур. Зул-Кифл ўткандин сўнгра, неча қарнғача бани Исроил орасида пайғамбар мабъус бўлмадн. Ва Оъдий ғолиб бўлуб, аларнинг аҳволиға кўп футур юзланди, ва қатл, ва асир ва торож кўрдилар. Ва душманлар Сакина тобутидин неча пайғамбарзода ва маликзода била торож ва асир элтдилар. Қавм тазарруъ қилиб, ўзларига бир пешво тиладилар эрса, Тенгри таоло Ашмуил а. с.ни мабъус қилди. Ва анинг биъсати замонида олий имом Тенгри раҳматиға бордиким, қавмнинг қабз ва басти анинг илкида эрди. Қавм Ашмуилдин подшоҳ истидъо қилдилар. Ул илҳом мужиби била Шовакни дедиким, Толутқа машхурдур, Тенгри таоло сизга подшоҳлиққа тақдир қилибдур. Қавм ор қилдиларким, бу вақтғача салтанат Яхудо наслида эрди ва Шовак Ибни Ямин наслидин эрди. Ашмуил а. с. дедиким, тақдир будурким, анинг салтанати вақти етқач, Қуддус тоғнки, муддатлардурки таскин топибдур, ўтсиз қайнай бошлағай. Ва Сакина тобутиким, қарнлардур ғойиб бўлғоли, ошкоро бўлғай. Ва ҳол улким, булар вуқуъ топти ва Ашмуил а. с. Толутни салтанат амриға мансуб қилди, Қавм доғи қабул қилдилар. Ва ул вақтда Фаластин мулки Жолутнинг истилосидин бани Исроил ул ерға етиб эрдиким, борча зулм кўрарлар эрди. Сўнгра аларға жизя таъйин қилиб эрди, Ашмуил а. с. Толутнис Жолут дафъиға амр қилди. Ва Толут сексон минг черик била Фаластин мулкига азимат қилди. Ва анинг сипоҳи Жолут ваҳмидин биёбонда сувсизлиғу исиг ҳаво шиддатидин мутафарриқ бўлуб, уч юз ўн киши била Жолутқа етишти. Ва Жолут анинг олида сипоҳ тузатмакка ор қилиб, ёлғуз майдонға кирди. Ва Толут Довуд а. с.ға қизин берур ваъдасин қилди ва анга ўтру йиборди. Довуд а. с. Жолутни ҳалок қилди. Ва Жолутни ҳам Калбос дерлар. Бани Исроил фатҳ топиб, Жолут азим черикининг амволин тасарруф қилдилар. Ва Ашмуил а. с.нинг ёши элик иккига етканда оламдин ўтти. Ва ўн ики йил қавм орасида

нубувват қилди. Ва марқадин дерларки, Совададур, валлоху аълам.

Р у б о и й:

*Чун қавмға Ашмуил бўлди ҳоди,
Жазм ўлди анга расуллуқ исноди.
Элга қилибон ҳақ йўлининг иршоди,
Азм этти, чу этти умрининг миъоди.*

Довуд бинни Ийшо а. с. Яхудо авлодидиндур. Анинг зикри ижмоли била ўтти. Жузвий тафсил зарурдур. Ашмуил а. с. зикри доғи анинг зикрида лозим келур. Ва Довуд а. с. аҳволининг тафсили буким,, Ийшонинг ўн уч ўғли бор эрди. Довуд а. с. Борчадин кичикроқ эрди ва ҳақир жуссароқ эрди ва гириҳ манзарроқ эрди ва Ийшо ани шубонлиққа таъйин қилиб эрди ва анга ажиб ҳолот мушоҳада бўлур эрди. Чун Ашмуил а. с. Калбос урушиға Толутни муқаррар қилди, ваҳй келдиким, Жолутнинг қатли Ийшо авлодидин ул бирининг иликидадурким, фалон зириҳ анинг бўйиға ростдур. Ашмуил а. с. Ийшонинг авлодидин тилаб, ўн ики оғоинининг бўйиға рост келмади, Ийшоға айтти: яна ўғлунг бор эса, келтур! Ийшо айттиким, бир ўғлум борким, қўй кутар. Аммо анга бу иш қобилияти нўқтур ва ани тиламак бефойдадур. Ашмуил а. с. анинг сўроғин сўруб, бориб топти. Қўйин сувдин ўтқарадур эрди, сув улуғроқ жиҳатидин қўйларни икирар-икирар кўториб ўтқарур эрди, Ашмуил а. с. кўргач, билдиким, нубувват шафқатининг осоридур. Анинг била мулоқот қилиб дедиким, санга ўз аҳволингдин ғарибосор ҳеч маълум бўлурму? Довуд а. с. айтти: бўлур. Шарҳини сўрди эрса, кўп ғариб осор баён қилди. Ул жумладин бири буким, келдиким, бир тош манинг бирла такаллум қилдиким, мен ул тош менким, манинг била Ҳорун а. с. фалон душманини ҳалок қилди. Ва мен ул тошни олиб тўбраға солдим. Яна ики тош ҳам ушбу дастур била бири Мусо а. с, бири Иброҳим а. с. душманини ўлтуруббиз, бизни дағи

кўтор, деб айттилар. Аларни ҳам тўбраға солиб, солғондин сўнгра учоласи тош бир бўлди. Ашмуил а. с. Довуд а. с.ға нубувват ва салтанат башоратин бериб, Толут қошиға келтурди. Ва Толут куёвлики ва мулк шеркати ваъдаси бериб, Довуд а. с. Жолут майдониға кириб, ул тошни анга отиб, қодир қудрати била ани ҳалок қилиб Жолут бани Исроилға мағлуб бўлди, Ва Довуд а. с. Толут ваъдаларига вафо тилади. Толут кўп хизмат буюрғондин сўнгра, қизин анга берди. Ва бани Исроил қошида Довуд а. с. нинг иззу шарафи ортти. Ва Толут ваҳмдин пушаймон бўлуб, Довуд а. с. қасдиға бел боғлади. Довуд а. с. андин қочиб, махфий юрур эрди. Толут кўб киши анинг топмоғига таъйин қилур эрдиким, ўлтургай. Бани Исроил уламо ва аҳборини қатлға еткурдиким, бу тоифадин ҳеч киши қолмади. Ва бу иш вуқуъидин сўнгра нодим бўлуб, паришон ҳол гўристонлар кезар эрдиким, не қилсам тенгрк таоло тавбамни қабул қилғай. Бир мустабожуд-даъва заифа қолиб эрди, анга тавассул қилнб, ҳолин деди. Ул Ашмуил а. с. қабри бошиға бориб, дуо қилди. Ашмуил а. с. қабридин чиқиб айттиким, они жиҳод қилсангким, ўн ўғлунг илайингда шаҳид бўлсалар, сўнгра ўзунг шаҳодат топиб, Тенгри таоло тавбангни қабул қилғай, деб яна қабриға кирди. Ва қабр бутти. Ва Толут Ашмуил буюрғонини бажой келтуруб, бани Исроил андин халос бўлдилар. Бу ҳолдин сўнгра, Довуд а. с. нубувват баланд пояси била салтанат пироясиға мушарраф бўлди. Ва анинг шаънида бу оят келдиким, «Ё Довуду инно жааълнока халифатан фил арзи фаҳкум байнанноси бил ҳаққи»⁴¹.

Ва дерларки азимати бир ерга еттиким, тўрт минг киши кеча анга нигоҳбонлиғ қилурлар эрди. Ва муъжизотидин бири ҳасан савтдурким, Тенгри таоло анга насиб қилди. «Забур»ни анга ирсол қилдиким, қачон ул савт била «Забур»ни ўқуса эрди, ваҳшу тайр, жину инс йиғилиб, беҳол бўлурлар эрди. Ва ул гоҳлар ўзга либос кийиб, ани тонимас элдин истифсор қилур эрдиким, Довуд сизинг била нечук маош қиладур. Бир кун анга масмуъ бўлдиким, Довуд а. с.нинг айби будурким, байтул-молдин маош ўткарадур. Мутаассир бўлуб, Тенгри таолодин бир санъат истидъо

қилдиким, ваҳҳи маош андин ҳосил қилғай. Тенгри таоло зирҳгарлик. санъатин анга каромат қилди. Яна бир муъжизаси бу эрдиким, зирҳгарликка ҳожати ифзор йўқ эрдиким,, темур иликида мумдек юмшар эрди. Ясалғондин сўнгра ўз ҳолиға борур эрди. Ривоятдурким, ҳар қачон Довуд а. с. тасбиҳ ва таҳлилға машғул бўлса эрди тоғу тош ва давобу ашжор анинг мувофақатиға тасбиҳға иштиғол қилурлар эрди. Ва ул авқотин тўрт қисм қилиб эрди. Бир кун уламо била суҳбат тутуб дарс ва таълимға машғул бўлур эрди. Ва яна бир кун қуззо маснадиға ўлтуруб, халойиқ қазоёсин бир-бирдин ўткарур эрди. Яна бир кун ўз ҳарамлари била зист қилур эрди. Яна бир кун муножотда дер эрдиким, ёраб, санинг ҳазратингда не навъ маош қилсамким, санга мустаҳсан тушгай? Хитоб келур эрдиким мени кўп ёд қил ва мен севгаиларни сев, халойиққа ўз нафсингға ҳукм қилғондек қил ва ғойиб қардошинг фаррошидин муҳтариз бўл!

Манқулдурким, бани Исроил уламози бир кун дедиларким, оё, ҳеч бандаға бир кун ўтгаймуким, андин зиллати вужудқа келмагай? Довуд а. с. деди: шояд мендин ибодат қилур кун келмагай. Ва бу хиёл била ибодат куни ишга машғул бўлди. Кўрдиким, бир ғариб ранглик фаришта, кабутар чиройлиқ эрди, равзандин кириб, анинг қошинда қўнди. Довуд а. с.ға қил-ғон хиёлин унутуттурдилар. Ул қушни тутарға майл қилғоч, ул қуш равзандин чиқиб, томға қўнди. Довуд. а. с. ани тутмоқға томға чиқти. Ҳарён кўз солурдаким, қуш қаён борди экан, кўзи савмааси ёнидағи бир бўстонға туштиким, бир жамила ғусл қиладур эрди. Хотири бағоят мойил бўлди. Тафаҳхус қилғондин сўнгра билдиким, Урёнинг манқуҳасидур. Ва Урё Довуд а. с.нинг Савоб отлиғ иниси била Балқо шаҳрининг муҳосараси машғул эрди. Ва қавмда мутааййин киши эрди. Довуд а. с. Савобқа нома битиб, душвор иш Урёға ружуъ қилдиким, Урё ул ҳарбда шаҳид бўлди.. Ва Довуд а. с. ул заифанинг иддати ўткондин сўнгра никоҳ қилмоқ бўлди. Ва ҳамоноки, Довуд а. с.нинг тўқсон тўқуз ҳарами бор эрди. Ул заифа деди: бу шарг била қабул қилурменким, мендин ўғлунг бўлса, валиаҳдинг бўлғай. Довуд а. с. қабул қилуб,

ани қулди. Сулаймон а. с.нинг онаси улдурким, нубувват ва салтанат Довуд а. с. дин сўнгра анга етти. Ва муддате Довуд а. с. ни Тенгри таоло қилғон хатосиға олим; қилмади, то бир кун хилватида тоатқа машғул эрдиким, илайида неча киши ҳозир бўлди. Ва бу иш ғайри маъхуд эрди. Довуд а. с. сўрдиким, не халқсиз? Алар дедилар, кўрқма. «Қолу ло тахаф, хасмони бағо баъзуно ало баъзин фаҳкум байнано бил ҳаққи вало туштит ваҳдино ило савоис-сирот»⁴².

Довуд а. с. хусуматларидин сўрди. Алардин бири яна биридин шикоят қилдиким, тўқсон тўқуз қўйи бор. Ва менинг бир қўюм бор эрди, мендин тамаъ қилиб, ул қўюмни олди. Довуд а. с. айттиким, мундоқ бўлса, санга зулм қилибдурурлар. Алар табассум бўлуб дедилар: Қазо-ар-ражулу ало нафсиҳи»⁴³. Ва ғойиб бўл-дилар. Довуд а. с. билдиким, алар малойика эрдилар. Ва Довуд а. с. ўз қилғон ишининг қабоҳатидин хотириға келиб, дуд бошиға ошти. Ва бу хатоси узриға қирқ кун саждадин бош кўтармади. Навҳа била ўз ҳолиға йиғлаб тазаллум қилди. Жабраил а. с. келиб, бахшиш башоратин келтуруб дедиким, Урёнинг ризосин ҳосил қил, Тенгри таоло карами била худ гуно-ҳингдин ўтти.

Довуд а. с. Жабраил таълими била Урё қабри бошиға бориб, Урёдин талаби афв қилди. Ҳақ таоло Урё таниға руҳ киюруб, Довуд а. с. ани қатлға амр қилғонин афв қилиб, манкуҳасин никоҳ қилғоли жиҳатидин жавоб бермади. Довуд а. с. бошиға туфроқ сову-руб, жазаъ бунёд қилди эрса, хитоб келдиким, сен хотнрингни жамъ тут, биз чун гуноҳинпш боғишла-дуқ, қиёмат куни Урёға онча жавр ва қусур каромат қилоликим, ул ҳам сени бухл қилғай. Довуд а. с. кўнгли ул иштин итмийнон топти. Ва бу воқеадин сўнг, ўтуз йил ҳаётда эрди. Ривоятдурким, Довуд а. с. тазаллуми ва муножоти чоғиким, мулк ишидин парвойи қолмайдур эрди, ўғли Шалум Арозил ва Авбош иғвоси била мулк ишига дахл қилиб, истиқлол кўси урди. Чун Довуд а. с. гуноҳи афв бўлуб, мулк ишига шуруъ қилди, Шалум ваҳмдин фирор ихтиёр қилди. Ва Довуд а. с. Савобни анинг дафъиға йибориб дедиким, иликласанг, ани қатл қилмағайсен. Савоб ани тутқоч, охир қилди.

Довуд а. с. ранжида оламдин ўтди. Утар чоғда, Сулаймон а. с.ға анинг қасосин буюруб, Суланмон а. с. ул амрни бажо келтурди. Ва бу вақтда бани Исроил ул навъ қолин бўлуб эрдиким, ададин киши билмас эрди. Тенгри таоло аларни тоун марази била кам қилди.

Манқулдурким, уч кеча-кундузда юз етмиш минг киши алардин Тенгри таоло ҳукмин буткордилар. Бу ҳолатда Довуд а. с. ва қавм, уламо ва аҳбори Байтул-муқаддаснинг саҳроси устига келиб, бошларин ялонг қилиб тазарруъ қилдилар. Ҳақ таоло ул балони дафъ қилғоч, Довуд а. с. қавмнинг қолғониға буюрдиким, бу ерда Тенгри таоло шукриға бир маъбад бино қи-лингким, ҳамиша шукр адосиға ибодат қилғайсиз. Ва қавм анинг буйруғи била масжиди Ақсо иморатин бино қилдилар. Ёримиға еткондин сўнг, Довуд а. с. бир ривоят била, юз йигирми яшаб эрди, Тенгри таоло раҳ-матиға борди. Ва хилофат ва валиаҳди Сулаймон а. с. эрди, ўз салтанати замонида ул бинони туготти.

Р у б о и й:

*Довудки, шоҳ эрди ва пайғамбари пок,
Жоҳи қошида наст эди авжи афлок.
Жониға ажал урарда тиғи бе бок,
Нафъ этмади шаҳлиғу нубувват хошок.*

Сулаймон бинни Довуд а. с. андин машхурроқдурким, аҳволи кўб шарҳқа эҳтиёж бўлган, аммо жузвий тафсилдин чора йўқдур. Ул дуо қилдиким, «рабб иғфирли ва ҳабали мулкан ло янбағи ли аҳадин мин баъди»⁴⁴. Ҳар ойина дуоси мустажоб бўлуб, бовужуди нубувват, баъзи дебдурларким бо вужуди улким, рубъи маскун салтанатини Тенгри таоло анга насиб қилди, бовужуди бу салтанат жину инс ва ваҳшу туюрни анинг маҳкуми амри қилди. Ва елни фармониға кюрди ва исми аъзам ёзилган хотам каромат қилдиким, мазкур бўлгонлар анинг баракотидин. Ул буюр-ғонни қилдилар. Ва ул бир бисот ясаттиким, жамиъ халқ сипоҳи анинг

устида сиғар эрди. Қаён борса, элга амр қилур эрдиким, бу бисот била халқини анинг била элтур эрди. Ва машхурдурким, сабоҳ Шомдин азимат қилиб, чоштни Истахрда ер эрди. Андин азимат қилиб, шом таомин Қобулда ихтиёр қилур эрдиким, «валисулаймонар-риҳа ғудуввуҳо шаҳрун ва равохуҳо шаҳрун»⁴⁵ анинг шаънида нозил бўлбдур.

Довуд а. с.дин сўнграким, масжиди Ақсо биносили Сулаймон а. с. тугатти ва анинг асносида Байтул муқаддас шаҳрини ҳам ясади. Ва шаҳри азаматида ва масжид зебида аҳли тарих ғариб муболағалар қилибдурлар. Ул жумладин бири буким, шаҳрға ўн ики қўрғон бири-бирининг давриға йўнғон тоштин ясатти. Яна бири буким, масжидни ети ранг тошдин туготиб, қиймати жавоҳир била мурассаъ қилди. Ва ушоқ тош ўрниға ҳамул жавоҳирдин тўктурди. Ва ул уйда амр қилдиким, ҳаргиз ибодатдин ва уламо илми таълимидин холи бўлмағай. Ва Байтул-муқаддас ва масжиди Ақсо кўб қарилар бу дастур била маъмур эрди. Вайронлиғи Бухтун-насрдин эрди, шоядки ўз ерида келгай.

Ва Сулаймон а. с. ваҳшу тайр тилин Тенгри таоло иноятидин билди. Бир майдони мураббаъким ҳар залъи-ўқ ики йиғоч бўлғай, фарш тушотиб эрдиким, хиштининг бири олтун, бири кўмуш эрди. Бир жониб тахтинким, жавоҳир била мурассаъ эрди қўярлар эрди. Тўрт минг олтун курси тахтининг ики ёнида қўярлар эрдиким, бани Исроил уламо ва аҳборин ўлтурурлар эрди. Ва тахтқа ёқин Осифи Бурхиёки вазири эрди, анинг курсисин қўярлар эрди. Ва Сулаймон а. с. тулуъдин ғурубқача «мо халақа илло»⁴⁶ қозиясин суруб, ҳукмин қилур эрди. Ва деву пари ва ваҳшу тайр хизматида турарлар эрди. Ва исиғ ҳавода туюр боши устида соя қилурлар эрди. Ва оқшом уйига азимат қилғоч, занбалбофлиғдин ҳосил қилғон нима била рўза очар эрди. Бир кун анинг ҳукми била ел мазкур бўлғон бисотни ва фаршни элтиб борадур эрди. Водийун-Намлға еттиким, баъзи ани Тойифи Ҳадидо дебдурлар. Ва мўр хайлининг шоҳи сипоҳиға амр қилдиким, Сулаймон сипоҳи била ўтадур. Масканингизга кирингим, сизга ул сипоҳдин зараре етмағай. Сулаймон а. с. ул амрдин воқиф

бўлуб, анда таваққуф қилиб, ул мўрни овучиға олиб, анинг била муколама қилди. Бири муни сўрдиким, хайлингни бизинг остимиздин танбиҳ қилдинг, билмассенмукин, бизинг оёғимиз остида мўр озурда бўлмас. Мўр дедиким, ё набийуллоҳ, сендин хотиржамъдурман, аммо шояд санинг шурунг бўлмагай, ханлингдин осиб еткай, деб танбиҳ воқеъ бўлди. Ва раёсат шарти номаръий қолмади. Сулаймон а. с. дедиким, мандин азимуш-шаънроқ махлуқ билурмусен? Дедиким, сендин азимуш-шаънроқ мендурмен. Сенинг тахтинг бир жамоддур. Менинг тахтим санинг муборак илкингдур. Сулаймон а. с. деди: санинг сипоҳинг кўпрак экан ё манинг? Мўр дедн: Манинг. Сулаймон а. с. деди: Манинг сипоҳим ададин киши билмас. Мўр амр қилди, етмиш минг мўр хайли чиқтиларким, бир хайлнинг ададин киши билмас эрди. Сулаймон а. с. ул иштин ибрат олиб, мўр Сулаймон а. с.ни чекуртка аёғи била зиёфат қилиб, Сулаймон а. с. мўрға навозишлар қилиб, ул ердин ўтти. Манкулдурким, Сулаймон а. с.нинг ҳашамати ниҳоятқа еткондин сўнгра, муддао қилдиким, ҳар махлуқниким ҳақ таоло анинг маҳкуми қилибдур, борчасин зиёфат қилғай. Муножот қилиб рухсат ҳам топти. Бир биёбони васиъ азим топтиким, бир тарафи дарё эрди. Девларга буюрдиким, ики минг ети юз қозон ясадиларким, ҳар қайсисининг даврасининг қутри минг қари эрди.

Банокатий тарихида дебдурким, йигирми ики минг ўй зибҳ бўлди. Узга борча ашёни мундин қиёс қилса бўлғай. Бу маъкулот неча вақтдин сўнгким туганди. Ул даштда ёйдилар ва борча махлуқотқа сало урди. Ва бу аснода Тенгри таоло баҳр давоббидин бир доббани сувдин чиқорди. Ва ул добба Сулаймон а. с.ға дедиким, сен махлуқотни зиёфат қиладур эмишсен, бу кун ризқимни ҳақ таоло санинг хонингга ҳавола қи-либдур. Сулаймон а. с. деди, бу таомлардннким ёйилибдур, улча санга кофийдур, егил. Ул добба ул муддатда пишкон таомни тамом еб тўймай, Сулаймон а. с.дин нима тилади. Сулаймон а. с. ожиз бўлди. Добба дедиким, сабоҳ бир ризқимдин сулси ейилди, яна ики сулси қолибдур. Сулаймон а. с. деди: Магар сен Тенгри таоло хон

арзоқидин тўйғайсен. Добра дедиким; ё Сулаймон, сен мун билмасму эрдингким, Тенгри таоло махлуқотин магар ўз хони карамиднн тўйғозғай, бу навъкнм мени кўрдунг. Бу баҳрда Тенгри таоло андоқ жониворлар яратибдурким, ҳар бирига ики мендекни туъма қилибдур. Сулаймон а. с. Тенгри таоло сунънга офаринлар қилиб, ўз қилғонидин мунфаил бўлуб, ҳақ таоло қошида ажзиға эътироф қилди, афву маърифат тилади. Тенгри таоло анинг матлубини анга еткурди. Ул танбиҳ бўлди. Манқулдурким, Сулаймон а. с. туюрдин ҳар бирини бир ишга таъйин қилур эрди. Худхудни сув топмоқ амриға муқаррар этиб эрдиким, тахти йилига биёбонларға гузар қилурда сув дарбойист бўлур эрди. Бир кун сувға эҳтнёж бўлуб, Худхуд топилмади. Сулаймон а. с. сувға буюрдиким, ани ҳозир қилғай. Ул ҳозир қилғоч, Сулаймон а. с. хитоб қилди, ғазаб билаким, қаён бориб эрдинг? Ва ҳол ул-ки, Худхуд бир замон мулозиматдин фориғ топиб, сайр учун тайрон қилиб, бир шаҳрға кўзи тушуб эрдиким, оти Сабо эрди ва подшоҳи Билқис отлиғ хотун эрди. Ва анинг аҳволининг кайфиятин машруҳ билиб келиб эрди, Сулаймон а. с. сўрғоч, арз қилдиким, бу навъ шаҳрға еттим ва бу навъ подшоҳи бор. Гоят ҳусну жамол ва ниҳояти ҳусну камол ва салотиндин мунфарид ва миллати офтобпарастлиғ. Отаси Шароҳил Яъриб бинни Қаҳитон наслидин ва онаси Района жиниким, жин шохининг қизи бўлғай. Ва мунинг асносида онча таъриф қилдиким, Сулаймон а. с.ға анинг мулоқоти майли бўлуб, мактуб битдиким, ислом давлатиға мушарраф бўлсунки, «Иннаҳу мин Сулаймона ва иннаҳу бисмиллоҳир-рахмон-ар-рахими алло таълу алайя ваътуни муслимина»⁴⁷ андин мухбирдур. Ва бу номани Худхудқа бериб, Сабо шаҳриға йиборди. Ва нома Билқисқа еткондин сўнгра, Билқис тааммул била тўрт кирпич икиси олтун, икиси кумуш, доғи бир муҳрлик дурж ва юз қиз ва ўғул – барисин борчасиға эранлар либоси кийдурулган ораста қилиб, Манзар бинни Умарким, ақл ва каёсатлиғ киши эрди, бу нималар била Сулаймон а. с. ҳазратиға йиборди. Доғи дедиким, агар хиштларни қабул қилур ва сенинг била истиғно юзидин мулоқот қилур,

пайғамбар эмас ва агар акс қилур, пайғамбардур. Андин сўнгра ўғлонларни қизлардин айирсун, доғи ҳуққада не нима эрканни десун ва дегондин сўнгра етишмокин ҳам айтсун. Манзар мутаважжиҳ бўлуб, Сулаймон а. с.ға Жабраил а. с. келиб, ул ишлардин хабар берди. Сулаймон а. с. мазкур бўлгон ул ўн ики йиғоч олтун, кўмуш, хишт тўшагон ерда сипоҳини ораста қилиб, Манзарнинг йўлида тўрт хишт ўрнини очуқ қилдилар. Манзар бу ҳашаматни кўруб, ҳайрон қолиб, ўз келтургон туҳфасидин шарманда бўлуб, ҳамул очуқ қолгон тўрт хишт ўрниға кўюб, Сулаймон а. с. ҳазратиға келди. Очуқ юз била эъзозу икром қилиб буюрднким, туҳфаким келтуруб эрдинг, не учун ташладинг? Ани қабул қилмасбиз, қойтиб Билқиса айтким, иймон қабул қилсун. Ва иносни зукурдин айирди ва дурж ичинда дедиким, ёқути носуфтадур. Ани чиқориб буюрдиким, олмос била суфта қилсунлар. Чун Манзар Билқис хизматиға кўргонларин арз қилди, Билқис Сулаймон а. с. хизматиға мутаважжиҳ бўлди. Бир йиғоч ёқин етконда Сулаймон а. с.ға хабар бўлди. Ва мазолим девонида ўлтуруб, дедиким, бўлғайки Билқиснинг тахтин Сабо шахридин бот келтургай. «Қола ифритун минал жинни ана отика биҳи қабла ан тақума мин мақомика ва инни алайҳи лақавийюн амин»⁴⁸. Сулаймон а. с. дедиким, мундин ботроқ керак. Яна бир жин дедиким, кўз юмуб – очқунча келтурай. Сулаймон а. с. қилгон даъвийси била ҳозир қилди. Ва ул тахтни Билқис ети ўтлош уй ичинда кўюб, борчасин муқаффал қилиб эрди, Сулаймон а. с. буюрдиким, ўз тахти устида кўйдилар. Билқисқа бор бўлди ва ўз тахти гўшасида ер бериб, илтифотлар қилди. Билқис ўз тахтини кўруб, мутаажжиб бўлуб, Сулаймон а. с.нинг нубувватиға шаки қолмади. Ва Сулаймон а. с. Билқисни ўз қиз-қардоши қошида тушурди. Неча кунлук мусоҳабатдин сўнгра, мезбон меҳмоннинг хасойили ҳамидасин таъриф қилиб, Сулаймон а. с. Билқисни ўз никоҳиға тортти. Ва анинг муборак аёғида тук бор эрдн. Анинг жиҳатидин девлар ҳаммом биносин қилиб, тўра таркиби била ул ишнинг иложи қилдилар. Ва ул соҳиби давлат жиҳатидин неча минг йилдурким, халойиқ ҳаммом осойишиға мушаррафдурлар,

таърифдин мустағнийдур. Сулаймон а. с. фитнаси «Қолаллоху таоло: ва лақад фатанно Сулаймона ва алқайно ало курсиййихи жасадан сумма аноба»⁴⁹. Сулаймон а. с. фитнаси шарҳида мухталиф ривоят бор. Аммо улча бу мухтасарға муносибдур ёзилур. Баъзи дебдурларки, бовужуди ети юз ҳарам ва уч юз суррият Тенгри таоло Сулаймон а. с.ға бир ўғул бердиким, бир кўзи кўр ва бир илики ва бир оёғи йўқ эрди. Сулаймон а. с. ва Билқис ва Осаф инсоф юзидин ўзларининг уюбиға муътариф бўлуб, дуо қилғоч ул тифлни ҳақ таоло тандуруст қилди ва анинг муҳофазати учун Сулаймон а. с. жинларни таъйин қилди. Тенгри таоло анинг ўз ўғлини сойир атфолдин мумтоз қилиб, писандида тушмай, Азроилға амр бўлднким, руҳин қабз қилиб, жасадин Сулаймон а. с.нинг тахти устида ташладиларким, «Ва алқайно ало курсиййихи жасадан»⁵⁰ мақсуд мундин бўлғай. Ва Ваҳб бинни Мунаббих била ибни Аббос Разийаллоху анхумо дебдурларким, Сулаймон а. с.нинг фитнаси интизои эрди. Ва жасад иборати Сихрборд отлиғ девдин эрдиким, анинг тахти устига анинг сурати била қирқ кун мутамассил бўлди. Ва бу иш кайфияти бу эрдиким, Сулаймон а. с. ким, Жазира мулукидин биринким, отин Сайдун дебдурлар ва бутпараст эрди ўлтурди. Қизинким малоҳат зевари била ораста эрди қўлди. Ул қиз отаси фироқида бетоқат эрди, Сулаймон а. с. анинг давосин тилаб топмас эрди. Ул қиз шайтон иғвосн била Сулаймон а. с.ға илтимос қилдиким, девлар отам шакли била бир сурат ясаб келтурсаларким, гоҳи ани кўруб кўнглумга тасалли бўлса, анинг муддаоси мақбул тушуб, бу иш сурат тутти.

Чун қиз бурун бутпараст эрди, бу суратни парастиш қила бошлади. Сулаймон.а. с. ғофил ва бу иш Осафға етти. Осаф Сулаймон а. с. мажлисида анбиёйи собиқнинг наътин қилурда, Сулаймон а. с.нинг отаси замониғача туфулийят анёми маошининг таърифин қилди. Сулаймон а. с.ға бу душвор келдиким, мунча ғариб иноятларким, анга Тенгри таоло салтанати айёмида насиб қилди. Осаф алардин нечук нима демади. Осафдин истифсор қилғоч, айттиким, бировнингким

қирқ кун уйида бутпарастлиғ бўлғай, анбиё зумрасида не навъ таъриф қилса бўлғай. Сулаймон а. с. сўруб билгандин сўнгра, ул бутни ушотиб, ўзи тазарруъға тушти. Бу аснода мустароҳға кирарда маъхуд тариқи била хотамни Жарода отлиғ канизакка топшурди. Мазкур бўлғон дев Сулаймон а. с. сурати била келиб, канизакдин хотамни олиб, Сулаймон а. с. тахти устига чиқиб, ҳукм қила бошлади. Сулаймон а. с. чиқиб хотамни тилагач, шаклин ҳам Тенгри таоло мутағаййир қилиб эрди, канизак ани танимадн. Дедиким, хотамни Сулаймон олди, сен не кишисен? Сулаймон а. с. ўз сурати билан бировни тахтида кўргач, билдиким, ҳол недур. Шаҳрдин чиқиб, шаҳрда саргардон юрур эрди. Қаён борса, не кишисен? – деб сўрсалар эрди, мен Сулаймонман, дер эрди. Ани телба деб, тош отиб, бошиға туфроқ сочиб, ийзо қилурлар эрди. Ва дев лаъин тахт устида номаъқул ва номашруъ ҳукилар қилур эрди. Мутаажжиб ва мутағаййир бўлғондин сўнг, дев билдиким, қиладурғон иш анинг иши эмас. Ул хотамни дарёга ташлаб, ғойиб бўлди.

Ва Сулаймон а. с. рўзи жиҳатидин дарё қироғинда болиғчиларға муздурлуқ қилур эрди. Ул хотамни бир болиғ ютуб, аларнинг домиға тушуб, Сулаймон а. с. муздиға бердилар. Сулаймон а. с. болиғ ичидин хо-тамни олиб, яна салтанат тахтиға борди.

Ва бу воқеа ҳамул бутпарастлиғ айёми била мувофиқ қирқ кун ва Жасадни баъзи муфассирлар. бу девдин таъбир қилибдурлар. Ва анинг ғаройиб эъжозин бир гунаш раддидурким, мужмалан ўтти. Ва шарҳи будурким, осорини кўрарга машғул эрдиким, гунаш ботти ва муборак хотириға аср намози фавт бўлғон учун изтиробға тушти. Тенгри таоло гунашни қайтариб, ул ҳазрат намозин қилғунча ўз ерида турғузди. То намоз тугонди, яна ғуруб қилди. Тарих аҳли дебдурларким, Сулаймон а. с.нинг савмаасининг эшикида ҳар кун ғайбдин бир дарахт пайдо бўлур эрди ва хосиятин Сулаймон а. с. сўрар эрди. Бир кун бир дарахт пайдо бўлди ва хосиятин сўрғоч, жавоб бердиким, хосиятим сенинг мулкунгга вайронлиғдур. Сулаймон а. с. билдиким, вақт

етибдур. Васиятлар китобат қилди ва Тенгри таолодин илтимос қилдиким, анинг фавтин дев ва паридин неча вақт махфий тутқай. Ва шишадин бир уйи бор эрдиким, анда тоат қилур эрди. Ул уйга кириб, асосиға таёниб оламдин ўтти. Ва халоиқ кўрар эрдиким, Сулаймон а. с. асосиға таёниб турубдур. То муддатлардин сўнгра, асосин қурт еб ушолди. Ва ул ҳазрат йиқилгондин эл фавтин билдилар ва анинг мавтидин ихфоси илтимосида сўзлар дебдурлар. Яхшироқ будурким, Байтулмуқаддас туганмоки ҳамонча фурсат мақсуд эрдиким, асо бутун эрди, тугагондин сўнгра асо синди ва девлар ул ишни туготиб эрдилар. Валлоҳу аълам.

Р у б о и й:

*Оламни Сулаймонға ҳақ этмиш маъмур,
Хукми солди жину башар хайлиға шўр.
Охир чу ажал анга мақом айлади гўр,
Туфроқ ичида қилди ватан уйлаки мўр.*

Луқмони ҳаким. Тарих аҳлидин баъзи ани ҳукамо силкида мазкур қилибдурлар. Ва кўпрак эл ани пайғамбар дебдурлар. Ва баъзи ривоятда мундоқдурки, Тенгри таоло нубувват ва ҳикмат орасида мухбир қилди. Ҳар тақдир била «Ва лақад отайно луқмонал-ҳикмата»⁵¹ анинг шаънидадур. Бўла олурки, бовужуди нубувват ҳикмат дағи анга насиб бўлмиш бўлғай. Ранги қаро эркандур. Довуд а. с. суҳбатиға мушарраф бўлур эрди. Ва андин кўб ғаройиб вужуд тутар эрди. Баъзи дебдурларки, қул эрди ва озод бўлғонида мухталиф ривоят бор. Бири буқим, хожаси бир руд қироғинди биров била нард ўйнади, бу шарт билаким, мағлуб бўлғон бу руд суйин тамом ичгай ё молин бергай. Ва Луқмоннинг хожаси уткузди. Ҳариф рудхона суйин тамом ичмак таклиф қилди. Ва ул мутаҳаййир бўлди. Луқмон дедиким, шарт қиладурғон вақтдағи сувни ҳозир қил ё ғаразинг бу ҳозир сув бўлғон бўлса, руднинг бу қироғиндағн сувни ичкунча нори қиро-

ғиндағи сувни турғуз. Ҳариф бу ишдин ожиз бўлди. Хожаси халос топиб, Луқмонни озод қилди. Яна бири буким, хожаси анга буюрдиким, қўй ўлтуруб, яхшироқ; узвини пишуруб келтур. Ул юрокини тили била пишуруб келтурди. Яна бир қотла дедиким, қўй ўлтуруб, ёмонроқ узвини пишуруб келтур. Ҳамул ики узвдин келтурди. Хожа нуктасин сўрди эрса, дедиким, кўнгул: ношойиста афъолдин ва тил нобойиста ақволдин бири бўлса, алардин яхшироқ узв йўқтур ва агар бўлмаса, алардин ёмонроқ йўқ. Яна бири бу ким, хожа анга буюрдиким, кунжид эк! Ул арпа экти. Хожа сўрдиким, арпа экиб, кунжид нечук топарсен? Дедиким, чун сен ношойист иш қилиб, нечук Тенгри таолодин раҳмат ва жаннат тамаъ қилурсен, мен ҳам дедим: арпа эксам, кунжуд шояд бар топқаймен. Хожа мутанаббих бўлуб, ани озод қилди. Дуо қилиб, уч минг йил умр топибдур. Баъзи ети Каргас умри дебдурларки, ҳар бири беш юз йилдур, анинг сўзларидиндурким, тўрт минг сўз. битибдурлар ва тўрт сўз била ихтисор қилибдурлар. Икисини дойим ёд қилмоқ керак ва икисини унутмоқ керак. Бурунғи икидин бири ўзи қилғон яхшилиқдур ва бири ғайри қилғон ёмонлиғ.

Луқмоннинг ғариб ҳолоти ва нофиъ мақолоти кўптур. Бу мухтасарда мунча била қаноат қилилди.

Р у б о и й:

*Луқмонники баъзи дедилар пайғамбар,
Баъзи дедилар ҳақими покиза сияр.
Уч минг яшабон бу дайрни қилди мақар,
Минг мунча ҳам ўлса, қилғулуқдур бу сафар.*

Юнус бинни Мато а. с. отаси оти била машхурдур. Отаси Дови бинни Яъқуб а. с. наслидиндур, мурсал. пайғамбардурким, «қолаллоҳу таоло ва инна Юнуса ламинал мурсалин»⁵². Агарчи Сулаймон а. с. замони-дин анга дегинча, балки Сулаймон а. с. авлодидин эрди, аммо чун ҳеч тарихда марбут топилмади. Юнус а.

с. чун Сулаймон а. с.дин сўнгра, мурсал пайғамбар эрди, андин бошланди. Ани Тенгри таоло мабъус қилиб, Суй элига йиборди. Ва Суй эли ани нубувватга такзиб қилиб, Юнус а. с. ғазаб қилди ва халқиға ёмон дуо қилди. Ва рухсати илоҳи бўлмай, аҳлу аёли била халқнинг орасидин чиқиб, алардин андоқ махфий бўлдим, агар Тенгри таолодин қавмиға бало келса, ани дуо қилурға топмағайлар. Тенгри таоло хотимал-анбиё салавотуллоҳи алайҳи ва ало олиҳиға сабр қилмоққа амр қилиб, Юнус а. с. қилғонидин наҳй қилурким, «Фасбир лихукмираббика ва ло такун касоҳибин ҳути»⁵³ Чун Юнус а. с. элдин чиқти, қавмиға Тенгри таоло бир булут йибордиким, андин ўт ёғар эрди. Қавм муни кўргач, Юнус а. с.ни тилай бошладиларким, иймон кетургайлар. Чун билдиларким, Юнус а. с. алар топқудек бормайдур, дедиларким, Юнус а. с. бўлмаса Юнус а. с. Тенгриси ҳозирдур. Борчалари ўғулшоқлари била бошларин ялонг қилиб, тазарруға машғул бўлдилар ва тавба ва инобат қила бошладилар. Чун тавбаларида содиқ эрдилар, Тенгри таоло қабул қилиб, ул балони алардин дафъ қилди. Аммо Юнус а. с. алардин айрилғонда кемага кириб, баҳр юзинда бир азим болиғ оғзин очиб, кема аҳлиға қасд қилди. Борча иттифоқ қилдиларким, бир кишини анга туъма бергайлар. Неча қотла қуръа солдилар. Юнус а. с.ға қуръа тушуб, Юнус а. с. билдиким, мағзуб бўлубдур. Узни болиғ оғзиға ташлади. Ва болиғ Юнус а. с.ни ютуб, Тенгри таоло болиғнинг қурсоғида ани асради. Ва Юнус а. с. қирқ кун болиғ ичинда эрди ва бу тасбиҳни вирд қилиб эрдиким, «Ло илоҳа илло анта субҳонака инни кунту миназзолимин»⁵⁴. Қирқ кундин сўнгра, Тенгри таоло Юнус а. с. хатосидин кечиб, ани уч қаронғулукдин қутқордиким, бири кема ва бири сув ва бири болиғ қурсоғи бўлғай. Ва болиғ дарё қироғиға келиб, ани ёқоға солди. Ва ул янгло туққан ёшдек бўлуб эрди, бир сутлук кийикка амр бўлдиким, ҳар кун келиб, анга сут берур эрди ва бир йиғоч анга соя қилур эрди. Қирқ кундин сўнгра, ўз ҳолиға келиб, амри илоҳи била қавм орасиға кирди, қавм анинг ҳидояти била инмон шарафиға мушарраф бўлдилар. Ва кўб вақт бўлуб, Тенгри таоло ҳукмин буткарди. Ва дерларки, Куфада мадфундур.

Р у б о и й:

*Юнуски нубувват кўзини ёрутти,
Танзиб ила қавм кўнглини ўрготти.
Болиғ ичида агарчи маскан тутти,
Ҳам охир ажал болиғи ани ютти.*

Омус ва Мусо ва Маъ. Соҳиби «Гузида» Ҳамдуллоҳ Алмуствафи бу уч кишини аҳли тарихдин нақл қилибдурки, мурсал эрдилар. Ва бани Исроилни Мусо а. с. диниға даъват қилдилар.

Содиқ ва Сиддуқ ва Салум – бу уч кишига Тенгри таоло нубувват бериб, Антокийя халқиға йибордиким, алар ҳавлидин борча ҳалок бўлдилар. Ғайри атфолким, булуғ ҳаддиға еткайдур эрдилар ва ул атфол нймон давлатиға мушарраф бўлдилар.

Фанжар Мусо ва Момал-қавси ва Жавфарф ва Санъо Куси ва Урё – бу беш кишини аҳли тарих пайғамбар дебдурлар. Бани Исроилда Мусо а. с. диниға даъват қилдилар ва Зул-кифл аҳдиға ёқин эрдилар. Баъзи Зул-кифл а. с.ни булардин сўнгра айтибдурлар.

Фавойил ва Ҳикой. Баъзи муаррихлар бу иковни ҳам пайғамбар дебдурлар. Зул-кифл замонида Мусо а. с. диниға даъват қилдилар.

Зижурмо ва Мадоҳи. Баъзи қавл била пайғамбардурлар. Зул-кифл а. с.дин сўнгра ва даъватлари Мусо а. с. диниға эрди.

Ва Шуъё пайғамбар эрди. Ва баъзи дебдурларки, Юнус а. с. ўзидин сўнг ани бани Исроилға валий қилди. Ва ани баъзи дебдурларким, ул Юнус а. с.дин бурунроқ эрди. Валлоҳу аълам. Бухтун-наsrнинг бузуғлиғи ва Байтул-муқаддасни вайрон қилиб, жавоҳириким Сулаймон а. с. ясағондин бери бор эрди, ул борчасни элтғони ва азим қатллар қилғони кўпрак аҳли тарих иттифоқи била бу анбиё замонидадур. Ва баъзи дебдурларким, Дониёл а. с.ни Бухтун-наsr Байтул-муқаддасдин элтиб, муддати

замонида асраб, бир туш кўруб, унутқондин сўнгра, Дониёл а. с. ҳам тушин, ҳам таъбирин айтиб, ул банддин халос бўлди.

Узайр а. с. анбиё авлодидиндур. Бухтун-наسر Байтулмуқаддасни бузғонда, ани абнойи жинси била асир қилиб, Бобилға элтти. Андин халос топиб келурда, бир кентда тушти ва эшокини боғлаб, учасин бир дарахтқа қўйди. Ва илайида анжир эрди ва бир зарфда узум шираси. Ва бу маҳалда хаёлиға Тенгри таоло амвотни ихё қилуриға фикрга тушти. Ва ул кентнинг бузуғларида одамизоднинг қуруқ сўнгоклари бор эрди. Аларни кўруб, ҳайрати орттиким, бу чурук сўнгокларни тиргузмокта ғайри ҳайратки, ақлға муставлий бўлғай, ўзга нима нўқдур. Ҳақ таоло қудрати иқтизоси ул қилдиким, Узаарнинг ҳайрати дафъ бўлуб, бу ҳол анга айнал-яқин бўлғай. Ложарам, амр бўлдиким, руҳин муборак жасаидин чиқордилар ва маркабин доғи руҳсиз қилдилар. Ва Тенгри таоло Узайр а. с. жисмин эл кўзидин пинҳон асради, бу ҳолға юз йил ўтти.

Бу муддатдин сўнгра Тенгри таоло Узайр а. с.ниг тиргузди. Бир малак андин сўрдиким, «Кам лабиста?» Жавоб бердиким, «Явман ав баъза явмен». Ул малак дид, «Баллабиста миата омин фанзур ило таомика вш шаробика лам ятасаннаҳ. Ванзур ило ҳиморика ал-майити»⁵⁵. Чун муни Узайр а. с. мулоҳаза қилди, кўрдиким, анжир ўз ўрнида ва узум шираси ҳамул зарфда тоза эрди. Ва маркабининг чуруган сўнгакларига боқти. Кўрдиким, бир-бирига мутгасил бўлуб, устига иг ўрланди ва анинг устига тери тортилди, доғи руҳ баданиға кириб тирилди.

Узайр а. с. билдиким, анинг юз йил бурунғи қилғон тараддуди жиҳатидин ҳақ таоло анга бу навъ қудратин кўргузди. Ва анинг санъатиға офарин ўқуб, маркабин миниб, ўз шаҳриға тебради. Ул шаҳрға еткондин сўнгра, чун юз йил ўткон жиҳатидин кўп тағйир топиб эрди, ҳеч ерни тонимай, кўб заҳмат била ўз саройини топти. Аммо киши йўқ эрди, бир кўр канизақдин ўзга. Сўнгра Узайр а. с. андин сўрдиким, бу уй. Узайрнинг уйидур? Ул тасдиқ қилиб дедиким, сен кимсенким, бу юз йилдаким, менинг махдумум ғойиб булубдур. Мен ани кам эшитибмен. Ул дедиким,

мен Узайрдўрмен. Канизак айттиким, агар чин айтасен, Узайр а. с. мустажобуд – даъва эрди, дуо қилким, манинг кўзум бино бўлсун. Узайр а. с. дуо қилди. Ҳақ таоло ул канизакнинг кўзин бино қилди. Узайр а. с. нинг муборак юзин кўргач, танидиким, анга бу юз йилда ҳеч тағйир воқеъ бўлмайдур эрди. Фарёд қилиб аёғиға тушуб, югуруб Узайр а. с.нинг ўғлонлариға мужда еткурдиким, ўғлонлари бири юз ёшар эрди, бири юз ўн ёшар эрди. Атоларин йигит кўруб танимадиларким, Узайр а. с.нинг бағрида бир хол бор эрдиким ҳилол шакли била. Ул нишонанн очиб кўруб, алар ҳам муборак қадамиға юз суртуб, қавмға хабар бўлди. Қавм ҳам инонмай, дедиларким, «Таврот»ни ҳечким Узайр а. с.дин яхшироқ билмас эрди, то ул китобни Бухтун-наср элтти орамизда киши билмас. Узайр а. с. «Тавротони азбар ўқуди ва алар билдилар. Баъзи ерларда ёшурун қолғонни муқобала қилдилар эрса, бир ҳарф ортуқ-ўксук эмас эрди. Баъзи бу ғариб ҳолотдин Узайр а. с.ни ибнуллоҳ дедилар. «Ва қолатил-яхуду узайр-унубнуллоҳи»⁵⁶. Ва баъзи муаррихлар Узайр а. с.ни бўлғон ҳолотини Армиёға иснод қилибдурлар. Ва Узайр а. с.ни Арз отлиғ иниси била туғуб била ўлдилар. Аммо ўлар вақтда Узайр а. с. юз ёшар ва Арз ики юз ёшар эрди. Мундин ғариброқ ҳол таворихда оз воқеъдур. Ва ўғлонлари қари кишилар эрди, ёшқа атоларидан улуғроқ. Валлоҳу аълам.

Зикриё ва Яҳё а. с. ва Марям бинти Умрон. Алар зайлида Зикриё а. с.ни Сулаймон а. с. наслидин дебдурлар. Ва ул Байтул-муқаддасда мужовир эрди. Ва Умронким, Зикриё а. с.нинг амузодаси эрди, ул дағи мужовир эрди. Икаласининг ҳарамлари эгочи-сингил эрднлар. Имронға фарзанд кўп бўлдн ва Зикриё а. с. ға бўлмадн. Имрон бу шукронаға назр қилдиким, яна фарзанд бўлса, Байтул-муқаддасқа мужовир бўлган. Ва ҳарамики оти Ҳифа эрди Марямға ҳомила эрди. Ва туққондин сўнгра назр жиҳатидин Имрон мутаҳаййир бўлдиким, иносни мужовир қилмаслар эрди.

«Қолаллоҳу таоло инни вазаътуҳо унсо валлоҳу аъламу бимо вазаъат ва лайсаз-закари кал унсо ва инни саммайтуҳо Маряма ва инни уъийзуҳо бика вазуррийя таҳоминаш-шайтонир-ражим»⁵⁷.

Бу шарафдин Марямни бир нимага чирмаб, Ҳифа Байтулмуқаддасқа элтти. Уламо ва аҳборанинг қавлин мункири кўрдилар.

Зикриё а. с.ға ваҳй келдиким, бу фаҳирани ўғулға қабул қилдуқ «Фатақаббалаҳо раббуҳо биқабулин ҳасанин»⁵⁸. Бу жиҳатдин ахбор анинг муҳофазатиға машғул бўлдилар. Зикриё а. с. дедиким, анинг таахҳуди манга авлодурки, холаси манинг уюмдадур. Ахбор қабул қилмай уч қотла қуръа солдилар. Учолосида қуръа Зикриё а. с. отиға тушти. Борча заруратан мусаллам туттилар. Сўнгра Зикриё а. с. Марямни уйига элтиб, Ашбоъким, Зикриёнинг ҳарами ва Марямнинг холаси эрди, анинг муҳофазатиға машғул бўлди, то анга ибодатқа ва масжид хизмати қобилияти пайдо бўлди.. Сўнгра Зикриё а. с. анинг учун масжидда бир ғурфа ясаттиким, эшики йўқ эрди. Зина била анга чиқор эрди. Ва ўзи ғойиб бўлса, ғурфа тўшукин қуфл қилур эрди. Ва ул жумладин бири буким, қишда ёз меваси ва акс ҳам кўрар эрди. Сўрғондаким, «анно лаки ҳозо. фи ғайри вақтиҳи»⁵⁹, жавоб топтиким, «ҳозо мин индиллоҳи ярзуку ман яшоъу биғайри ҳисоб»⁶⁰.

Ва бу вақтда Зикриё а. с. ва ҳарами Қибарсанда эрдилар. Зикриё а. с. дедиким, Холиқиким Марямға ғайр вақтида бу навъ фавокиҳ насиб қила олур, манинг ҳам ҳаётим шажарасндин, агарчи ғайри вақтдур, бир неча каромат қила олур. Бу орзу кўнглига ўтти, Жабраил а. с. анга Яҳё а. с. вужудиға башорат берди. «Фанодат-ҳал-малоикату ва ҳува қойимун юсалли фил миҳробини»⁶¹. Ва чун Яҳё а. с. мутаваллид бўлди, оз вақтдин сўнгра Тенгри таоло муборак кўнглин ваҳй нузулидин мунаввар қилдиким. «Ё Яҳё ҳузил китоба биқувватен ва отайноҳул-ҳукма сабийян»⁶². Ва Яҳё а. с.нинг тоати бағоят ва йиғламоғи бениҳоят эрди. Дерларки, ғоят букодин ики юзида ики новдондек чуқур хат пайдо бўлуб эрди ва бу фаврда Марям зуафо ғадридин ғусл қилур маҳалда Жабраил а. с. ани Исо а. с.ға башорат берди. Баъзи дебдурлар Исо а. с. тўқуз ойдин сўнгра мутаваллид бўлди. Халойиқ номуносиб сўзлар дедилар. Аммо Исо а. с. ҳамул дам

такаллум қилиб, Тенгри таолонинг бандалиғи ва ўзининг нубувватиға ва онаси поклиғиға тонуғлуқ берди ва хотамул-анбиё вужуди муборакиға саллОллоҳу алайҳи вассалам башорат еткурди. Неча вақтким, ўтти, Яхё а. с. била мусоҳабат қилур эрди. Ул вақтким, Исо а. с. мутаваллид бўлди ва ахбор анга таън ҳилдилар. Бовужуди улки, Тенгри таоло Исо а. с.ни ўткан такаллум билаки мутақаллим қилди, бани Исроилнинг ҳам юзи, ҳам кўнгли қаролади. Исо а. с.ни ул иш тухмати била муаззаб тутар эрдилар. То иш ул ерга еттиким, Зикриё а. с. ул нопок эл орасидин қочти. Ва алар қовлай бориб, машхурдурким, ул ҳазрат йиғоч шикофиға кириб, ул шикоф бутти. Ва аъдо етиб, этокининг учин йиғочдин тошқори кўруб, йиғоч бошидин арра қўюб Зикриё а. с.ни ҳалок қилдилар.

Бу ерда чун сўз дердин, балки дам урардин хома тили лол ва тил хомаси гунг мақолдур, авло улким, мақсудқа шуруъ қилоли. Яхё а. с. қатли бу навъ эрдиким, ул замоннинг подшоҳининг ёшқа етгон ҳарамни бор эрди. Бу жиҳатдинки, чун қарибдур, бўлмағайким, подшоҳ яна бировни никоҳнға кюргай ва анинг мужиби азли бўлғай. Узга абушқадин жамила қизи бор эрди, подшоҳға тарғиб қилдиким, ул қизни олғай. Подшоҳ Яхё а. с.дин сўрди эрса, Яхё а. с. дедиким, санга анинг никоҳи раво эрмас. Ул қиз била онасиға Яхё а. с. адовати пайдо бўлди. Бир кунки подшоҳ маст эрди, ул қизни онаси ораста қилиб, анинг қошиға йиборди. Сукр ғалаёни ва шаҳват туғенидин анга майл қилди. Қиз ибо қилдиким, агар ҳожатимни раво қилурсен, бу иш бўлур. Сўрдиким, ҳожатинг недур? Ул бадбахт дедиким, ҳожатим Яхё а. с. нинг қатлидур. Ул зоний бу зония хотири учун Яхё маъсум қатлиға ризо берди. Дерларки, ул ҳазрат қатл бўлғондин сўнг-ра, ул ики малъунни ер ютти. Дерларки, бани Исроилнинг ики фасодидин сўнғиси Яхё а. с. қатлидур. Бу амр вуқуьидин сўнгра, Тенгри таоло форс мулукидин Хурвис отлиғни бани Исроилға истило бердиким, ул ики пайғамбар қони эвази аларни андоқ қатл қилдиким, яхуддин киши оз қолди. Дерларки, Байтул-муқаддас дарвозасидин Хурвис ўрдусиғача рудхонадек қон оқти.

Алқисса, Зикриё а. с. дори фанодин бу навъ до-ри бақоға бордилар.

Р у б о и й:

*Айлаб Зикриё била Яҳёни қабул,
Қилди икисини олам аҳлиға расул.
Не қилдилар эркин бу ато бирла ўғул
Ким, элга яна аларни қилди мақтул.*

Исо бинни Марям салавотуллоҳи алайҳ бир қавл била учунчи улул-азмдур, бир қавл била бешинчи. Андин бурунғи анбиёдин сўнгра ҳеч қойсиға қирқ ёшдин бурун нубувват етмади. Ва лекин ул модарзод пай-ғамбар эрди. Ва анинг валодатидин бурун Тенгри таоло Марямға анинг вужуди башоратин бердиким, «Из қолатил-малоикату ё Маряму инналлоҳа юбаш-шируки бикалиматен минху исмиҳул масиҳу Исабну Маряма ва жийҳан фит-дунё вал охирати ва минал-муқаррабийна ва юкаллимунноса фил маҳди ва қаҳлан»⁶³.

Масиҳ лафзида сўз кўптур. Ва Исо а. с. валодатида ҳам сўз кўптур. Тафосир кутубидин маълум бўлур. Чун бу мухтасарда матлуб ихтисордур, яъни муаррихона ишларга қонёъ бўлулди. Муқаррардурким, Исо а. с.нинг отаси йўқтур. Марям Жабраил а. с.нинг нафаси била ҳомила бўлди ва туғурур вақтда Байтуллиуқаддасдин чиқиб, қироғроқ ерда вазъ ҳамл қилди. Халқ бу ишни билиб, бориб ул ҳолни кўруб, ирик сўзлар айта бошладилар. Юқорироқ битилибдурким, Исо а. с. не навъ жавоблар берди. Андин сўнг эл мутаажжиб бўлуб, сўз айта олмай қайттилар. Марямни Ҳабнб Нажжорким, холазодаси эрди, Исо а. с. била олиб Дамашққа борди. Исо а. с. ўн уч ёшағунча анда маош қилди. Анда ҳам Исо а. с.нинг муъжизоти кўб зоҳир бўлди.

Чун «Инжил» Исо а. с.ға нозил бўлди, учовда Байтул-муқаддасқа келиб, Исо а. с. амри илоҳи била халқни Тенгри таоло амриға далолат қилди. Халқ ани такзиб қилиб, номуносиб сўзлар

дедилар. Аммо ҳавориюн иймон келтуруб, динини қабул қилдилар. Ва алар ўн ики киши эрдилар, пешалари бўёғчилик эрди. Исо а. с.дин муъжиза тиладилар, борчанинг бўяр рахт-ларин олнб, Нил кўйига солди. Алар изтироб қилғочким, булардан ҳар бирини бир ранг буюрубдурлар. Исо а. с. Мил кўйига илик урди. Ҳар бириниким чиқарди, иёси тилагон ранг била чиқти. Бу муъжиза ул элга мужиби имон бўлди. Ул нимаким Ёсо а. с. элига амр қилди тавҳид эрди. Ва хотамун-нубувватнинг рисолатига иқрор қилдиким, Қолаллоҳу таоло: «ва из қола Исабну Маряма ё бани исроила инни расулуллоҳи илайкум мусаддиқан лимо байна ядайя минат-тавроти ва мубашширан бирасулин яъти мин баъдисмуҳу Аҳмаду»⁶⁴. Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи вассалам.

Исо а. с. олам ва дунё асбобидин ҳеч нима қабул қилмади ва аларднн бир пашмина тўн ва бўрк ва бир асоси бор эрди. Бир ерда бўлмас эрди, дойим сайрда эрди. Рўзи учун касб қилмади, ҳар не етти қонё бўлди. Чун ҳавориюн илтимос қилдиларким, бир маркаб мингилким, яёғлиқ машаққати камроқ бўлғай. Анинг емак ва муҳофазати ташвишидин рад қилди. Ва илтимос қилдиларким, бир маскан ясоли. Қабул қилмади. Ва зуафо била ихтилоти йўқ эрди. Бу жиҳатлардин мужаррадликқа машҳур бўлди. Ва сойир муъжизотидин бири хуффошдурким, болчиғдин ул ҳайъот била ясаб, нафасин анга сурди. Ва ул нафасдин руҳ топиб учти ва эмдигача бор. Ва бири акмаҳ ва бири абрас иложидурким, Қолаллоҳу таоло, «Анни ахлуку лакўм минат-тийни каҳийатут-тайри фаанфуҳу фиҳи фаякуну тайран биизниллоҳи ва убриул-акмаҳа вал-абраса»⁶⁵ яна улким, дуо била ўлукни тиргуздик, «ва уҳйил мавта биизниллоҳи»⁶⁶. Ва ул ўлукким, Исо а. с. тиргузди ибнал-аъжуз эрди. Ва шарҳи будурким, сайр асносида бир ажузани кўрдиким, бир қабр бошида муассир навҳа қиладур, кайфиятин сўрди. Дедиким, ўғлум эрди ва фироқидин бетоқатмсн. Исо а. с. дуо қилиб, Тенгри таоло ул маййнтқа руҳ киюрдн ва ўлук тирилгач, илтимос қилдиким, дуо қилғайки, бурунғи ҳолиға борғай ва мавт сакароти бўлмагай. Руҳуллоҳ дуоси била бу иш ҳам бўлди ва руҳуллоҳ андин ўтти.

Насибин вилоятида малике бор эрди; мутакаббир ва жабборсифат. Исо а. с. анинг даъватиға маъмур бўлуб, ул ён азимат қилди ва ҳавориюнға дедиким, сиздин ким бўлғайким шу шаҳрға кириб нидо қилғайким, Исо ру-хуллоқким, Тенгри таолонинг расулидур ва калимасидур келибдур. Яъқуб ва Тумон ва Шамъун отлиғ учов дедиларким, биз борурбиз. Исо а. с. ҳар қайси бобида бир сўз айтти, дағи аларни узотти. Алардин икиси илгорирак, Шамъун кейинрак юруб, Яъқуб ул нидони қилди. Эл ҳужум қилғоч, ёнди. Тумон иқрор қилди. Ани подшоҳ қошиға элттилар. Ҳамул сўзни айтти. Ул золим буюрдиким, Тумоннинг иликин, аёғин кесиб, кўзларин ҳам кўр қилдилар. Ул сўзидин қайтмади. Бу маҳалда Шамъун етиб, малиқдин Тумон илзомиға сўз истидъосини қилди, рухсат топти. Доғи Тумондин сўрдиким, бу кишиким, сен анинг рисолатиға иқрор қиласен ҳеч ҳужжати ва муъжизи борму? Тумон дедиким, бор! Шамъун дедиким, айт! Ул дедиким, акмаҳ ва абрасни илож қилур. Шамъун дедиким, бу ишта атиббо шариктурлар. Тумон дедиким, киши оқшом не емиш бўлса ва уйида не нима бўлса, айтур. Шамъун дедиким, имкони сихр борким, жин тасхири қилмиш бўлған. Тумон дедиким, болчиғдин қуш ясаб, дамани анга ҳуруб, руҳ таниға киюрур. Шамъун дедиким, имкони сихр бор. Тумон дедиким, ўлукни тиргузур. Шамъун малик сори боқиб айтти: мунинг имтиҳони осондур ва имкони йўқтурким, бу иш Тенгри таолодин ё пайғамбаридин келур. Агар ҳукм қилсангким, ул киши ҳозир бўлса, филҳол маълум бўлур. Исо а. с.ни ҳозир қилдилар, Тумон айтқон сўзларни сўрдилар. Борчасиға иқрор қилди. Шамъун деди: агар бу сўзларинг чиндур, аввал рафиқингдин бошла. Исо а. с. Тумоннинг кесилган аъзосини ўрунлариға қўюб, дуо қилди. Тенгри таоло борчасни буткорди. Ва хуффош бобида тақозо қилдилар, ясади. Салмони форсии раҳматуллоҳи илайҳдин манқулдурким, ул вилоятнинг жамиъ муразосини дедиларким, саҳиҳ қилмоқ керак. Анинг дуоси била борча сиҳат топтилар. Борчадин, сўнгра ўлукни тиргузмак илтимос қилдилар. Исо а. с. дедиким, ҳар ўлукниким сиз десангиз дуо қилай. Иттифоқ била

Сом бинни Нуҳни дедилар. Тиргузким, мавтидин тўрт минг нил ўтуб эрди, анинг қабри бошиға бориб, Исо а. с. ики рақъат намоз қилиб, дуо қилди. Қабр шақ бўлуб, бир оқ соч-соқоллиқ киши чиқти ва элга дедиким, Исо руҳуллоҳ пайғамбардур, анинг динаға киринг ва ғанимат тутуиг. Исо а. с. андин сўрдиким, сизинг замонда соч оқармас эрмиш. Сом дедиким, санинг дуонг уни еткоч, қиёмат бўлгон соғиниб, ваҳму хавфдин булар оқарди. Чун Сом элга пандлар деди, Исо а. с. дуоси била аввалғи ҳолиға борди ва шақ бўлгон ер бир-бирига қўшулди. Ҳам Салмони форсиндин манқулдурким, бу муъжизани кўруб, ул мулк эли мусулмон бўлдилар. Баъзи сафардаким, емакка танглик воқеъ эрди. Бани Исроиил ҳавориюнға дедиларким, агар Исо а. с. дуо қилсаким, Тенгри таоло осмондин моида йиборсаким, таомға муҳтож халойиқ андин баҳра топсалар ва Тенгри таоло вужуди ва Исо а. с. нубувватиға таинлари бўлса, деб ҳавориюн арз қилғоч, Исо а. с. тазарруъ қилиб дедиким, «раббано анзил айлайна майдатан минас-самои тақуну лано иъйдан ли аввалина ва охирина ва оятан минка варзуқно ва анта хай-рур-розиқин»⁶⁷.

Чун Исо а. с. муножотдин фориғ бўлди, ваҳй келдиким, биз моида йиборали ва лек ҳар киши куфрони неъмат қилса, қоттиқ азобға гирифтор бўлур. Исо а. с. бу сўзни айтқоч, борча дедиларким, ҳар киши куфрони неъмат қилса, Тенгри таоло анга азоб насиб қилғай. Бу сўздин сўнгра Тенгри таоло осмондин моида йиборди. Хоннинг азамат зебу зийнати айтмоқ ҳожат эмаски, Тенгри таоло хони эрди. Аммо моида нон ва бирён болиғ эрди. Таъм ва мазаси ҳам таърифдин тошқари эрди. Ва анда туз ва сабзалар бор эрди. Бир ривоят била уч кун ва бир ривоят била қирқ кун бу моида инди. Қавм ҳар неча едилар кам бўлмади. Жамиъ муразо ани егоч, сиҳат топтилар. Сабоҳ инар эрди, оқшомғача эл андин ерлар эрди. Оқшом яна осмонга борур эрдн. Қавмдин баъзи инкорға тил узоттикнм, бу моида осмондин келмайдур, Исо сихр қиладур.

Ҳар ойнаким, Тенгри таоло куфрони неъмат қилгонларни ваъда қилгон дастур бпла тўнғуз шакли била ўрунларидин

қўпордн. Ва ул тўнғузлар мазбалаларда кезиб, нажосатларни ерлар эрдилар.

Исо а. с. қошиға кириб, кўзларндин ёш бориб, бош-ларнн ерга қўярлар эрди. То уч кундин сўнгра ақабах вужух била адам йўлнға азнмат қилдилар. «Наузу бил-лоҳи мин шурўри анфусино ва мин саййиоти аъмоли-но»⁶⁸. Ва Исо а. с.нинг муъжизоти бағоят ғариб ва кўптур. Масбутроқ кутубдин маълум қилса бўлур. Ва Исо а. с. осмонға чпққанида мухталиф ривоёт кўптур. Аммо соҳиби «Гузида» мундоқ дебдурким, ул жамоат 'чхуд ва масх бўлғондин сўнгра, Исо а. с. ённб Байтул-муқаддасқа келди. Ва ул гумроҳларининг бақиняси Исо а. с.нинг қатлиға қасд қилдилар. Ва Исо а. с. махфий бўлди. Ва Шамъуини туттилар ва ул Исо а. с. ни кўргузмади. Парвис ўтуз дирам ришват олиб, Исо а. с.ни кўргузди. Жухудлар тиладиларки, Исо а. с.ни тутуб ўлтурсанлар. Тенгри таоло аларнинг кўзидин ани ғойиб қилиб, осмонга чиқорди. Ва Ийшуъниким, жухудларнинг улуги эрди, Исо а. с.нинг шакли била муташаккил бўлди. Жухудлар ани Исо а. с. соғиниб туттилар қатл қилголи. Ул ҳар неча фарёд қилдиким, мен Ийшуъмен, фойда бермади. Ани бир дарахтқа бўғ-зидин остилар. Ва ети кеча-кундуз осифлиғ қолди. Марям ани Исо а. с. соғниб, ҳар кеча келиб азо рас-ми била йиғлар эрди. Исо а. с.ни Марям хотири ит-миноин учун етинчи кеча осмондин ерга нозил қилди-ким, Марям қошиға келди. Марямға аҳволдин хабар-дор қилиб, Марямнинг хотири қарор топти. Яҳё а. с. яна етн киши ҳавориюнднн Исо а. с.ни кўрдилар. Ва Исо а. с. аларға пандлар ва насиҳатлар қилди ва ҳар қойсини бир ишга таъйин қилди, тонгласн бу ғариб ишни ошкоро қилдилар эрса, яхуд борчани такзиб қилнб зиндонға маҳбус қилдилар. Аммо Ийшуъни йўқ-лағонлар борнб, оснлғон кншини кўрдилар. Ийшуъ эрдиким, ани Тенгри таоло асли суратиға элтиб эрди. Бу ишдин кўб эл Исо а. с. динин ихтиёр қилдилар. Ва Марямни баъзи дебдурларким, Исо а. с. дафъндин бурун оламдин кетти. Баъзи дебдурларким Исо а. с. олти йилдин сўнгра, ҳар тақдир била ваъда будурким, Маҳди зуҳур қилғондин сўнгра Исо а. с. осмондин ингой, доғи Дажжолни ҳалок қилиб, сойир милал

аҳлин хотамун-нубувва миллатиға далолат қилғай. Саллаллоху алайҳи вассалам, вал илму индаллоху.

Исо а. с.ни дебдурларким, ўн ети ёшида мабъус бўлди. Ўтуз учида осмонға чиқти.

Р у б о и й:

*Исоки, мужаррад айлади Тенгри ани,
Кўк равзаси бўлди жилвагоҳу чамани.
Ер аҳлидин улки бўлса тажрид фани,
Тонг эрмас, агар кўк ўлса анинг ватани.*

Асҳоби қаҳф ва баъзи мутафарриқ ахбор. Асҳоби қаҳф бобида ихтилоф кўптур. Мухтасари будурким, Юнон мулкида Ақсус шаҳрида Дақёнус отлиғ малики жаббор бор эрмишким, баъзи дебдурларким, бутпараст эрмиш, баъзи дебдурларким, улуҳийят даъвоси қилур эрмиш. Ва бу асҳоби қаҳф, баъзи ривоят била анинг мулкиминг бузургзодалари ва баъзи ривоят била, наввоб ва мулозимлари эрмишлар ва мусулмон экандурлар. Ва ёшурун Тенгри таоло ибодатин қилур эрмишлар. Дақёнус бу ҳолдин воқиф бўлуб, аларнинг қатли фикрида бўлмиш. Алар бу ҳолни маълум қилиб, иттифоқ била шаҳрларидин қочиб, эл йўлуқур ваҳмидин йўлсиз биёбонға тушуб, бир қўйчиға учраб, қўйчи даги аларға қўшулуб, қўйчининг ити ҳам эришиб, Рақим отлиғ ғорға кирмишлар. Ва аларнинг ададида тараддуд бор, начукким «Каломи мажид» хабар берурким, «саяқулуна салосатун робиухум калбуҳум ва яқулуна хамсатун содисухум калбуҳўм ражман билғайби ва яқулуна сабъатун ва соминухум калбуҳум»⁶⁹. Ҳар тақдир била ғорға кириб, ҳақ таоло уйқуни аларға муставлий қилиб, алар уч юз тўқуз йил уюмишлар. «Салоса миатин синийна ваздоду тисъан»⁷⁰.

Ва муддатда Дақёнус жаҳаннамға бориб, неча подшоҳ гардиш бўлуб, бир худопараст одил подшоҳға салтанат еткондаким, асҳоби қаҳф Тенгри таоло амри била уйғонмишлар. Ва Тамлихо

деган рафиқларин шаҳрға йибормишлар, таом келтурур учун. Ул рафиқ ғордин чиқиб, йўллар вазъин ўзгача кўруб, шаҳрға еткоч, шаҳр авзоин мутағаййир топиб, халойиқни Исо а. с. динида фаҳм қилиб мутағаййир бўлмиш. Биззарура таом олурға дирам чиқарғоч, – Дақёнус ганжин топибсен, – деб они тутмишлар. Кўб можародин сўнгра подшоҳ қошиға элтмишлар. Ул фақири мутағаййир ўзга подшоҳ, ўзга халқ кўруб ҳайрон эрмиш. Подшоҳ анинг ҳоли кайфиятин сўруб, ул фақирки ҳар сўзки ўз ҳолидин аларға айтур ажаб кўрунуб, подшоҳ уламони йиғиб, бу бобда қилу қол қилиб, сўнгра алар демишларким, Исо а. с. «Инжил»да бу ҳолдин хабар берибдурким, Дақёнус чоғида бу жамоат ғорға кириб, уч юз тўқуз йил ўтуб, санинг замонингда уйғонғойлар. Подшоҳ бу ишдин масрур бўлуб, Тамлихоға йўл бошлатиб, асҳоби қаҳф сихатиға мушарраф бўлуб, алар таом еб, Тенгри таолоға саждоти шукр қилиб, яна уйқуға бормишлар. Уюқлағоч, руҳларин қобизи арвоҳ ҳақ таоло амри била қабз қилмиш. Ва ул подшоҳ ғор эшикида улуғ гунбад ясаб, аларни мадфун қилиб, ул ер халониққа азим маъбад бўлмиш.

Бу қисса таворих, балки тафосирда мабсут бор. Ва ахборнинг ғарибидин бири будур. Ва Ханталатус-содиқнинг ҳидояти ҳозур элигаким, Яман мулкидиндур, асҳоби қаҳфдин сўнгра дейилибдур, ул пайғамбари-дурким, ҳақ таоло диниға ул қавмни даъват қилдилар. Ва ул бединлар аларни такзиб қилиб, ўлтурдилар. Тенгри таоло Бобил подшоҳин ул элга муставлий қилдиким, барчасин ҳалок қилди. Ва Исо а. с.дин сексон йилға дегинча диниға халал йўқ эрди.

Юнус жухуд азим риёзатлар била элни муътақид қилиб, Исо а. с. қошидин келадурмен ва баъзи Тенгри Исонинг ўғлидур дебдурлар, баъзн Исо Тенгрининг ўғлидур дебдурлар ва баъзи шарикдур, деб излол қилди ва ўзин хилватда зибҳ қилди. Ва ул нодон қавм уч фирқа бўлуб, ул шумнинг сўзи била амал қилдилар ва кўб вақтқа дегинча бу ботил миллат эл орасида бор эрди. Ва «ихталафаалзобу байнаҳўм»⁷¹ аларнинг шаънидадур.

Рубоий:

*Каҳф аҳлиға юзланди аду қайғуси,
Бўдилар агарчи ғорнинг маҳбуси.
Чун кўзлари эрди уйқунинг мамлуси,
Ҳам оқибат этти адам ул уйқуси.*

Жиржис а. с. – Шом вилоятининг Фаластин шаҳрида муқим эрди. Баъзи дебдурларким, Исо а. с.нинг ҳавориюнининг шогирди эрди ва кўб мол ва ғанимати бор эрди. Ва ул вақтда мулк подшоҳи жаббори эрди, бутпараст. Ва бир азим бут олтун ва жавоҳирдин ясаб, отин Афлуқ кўюб эрди ва халойиққа ул бут ибодатин таклиф қилур эрди. Ҳарким мутобаат қилмаса, ҳалок қилур эрди. Ва тахтгоҳи Мўсул эрди. Чун анинг замонида зулм ва таадди кўб эрди, Жиржис а. с. туҳфа ва табриклар мураттаб қилиб бордиким, анга пешкаш қилиб, анинг зилли ҳимоятиға халқининг зулмидин эмин бўлғай. Иттифоқо ул етган замон бир улуғ ўт ёқиб, халқни Афлуқ парастииш қилурға таклиф қилур эрди, қабул қилмағонни ул ўтка соладур эрди. Жиржис а. с. бу ҳолни кўруб, ҳамийят ва ғайрати ўти муш-таил бўлуб, амволни мустаҳиқларға улошиб, ҳақ таоло амри била ул золимни насиҳат бошлаб, Тенгри таоло убудиятиға далолат қилди. Ул золим дедиким, Афлуққа сажда қилсанг, халоссен, йўқ эрса, азоб била ҳалок қилай. Чун бу амр мутааззир эрди, буюрдиким, темир тороғлар била Жиржис а. с.нинг аъзо ва ранг ва пайин бир-биридин ойириб, темир қозуғни ўтқа солиб қизитиб, бошиға қоқтурди ва зиндонға йибориб, чормих қилиб, бир сутунни устига насб қилди. Ерим кеча ҳақ таоло бир малакни йибориб, Жиржис а. с. ни ул сутун остидин чиқориб, баданиға руҳ киюруб, ани нубувват давлатиға мушарраф қилиб, дедиким, ё Жиржис, ҳақ таоло санга хнтоб қилдиким, сабур бўл ва ғам емаким, сени ети йил бу куффор балосиға гирифтор қилғумдур. Санга андоқ муъжизот насиб қилғум-дурким, ўзга анбиёға қилмамиш бўлғаймен. Сени яна уч қотла куффор иликида мақтул қилғумдур, яна доғи жон бергумдур. Андин

сўнгра ўз дуонг била биҳишти жовидонға киюрғумдур. Жиржис а. с. деди: Ҳар не ҳақ таолодиндур келса, хуштур. Сабоҳ бўлғоч, яна Жиржис а. с. ул малик даргоҳиға борди. Кўруб ҳайрон қелдилар. Яна насиҳат оғоз қилди. Ул бадбахт буюрдиким, Жиржис а. с.нинг бошиға арра қўюб ики бўлдилар. Ва сойир жисмини пора-пора қилиб, шерхонаға элтиб, сибоъ оллиға солдилар. Сибоъ анинг пораларин хурмат била асрадилар. Ҳақ таоло яна Жиржис а. с.ни тиргузуб, яна ул бебок боргоҳиға ҳозир бўлуб, насиҳат бунёд қилди. Ул дедиким, бу киши соҳирдур. Мамлакат соҳирларни ҳозир қилингким, анга ғолиб келсунлар. Соҳирлар келиб, ики йилон харитадин чиқордиларким, ики уй бўлдилар. Ўйлар била шиёр қилиб, тухм сочиб, ҳамул замон анинг маҳсулидин нон пишурдилар. Ул эл шод бўлуб, подшоҳ амр қилдиким, агар Жиржиснинг шаклин ит шакли била қила олсангиз, иноятлар қилай. Алар бир аёғ сувға афсуи ўқуб, Жиржис а. с.ға ичурдилар. Ҳеч асар қилмади. Саҳара ажзларидин муътариф бўлдилар. Биров дедиким, сиз Жиржис а. с.ни соҳир дерсиз, соҳнр ҳаргиз ўлукни тиргуза олурму? Саҳара дедиларким, йўқ. Ул дедиким, биз ўз кўзумиз била кўрдукки, Шом вилоятида бир ажузанинг бир ўйи ўлуб эрди. Ул ажуза Жиржис а. с.ға дарди дил қилди эрса, Жиржис а. с. асосин бериб, таълим берди. Ул ажуза асони элтиб, ўлгон ўйиға урғоч, ўй тирилди. Бу сўздин саҳара Жиржис а. с.ға иймон кетурдилар. Ва ул ғаддор борчасин ўлтурди. Ва анинг наввобидин бири Жиржис а. с.ға дедиким, биз ўлтурур курсиларни андоқ қилсангким, аввалғи ҳоллариға борса, не десанг қилоли. Дуо қилди. Ҳамул қуруқ йиғочлар дарахтлар бўлдиларким, баъзида гул ва баъзида мева зоҳир бўлди. Бир қотла Жиржие а. с.ни бир темир ун жавфиға солиб, нафғ ва гугурд била ул жавфни мамлу қилиб, ул уйни бир улук ўтқа солдиларким эриди. Бу аснода оламни зулмат тутуб, андоқ ёғин ва раъд ва барқ бўлдиким, кундузни кечадин фарқ қилмадилар.

Бир малакка амр бўлди, бу ун суратин олиб ерга урди. Андоқ садо келдиким, халқ йиқилиб беҳол бўлдилар.

Ва Жиржис а. с. уй ичидин солим чиқнб, яна ул бедавлатлар

даъватиға машғул бўлди. Бу қотла дедиларким, фалон ғорда салаф мулукидин нечанинг мақбараси бор, дуо била аларни тиргузсангки, бизинг била сўзлашсунлар, не десанг қилоли. Жиржис а. с дуо қилиб аларни тиргуздн. Ва алар Жиржис а. сдин. дуойи мағфират талабин қилдилар. Ва ул ерга аёғ уруб ул тоштин бир чашма пайдо бўлди, аларға ғусл буюрди. Дуо қилди. Тенгри таоло аларға. мағфирати арзоний тутти ва яна ўз ҳоллариға бордилар. Бу қотла Жиржис а. с.ни бир ажуза бева уйида банд қилдиларким, очлиғ азоби била ўлғай. Ул уйда бир сутун бор эрди, бир мевалик азим дарахт бўлди. Ул малъун билиб, ул дарахтни кесиб ва уйни бузуб, Жиржис а. с ни купдуруб, кулин уч қисм қилиб, сулсин баҳрға, сулсин тоқға, сулсин елга совуртти. Ҳақ таоло елга амр қилдиким, ул кулларни йиғиб, бир ерда Жиржис а. с. кул ичидин чиқти.

Ва ажузанинг бир ўғли бор эрди кўр ва гунг ва кар ва ланг. Жиржис а. с. дуоси била қулоғи,, кўзи аввал ҳолиға борди. Яна ики узви сиҳатиға ажуза илтимос қилди эрса, тонглаға ваъда берди. Тонгласи ул Тенгри таолонинг душмани пайғамбарни бутхонаға элтиб, ҳукм қилдиким, бутқа сажда қилғай. Ул ҳазрат «Забур»ни бийик ўқуб, ул ланг ва гунгга буюрдиким, бориб бутларға айтким, сизларни Жиржис а. с. тилади. Ул борди ва бу сўзни дегач, бутлар барчаси Жиржис а. с. сори мутаважжих бўлдилар. Пайғамбар аёғини ерга урғоч, борчасин ер ютти. Ва Жиржис а; с. дуо қилдиким, худоё, ети йилким ваъда қилиб эрдиинг бўлди ва куффордин азоблар ҳам вуқуъ топти. Эмди куффорни ҳалок қил ва мени ўзунгга восил қил. Филҳол бир булут пайдо бўлуб, ўт ёғдуруб жамиъ малаин ўртониб, Жиржис а. с.ни ҳақ таоло ўзига восил қилди.

Р у б о и й :

*Жиржиски, ойини рисолат тузди,
Куфр аҳлига кўб мўъжизалар кўргузди.
Не суд агар элни дами тиргузди*

Ким, тори ҳаётин неча қотла узди.

Жамоати акбиёки, ғайри мурсал эрдилар, аларнинг адади муйаян эрмас. Баъзи юз йигирми тўрт минг ва баъзи секиз минг дебдурлар. Ва булардин уч юз ўн учии мурсал дебдурлар. Ва мурсал улдурким, анга ваҳй Жабраил воситаси била келмиш бўлғай. Ва ғайри мурсал улким, илҳом ё туш била элга раҳнамоилиқ қилғай. Улулазм улдурким, бовужуди бу ики шақ анга китоби осмоний келмиш бўлғай ва бошқа шарияти бўлғай. Ва хотим улким, бовужуди бу ики шақ ондин сўнгра пайғамбар бўлмағайким, бу сифат ҳазрати Муҳаммад арабий саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи васалламға мусалламдур, бас.

Чун мурсал адади ва асомийси ғайри машоҳир маълум эрмас, ғайри мурсалға ҳам не етқай. Аммо мурсални муътабар кутубдин улча мумкиндур саъй ва ихтиёт қилиб зикр қилилди. Ва ғайри мурсал адади ва асомийсининг отларин битиб, аксар, балки борча кутубда таҳқиқ бўлмағон жиҳатидин нуқта ҳам қўймайдурлар ва воқойеъ ва ҳолатларини битмайдурлар. Муборак исмларин ғалат битмак беадаблиғ ва аҳволларин шарҳ қилмоқ бефойда кўрунган учун, алар зикридин қалам журдаи хуш хиромидин инон тортилди. Ва баъзи Жиржис а. с. ғайри мурсал дебдурлар, валлоҳу аълам.

Шеър:

*Чун муътабар анбиё сўзи топти савод,
Уббод ила ҳикмат аҳлин эттук бунёд.*

Барсисой Обид. Ибн Аббос разийаллоҳу анҳумодин манқулдурким, Исо а. с. рафъидин сўнгра бани Исроил қавмида Барсисой Обид етмиш йил ибодат қилди, халқ анга мурид ва муътақид бўлдилар. Шайтон аҳли салоҳ суратида анинг савмаасиға келиб, ибодатға машгул бўлди. Ва бир йилғача ўзин андоқ тоатқа машғул кўргуздиким, Барсисой анинг ихтилотига

майл кўргузди. Ва гуфту шунуфтдин ораларида суҳбати гарм бўлди. Чун Ҳариф сода киши эрди ва ҳариф музаввир Обидқа бир исм ўргатдиким, беморларға мужибн шифодур. Неча кишининг бўғзини бўғуб, Обидқа нишон берди. Обид мулк подшоҳининг қизиға бу ҳол даст берди. Ани дуоси била дафъ бўлуб, мужиби шуҳрат бўлди, то улки, ул Обид савмаасиға келтурдилар. Ва Обид хилватиға киюруб, чун кулли эътимодлари бор эрди, ётқуруб кеттилар.

Обид муолажаға машғул бўлғонда кўрмаган шакл била кўруб, шайтон васваса оғоз қилди. Чун хилват эмин ер эрди ва жамила беҳуш, Обид масх фурсатни танيمات тутти. Матлуби муяссар бўлғондин сўнгра рафиқи ҳозир бўлуб дедиким, ажаб иш қилдинг. Ва ул ҳам иши қабоҳатиға воқиф бўлуб, илож тилади. Дедиким, иложи қатлдурким, бир ерда мадфун бўлған. То айтилғойким, уйдин чиқибдур, билмасбиз қаён борибдур. Рафиқ раҳнамоилиғи била бу иш ҳам вужуд тутти. Андин сўнгра рафиқ подшоҳға бу ишдин хабар бериб, воқеъ эркони зоҳир бўлғондин сўнгра, Обидни азоб била қатл ҳукми қилди. Ва ул ҳолда яна рафиқи ўз шайтанатин зоҳир қилиб деди: бу балодин сени халос қилай, агар манга сажда қилсанг. Ул нодон бу ишни ҳам қилди, дағи мақтул бўлди.

Шеър:

*Бўлма мағрур кўҳ ёки асо,
Кўрки, не ишга қолди Барсисо.*

(Асҳоби Уҳдуд қол Оллоҳу таоло) қутила асҳобул-ухдуд»⁷². Бу қавм Яман мулкидин эрдилар ва Зулвос буларнинг подшоҳи эрди. Ва борча бутпараст ва гумроҳ эрдилар. Ва Зулвоснинг бир вазири бор эрди, соҳир. Қаригон чоғда бир йигитни тарбият қилибким, қоим мақоми қилғай. Ва ул йигит бир кун бнр йўл била борадур эрди, бир ун эшиттики, биров Тенгри таолонинг отин тутуб тазарруъ қилур. Ул от кўнглига хуш келиб, мутаассир бўлуб,

тилаб, ул мутакаллимни топти. Бир обид эрди. Ер остида қавм қўркунчидин ибодат қиладур эрди. Анинг хидматиға машғул бўлуб, бот ҳақ таолодин олин маротиб топти. Андоқки, бир йўлида жамъи бир аждаҳо қўркунчидин мутаваққиф эрдилар ва музтариб. Ул илгари бориб, аждаҳонинг учасиға иликин силаб аждаҳо йўлдин қироқ чиқиб, халқ ўтти. Ва бу навъ хавориқ андин кўб зоҳир бўлди. Подшоҳнинг бир ҳожибининг кўзи рамад шидда-тидин кўр бўлуб, ҳечким илож қилаолмайдур эрди, ул дуо била бино қилди. Ва ҳожиб дин қабул қилди. Подшоҳ андин кўзи ёруғоч, сабабин сўрди эрса, улча воқеъ эрди, деди. Подшоҳ ул йигитни ва обидни тилаб, миллатларин билгандин сўнгра ислом диндин ружуъ буюрди. Чун қабул тушмади, ҳожиб била обидни ўлтуруб, йигитни болиглар туъмаси учун баҳрға йиборди. Тенгиз қироғинда анинг дуоси мулозимларини сувға солиб, йигит солмм келди ва подшоҳни динға давъат қилди. Бу қотла тоғдин ташласунлар, деб йиборди ҳам ел ани элтганларни тоғдин учуруб, ул солим келди. Сўнгра ани дорға осиб, сангборон ва тирборон қилдилар, кор қилмади ва дори остиға ўт ёқтилар, асар қилмади. Чун йигитга ҳақ таоло висоли иштиёқи ғолиб эрди, дедиким, Тенгри таоло отин тутуб ўқ отинг. Алар ул дегондек қилдилар. Ўқ анга ўтти ва ҳалок бўлди.

Чун обид йигит ўлди, ҳақ таоло амри била асҳоби Ухдуд ҳам куйдилар.

Ш е ъ р:

*Магар оҳурди ул дам Обиди пок
Ки, яксар куйдилар ул қавми бебок.*

Шамсун Обид. Манқулдурким, Исо а. с. била ҳазрат Рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам замонларининг орасида араб ичра обиди эрдиким, кеча иши ибодат эрди. Тенгри таоло анга анча куч бернб эрдиким, мушриклар неча анга қасд қилдилар, зафар топаолмадилар. Оқибат хотунин қавм шоҳи ўз никоҳи ваъдаси

била фириб бериб, ул бевафо ваъда қилдиким, ани гирифтор қилган.

Ш е ъ р:

*Даъ зикраҳунна миммо лаҳунна вафоу,
Риҳуссабо ваваъди савоу⁷³.*

Бир кеча обид уюғонда ғаддора анинг илик-аёғин берк таноб била боғлаб, Шамсун уйғонди ва зўр қилди ва ипларни узуб, ул ишнинг қилгон сабабин сўрди эрса, дедиким, санинг зўрунгни имтиҳон қилдим. Аҳли шарик муни билгоч, занжир йибордилар. Бу қотла занжир била боғлади. Обид яна уйғониб, зўр қилиб, занжир доғи узулди. Оқибат макр ва фусун била обид содадин иқрор тортти ва ҳам анинг маҳосини тукидин бош бормоғин боғлаб, куффорға топшурди. Алар Шамсунни банд қилиб, подшоҳ қошиға элтдилар. Подшоҳ бир манзарада ўлтуруб эрдиким, ани тўрт сутун устига насб қилдилар. Обидқа қатл ҳукми қилдилар. Обид дуо қилди эрса, бир қушқа амр бўлдиким, ани ул банддин халос қилиб, буюрдиким, ул сутунларни тортиб, ул иморатни йиқти. Ва подшоҳ ва хоси ҳалок бўл-дилар.

Манқулдурким, Шамсун минг ой ибодат қилди. Ва аҳли Тафсир дебдурларким, каломуллоҳда «Лайлатул-қадри хайрун мин алфи шаҳр»⁷⁴ дин мақсуд ул минг ойдур. Обидқа бу махлас воқеъ бўлуб, хотунин талоқ қилди.

Ш е ъ р:

*Улдурур Обиди алал-итлоқ-
Ки, жаҳоннинг ажузин этти талоқ,*

Жарих Роҳиб. Ибн Аббос разналлоҳу анҳудин манқулдурким, Жарих отлиғ ҳам Исо а. с. Замонидин сўнгра бир обид йигит пайдо бўлдиким, ўн уч ёшидинг ибодатқа машғул

бўлди. Ва анинг каромат ва хаворик одоти кўб машҳур эрди. Ва аҳли ширк доим анинг ийзосига, балки дафъига макрлар қилур эрди.

Ва Жарихнинг онаси бор эрди-солиҳан обида. Ҳар кун бир қотла Жарих учун таом келтурур эрди. Бир кун таом келтуруб, савмаа эшикин қоқти. Чун Жарих намозга машғул эрди, эшик очврға кечрак келиб, онаси малул бўлуб, дуо қилдиким, «Арокаллоҳулву-жуҳал мувмисот»⁷⁵. Яъни Тенгри таоло санга зония хотунларнинг юзин Кўргузсун. Ва онасининг бу дуоси мустажоб бўлуб, жамъики анинг қасдида эрдилар, бир зонияни мол ваъдаси била фирифта қилиб, Жарихнинг савмаасига раҳнамолиғ қилдилар. Ва ул зония Жарихқа ўз зиноси била туҳмат қилди. Ва ул ашрор Жарихнинг бўйнига ип тақиб, маликлари қошига элтиб, малик Жарихқа қатл ҳукми қилди. Онасн эшитиб, малик суҳбатиға бориб дедиким, ўғлумнинг , бу туҳматдин поклигига гувоҳим бор, балки манинг дуом жиҳатидин бу балоға учрабдур. Малик дедиким, гувоҳинг кимдур? Солиҳа ул зонияни тилаб, илик қорниға қўюб муножотдин сўнгра қориндоғи тифлни чорлоғоч, тифл лаббайк, деб жавоб берди. Солиҳа сўрдиким, санинг отанг кимдур? Тифл дедиким, фалон қўйчи. Уч қотла савол бу эрди ва жавоб бу. Бу ажиб ҳолдин борча мутаажжуб бўлуб, Жарихқа узр қўлди.

Деларки, тифл туққонда ҳам аҳли фасод бу туҳматни оғоз қилдилар. Уч кунлук тифл яна ҳамул айтқон сўзин айтти. Ва Жарихни ҳақ таоло ул балодин қутқорди.

Ш е ъ р:

*Ҳар кимсаки, пок эса дағодин,
Тенгри ани асрасун балодин.*

Ҳукамо зикри. Чун Луқмоннинг ҳикмати ва нубуввати орасида ихтилофдур. Ва аксар эл ани набий дебдурлар. Анбиё зумрасида битилди ва ҳукамо орасида ҳам мазкур қилилди. Ва

андин бир-ики сўз била мазкур қилинур. Ул дебдурки, борча юкни торттим, бурчдин оғирроқ юк кўрмадим ва борча лаззатни тоттим, офиятдин чучукрок шарбат тотмадим, хушхўй ётларға қаробатдур ва бадхўй қаробатларға ёт. Андин сўр-диларким, не нимадурким, фойдаси борча халойиққа теяр? Дедиким, ёмонларнинг йўқлуғи. Ва анинг умри юқори битилибдур.

Ш е ъ р:

*Ёшинг Луқмондин ар худ бўлмаса кам,
Чу борғунгдур борур дамдур ҳамул дам.*

Фишоғурс ҳаким. Луқмони ҳакимнинг шогирдидур. Баъзи дебдурлар, Гуштосб замонида эрди. Муסיқий илми анинг возеъидур. Андин бурун бу фанни тадвин қилғон киши маълум эмас. Ва соз ҳам анинг мухтариъидур ва камолда таърифдин мустағний. Анинг сўзларидиндурким, киши ўз мадҳин деса, чин доғи бўлса, нописанддур ва ўтконлар била онт ичмак ёлғон нишонасидур ва мусибатқа сабр қилмоқ шамотат қилғучининг мусибати.

Ш е ъ р:

*Андаки соз сафар ўлди анга,
Созлари навҳагар ўлди анга.*

Жомосб ҳаким. Гуштасбнинг қардошидур ва Луқмоннинг шогирди эрди. Нужум илмида ғариб аҳкоми бор. Ўз замонидин сўнгра уч минг йилгача келур ишларни ҳукм қилибдур. Ва анинг сўзларидиндурким, каримнинг ёмонроқ хислати ўз илмининг тарки ва лаимнинг яхшироқ хислати ўз илмининг тарки. Ва анинг мадфани Форс вилоятидадур.

Ш е ъ р:

*Кишига бўлса кўкка чиқмоқ фан,
Не асиғ, кўрса оқибат мадфан.*

Буқрот ҳаким Фишоғурснинг шогирдидур. Ва Баҳман чоғида эрди ва тибб илмида моҳир эрди ва тасонифи бор. Ва фусули Буқрот ул жумладиндурким, атиббо қошида бағоят муътабардур. Ул дебдурким, умр қисқадур, иш узун. Оқил улдурким, бу қисқа умрни бир нимага сарф қилғайким, заруратроқдур, яъни охират маслаҳати ва Тенгри таоло ризоси.

Ш е ъ р:

*Кишики қилди амал Тенгрининг ризоси била,
Ҳақ этти охиратин кому муддаоси била.*

Буқротис ҳаким. Буқротис Буқрот шогирдларидиндур. Анинг сўзларидиндурким, шариф илм кўйгулда қарор тутмас, тахсис нималар кўнгулдин чиқмас. Яхши сўз кўнгулни ёрутур ва яхши хат кўзнинг неъматини арусидурким, анинг маҳри шукрдур. Ва озким пойдор бўлғай кўбдин яхшироқни нопойдор бўлғай.

Ш е ъ р:

*Бировким пойдор ўлғай эрур ҳақ,
Анинг ғайри эрур маъдуми мутлақ.*

Суқрот ҳаким Буқротиснинг шогирдидур ва Ҳумой бинти Баҳман замонида эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, нодонга тавозуъ қилмоқ ҳанзалға сув бермақдурким, неча кўп ичса, талхроқ бўлур. Саъй ишиким, ўз еринда бўлмағай, қилур ишда қоҳиллиддин ёмонроқдур ва душман била машварат қилиб ва душманлигин билса бўлурким, не поядадур.

Ш е ъ р:

*Чекса душман сенинг салоҳингга тил,
Маҳзи афсод бўлғусидур бил.*

Афлотун ҳаким Суқротнинг шогирдидур. Ва Дороб замонида зуҳур қилди ва Искандари Румийға мусоҳиб бўлди. Ва ҳақими олиҳи эрди. Ва анинг сўзларидин-дурким, подшоҳға чоғир ичмак ҳаромдур, невчунким, ул мулк ва райийтнинг нигоҳбонидур. Нигоҳбонким, анга нигоҳбон керак бўлғай, яхши бўлмаған. Муфлиски, ўзин ғаний тутқай дижамдекдурким ўзин семиз кўргузғай. Жуд тиламан бермакдур, невчунки, тилаб берган тилаганнинг мукофотидур.

Шеър:

*Тиламай жуд қил сахий эрсанг,
Тиламак муздидур тилаб берсанг.*

Аристотелис ҳаким Афлотуннинг шогирдидур, Искандарнинг вазири эрди. Анинг сўзларидин будурким, подшоҳ улуғ рудға ўхшар ва атбон ариғларғаким, ул руддин айрилдиларким, ул руд сунига ҳар ҳол бўлса, ариғларға ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук; Ул ачиг бўлса, булар ачиг; Ул соф бўлса, булар соф; Ул лой бўлса, булар лон. Пас, подшоҳға вожибдур – гоят ҳикмат ва эътидол била маош қилмоқ, то хайл ва ҳашами анга мутобаат қилғайлар.

Ш е ъ р:

*Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Икисининг суйиға бир маза бор.*

Баинос ҳаким Аристотелиснинг шогирдидур. Искандария

минораси тилисминиким, фаранг аҳли қилғон, анда кўрунур эрди, Балинос ясаб эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, подшоҳ керакким, борча элдин нима олғай, аммо эътидол била, то мулк барқарор бўлғай. Йўқки, борчаға нима бергай беэътидоллиқ била, то мулк бузулғай.

Ш е ъ р:

*Чу шаҳ оз олса бўлғай мулк обод,
Чу қўб берди, бўлур юз мулк барбод,*

-яъни қўб берса, қўб олмоғ лозимдур.

Жолинус ҳаким Балиноснинг шогирдидур. Ва анинг сўзларидиндурким, андуҳ жон беморлиғидур. Беморким, нштаҳаси бўлғай, ул тандурустдин яхшироқдурким, иштаҳаси бўлмағайким, анга сихат ортар ва мунга ранж.

Ш е ъ р:

*Бемори муштаҳийға саломат нишонидур,
Чун тандуруст муштаҳий эрмас, зиёнидур.*

Батлимус Ҳаким Жолинус шогирдидур. Ва анинг сўзларидин буким, қобилнинг саодати будурким, фаҳим бўлғай. Некбахт улдурким, эл ҳолидин панд олғай ва бадбахт улким, анинг ҳолидин эл панд олғайлар.

Ш е ъ р:

*Улус афғоллдин сен бўл баруманд,
Йўқ улким, олғай афғолингдин эл панд.*

Содиқ Нўширавони одил замонида эрди. Ва Нўширавонға насиҳатнома битибдур. Бу муфрид сўз анинг сўзларидиндурким,

шоҳ ва гадоға фойдаси оmdур. «Ло тькул таоман ва фи мэъдатика таомўн»⁷⁶.

Ш е ъ р:

*Зарари борча элга ом ўлган,
Ким таом устида таом ўлғай.*

Бузуржмеҳр Нўширавони одилнинг вазири эрди. Анинг ўзларидиндурким, устодимдин сўрдимким, йигитликда не қилмоқ яхшй ва қарилиғда не қилмоқ яхши? Дедиким, – йигитликда илм касб қилмоқ ва қарилиғда ани амалға келтурмак яхшидур.

Ш е ъ р:

*Йигитлиғда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиғ чоғи харж қилғил ани.*

ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ

Нашрга тайёрловчи:
ЛАТИФ ХАЛИЛОВ

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

БУРУНҒИ ТАБАҚА ПЕШДОДИЙЛАРДУР

Ажам тарихида форс салотинини тўрт табақа қилибдурлар. Бурунғи табақа пешдодийлардур ва алар ўн бир кишидурларким, салтанат қилибдурлар. Тарих уламози иттифоқи била бировким аввал салтанат қилди, Каюмарс эрди. Аммо анинг нисбати бобида ихтилоф кўптурким, муғ дебдурким, Одам алайҳис-салом улдур ва баъзи Ажамдин дебдурларким, Одам алай-ҳис-саломнинг набирасидурур ва баъзи фурсдин ани Нуҳ алайҳис-саломнинг авлодидин дебдурлар. Яна доғи сўз кўп бор, аммо сиқатдин йироқроқ учун битилмади. Одам деганлар қавли била ани гилшоҳ дебдурлар, бу маъни билаким, болчиғдин яратилди. Яъни киши пуштиднн эмас эрди. Узга қавллар билаким Каюмарс дебдурлар. Маъниси ҳайи нотикдур, яъни тиригиким сўз айтқай. Аммо «Низом ут-таворих» ва «Жо-ме ут-таворихи Жалолий» ва Банокатийда дағи иттифоқ била ҳужжат ул-ислом имом Муҳаммад Ғаззолий қуддиси сирриху «Наснҳат ул-мулук»да анн Шис алайҳис-саломнинг қардошидур деганни таън қилибдурлар, нединким Шис алайҳис-салом Заҳҳоки алаввони замонидадур. Ва тарих аҳли иттифоқи била Каюмарс замонидин Заҳҳоқ замониғача минг йилға яқин бор. Ҳар тақдир била подшоҳлик қондаси андин бурун йўқ эрди. Бу қондани ул тузди. Дағи аввал кишиким шаҳр бино қилди ул эрди. Дамовандни бино қилди, аммо анда гоҳи бўлур эрди. Дағи Истахрни бино қилди, аммо

қўпрак авқот анда бўлур эрди. Минг яшади ва лекин умрининг охирида қирқ нил салтанат қилди. Дағи Сиёмак ўғли Ҳушанганим набираси эрди, валиаҳд қилиб, вафосиз жаҳонға видоё этти.

Шеър:

Бурунроқ кишиким тузуб руду жом,

Жаҳондорлиқ тахтин этти мақом.

Каюмарс эди, лек даврони дун,

Анга берди бози боридин бурун.

ҲУШАНГ хирадманд ва одил ва олим подшоҳ эрди ва «Жовидон хирад» отлиғ китобни амали ҳикматида ул тасниф қилдиким, Маъмун халифа вазири Ҳасан Саҳл андин бирор нима топиб, араб тилига таржима қилибдур. Ва шайх Бу Али Мискавайҳ «Одоб ул-араб ва ал-фурс» отлиғ китобида ани зикр қилурким, анинг мутолааси мусаннифининг фазлу камолиға далилдурур. Ва ажам ани пайғамбар дебдур. Ва дод ва адл жиҳатидин ани пешдод дедилар. Ва темирни тошдин ул чиқорди. Ва Табарий дебдурурким, йиғочдин тахта ул кесиб, уйларга эшик ясади ва аксар конларни ул чиқорди ва барсни ва итни ул кийик олғувчи қилди ва отқа эгар ул ясади ва тевани юкка ул кийурди ва отқа эшакни турғузуб, хачир хиёлин ул қилди ва ариглар қозиб, сув солиб, ободонлиқ ул қилди. Ерга фарш ул солди ва тулку ва ос ва тойин тернсин ул киярга қобил қилди. Умри бобида ихтилоф бор. Аммо подшоҳлиғи қирқ йил эрди. Ва тажарруд ва тақво тариқи била ўткарди. Доим тоғларда ибодат қилур эрди. Таворихда мундоқ мусбатдуруким, девлар ани саждада топиб, тош била бошин янчиб ўлтурдилар. Ва Таҳмунас девбанд ўғли эрди, атоси ҳолидин воқиф бўлуб, девларни атоси қасосиға ҳалок қилди. Дағи ул мавзуда шаҳр бино қилиб, отин Балх қўйди. Ва Сус била Бобил шаҳрини Ҳушанг ясади. Ва баъзи Куфани ҳам анга мансуб қилибдурлар.

Шеър:

Йўқ эрди жаҳондори анжумсипоҳ,
Жақон ичра андоқки Ҳушанг шоҳ,
Малакшева шоҳе эди беадил,
Фалак девга қилди ани қатил.

ТАҲМУРАС атоси Ҳушангнинг чун валиаҳди эрди, анимг ўрнида салтанат тахтига ўлтурди ва халойиқ риоятига ва мамолик ҳимоятига жидд била машғул бўлди. Ва анинг замбнида азим қаҳат воқеъ бўлди. Ғанийларга буюрдиким, чошт таоми била ўтқаргайлар ва шом таомини масокинга бергайлар. Ва рўза тутмоқ ондин суннат қолди. Ва ул бино қилғон шахрлар Марвда Қуҳандиз ва Хуросонда Нишопур ва Исфаҳонда Маҳриз ва Сорийя. Ва Табарий дебдурким, Омил ва Табаристонни дағи ул бино қилди. Ва форсий китоб битмак ва бўз тўкумоқни ул ихтироъ қилди. Ва анинг замонида қаттиқ вабо бўлди. Ҳар кимнинг бир севар кишиси бор эрса эрди, анинг суратин ясаб, анинг била хурсанд бўлур эрдилар, то бутпарастлиққа мун-жар бўлди. Ва Таҳмурас ўтуз икки йил мулк сурди.

Ш е ъ р:

Шаҳе эрди Таҳмурас офоқ аро-
Ки, адл этти чархи кўҳан тоқ аро.
Неча девбанд эрди, ул аржуманд,
Ажал деви охир ани қилди банд.

ЖАМШИД. Баъзн ани Таҳмураснинг қардоши дебдурлар ва баъзи қардошининг ўғли. Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва ҳусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди. Ғариб нхтироълар қилди. Ва ул жумладин сипоҳийлик аслиҳасидурким, пайдо қилдиким, ондин бурун тош ва йиғоч эрди. Синон ва ҳарба ва пичоқ, баъзи ҳабба ҳам дебдурлар, қалқон ҳам дебдурларким, ул ясади. Ва ҳаммом бино қилди ва ғаввослиғ хаёл қилди. Ва ипак ва қазз ва кўпрак тўқур нималарни ва рангларни ва ишларни ароға киюрдиким, андин

бурун киши аросида йўқ эрди. Ва шахрдин шахрғача деҳлар буюрди ва хейла ишга қонун ва қонда қўйди. Ва Истахр шахрин улғайтти, андоқки тули Хуфракдин Ромжаррадқа еттиким, ўн ики йиғоч бўлғай ва арзи ўн йиғочқа етти. Ва анда улук биное солдиким, ҳоло осори ва нишоналари борким, одамнзод андоқ ясамоқ маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани чиҳил минор дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва акобирин йиғиб, анда азим жашн қилди.

Ул вақтким қуёш нуқтан эътидоли рубъиға таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтуруб, адолат сийт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди. Ва салтанатининг замони ети юз йилғача бўлди. Оқибат муфрит жоҳ ва ғурури ва азим давлат такаббури димоғиға фосид хаёл солиб оламни ўз ибодатнға амр қилиб, ўз сурати била бутлар ясаб, ақолим ва кишварларға йибориб, элга ўзининг парастинин буюрди. Ҳар ойна ғайрати илоҳи муқтазий ул бўлдиким, анга жазо етгай, Шаддод Одқа тақдир бўлдики, қардоши ўғли Заҳҳоки алавонини сипоҳ била йиборди, то ани тутуб, арра била ики бўлуб, жисмин пора-пора қилди. Табарийда анинг қатли Бюросбқа мансубдур, аммо ўзга таворихда йўқдур.

Ш е ъ р:

Чу Жамшид тахт узра тутти мақом,
Димоғиға йўл топти савдойи хом.
Ани қилди ҳақ макри айлаб ситез,
Сиёсат қиличи била рез-рез.

ШАДДОД ВА ШАДИД. Эрамки, Арфаҳшаднинг қардоши эрди, анинг ети ўғли бор эрди: Од, Самуд, Саҳор, Там, Ҳадис, Ҳосим, Мора. Од Яманға борди, Самуд Ҳижозда сокин бўлди, Саҳор Тайда, Там Уммонда ва Баҳрайида, Ҳадис Ямомада, Ҳосим Ҳарам ва Синвон орасида, Мора ондаким, ани анинг оти била айтурлар. Аммо булардин Од авлоди қалин бўлуб истило топтилар ва алариинг ўғли Аршади Умлиқ бинни Од эрди. Чун ул ўтти,

ўғлонлари Шаид ва Шаддод подшоҳ бўлдилар ва Заҳҳокниким, аларга нисбати юқори ўтти, Жамшид устига йибордилар. Ул Жамшидни даф қилиб, ўзи салтанат тахтига ўлтурди.

Шеър:

Фалак буйлаким жавр қилди паидид,
Не Шаддод қолғусидур, не Шаидид.

ЗАХҲОК БИННИ МАРОДИС чун Жамшид қатлидин сўнг Порс тахтин олди, зулму ситам оғоз қилди Тенгри таоло Худ алайҳис-саломни йиборди. Анинг даъватин Шаддод қабул қилмади. Тенгри таоло ани, ва қавмини ранжул-ақим била ҳалок қилди ва Шаддод ўғли Мазид подшоҳ бўлди. Ва Иброҳим алайҳис-салом анинг замонида эрди. Ва Юсуф алайҳис-салом ҳам анда мутаваллид бўлди ва Худ алайҳис-салом диниға кирди. Ва Ҳазрамутда эрдилар, то ўттилар. Аммо Заҳҳок салтанатн ва зулми узоқға тортти, андоққим эл анинг зулмидии ожиз бўлдиларким, анинг ики эғнидин андоқ мараз пайдо бўлуб эрдиким, оғриғиға одамизод мағзидин ўзга ҳеч нима таскин бермас эрди. Баъзн муаррихлар анинг ики эғнидин нилонлар чиқиб, ғизолари киши мағзи эрди ҳам дебдурлар. Ҳар тақдир била ул ҳар кун бу жиҳатдин ики киши ўлтурур эрди. Гунаҳлик киши бўлмаса, чек солиб, сойир халқдин қатл қилур эрди. Сипоҳонда Кова оҳангарнинг бир-ўғли бор эрди, бу жиҳатдни қатл бўлуб эрди, яна бир ўғлиға дағи чек тушти. Ул бетаҳаммул бўлуб, қичқириб, элга кўп таънлар қилиб, Заҳҳокни сўкти. Эл дағи анга муттафиқ бўлуб, хуруж қилдилар. Дағи Сипоҳон волисии ўлтуруб, Заҳҳок устиға юрудилар. Бағоят қалин эл жамъ бўлуб, Фаридунниким, баъзи Жамшид набираси дебдурлар, баъзи Обидин ўғлиғаким Таҳмурас наслидин бўлғай, нисбат қилибдурлар. Ул чоғда Заҳҳок ваҳмидин қўйчилар орасида ёшурун бўлур эрди, тониб, кўториб, Кова оҳангар сипоҳсолор бўлуб, темурчилар белига боғлар сахтиённи йиғоч бошиға боғлаб, алам қилиб юруб, Заҳҳокдин чуи эл аюрулуб эрдилар, туролмайд қочти. Аммо уни қовуб илпклаб,

Фаридун ани жазосиға еткурди. Заҳҳок салтанати минг йил эрди.

Ш е ъ р:

Фалак то эрур зулм қилмоққа хос,
Эмас золиму одил андин халос.
Қилиб қатл Заҳҳокни тўймади,
Фаридунни дағи қуруқ қўймади.

ФАРИДУН яхши ахлоқлиқ, олим ва одил подшоҳ эрди. Олам аҳлин адолат била хушҳол қилиб, Заҳҳок жавридин топқон заҳмлариға адл била марҳам қўиди ва қолғон уммолқаким, оъдийлар эрдилар, даф қилди ва Кова оҳангарни улуқ тарбият қилиб, тайаммун учун анинг йиғочқа боғлаб, алам қилғон саҳтиёнини мурассаъ қилдиким, дарафши ковиёни они дерлар. Ва олам-нинг аксар билодин олди. Анинг уч ўғли бор эрди улуғи Салм, ўртончиси Тур, кичики Эраж. Мамоликин учовга қисмат қилди. Рум ва Мағрибдин Яман ҳудудифача Салмга берди, Туркистон ва Чин ҳудудин Турға берди. Форс ва Ироқ ва Хуросонни Эражға бердиким, ўзининг дорул-мулки ва тахти эрди. Чун Эраж бағоят оқил ва халиқ эрди, ики оғоларидин ани кўпрак севар эрди. Аларда бу ҳасад доим бор эрди. Чун тахти анга муфавваз бўлди, алар ҳасаддин иттифоқ қилиб, Эражни ўлтурдилар.

Фаридун улгойиб эрди, алардин интиқом тортардин ожиз эрди. Бу воқеадин аҳволи бағоят хароб бўлуб, Эраж нисбатидин Манучеҳрким, набираси эрди, тақвият ва тарбият қилдиким, Жаддининг қонини Салм ва Турдин тилаб, аларни қатл қилди ва Фаридуннинг армони қолмади. Оламдин ўтуб, Манучеҳрни валиаҳд қилди. Ва Фаридуннинг подшоҳлиғи беш юз йил эрди. Ва Мусо алайҳис-салом ва Қорун анинг замонида эр-дилар.

Ш е ъ р:

Фаридунким оламда ёйди бисот,
Басе олам аҳлиға етти нишот.

Ани ҳам фалак чекти туфроқ сари,
Не золим, не одил кетарлар бари.

МАНУЧЕҲР Эражнинг қизининг ўғли эрди. Баъзи дебдурларким, ўғлининг ўғли. Ва ул одил подшоҳ эрди. Фирот ориғин ул қозди ва Ироққа сув элтти ва боғлар, бўстонлар тарҳ солди ва ашжор ва гул ва раиҳон боғларда экти. Ва кўпрак деҳқонлик зийнату зебин ул ароға кетурди. Ва замонидин олтмиш йил ўткондин сўнгра Тур ўғли Афросиёб сипоҳ тортиб анинг устига юруди. Ул Табаристон сори тортиб, урушмой, Аму сўйидин норини анга мусаллам тутуб, яраш бўлуб, Афросиёб қойтти. Ва ҳақ таоло анинг замонида Мусо ва Хорун алайхумус-саломни Фиръавнғаким, оти Валид бинни Мусъаб эрди йиборди. Ва ул Довуд бин-ни Сом авлодидиндурким Шаддод ани Миср ҳукуматиға йибориб эрди. Ва Шуайб бинни Мадян бинни Исмоил аланҳис-салом анинг замонида мабъус бўлди. Ва сипоҳсолори Сом бинни Наримон эрди. Ва Золким, Рустамнинг атосидур, анинг замонида мутаваллид бўлди. Ва Манучеҳр юз йигирми йил подшоҳлик қилди.

Ш е ъ р:

Манучеҳрким, бўлди оламга шоҳ,
Анго бўлдилар борча шаҳлар сипоҳ.
Анго ҳам вафосизлик этти жаҳон,
Кишига жаҳон қолмади жовидон.

НАВДАР Манучеҳрнинг ўғлидур. Атосидин сўнгра мулк анга етти. Аммо ул айёш ва бепарво киши эрди. Манучеҳр қўйғон қоида ва русумни тузаолмади ва мулк ва сипоҳиға халал йўл топти. Афросиёб черик тортиб келиб, ани тутуб ўлтурди. Ва ўн ики нил Эрон мулкида туруб, бузуғлуқ қилди. Ва ул навъким, оз ерда ободонлик қолди. Баъзи таворихда Навдарин Сихри Наримон дебдурлар. Ва подшоҳлиғин баъзи олти йил ва баъзи ики йил битибдурлар.

Ш е ъ р:

Чу Навдарға тушти жаҳон кишвари,
Халойиқ фароғатдин ўлди бари.
Ангоким жаҳондин вафо етмади,
Жаҳон ичра тинмади, то кетмади.

АФРОСИЁБ. Они баъзи дебдурларким, Пушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғлидур. Ва баъзи анинг нисбатин Каюмарсга еткурубдурлар. Аммо бурунғи дурустроқдур. Чун Навдарни ўлтурди, Эрон мулкани андоқ буздик, оз ерда маъмурлуқ қолди, йиғочларни кести ва иморатларни йиқти ва коризлар била булоғларни кўмди. Ва ул фурсатда Сом Наримон ўтуб, ўғли Зол Рустам атоси анинг таъзиятига машғул эрди, баъзи дебдурларким, Зол ўз кучи била сипоҳ ораста қилиб, они Эрон мулкидин чиқорди. Баъзи дебдурларким, Зоб бинни Таҳмосбким, Манучеҳр набираларидиндур хуруж қилиб, ул анинг била урушур яроғин топмай, юз уюруб ўз мулкига азимат қилди. Афросиёб подшоҳлиғи ўн ики йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Афросиёб ўлди олам шаҳи,
Эмас эрди иш сиррининг оғаҳи.
Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон,
Ани ҳам чиқарди ародин жаҳон.

ЗОБ БИННИ ТАҲМОСБни Зав ҳам дебдурлар. Насаби юқори ўтти. Одил подшоҳ эрди. Кўп вақт Эронда Афросиёб бузғон ерларнинг ислоҳиға машғул бўлди, юз ободонликқа қўйди. Дерларким, ети йил райиятдин хирож олмади. Ва баъзи хазойинким, Манучеҳр ва Навдардин қолиб эрдиким, Афросиёб қилои ҳасонатидин иликлай олмади. Ул хазойин била ети йил Зоб Таҳмосб салтанат асбобин тузуб, маош ўткарди. Ва Зол бинни Сом

анга хидматлар қилди ва бузуғ мамоликни тузарда мададлар берди. Ва Зоб икки рудхонаким, Зобин дерлар, Ироқ мулкида чиқарди. Ва баъзи Диёри Бакрда дебдурлар. Ва ўз ҳаёти замонида салтанатни Гиршосбқа мусаллам тутти. Анинг подшоҳлиқин Банокатий беш йил дебдур. Узга таворихда ўтуз йилдур.

Ш е ъ р:

Чу офоқ мулкига июҳ ўлди Зоб,
Тузатти неким бузди Афросиёб.
Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,
Чу қолмас на золим, на одил киши.

ГИРШОСБнинг онаси ибни Ямин бинни Яъқуб алайҳис-саломнинг қизи эрди ва атоси Зоб бинни Таҳмосбнинг қардоши эрди. Кўпрак таворихда Рустами достонин анинг наслидин дебдурлар. Аммо фақир қошида бу қавл йироқроқ кўрунур, невчунким, Золким Рустамнинг атосидур, анинг қошида сипоҳсолор эрди ва Гиршосбни «Гузида»да, балки хейли таворихда Манучехр набиралиғига чиқарибдурлар. Ва Рустамни Сом бинни Наримон бинни Атруб бинни Обтинға еткурубдурлар, валлоху аълам. Гиршосб чоғида Афросиёб яна черик тортиб, Эронға келиб, Тиршосб била масоф тузуб, разм қилди. Афросиёб урушида Гиршосб фавт бўлди ва Золи Зар Зобилистондин черик тортиб келиб, Афросиёбни Эрондин чиқарди. Ва Гиршосбнинг салтанати замонида ихтилофдур: «Низомут-таворих» ва Банокатийда йигирми йилдур, «Гузида» била «Мунтахаб»да олти йил, баъзида беш йил ҳам бор, валлоху аълам.

Ш е ъ р:

Чу Гиршосб бўлди жаҳон Хусрави,
Бор эрса яна шоҳлар пайрави.
Чиқорди ородин сипехри дижам,
Нечукким яна шоҳлар, они ҳам.

ИККИНЧИ ТАБАҚА КАЁНИЙЛАРДУР

Ва алар тўқуз киши салтанат қилдилар. Ва баъзи Искандарни доғи алардин тутубдурлар ва ўн дебдурлар. Салтанатларининг замонида ҳар навъ дебдурлар. Борча тақдир била ети юз нилдин юқоридур. Ва каё-нинлардин аввал кишиким салтанат қилди Кайқубод эрди. Ва ани Зоб бинни Таҳмосб ўғли Манучеҳр наслидин дебдурлар. Кўпрак авқот Жайхун қироғинда бўлуб, атрок била урушуб юрур эрди. Ул вақтқачаким пешдодийлар тугандилар, Афросиёб яна Турондин Эрон қасдиға сипоҳ тортиб юруди. Ва Кайқубод Албурзкуҳда эрди, Зол Рустамни йибордиким, ани келтурди ва бошиға тож қўюб, Эрон салтанатин анга мусаллам тутуб юруб, Афросиёбни қайтардилар. Ва Рустам ул урушким, Афросиёб била урушти, анинг замонида эрди. Рустамға жаҳонпахлзвонлиғ лақабин бериб, сипоҳсолор қилди. Ва Луқмони ҳаким ва Ашмуил алайҳис-салом ва Толут анинг замонида эрдилар. Баъзн Ҳазқил ва Хизр алайҳимус-салом ва Илёс ва Алясаъни ҳам дебдурлар ва Юнус алайҳис-салом дебдурлар. Ва Кайқубод юз йигирма йил подшоҳлиқ қилди.

Шеър:

Чу тузди жаҳон базмини Кайқубод,

Суруди каёни била эрди шод.

Вале қилди чархи муҳолиф сияр,

Анинг дағи хунёгарин навҳагар.

КАЙКОВУСким, баъзи Кайқубоднинг ўғли дебдурлар, баъзи набираси дебдурлар. Чун анинг валиаҳди эрди, анинг ўрниға – салтанат тахтиға ўлтурди. Ва ул мухталиф мизож ва мунқариб рои киши эрди. Бовужуди азим салтанат неча қотла ўзин муҳликаларга солиб, бандларға тушти ва Рустам халос қилди. Бири Мозандарон қайдидурким, Рустамни, Фирдавсий «Шаҳнома»да дебдурким, Ҳафтхон йўли била бориб, они

қутқорди. Яна бири Яманда Зулазор Ҳимяриким, Яман подшоҳи эрди, анинг ғафлати жиҳатидин ани жамиъ аркони давлатини тутуб, банд қилди. Анда ҳам Рустам бориб, Зулазор била мусолиҳага қарор бериб, Судобаким Зулазорнинг қизи эрди, Кайковусқа қулуб, ани ва элин чиқорди. Бу ишлар шукронасиға ўз хоҳарзодасинким, оти Меҳриноз эрди, Рустамға бериб, ани сипоҳсолорлиғдин салтанат поясиға еткурди. Ва Кайковуснинг ўғли бор эрди, Судобадин ўзга анодин Сиёвуш отлиғким, Юсуф алайҳис-саломдин сўнгра анингдек жамил йигит йўқ эрди. Борча эрдамларда ҳусниға яраша эрди. Ва ани Рустам асраб эрди, тарбият топиб эрди, Судоба ўтай аноси анга ошиқ бўлуб эрди, оидин ком ҳосил қила олмай, ўз қўркунчидин Кайковус қошида ани ўзи била бадном қилиб ноқти ва ул ўз бароати учун ўтқа кирди. Чуи ул тухматдин муарро эрди, ўтдин осийб топмади ва атосининг хато рони ва талаввун мизождин ваҳм қилиб, қочиб Туронға Афросиёб қошиға борди. Афросиёб анга эъзоз ва икром қилиб, қизин бериб, Туркистон вилоятин берди. Аммо Гирсиюзнинг ҳасаддин сиоят қилғони била таҳқиқ қилмай, ани бегуноҳ ўлтурди ва онинг борасиға ажаб ҳайф юзидин зулм борди. Анинг қатлидин сўнгра Афросиёб қизидин анинг ўғли туғди, Отин Кайхисрав қўйдилар. Ул булуғ ҳаддиға еткондин сўнгра Каю бинни Кудраз Кашвод Исфаҳондин ёшурун ёлғуз келиб, Кайхисравни онаси била олиб қочиб, Эронға элтти ва Рустам Снёвуш қонин тилаб, Ту-ронға черик тортиб, ниҳоятсиз қатл қилди. Ва Афросиёб андин қочти ва Рустам Афроснёб Эронни бузғондек Туронни бузуб, ёниб келди. Ва Канковуснинг фосид хаёлотидин бири бу эрдиким, сандуққа кириб, тўрт гўшасида қочир ё бургут боғлаб, осмонға борурмен деб ҳаво тутуб, қушлар ҳорғондин сўнгра ани ерга тушурдилар. Чун қариб эрди, Кайхисравни валиаҳд қилиб, тиригида ани подшоҳ қилди. Ва пайғамбарлардин Довуд ва Сулаймон алайҳис-салом ва Луқмони ҳаким анинг замонида эрдилар. Ва осоридин расадурким, Бобилда ясабдурким, ҳоло Талли ақарқун дерлар. Сиёвуш учун Эрон аҳли андоқ мотам туттиларким, ҳаргиз ҳеч

киши ёд бермас. Тарих аҳли мутта-фнқдурларким, соч қирқмоқ ва кўк ва қаро киймак ул мотамдин қолди. Ва Кайковус юз эллик йил подшоҳлиғ қилди.

Шеър:

Чу Ковус маснад уза топти зеб,
Неча кун анга чарх берди фиреб.
Агарчи фалакка етурди ани,
Фалакдин вале ерга урди ани.

КАЙХИСРАВни чун Каю Турон заминдин кетурди, Эронда салтанат тахтиға ўлтурди. Ва Фаромурз била Тусни Афросиёб дафъиға ниборди ва ул анга ёқин уруғ эрдилар, сўз туттурдиким, Сиёвуш наслидин Фаруд Турондадур, анга осийб ва заҳмат еткурмангиз. Фаруд алар била низоъ зоҳир қилди ва иликка тушти. Тус саъй била қатлға тушти. Алар Афросиёбдин шикаст топиб, қантиб ксдилар. Кайхисрав Тусқа ғазаб қилиб хабс буюруб, ул истеъфо қилиб, яна Аф-росиёб урушин ўзига тутуб, Кайхисрав ани банддин чиқориб, яна сипоҳ бошлатиб йиборди. Бу қотла ҳам Афроспёбқа зафар топа олмади. Оқибат Кайхисрав ўзи азим черик тортиб юруди. Афросиёб туруш бермади, доғи юз қайтарди. Ва ул қочар эрди ва бу қовар (эрди. Неча қотлаким туруб урушти, фатҳ ва зафар Кайхисравға эрди.

Хоразмда урушуб, Шайданким, Афросиёбнинг ўғли эрди, ўлтурди. Афросиёб андин ҳам азимат қилиб, Ироқи Ажам сори мутаважжиҳ бўлди. Ва ул доғн мутаоқиб келур эрдп. То Озарбайжонгача урушуб, Афросиёб Кайхисрав иликида мақтул бўлди. Ва Рустамнинг неча қотла масофлари Афросиёб ва Кудраз Кашводнинг масофлари Пирон ва Ясса била масофларн ва Бижаннинг Арман заминга бориб, қабонларни ўлтуруб, Манижа они Туронға элтиб, Афросиёб бандиға тушғони ва Рустам бозургонлар сурати билан бориб, Бижонин банддин халос қилғони таворих ва «Шаҳнома» мазмуни била Кайхисрав замонида воқеъдур. Ва Кайхисравнинг хотири Афросиёб

ифсодидин жамъ бўлгондин сўнгра Луҳросбниким ҳам Кайқубод наслидин эрди, подшоҳлиққа ўлтуртуб, ўзи салтанат тарки тутуб, эл аросидин ғониб бўлди. Баъзи дсбдурларким, ул пайғамбар эрди, аммо онча яхши осор ва сифоти бор эрдиким, Каёнийларда андоқ подшоҳ ўтмади, Баъзи дебдурларким, Сулаймон алаиҳис-саломдин қочиб, Балх ноҳиятиға бориб, анда ҳалок бўлди, валлоҳу аълам. Кайхисравнинг подшоҳлиги олтмиш йил эрди. Анинг замонида анбиёдин Сулаймон алайҳис-салом ва ахбордин Силуни ва ҳукамодин Фишоғурс эрдилар.

Ш е ь р:

Яна бўлди Кайхисрави пок рой,
Жаҳон кишвару мулкида кадхудой.
Ва лекин бу Зол уштулум айлади,
Жаҳондин дағи ани гум айлади.

ЛУҲРОСБ БИННИ АРУНД Канковуснинг инисининг ўғлидур. Дорулмулки Балх эрди. Оламнинг кўпрак мулкин очти. Аммо чун атолари салтанат қилмай-дур эрднлар ва Қайхисравнинг ўғли йўқ жиҳатидин мулкнин анга бергонда, элга қотиғ келди. Чун ул бу ишни англади, эл била андоқ бориштиким, борча ани тиладилар. Мулк очмоғининг жиҳати ул бўлди. Ики ўғли бор эрди – Гуштосб била Заррин. Анга бир саҳв туштиким, ўз ўғлонларидин Кайковус атбоиға яхшироқ мамолик берди. Бу жиҳатдин Гуштосб, чун бағоят рашид ва баҳодир киши эрди, таҳаммул қила олмай, андин ёмонлаб Румға борди. Анда анга яхши ишлар даст берди. Таворнҳда аждаҳо ва каркидон ўлтурди дебдурлар. Ҳар тақдир била қайсар ани куёв қилиб, қизин анга берди. Ул отасидин интиқом тортарға Румдин черик тортиб, жаҳд қилиб, Хуросонға юрди. Отаси ўз ғалатин билиб, ани валиаҳд қилиб, подшоҳлиғин анга бериб, ўзи чунулғайибэрди, гўша тутуб, ибодатқа машғул бўлди. Ва Бухтуннаср бинни Кудразки, оламнинг бузуғлуғи дерларки, анинг зулмидин эрдн, Луҳросбнинг

гумаштаси эрдиким, ики қатла Байтул-муқаддасни ер била тузатти. Ва Дониёл била Узайр алай-ҳис-саломни асир қилди. Бу жиҳатдин дебдурларким, ҳар хил ё уч хил масх бўлди. Андин сўнг Дониёл алай-ҳис-саломни қўйди. Ва Доннёл аланҳис-салом черик тортиб Бухтуннаسر устига юруди, қочиб Хузистон қўрғонини беркитти. Ва Дониёл алайҳис-салом қўрғонни олиб, ани ҳалок қилди. Ва лекин Бухтунпаср бобида бағоят сўз кўп учун бу мухтасарда мундин ортуқ битилмади. Чун Луҳросб тахтни Гуштосбқа топшурди ва ўзи Балхда ибодатқа машгул эрди, Гуштосб баъзи билод фатҳиға машгул эрканда, Аржосб келиб, Балхни олиб, Луҳросбни ўлтурди. Ва Луҳросбнинг подшоҳлиғи юз йигирми йил эрди. Ва анинг замонидағи анбиё Узайр била Урмнё ва Дониёл алайхумус-салом эрдилар, вассалом.

Ш е ъ р:

Яна бўлди Луҳросб соҳиб сарир,
Ки бўлди қўлида салотин асир.
Не мулки омон топти Гуштосбдин,
Не жони халос ўлди Жомосбдин.

ГУШТОСБ Ҳалаб мулкида тахтқа ўлтурди ва зардўшт анинг замонида зуҳур қилди. Ва ул габр динида риёзатлар ва мужоҳадалар тортиб эрди, «Зинд» китобин тасниф қилиб, элни ул динға даъват қилди. Чун ҳаким эрди ва риёзат жиҳатидин элни сайд қилиб эрди, Гуштосбни ҳам фирифта қилди. Гуштосб зардўшт динин ихтиёр қилиб, элни ҳам ул миллатқа ктюрди ва Румда қайсарға киши йпбориб, ани дағи бу динға далолат қилди. Қайсар Фарндун аҳдномасин кўргуздиким, Рум қайеарлари бир динда бўлсалар, киши тағйир бермасун. Ул жадди фармонин инқиёд қилиб, ул таклифдин кечти ва ўзи Истахр тахтида «Зинд» китобни ўқурға машғул бўлди.

Аржосб бинни Афросиёбдурким, турк подшоҳи эрди, андоққи зикри ўтти, вилоятни холи топиб, Балхни олиб, Луҳросбни ўлтуруб, қизларниким, Гуштосбнинг сннгиллари бўлғай асир

қилиб, Балхни бузуб, кўп ганойим била мулкиға қайтти. Гуштосб эшитиб, интиқом учун Рустамни рақам қилди, Рустам сўзин инқиёд қилмади ва Зобилистондин келмади. Ва ўз ўғли Исфандиёрниким, Дурри сафид кўрғонида маҳбус қилиб эрди, чиқориб, мулк ваъдаси қилиб, сипоҳ бошлатиб,. Аржосб интиқомиға йиборди. Исфанднёр бориб, Аржосбни ўлтуруб, Туронни Байтатқа дегинча олиб, сингилларин асирликдин чиқориб, азим ғанойим била келди, дағи салтанат истидъоси қилди. Гуштосб ё Рустам анинг ҳукмин ижобат қилмаған жиҳатдин ё мулк ва салтанатдин кеча олмасдин, Исфандиёршг Рустам урушиға йибордиким, анинг тарафидин хотиржамъ эмас эрди. Бир йўли ани дафъ қил, дағи фароғат била подшоҳлиққа ўлтур, деб ул ком ва ноком Рустам устига бориб, Рустам мулоинмат ва узрхоҳлиғ била анга ўтру келиб, кўп ҳурмат ва таъзимлар била анинг била Гуштосб хидматиға борурни қабул қилди. Ва ул ғоят ғурур ва паҳлавонлиғидин андин уруш тиладиким, зўр даст била Рустамни тутқай. Рустам улғайиб эрди ва анга ҳариф эрмас эрди, Зол тадбири била, ё дебдурларки, Симурғ мадади била бори ҳар тақдир била ҳийла қилиб, Исфандиёрни ҳалок қилди. Чун «Шахнома»даким Фирдавсий дебдур, ба-ғоят машхурдур, шарҳи ҳожат эрмас. Алқисса, Гуштосб бу хабардин воқиф бўлғач, бу ишднн кўп пушаймон бўлди. Вале Исфандиёр ўғли Баҳманни валиаҳд қилди. Ва ҳукамодин Сукротким, Фишоғурс тилмизи эрди ва Жомосбким, замоннинг саромади эрди, Гуштосб замонида эрдилар. Ва Гуштосб замони осоридин Самарқанд кўрғони ва девориким, Эрон ва Турон орасиға тортилибдур ва Насо шаҳри ва Байзо шаҳридурларким, баса акобир ва ашроф андиндурлар. Ва салтанати юз йигирми йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Гуштосп тузди сарир узра базм,

Анга ҳам фалак айладй кинға азм.

Адам бўлди қонуни Гуштосби,

Анингдекки, ойини Луҳросби.

БАҲМАН подшоҳ бўлғондин сўнгра адл ойин қилди ва аввал азиматки қилди, Зобилистонға қилдиким, атоси Исфандиёр қонин тилагай. Чун Рустам қолмайдур эрди, ўғли Фаромурз ё иниси Зуворани дорга ости ва Золни муқайяд қилди ва яна озод қилди. Ва форсийлар ани дароздаст дебдурлар кўп мулкка тасарруф иликин сунғондин. Бухтуннаسر ўғли Насрни Бобилдин азл қилди ва Гуҳаршниким, Жомосб набираларидин эрди ва аноси бани Исроил наслидин бирининг қизи анинг наслидин йиборди ва буюрдиким, бани Исроил элин бошлаб, Шом раёсатиға йиборди ва буюрдиким, Бантул-муқаддасни иморат қилдилар.

Баҳманнинг атоси Толут наслидин эрди ва ҳарами Арчион бинни Сулаймон алайҳис-салом қизидин ики ўғли бор эди: Сосон ва Дороб. Уч қизи бор эрди: Хумон ва Фаранг ва Баҳмандўхт. Сосон зоҳид ва муттақий киши эрди. Мулкка парво қилмади, гўша тутти. Хумойниким, Хумонни ҳам дебдурлар. Баҳман ўз ақдиға киюруб эрди. Мавт маразида тожни анинг қорнига қўйдиким, Доробқа ҳомила эрди. Аркони давлати иттифоқ била ўғли туққунча ани подшоҳ кўтардилар. Баъзи дебдурларким. Баҳман подшоҳлиғинн ё Хумойға берди, ё тожни андин туғар фарзандға ҳавола қилди. Ҳар тақдир била бўлса Сосон бу жиҳатдин ошуфта бўлди ва ибодат ихтиёр қилиб, қироқ тутти, валлоҳу аълам. Ва анинг осоридин Форсда Гуворбан-дидурким, амир Сайфиддин Масъуд деган Бағдод йўли устида работ ясаб ва яна Басо ва Чаҳрум ва Бусиғон ҳам анинг осоридиндур. Ва подшоҳлиғнинг замони юз ўн ики йил эрди ва анинг асридаги ҳукамо Буқротис ва Буқрот табиб эрди, вассалом.

Ш е ь р:

Чу Баҳманға етти вафосиз жаҳон,
Анинг узри кўнглидин ўлди ниҳон.
Ёйилгон замон шавкати Баҳмани,

Равон қилди Баҳман елидек ани.

ҲУМОЙ рой ва хирадлиғ хотун эрди. Баҳмандин сунгра тахтқа ўлтурди. Чун ҳомила эрди, вазъ ҳамл қилди ва салтанат хубби кўимадиким, ўғлини подшоҳлиққа мансуб қилиб, ўзи анга муҳофазат қилғай. Ани бир сандуққа солиб, қийр била маҳкам қилиб, дарёға солди. Дебдурларким, бир гозур иликиға тушуб, ани фарзандчилай асраб, тарбият қилди. Булуғ ҳаддиға еткандин сўнгра, салтанат гавҳари ўз ишин қилиб, гозурлуқ ишин макрух тутуб, илму фазл ва адаб касбин қилиб, силоҳшўрлуқ ўрганиб, сипоҳинлиқ қоидасин хўб билди. Гозур ани сувда топқан учун Дороб от кўюбэрди. Чун ўз ҳимматин ул ишдин бийикрак мулоҳаза қилди. Гозурдин ўз ҳоли каифнятини савол қилдиким, мен ўзумни сенинг ўғлунг гумон қилмайдурмен, манга ўз нажодимдин хабар бер! Гозур мункир бўлди. Кўп сўз орада ўткандин сўнг гозур билдиким, ёшураолмас. Айттиким, сени сандуқ била сув ичида топиб, тарбият қилдим. Ва сандуқ ичинда нуқуд ва жавоҳир ҳам бор эрди, баъзиким қолиб эрди, Доробқа таслим қилди. Ва ул фурсатда Ҳумой Эрон черикини ясаб, Рум фатҳиға йиборадур эрди, Дороб ул сармоя била ўз яроғин қилиб, сипаҳсолорға мулозим бўлуб, ул юрушга борди. Йўлда андин ғариб мар-доналиғлар ва паҳлавонлиғлар зоҳир бўлди. Андоқки, шуҳрат тутуб, Ҳумойға битиб йибордиларким, бу навъ нодир йнгит пайдо бўлуб, подшоҳ давлатхоҳлиғиға мундоқ ишлар қиладур ва Ҳумой кўнглига анинг меҳри ер тутуб, анга иноят ваъдалари битиб йиборди. То иттифоқи ҳасанадин баъзи таворихда битибдурларким, Рум урушида қайсарни ул тутти. Бу қатла худ элга ангуштнамо бўлуб, яна Ҳумонға они битидиларким, черик қайтқандин сўнгра Ҳумой черикига ўтру бир манзил келиб, фатҳ кайфиятин таҳқиқ қилур эрди, Доробни кўргуздилар. Кўзи анга тушқач, кўнглига изтироб тушуб, эмчокига сут келди. Таҳайюр ва таажжуб била гавҳар ва нажодин тафаҳхус қилди эрса, Дороб андоқким, бор эрди арз қилди. Ҳумой жазм билдиким, анинг ўғлидур. Аркони давлатқа кайфият-ни

билдируб, Доробнинг юзун ўпуб, шодмонлиғлар била тожни анинг бошиға кўуб, тахтни анга мусаллам тутти ва ўзи парда кеннига кириб, подшоҳликқа ўғлини ўлтуртти. Ва Хумойнинг салтанатининг муддати ўтуз ики йил эрди ва осори Истахрда Ҳазорсутун эрдиким, ани Искандар бузди. Ва баъзи Чиҳил минорни ҳам анга мансуб қилибдурлар. Ва Самара шахриким, Жарбодқон дерлар ҳам, ул бино қилди.

Ш е ъ р:

Яна бирнеча кун Хумой олди мулк,
Эронлар бориб нчига қолди мулк.
Туганди анинг мулку даврони ҳам,
Фалак Золи қатъ айлади они ҳам.

ДОРОБ чун Хумой ўрниға тахтқа ўлтурди, адл ва дбд пеша қилди. Ва ул хирадманд ва паҳлавон ва хўбсурат подшоҳ эрди. Кўпрак мулк салотини анга инқиёд қилдилар. Ва Рум қайсариким, ул замонда Файлақус эрди, саркашлик қилди эрса, сипоҳ тортиб Румға юруб, қайсарни тутти ва банд қилди. Чун Румни қаёсирадин ўзга киши забт қилмоқ душвор эрди ҳам ани ўқ тарбият қилиб, минг байза олтунким, ҳар бири вазнға қирқ мисқол бўлғай, хирож тайин қилиб, қай-сарнинг қизин қулуб, Румдин ёнди. Ул қиздин нохуш ис фаҳм қилиб, табъи мутанаффир бўлуб, атоси қошиға қайтариб йиборди. Баъзи дебдурларким, ул қиз Иеқандарға ҳомила эрди. Қайсар ўз қизин ақдиға киюруб, ўғли мутаваллид бўлғондин сўнгра Дороб ўғлидур демакка номусланиб, ўз ўғлимдур деб Искандарни ўғулчилаи асраб, валиаҳд қилди ва элчи йибор-мак учун Ем оти боғломоғни Дороб қилди. Ва Рашитан отлиғ вазири бор эрди, кофий ва оқил киши эрди. Доробжурд шахрин ул ясаб, Дороб отиға ул тасмийя қилди. Ва Дороб маосири пайғамбарлардин Жиржис алайҳис-салом эрди ва ҳукамодин Афлотун олиҳи. Ва анинг салтанатини баъзи олтмиш йил, баъзи эллик ики йил дедилар.

Ш е ъ р:

Чу тахт узра Дороби равшан замир,
Хумой ўрниға бўлди оромғир,
Анинг доғи стти фалак пояснн,
Бошидин анпрди хумо соясин.

ДОРО БИННИ ДОРОБни атоси Дороб чун валиаҳд қилиб эрди, атоси ўрниға подшоҳ бўлди. Чун золим табъ киши эрди, зулмидин улуғ эл озурда бўлдилар. Рашиташшким, Дороб дастури била дастур ясаб эрди, Байрн отлиғ иниси сиояти била тиладиким, азл қилғай. Баъзи дебдурларким, ул Искандарға киши йибориб, маъхуди хирож бермақдин ани пушаймон қилди. Чун Искандар хирож йибормади, Доро киши йибориб, минг олтун байзани тилатти. Искандар жавоб бердиким, ул юмуртқаларни қўяр куш учти, Доро дағи кўнглидин бу тамаъни чиқарсун. Дороға бу сўздин ғазаб муставлий бўлуб, устига черик тортиб, масофанинг ики сафи тузалганда, Доронинг ики ноиби ким, анинг зулмидин ториқиб эрдилар, ани ҳалок қилдилар. Баъзи дебдурларким, ики ҳамадонлиғ киши фидойилиғ дастури била бу ишни қилдилар. Баъзи дебдурларким, аларни Искандар йибориб эрди, бу ишни буюрди. Аввалғи қавл саҳиҳроқдур. Чун ул сипоҳ орасида йиқилди, Искандар келиб, анинг бошин ўз тиззи устига қўюб, онт ичтиким, бу иш менинг қошимдин эмас эрди. Ва Доро Искандарға уч васият қилди. Бир улким, Равшанакнимким, анинг қизи эрди, қулғай. Бир улким, анинг қотилларин ўлтургай. Бир улким, анинг атбоиким, Фурс мулуки наслидин эрдилар, қатл қилмаған, дағи риоят қилғай. Искандар барчани қабул қилғоч, Доро охир дамда Искандардек муставлнй адусидин хушнуд ўтти. Ва бу дostonни фақир «Садди Искандарий»даким, «Хамса»нинг бешинчи китобидур, машруҳ адо қилибдурмен. Ва Доронинг подшоҳлиғи ўн тўрт йил эрди.

Шеър:

Яна бирнеча вақт Доройи даҳр,

Ичиб нўш даврон анга берди захр.
Фалак захр агар берди Дороға бот,
Скандарга ҳам берман оби ҳаёт.

ИСКАНДАР нисбатида ихтилоф кўптур. Баъзи аии Дороб ўғли дебдурлар, андоқки Дороб зикрида ўтти. Ва Банокатийда ва «Девонун-насаб» китобидин мундоқ нақл қилибдурким, Искандар Хурмуси Румнй ўғлидурким, Хурмус отаси Лафти бинни Юнон бинни Торах бинни Ефас бинни Нухдур. Ва анинг умрини минг олти юз йил дебдурлар ва Зулқарнайним, анинг лақабидур, важҳи тасмиясин мундоқ дебдурларким, ул замонда минг йилни бир қари дер эрмишлар. Яна ҳам Банокатийдадурким, анинг атоси Бозур бинин Албон эрди Искандария подшоҳи ва аноси Афлюн бинни Нуқо қизи эрди. Ва Бозур ва Афлюн орасида доим адоват эрди. Мулк маслаҳати учун яраштилар ва ул мусолиҳанинг таъкиди учун Афлюннинг қизин қулди ва ўз мулкига элтти. Бозурнинг эли бир қайд била андоқ қилдиларким, Бозур ул қизни кўздин солиб, атосиға йиборди ва қиз Бозурдин ҳомила эрди, йўлда андоқ ҳаводис юзландиким, ул қиз бир атка бир энага, бир хожасарой била қолди. Иттифоқо бир чоҳ бошида вазъ ҳамл қилдиким, махуф манзил эрди. Ва анда қароқчи кўп элни ҳалок қилур эрди. Бу ҳолда йироқтин қалин қаро пайдо бўлди. Алар ваҳмдин ул тифлни бир қиймати нимага чирмаб, ул чоҳ бошида қўюб, қочтилар. Кўринган қаро худ дашт баҳойими эрмиш. Бори таоло бир сурук қўйдин бир сутлук ўчку ойириб, амр қилдиким, ҳар кун келиб, ул тифлға сут берур эрди. Ва ул тифл Искандар эрди. Ва ул ўчку бир қари хотуннунг эрди. Бир кун ўчкуси ғойиб бўлғон жиҳатдин ани тилай, ул чоҳ бошиға келиб, ул ғариб ҳолға мутталиъ бўлди. Таҳайюр юзидин Искандарни олиб, ўғулчилай улғайтиб, подшоҳ ўғли даби-ристонига дабирга топшурди. Искандар оз вақтда жамиъ фазойил ва камолотни касб қилиб, сипоҳийлик русуми ва баҳодирлуқ фунунида ҳам ягона бўлди. Бир кун ул подшоҳ дабирга ғазаб қилиб, ҳисобға тилади. Чун подшоҳ золим ва нодон эрди, Искандарга ақл ва ҳикмат анда

турмоқни рухсат бермай, ул диёрдин ҳазимат қилди. Йўлда чоқари от ва силоҳни ани уюқлатиб, олиб қочти. Ул яёғ бир шаҳарғача бордиким, иттифоқо Афлююннинг шаҳри эрди. Аноси қаср томида дашт сори тамошо қиладур эрдиким, Искандарнинг қаросин кўруб, меҳри ҳаракатқа келиб, эмчокига сут келди. Таҳайюр қилиб ани тилаб, аҳволни тафаҳхус қилғондин сўнг, ўғли эрконин билди. Афлююнға изҳор қилғоч, анинг ўғли йўқ эрди ва улғайнб эрди мулкни набираси Искандарга топшуруб, ўзи ибодатқа машғул бўлди. Искандар черик тортиб, отаси мулкни олди ва макнати азим бўлуб, Дороға хуруж қилиб, ани ҳам юқори ўткандек ародин кўториб, жаҳон мулкин олди. Аксар таворихда анинг умрин ўтуз олти йил ва сало-тинни ўн уч йил битибдурлар. Аммо маҳолдурким, ўн уч йилда ул қилган ишча қилса бўлғай. Амир Хисрав Деҳлавий «Ойнайи Искандарий»да анинг салтанати замонин беш юз йилдин ортуқ дебдур. Аммо Ҳазрат шайх Низомий қуддиса сирриху «Искандарнома»да ики қари маъхуд дебдур ва таҳқиқ юзидин ихтилофи ривоётни рад қилиб, ани Файлақус ўғли дебдур. Ва фақир «Садди Искандарий»да ул ики бузургвор қавлини сойир муаррихлар ақволиға таржиҳ қилиб, назм адосиға қарор берибмен. Ҳар тақдир била Искандар подшоҳе эрдиким, андин бурунғи ва сўнгғи салотин бу кунгача ул қилғон ишни қилмадилар. Ҳам ҳақим эрди, ҳам вали. Баъзи анга нубувват устоди ҳам қилдилар. Тўрт юз ҳақим хизматида эрдилар. Афлотуни олиҳи бошлиғ ва Арастудек вазири бор эрди. Секиз минг шоҳ ва шаҳзода хидматини қилур эрдилар. Оламнинг баҳру барин олиб, ҳайвон суйи таманноси била зулумотқа кирди. Анинг била кирган мулозимлардин бири Хизр, бири Илёс алайҳумус-салом эрдилар. Ул сув аларға насиб бўлуб, Скандар маҳрум ёнди ва баъзи Шаҳризурда ва баъзи Бобилда дерларким, вафот топти ва Искандарияга нақл қилдилар. Машҳурдурким, васият қилдиким, ялон иликин тобутдин тошқори чиқорсунларким, олам аҳлиға мужиби танбиҳ, балки ибрат бўлғайким, оламдин илик торта тутқайлар. Ва анинг осоридин Яъжуж саддидур ва Марв ва Ҳиротва Самарқанд ва Исфаҳонни

ҳам дебдурларким, ул бино қилди. Ва ул ўткондин сўнг ўғли Искандарус мулкни қабул қилмай, ибодатқа машғул бўлди. Ва Румда Батлимусни қайсар қилдилар, валлоҳу аълам. Ва мулуки тавойифни Эрон заминда ул тайин қилди. Уч юз олтмиш йилғача алар ичин аро низоъ қилиб, Румға ҳеч қайсининг зарари етмади.

М а с н а в и й:

Скандарки фатҳ айлади баҳру бар,
Кириб тахти фармониға хушку тар.
Етишти зуҳал авжиға рифъати,
Чалинди фалак тоқиға навбати.
Валоят била ҳикмату шоҳлиғ,
Нубувват ишидин ҳам огоҳлиғ.
Гаҳи Садди Яъжуж қисм айлабон,
Гаҳи юз ажойиб тилисм айлабон,
Бу ҳашмат бериб, изиди пок анга,
Не зулм этти, кўр, чархи бебок анга.
Ки холи кўлин бенаволар киби,
Узотиб борурда гадолар киби.
Чиқарди жаҳон мулкидин воясиз,
Кўли комдин, нақдидин моясиз.
Яналарга, кўр, чарх неткусидур,
Санга ё манга худ не еткусидур.

УЧИНЧИ ТАБАҚА АШКОНИЙЛАР ВА МУЛУКИ ТАВОЙИФ ЭРДИЛАР

Тарих аҳли орасида бу табақа дағи салотин тартибида бағоят мухолифат кўптур. Аммо бир сўзда борча муттафиқдурлар. Биз ул сўзниким, муттафақун алайхдур, адо қилоли. Сўнгра ул сўзларниким, мухталафун фиҳдур, зикр қилиб, ҳар нимагаким ўхшаши кўпрақдур, қарор бероли. Улча муттафақун алайхдур бу

сўздурким, Искандар чун Эрон мулки била Форсни фатҳ қилди, бу мамоликни билган салотинни ва авлодни йиғди ва алар бобида не қилмоққа ройин бир-бирига қарор бера олман, ожиз бўлди. Аристотелиским, анинг вазири эрди, ҳозир эрмас эрди. Анга битиб юбориб, андин рой тилади. Ва ул жавоб битиб йиббрдиким, бу жамиятни қатл қилмоқ шаръан ва ақлан муносиб эрмас ва қўймоғлиғлари мулкка мужиби фасод ва хотирга мужиби тараддуддур. Чун сен булар мамлакатин ҳар қойсини заруратан бировга бергунгдур, аввал ўзларига ўқ бериб, ўз қошингдин буларни мулкка насиб қилиб қўнғайсенким, ўтар дунёда мунча салотиннинг бежиҳат қонин тўкмамиш бўлғайсен. Ва аларни мамнуни миннат қилиб, ўзунга яхши от қозғонмиш бўлғай сен. Дағи ул кун сўнграки сен бўлмасанг булар ичин аро мунозаат қилиб, сенинг дорул-мулкунгким Румдур, таарруз кечрак қилғайлар. Искандарға Арастунинг ройи дилпазир тушуб, ул жамоатни Арасту кўрган рой била насб қилдиким, мулуки тавокиф аларни дебдурлар. Ва улча бу табақада аҳли тарих сўзида ихтилофдур. Бу жамоатнинг оти ва ададида ва салтанатларининг муддати ва тақдим ва таъхиридадур ва бу хилофларға тавфиқ бермак ва татбиқ қилмоқ сўзни пароканда қилиб, ўқуғучини ёлқитиб, ҳавосин паришон қилур. Заруратан ижмол била андин ўтмак муносиб-роқ кўрунди. Искандар мулуки тавонифни мамоликка насб қилғанда, Дажли яқосидин бери Ироқ ва Рай ва Хуросонғача Абтаҳши Румийға берди ва ул тўрт йил мулк сурди. Ва Ашкким, Доронинг ўғли эрди ва Искандар замонида ваҳмдин ёшурун юрур эрди, анга хуруж қилиб, ани ўлтурди ва тахт билди.

АШҚ БИННИ ДОРО. Чун Абтаҳши Румийни орадин чиқарди ва Эрон мулкин Рум аҳли кудуратидин софи қилиб, сойир мулуки тавойиф била мувофақат қилди. Ва алар ани бағоят ҳурмат туттилар ва мундоқ муқаррар қилдиларким, нишонларида ўз отларидин бурун анинг отин битгайлар ва бот ёғи ароға кирса, бир-бирига мадад еткургайлар ва улуқ-кичиклик орада бўлғай.

Мундин ортуқ таклиф арода бўлмағай. Анинг замони уч йил эрди.

ШОПУР БИННИ АШК. Баъзи дебдурларким, Исо алайҳис-салом анинг замонида мабъус бўлди ва Яҳё ва Зикриё ва Жиржис алайҳумус-саломни ҳам баъзи дебдурларким, анинг замонида эрдилар. Ва Ағустус қайсар анга муосир эрди. Ва Шопур мулки йигирми йил эрди.

БАҲРОМ БИННИ ШОПУР. Атосининг васияти била ато тахтини билди. Анинг подшоҳлиғи ўн бир йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ БАҲРОМ. Ул дағи атосиға валиаҳд эрди ва подшоҳлиғи ўн беш йил эрди.

ҲУРМУЗ БИННИ ЯЛОШ. Атосиға қоим мақом бўлди ва подшоҳлиғи ўн тўқуз йил эрди.

АНУШ БИННИ ЯЛОШ. Анинг подшоҳлиғи ўн йил эрди. Баъзи дебдурларким, Ироқ ва Форсда Ашк фарзандларидин Уйғур отлиғ бир подшоҳ эрди. Шопурдин эллик йилдин сўнгра ва Яҳё алайҳис-салом анинг замонида шаҳид бўлди. Ва ул салтанатни ўғли Гударзға мусаллам тутти.

ГУДАРЗ БИННИ УЙҒУР. Улуғ подшоҳ бўлди ва адл ва инсоф тариқидин чиқти ва бани Исроилға черик тортиб, азим қатллар қилди. Дерларким, Бухтуннаسر қилғондек. Бани Исроил била маош қилди. Бир кун овда ажал шикорисининг сайди бўлди. Ва анинг подшоҳлиғи эллик ети йил эрди.

ЭРОН БИННИ ЯЛОШ. Гударзнинг қардоши ўғли эрди. Олим ва одил эрди. Гударз замонида анинг зулм ва тлҳаттукидин хазойик холи ва мулки бузуғ эрди. Ул риоят ва лутф била, раййятни маъмур ва мулкни ободон ва хазинани мамлу қилди. Ва анинг салтанати қирқ йил эрди.

НАРСИ БИННИ ГУДАРЗ. Отасининг валиаҳди эрди. Чун подшоҳлиққа ўлтурди. Шом вилоятига бориб, Яҳё алайҳис-салом қатли интиқомига жухудларни қирди ва қолғонидин баъзини овора ва баъзисини залил қилди ва андин сўнгра бани Исроил қавмидин мунқатиъ бўлди. Ва ул вақтда бани Исроил қавмидин подшоҳи Матннэ эрди, Сулаймоп алайҳис-салом авло-дидинким, баъзи дебдурларки, Бухтун-наسر ани ҳалок қилди ва Гударзнинг подшоҳлиғи ўтуз йил эрди.

ҲУРМУЗ БИННИ ЯЛОШ. Баъзи дебдурларким, ул Эрон ўгли эрдик, Гударзнинг қардоши бўлғай. Чун подшоҳ бўлди, яхши қавоид ва русум пайдо қилди ва отасининг зулм ва тааддисин орадин чиқорди. Ва тўрт ҳарами бор эрди. Алардин бири анга заҳр бериб, ҳалок қилди. Ва салтанати замони тўқуз йил эрди.

ФИРУЗ БИННИ ҲУРМУЗ. Анинг ўрнида тахтқа ўлтурди ва ул дағи дод ва адл қоидасин туздн. Аммо айёш киши эрди ва овни севар эрди. Овда руҳи ғизоли ажал ўқиға қатил бўлди. Ва салтанати замони ети йил эрди.

ХУСРАВ БИННИ ФИРУЗ андин сўнгра подшоҳлиғ қилди ва анинг салтанати замони ўтуз йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ ФИРУЗ анинг қоим мақоми бўлди ва ул хунарпарвар подшоҳ эрди. Ҳунар аҳлин севар эрди ва анинг замонида хунар аҳли азиз бўлдилар ва хунарлар такмил топти. Оқибат ул дағи ўзгалар азимат қилғондек озим бўлди. Ва анинг подшоҳлиғи қирқ йил эрди.

ЯЛОШ БИННИ ЯЛОШ анинг тахтини эгаллади ва ул Хусравнинг қардоши эрди. Оқибат ул дағи қардоши ичкан шарбатни ичти ва анинг подшоҳлиғи беш йил эрди.

АРДУВОН БИННИ ЯЛОШ ашконийларнинг сўнгғи подшоҳи эрди, азамат ва тажаммули ва мулкининг вусъати ул табақадағи салотиндин ортти. Ва мулуки тавойифдин кўпии ул мақхур қилиб, мулкин олди ва ўзига мунқод қилди. Ва охирул-амр Ардашер Бобак ани орадин чиқориб, мулк ашконийлардин сосонийларға интиқол топти. Ва ашконийлар бу мухтасарда ўн беш киши битилди ва «Низомут-таворнх»да ўн киши битилибдур ва Банокатинда ўн тўрт киши битилибдур ва «Жомеут-таворих»и Жалолийда йигирма киши ва «Гузида»да Ҳамдуллоҳул-муставфи уч фирқа қилиб, йигирми бир подшоҳ битибдур ва ани мулуки тавойифдин тутубдур. Гўёки бу худ ғалатдурким, алар мулуки тавойиф бўлғайлар. Невчунким ўзи ўқ таноқуз келтурубдурким, мулуки тавойифдин баъзини Ашк бинни Доро ўлтурди ва ашконийларни бу Ашк бинни Доро насли дебдур. Ва салтанатларининг замонин ҳам мухталиф битибдур. Бу фақир улча имкон ихтиёт бор эрди қилдимким, ўзларни сабт қилдим. Аммо муддатларин эътимод қилғудек нақл топмадим, битилмади. Аммо ҳар қойсининг зикрида тафзил қилибдур. Ҳисоб қилғон киши топар ва мулуки тавойифни баъзи тўқсон киши дебдурлар ва баъзи эллик киши ва баъзи ҳам булардин ортуқ ўксук дебдурлар, вал-илму индаллоҳи.

Ш е ь р:

Скандар бўлурда жаҳондин ниҳон,
Мулуки тавойифқа берди жаҳон.
Алар ҳам бериб тахту тожиға зеб,
Жаҳондин едилар неча кун фиреб.
Тағофулларин чунки фаҳм эттилар,
Талофий қилурдин бурун кеттилар.
Жаҳон мулкин ашконий олди тамом,
Аларға булар бўлди қоим мақом.
Қаю бирнинг ўлғач аён навбати,
Соғиндики, жовид эрур мулқати.
Неча кун димоғиға солди ғурур,

Чу вақт ўлди кетмаклик эрди зарур.
Каҳондин кетиб, ком ола олмади,
Кишига жаҳон жовидон қолмади.
Алардек яна юз минг ўлса падид,
Ҳам алардек ўқ бўлғуси нопадид.
Бу кетмак эмас барча шаҳларға хос,
Гадолар дағи топмас андин халос.
Жаҳонким, вафо келди андин йироқ,
Йироқ ўлса, андин киши яхшироқ.

ТЎРТИНЧИ ТАБАҚА СОСОНИЙЛАРДУР

Ким аларни акобира дебдурлар. Буларнинг дағи ададларин мухталиф битибдурлар. Баъзи ўтуз ики ва баъзи ўтуз бир ва баъзи йигирми секиз ва салтанатларининг муддатларини ҳам мувофиқ битмайдурлар. Соҳиби «Гузида» беш юз йигирми ети йил битибдур ва Банокатий беш юз ўтуз бир йил битибдур ва Қозн Байзовий тўрт юз ўтуз йил дебдур. Ҳар тақдир била Ардашер Бобак Сосонийларнинг аввалғи подшоҳидур. Ва ул Сосон бинни Баҳман набирасидур. Ва анинг шарҳи будурким, чун Баҳман Ҳумойни валиаҳд қилди, Сосонким ўғли эрдн, гўша тутти, андоқким, мазкур бўлди. Ва давлат ул табақадин ашконийларға мунтақил бўлғанда, Сосондин бир ўғул қолиб эрди, анинг оти ҳам Сосон эрди, мутаворий ва мактум юрур эрди. То рўзгор ҳаводиси иқтисосидин Бобак қошидаким, Ардувоннинг Форс вилоятида бу гумаштаси эрди, ўзин тобеъ тутар эрди. Ва Бобак ул навоҳийда кўп макнат ва шавкат пайдо қилиб эрди, чун Сосоннинг барча атвориға мулоҳаза қилур эрди, андин осори раёсат ва хирадмандлиғ зоҳир бўлур эрди. Бир кеча туш кўрдиким, қуёш Сосоннинг манглайидин тулуъ қиладур.

Анинг аҳволини муболаға била тафтиш қилди эрса, маълум қилдиким, ҳол недур. Эҳтиром ва эъзоз қилиб, ани куёв қилди. Ва Ардашер Бобакнинг қизидин мутаваллид бўлди. Чун Сосон

орадин чиқиб эрди, ани Бобак оти била атадилар. Чун Ардашер булуғ ҳаддиға етти, барча билик била эрдамда ягона бўлуб шуҳрат тутти. Ардувон эшитиб, ани Бобакдин тилаб, ўз ўғлонлари била тарбият қилур эрди, бир кун алар овға бориб эрдилар, Ардувон ёшурун либос тағйир қилиб, аларнинг овда забт ва рабт била отиш-тутушларин билай деб борди. Барча навъда Ардашерни ўз ўғ-лонларидин ортуқ топти. Рашк била ҳасаддин ғазаб қилдиким, ул бир навкар ўғли анга салтанат ойинининг иктисобини муносибдур деб ўз мирохўрлуғини буюрди. Ардашер зарурат ва ваҳмдин ул хидматқа машғул эрди. Иттифоқо бир кун тавила бошида ўлтуруб эрдиким, Ардувоннинг ҳарамидин неча канизак ўтуб борадурлар эрди. Бири Ардашерни кўруб, кўнгил олдуруб, алқисса аларнинг орасида мулоқот ва хусусият воқеъ бўлди ва Ардувоннинг махфий аҳволи ва мақолидин ул канизак Ардашерга хабар берур эрди. Бу учурда Бобакнинг вафоти хабари келди. Ардашер муддао изҳор қилдиким, Ардувон анинг атоси мансабин анга бериб йиборган. Мақбул тушмади. Ул ҳукуматқа ўа ўғлин муқаррар қилиб йибордн. Чуп Ардашер ул ишдин навмид бўлди, ваҳми ғолиб бўлди. Бу феврда ул канизак анга хабар бердиким, Ардувон бир мудҳиш туш кўруб, билур элдин таъбирин сўруб, мундоқ дебдурларким, мулк сендин нитиқол топиб, бировга мунтақил бўлғусидурким, бу ҳафта сенинг даргоҳингдин кетар. Ва Ардувон бу сўздин мутаваҳҳиш бўлуб, бу ишнинг тафаҳхусидадурким, ул кишини топиб, дафъ қилғай. Бу сўздин Ардашернинг дағдағасн кўпрак бўлуб, ҳам анинг ўқ тавиласидин эътимоди отлар қушлаб қочти. Ва канизак ҳам анинг била муттафиқ эрди. Чун Ардашер Истахр шаҳрига етти, атосининг атбоидин баъзи анга йиғилдилар. Кўп эл маълум қилиб, анга муттафиқ бўлуб, Ардувоннинг ўғлиға хуруж қилиб, ани орадин кўтардилар. Ва Ардувон эшитиб, ўзи анинг дафъин қилмоқдин ўзга чора топмай, сипоҳ тортиб келиб, Ардашер била урушуб, босилди ва қатдға етти. Ва қолған мулуки тавойифни ҳам мақхур қилиб, мамолик фатҳиға юз қўйди. Ва Ардувон қизини никоҳиға киюрди. Ва

Ардувоннинг тўрт ўтли бор эрди. Икиси талаф бўлуб, икниси қочиб Ҳиндистонга бордилар ва анда ҳар навъ бўлса, ўткарур эрдилар. Сингиллари била хабарлашиб, анга захр йибордиларким, Ардашерга бериб ҳалок қилғай. Шояд бу васила била мулк аларга тушқай. Ардашер бир кун овдин келиб, шарбат тилагач, ул қиз шарбатни захролуд қилиб, муҳайе асраб эрди, филҳол тутаберди. Ардашер давлат раҳнамуни амри била шарбатни олурда тааммул зоҳир қилди эрса, шарбат бергувчи мутағаййир бўлуб, ялки титраб, шарбатдин ёрими тўкулди. Ардашер батоят хирадманд эрди. Қолғанига нон тўғраб, итка берди зрса, ҳалок бўлди. Тафаҳхус қилғоч, ул иш кайфияти маълум бўлди ва қизни вазирга топшуруб, бу-юрдиким, ҳалок қилғай. Вазир оқибатандиш киши эрди, ўлтурурда қиз айттиким, подшоҳдин ҳомиламен. Ани асраб, ўзин ҳасий қилиб, бир неча кун иложидин сўнгра кескин узвни бир ҳуққага солиб, муҳр қилиб, Ардашер ҳузурида хозинга топширдиким, мен бу амонатни тиласам бергайсен. Бу ҳолдин оз вақт ўткач, ҳомила ўғул туғулди ва вазир анга Шоҳпур от қўйди. Ва ихтимом била тарбият қилур эрди, то ўн ёшига ет-канда, хусну жамол ва рушду камолда нодир бўлуб эрди. Бир кун вазир Ардашер қошига кириб, ани бағоят малул топти, жиҳатин сўрди. Чун Ардашернинг ўғли йўқ эрди, дедиким, нечук малолат бўлмағайким, олам мулкин олдим ва умр охирга етти, заруратан ўлмак керак ва мулкни ёт кишига қўюб бормоқ керак. Вазир айтти: подшоҳ ғам емасунким, андоқ ўғли бор ким, маълум эмаски, ҳеч подшоҳда бўлмиш бўлғай. Ардашер ҳайрат қилиб, кайфиятни яхши маълум қилди эрса, вазир амонат ҳуққани тилаб, ул розни ошкоро қилдиким, мен бу куннинг фикрин қилиб эрдим. Ҳомилани ўлтурмай, тухмат дафъи учун ўзумга бу ҳолли раво кўрдум. Ва подшоҳзода туғди ва ўн яшадур ва оти Шоҳпур қўюлубдур. Ардашер шодмон бўлуб буюрдиким, ани анинг ёши атфол била ясаб, анинг ҳошига келтурдилар. Бир-бир ўткариб, ул еткач, ота-иғ меҳри ҳаракатқа келиб, ани қўйнига олиб ўпуб, Тенгри таолоға шукрлар қилиб, онасини ҳарамга йиборди. Вазирга кўп иноятлар қилди. Ва анинг оти Шопурга

қарор топти, ўз валиаҳди қилди. Ва анинг осоридин Форсда Аруси кўраси дерларким, анинг шарҳи узундур. Таворихда бор, билай деган киши ўқуб билгай. Яна Ардашерки, ани Гавошер дерлар, Кирмонда ва Аҳвон ва Хузистонда ва Мўсул, Жазирадин, хиттайи Баҳраиндин. Ва подшоҳлиғи муддати ўтуз йил эрди ва ўн тўрт йил ҳукми олам мамоликига нофиз бўлди. Ажал еткоч, жаҳон анга ҳам ўзга жаҳондорларга қилғонни қилди.

Шеър:

Жаҳон мулкини олди чун Ардашер,
Тавоноу доно шаҳ эрди далер.
Уларда не нафъ этти донолиғи,
Не дафъ айлай олди тавонолиғи.

ШОПУР БИННИ АРДАШЕР. Чун атоси ўрнида тахтқа ўлтурди, ато расм ва қонунин тағйир бермади ва ул тайин қилған элни вилоятлардин ва маносибдин азл қилмади. Ва оқил ва одил подшоҳ эрди. Ва анга арз қилдиларким, Қустантанияда Рум қайсари ўз ҳаддидин тажовуз қилибдур. Шопур Насибин шахрин муҳосара била олди ва қайсарнинг хазойинини тасарруф қилди. Қайсар ўз ҳаддини билиб, шафиълар восита қилиб, хирож қабул қилди. Шопур фатҳ ва нусрат била қайтти. Ва анинг осоридин Хуросонда Нишопурдурким, ани Таҳмурас бунёд қилиб эрди, туганмасдин бурун юз бузуғлуққа қўйди. Аммо Шопур ани янги боштин шатранж бисоти вазъи била ободон қилди. Ва айтурларким, акосира бу ихтироъни қилиб эрдиларким, шахрлар бнно қилсалар, жониворлар шакли била тарҳ қилурлар эрди. Андоқким, Савсанни йилон шакли била ва Суштарни от шакли била. Яна ул ясаған ерлардин бири Жандшопур, Хузистонда Шодшопурдур. Қазвин ё Сийстонда Моний мусаввири зиндиқ анинг замонида пайдо бўлди. Ва подшоҳлиғи ўтуз йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Шопур бўлди жаҳон хусрави,

Адолатда бўлди ато пайрави.
Вале охирул-амр чархи дижам,
Ани ҳам отасидек этти адам.

ҲУРМУЗ БИННИ ШОПУР. Ани Ҳурмузи қатиъ дедилар. Бу жиҳатдинким, отаси Шопур ани Хуросон вилоятининг аёлатиға йибориб эрди ва Шопур жоҳдўст ва бадгумон киши зрди. Ҳурмуз Хуросонни тузди ва азим черик йиғиб, мустаид қилди. Ҳосидлар Шопурға ёмон кўргуздилар. Шопур анинг бошида истиқлол хиёл қилиб, ёмон элтиб келуриға ҳукм қилди. Ҳурмуз фаҳм қилдиким, қасд қилғусидур, бир иликни кесиб, Шопур хидматиға йиборди. Ва ул замонда расм эрдиким, ноқис кишини подшоҳ қилмаслар эрди. Шопур анинг бегуноҳлигин билиб, тоинларин мақхур қилиб, кўнгли анинг учун бузулуб, ани валиаҳд қилди. Ва ул Моний мусавирни ва атбоин ҳужжат била такфир қилиб, жазолариға еткурди. Анинг осори Хузистонда Ром Ҳурмуз ва Бағдод навоҳийсида дастгирдур. Ва салтанати замонида ихтилоф бор. Баъзи ики баъзиё уч, баъзи ўтуз йил дебдурлар.

Ш е ъ р:
Чу Ҳурмузни бахт этти маснаднишин,
Адолат била тузди олам ишин.
Агарчи қўлин қисқа қилди билик,
Фалак қилмади қисқа андин илик.

БАҲРОМ БИННИ ҲУРМУЗ атоси Ҳурмуз васиятиг била подшоҳ бўлди ва Моюш наққошнинг, миллатиким, зиндиқа эрди, анинг замонида шойиё бўлди. Ва кўп халойиқ анга фирифта бўлди дар ва анинг диниға кирдилар. Атбои қолин ва бу Баҳром худопараст эрди ва хирадманд подшоҳ эрди. Тиладиким, Монийнинг миллатин дафъ қилғай. Аввал ани умидворлиғлар била мусоҳиб ва мулозим қилди ва атбоин ўзидин ваҳмсиз қилди, то барча зоҳир бўлдилар. Андин сўнгра уламони йиғиб, анинг била баҳсқа солди ва уламо ани якнафар қилиб, куфрни анга

собит қилдилар. Бу ҳужжат била Монийнинг терисин сўйдуруб, сомон тиктирди ва атбоин қатл қилди. Баъзи дебдурларки, Моний элга бу сўз бирла фириб берур эрдик, руҳ инсон баданида зиндондадур ва анинг ери ўзга оламдур. Руҳқа тасниф ҳосил қилмоқ керак ва ботроқ бу зиндондин халос этмак керакки, туфроқ кудуратидин халос бўлуб, ўз мақомиға еткай. Чун Баҳром ани тилади, де-диким, айтур сўзларингни айт. Моний бу сўзларни айтги. Баҳром дедиким, чун сенинг руҳунг бадан зиндонидадур, азоб била биз сенинг ўқ қавлунг била амал қилиб, руҳунгни азобдин қутқорурбиз деб буюрдиким, ани қатл қилдилар. Ва Баҳромнинг замони ва муддати уч йил ва уч ой эрди.

Ш е ъ р:

Чу Баҳром даври замони эди,
Замонида машҳури Моний эди.
Ани дағи нобуд қилди фалак,
Бу бирнинг дағи нақшини қилди ҳақ.

БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ. Ани салаф деялар. Такаллуфи кўп эрди ва такаббури ва таҳайюри беҳад. Оз саҳвға кўп итоб қилур эрди, жузвий гунаҳға номақдур сиёсат кўргузур эрди. Халойиқ анинг бадхўйлуғидин ожиз бўлуб, муъбадлар ва ҳакимларға истиғоса кўргузуб, истионат қилдилар. Алар тааммуллар қилиб мунга қарор бердиларким, тонгла сабоҳдин ҳеч кишин анга ёвумағанлар. Тонгласи жамиъ улус бу ишни қилдилар. Ҳар кишини тилади, топмади. Эл ожиз бўлғондек ул дағи ожиз ва мутаҳаййир қолди. Муъбадлар келиб, насихат қилдиларким, подшоҳ улус ва эл била подшоҳдур. Эл бўлмаса, салтанат мумкин эмас. Сен элни мизожинг тундлуғидин ўзунгдин рамида қилдинг. Ложарам сендин йироқлик тиладилар.

Баҳром алардин таахҳуд қилдиким, мен мутанаббих бўлдум, келсунлар. Истидъо қилиб муъбадлар яна элни анинг қошиға келтурдилар. Ва ул тундхўйлуғни тарк қилиб, адолат ва муросо ва афв пеша қилди. Ва салтанатининг замони йигирми йил эрди.

Ш е ъ р:

Неча эрди Баҳром, Баҳроми тез,
Иши чарх Баҳроми янглиғ ситез.
Етиб вақт тушти ажал домиға,
Борур баҳс афлок баҳромиға.

БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ БИННИ БАҲРОМ. Ато ва абука отин анга қўйдилар ва лекин ани Шаҳаншоҳ дедилар. Бу лақаб била шуҳрат тутти ва аввал кишиким, бу лақаб топти ул эрди. Шаъни аржуманд ва ахлоқи дилписанд подшоҳ эрди, ахлоқи элга марғуб ва атвори улусқа матлуб. Зулм биносин бузди ва адл асосин тузди. Аммо даврони умридек бевафо эрди ва умри давронидек бебақо. Ва ул тўрт ой мулк сурди ва борур мулкни ўзгаларга топшурди.

Ш е ъ р:

Шаҳаншоҳ чун сурди оламға рахш,
Қуёшдек эдию, даҳр уза нурбахш.
Неча меҳрдек топти авжи камол,
Фалак давридин топти охир завол.

НАРСИ БИННИ БАҲРОМ. Атоси ўрнида салтанат тахтига ўлтурди ва ул дағи атосидек комкор ва олий миқдор ва хирадманд ва ҳушёр подшоҳ эрди. Кўп кишвар ва мулк олди ва охир риҳлат кўсин чалди. Ва мулкининг муддати тўқуз йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Нарси бўлуб мулк ила комжўй,
Ато тахтида бўлди оромжўй.
Не қўйдн фалак ҳам анинг комини,
Не аждоди тахтида оромини.

ҲУРМУЗ БИННИ НАРСИ. Ул бағоят мутажаббир ва

мутаваҳҳим киши эрди. Салтанатидин бурун бу сифотин эл билиб, андин харосон эдилар. Эмдиким, мулк олиб, ато ўрнига подшоҳ бўлди, халойиқ мутаваҳҳим бўлдилар. Ва ул бовужуди бу навъ маош ўз атвориға бағоят муътақид эрди. Бир кун ғоят худписандлиғидин бир ҳақимдин сўрдиким, манинг афъол ва сифотимға не нима керакликдур? Ғарази буқим, ул таҳсинлар қилғайқим, ҳеч нима кераклик эрмас. Ҳақим мундоқ жавоб бердиким, халойиққа ҳоқим ва соҳиби ихтиёр бўлғондек ўз нафсингға ҳам ҳоқим ва соҳиби ихтиёр бўлмоқ санга керакликдур. Ул бу сўздин, чун зоти жавҳари бор эрди, ғафлат уйқусидин сескониб, ўз қилиғи теграсига уюрулуб, мустаҳсан атвор тутуб, марзи ахлоқ пеша қилди. Чун вафот қилди, ўғли йўқ эрди, аммо ҳарами ҳомила эрди. Тожни анинг боши устида осиб, анга подшоҳлик буюрурлар эрди, то Шопур туғди. Ва Ҳурмузнинг замони ети йил ё тўқуз йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Ҳурмузға тушти бу даҳри дани,

Неча вақт ҳам қилди мағрур ани.

Ва лекин ажал айлагач турктоз,

Не қолди ғурур ул замон не ниёз.

ШОПУРИ ЗУЛ АҚТОФ Хирадманд подшоҳ эрди, аммо қоҳир эрди. Баъзи ани дебдурларқим, она қорнида қолди ва туғқунча тожни онаси боши устидин осарлар эрди. Аввал кишиқим, туфулиятда яхши рой хо-тириға келди ул эрди. Ва анинг шарҳи будурқим, олти ёшида Шаҳрди деган вазири анинг қошида эдиким, шом вақтида нақора уни келди. Шопур вазирдин сўрдиким, не нақорадур? Ул дедиким, жамоатики дарёдин кўпрук била нори юзга ўтубдурлар, чун кўпрук бирдур, аларни қайтарурға ҳар кечқурун хабар қилур учун нақора қоқарларқим, кечрак қолсалар кўпрук устига ғавғо бўлуб, сувға йиқилур имкони бор. Шопур айттиқим, яна бир кўпрук дағи ясасунлар, то эл фароғат била ўтгайлар. Ва ани ҳукми била кўпрук ясадилар.

Анинг туфулият замонида мулкда араб истилосидин кўп шўриш пайдо бўлуб, ғассонийлардин подшоҳики оти Тойир эрди, Тайқунниким, Сосон тахтгоҳи эрди, чошиб, Хурмузнинг эгачисини тутубким, Шопурға хола бўлғай, асир қилиб, никоҳиға киюруб, мулкни бузуб қайтди. Ва Тойирға Пушардин бир қиз бўлдиким, назокат ва жамолда назири йўқ эрди. Отин Малика қўйдилар. Шопур йигит бўлғондин сўнгра черик тортиб, Тойир устига бориб, Тойир қўрғонини беркитти. Ва ул муҳосара қилиб, Малика ичкаридин Шопур била муттафиқ бўлуб, қўрғонни Шопурға берди ва Шопур Тойирни ўлтуруб, Маликани қулди. Дебдурларким, бир кеча Шопур тушакнда Малика нола қилиб, уй олмас эрди. Яхши эҳтиёт қилдилар. Бир муруд барги тўшак остида қолғон жиҳатдин эрмиш. Шопур сўрдиким, сени не навъ тарбият қилибдурларким, мунча нозук бўлубсен? Малика айттиким, отам манга ғизо сўнграк мағзидин ўзгаким наботни ун қилиб, анга сепмиш бўлғайлар бердурмас эрди. Шопур дедиким, андоқ парвариш берган отаға не вафо қилдингким, манга қилғайсен, деб ани сиёсат қилди ва бу бузуғлуқ қилғон аъроб қасдиға буюрди ва кўп таъзият била ўлтуртур эрди. Машхур мундоқдурким, эгинларин ёриб, бағринларин сўктуруб тошлатур эрди, алар бу азоб била ўларлар эрди. Бу жиҳатдин ани зул-актоф дедилар.

Ва Расул саллаллоху алайҳи васалламнинг аждодидин Молик бинни Насрким, аъробнинг бузургвори эрди, анинг замонида эрди. Андин сўрдиким, арабқа мунча таъзиб ва қатлнинг жиҳати недур? Шопур айт-тиким, манга мунажжимлар хабар берибдурларким, Муҳаммад отлиғ пайғамбари саллалолху алайҳи васаллам бу қавмдин пайдо бўлуб, тахтни менинг авлодимдин олиб, аларни тугатқусидур. Бу жиҳатдин аввалдин интиқом тортадурмен. Молик айтти: аввалан қойдинким мунажжимлар чин айтмиш бўлғайлар, икинчи улким, бар тақдирким сўзлари чин бўлса, сен бу бедодни бу қавмға қилмағонинг яхшироқким, агар ул соҳиби давлат пайдо бўлса, сенинг бу афъолингдин истимоъ қилса, авлодингға кўпрак нуқсон еткургай. Бу сўздин

Шопур ул ишни тарк қилди. Раҳматан лилоламин. Демак, бу соҳиби давлат шаънидадурким, минг йилға яқин ўз валодатидин бурунроқ мазлумларни зolimлардин қутқарур. Хумоюн исми мазкур бўлгон била сойир нос ўлумдин ва подшоҳни гунаҳсиз ўлтурмақдин ва шақоватдин озод қилур, саллаллоҳу алайи ва ало олиҳи ва авлодиҳи ва асҳобиҳи ва саллам. Алқисса Шопурға Гуштасб қилған хатодек хатойи воқеъ бўлдиким, мусофарат тариқи била Румға борди. Ва сўз мухтасар, ани Румда танидилар ва қайсар ани тутуб ялангочлаб, ўй хомиға тикиб, маҳбус қилиб, сипоҳ тортиб юруб, анинг мулкин олиб, кўп бузуғлуқ қалди. Шопурни асрар кишининг қизи ошиқ бўлуб, ул ҳибсдин қутқариб, иков қочиб, Қазвинға келдилар. Соҳиби «Гузида» ким, Қазвинлиқдур, мундоқ дебдур-ким, Қазвинда бир боғқа кирдиким, бир зоҳид кишининг эрдиким, ҳоло ул ерни Шопурон дерларким. Шопур иморат қилибдур. Андоғи элдин таҳқиқ қалди. Дедиларким, Шопурнинг вазири Рудбордадур ва сипаҳсолори Шаҳриёрда. Ва ўзга барча ерни қайсар олди. Шопур ёшурун кишилар йибориб, ул иковни тилаб, яна черик тортиб, қайсар била масоф қилиб, қайсарни тутти ва ҳар хароблиқким анинг мулкида қилиб эрди, буюрдиким, ободон қилғай. Аммо устод ва муздур Румдин келтургай. Ва ул саранжом қилди. Ва дебдурларким, бурнин тешиб, ип тақиб, ики қулоғин кесиб югуртти. Ва бу хоксор баъзи таворихда кўрубменким, қайсар Шопурни ўзи била кетуруб, Бағдодни Шопурнинг кишилари муҳосара қилиб эрдилар. Ва Бағдод ҳавоси бағоят исиг бўлур. Анда ўй хомиға еткуруб, кунасга солди. Ва бир кун азим жашн қилиб эрдиким, мажмуъ эли усурук эрди. Чун мамоликни таламоқ шойиъ эрди. Шопурни асрар кишиларнинг эли баъзи эшаклик фақирларни талаб келтуруб эрди-лар ва юклар ёғ эрди. Асирлардин бири Шопур ҳолидин воқиф бўлуб, ул ёғлардин қуруғон хомға қуюб, хом юмшағондин сўнгра ани халос қилди. Ва ул ўзини шаҳриға солиб, сипоҳ ясаб, филҳол чиқиб, қайсарни ва борча элни маст дастгир қилди ва юқориғи ўткан ишларни андин сўнгра қилди, валлоҳу аълам. Ва баъзи Моний мусаввирни бу

Шопур замонида дебдурлар. Ва пайғамбарлиғи даъвисиди муъжизаси паргорсиз доира ва қалам жадвалсиз мустақим хат изҳор қилибдур. Ва бу ҳамким, бир юмurtқача куррада олам суратин тортиб ва жамиъ ақолим ва билод ва жибол ва биҳорни машруҳ ясаб, кентлар ва рудхоналарғача кўргузуб эрдиким, Шопур хужжат била ани сиёсат қилиб, мардуд миллатин дафъ қилди. Анинг осоридин Қазвиннинг шахристонидур ва Мадойин шах-рининг таждиди ва Шустарда Шодрувон ва Фируз Шопур ва Сийстонда баъзи ер ва Хиндустонда неча шахр. Ва салтанатининг муддати етмиш йил эрди ва баъзи етмиш ики дебдурлар.

Ш е ь р:

Чу Шопур олиб қоф то қофни,
Чиқорур эди беҳад актофин.
Чиқорди ани гардиши мухталиф,
Анингдекки, ул эл танидин катиф.

АРДАШЕР БИННИ ХУРМУЗ Шопур Зул-актофнинг иниси эрди. Вафот қилурда чун Шопур ўғли кичик эрди, салтанатни инисига бердиким, ўғли улғайса, анга бергай. «Гузида»да мундоқ битибдурким, Ардашер бағоят хирадманд ва доно киши эрди. Орияти давлатқа кўнгул боғламай, эл била баски яхшилиқ қилди, анга Некукор лақаб қўйдилар. Чун Шопур ўғ-ли улғайди, мулкни анга мусаллам тутуб, ўзи орадин чиқти. Салтанати замони ўн йил эрди. Аммо Банокатий мунинг акси битибдурким, ул бағоят золим ва жобир эрди. Эл анинг бедодидин батанг келиб, иттифоқ била ани салтанатдин халъ қилиб, мулкни Шопурға бердилар. Валлоху аълам.

Ш е ь р:

Чу Шопур ўтуб, Ардашер олди мулк,
Басе биму умид аро қолди мулк.
Неким олам аҳлиға қилди писанд,
Анга они еткурди чархи баланд.

ШОПУР БИННИ ШОПУР чун тахтқа ўлтурди, бағоят атвори, хусн ва ахлоқи мустаҳсан подшоҳ эрди-Ғоят яхшилиғидин Рум подшоҳини ўзига мутиъ қилиб эрди, аидоқки қайсар вафоти чоғида, чун ўғли кичик эрди, Шопурға киши йибориб, истидъо қилдиким, мен қарибмен, дағи умрумға эътимодим йўқтур ва ўғлум: кичикдур, бир кишигаким, сенинг эътимодинг бор, йиборким, Румда салтанат қилсун. Уғлум улғайса, мулк-ни анга топшурғай. Шопур Шервинни йиборди. Қайсар вафот қилғач, Шервин Румда ҳукумат қилди. Чун мулк вориси улғайди, Шервин такалуф қилмай, мулкни анга топшурди. Бу иш агар воқеъ эрса, ғаройибдиндурур. Ва Шервинни қайсар қўймади Румдин борғали. Баҳром Гўр замониғача Румда эрди ва Шопур чодир ичинда эрдиким, қоттиқ ел қўпуб, чодирни анинг бошиға йиқти ва сутун бошиға тегиб, ҳалок бўлди. Ва салтанати беш йил ва бир нима эрди.

Ш е ъ р:

Чу Шопури Шопур тузди бисот,
Жаҳон мулкида зоҳир айлаб нишот.
Сутун бошиға отиб, этти забун,
Ани дағи бу гунбади бесутун.

БАҲРОМ БИННИ ШОПУР атоси Шопур ўрниға тахтқа ўлтурди ва анинг сийратин баъзи муаррихлар яхши дебдурлар ва баъзи ёмон. Ва ани Қирмоншоҳ дерлар. Баъзи дебдурларким Кирмон шахрин ул бино қилди. Баъзи дебдурларким, атоси замонида Кирмонда ҳукумат қилғон жиҳатдин анинг сифотида улча эл писанд қилмайдурларким, гуноҳкорни ҳеч кимнинг шафоати била озод қилмас эрди. Ва анинг ўғли Баҳромни баъзи атоси ўрниға ондин сўнгра ўлтуруб, бир йил подшоҳлик қилди дебдурлар ва баъзи эътибор қилмайдурлар. Ва Банокатий дебдурким, анинг зулмидин эл анга ғавғо қилдилар ва ул ғавғода ҳалок бўлди. Ва салтанатини ўғлиға бердилар ва ул ўн ики йил

мулк сурди.

Шеър:

Жаҳон мулки чун қолди Баҳромға,
Халойиқ иши тушти нокомға.
Ани дағи гардуни не ваҳму бок,
Чекиб кому ноком қилди ҳалок.

ЯЗДИЖИРД БИННИ БАҲРОМ чун мамлакат эгаси бўлди, гўёки мулк эгасиз қолдиким, ул золим ва нодон киши эрди. Ардашер Бобокондин бири сосонийнажод салотиндин халойиққа ҳарнеча шафқат ва адолат ет-ти. Ул барчанинг эвази таадди ва бедод еткурди ва мамоликка ҳарнеча маъмурлуқ ва ороналиқ юзланди, ул барчанинг подоши ва бузуғлуқ ва паришонлиқни ҳаддин ошурди. Секиз йилдин сўнгра анга бир ўғул бўлди. Отин Баҳром қўйди. Ва Нуъмон бинни Мунзарки, араб подшоҳи эрди, анга топшурдиким, Ҳияра шаҳридаким, Куфага яқиндур ва ҳавоси дилкушой ва фазоси руҳафзой ердур, анга парвариш бериб, тарбият қилғай. Ва Яздигирдни Тус вилоятидағи Чашман сабз навоҳийсида от йиқиб ўлтурди. Баъзи сув оти дебдурлар, баъзи дебдурларким, фаришта от сурати била келиб, ани эл бошидин во қилди. Баъзи дебдурларки, дев эрди. Бори воқеи от ҳам бўлса, ҳамул девдур. Ҳар тақдир билан бир отеким, тундлуғидин киши ёвий олмади. Ул нодонлиғидин ани тутти ва ўзи эгарлади ва қўшқун солурда, тепиб охир қилди. Ва анинг ийзо ва азоби элга йигирми йилға тортти.

Шеър:

Макон тутти чун тахт узра Яздигирд,
Тааддию зулм айлади элга вирд.
Неча кун сақолиғаким, кулди чарх,
Ажал илкидин барчасин юлди чарх.

БАҲРОМ БИННИ ЯЗДИЖИРД чун атосидин сўнгра салтанат

тахтиға ўлтурди, отаси бузғонларни тузди ва онинг зулми ўрниға адолат кўргузди. Ва ани Баҳром Гўр дедилар. Муниг жиҳатин баъзи дедиларким, тўрни шер сайд қилғанда, анинг ўқи икисидин ўтуб, ерга тегди. Баъзи дебдурларким, гўр овиға кўп мойил эрди. Чун Яздигирд ўлди, аркони давлатиким, ондин зулм кўриб эрдилар, мулк анинг ўғлиға бермакка корих эрдилар. Ложарам, Ардашер наслидин Кисро отлиғ кишини тахтқа ўлтуртдилар. Ложарам, Баҳром чун муни эшитти, йигит бўлуб эрди, Нуъмон била отаси тахтиға мутаважжих бўлди. Эл отаси жафосини изҳор қилиб дедиларким, бизга ўзга киши ҳоло подшоҳ бўлубдур, сен ўз фикрингни қил! Баҳром аларға кўп истимолатлар бериб дедиким, мулк манга маврусийдур. Сиз агар Кисрони подшоҳ қилибсиз, айтмонким, филҳол ани азл қилинг. Ва лекин чун салтанатқа шижоатдин гузир йўқтур, кўрунгким, қойси биримиз сизга ҳодиса даст берса, дафъиға кўшиш қнла олурбиз. Подшоҳлиғ анинг бўлсун. Оқибат анга қарор топ-тиким, салтанат тожин ики оч арслон орасида қўйғайлар, ҳар киши олса, боши ул тож била ороста бўлғай. Чун бу маърака тузулди, Кисро тож таркин тутуб, бош саломатлиғин ғанимат билди. Аммо Баҳром арс-лонларни ҳалок қилиб, тожни бошиға қўюб, тахтға ултурди ва адолат бунёд қилди. Андоқким, халойиқ мураффаҳ ва рози ва мулк маъмур ва ободон бўлди. Чун кўнгли бу жонибдин тинди, айш ва нашотқа майл қилди. Ва ул бобда муболағани ҳаддин ошурди. Ва чоғирки, мудовамати мужиби ғафлат ва бепарволикдур, ани мулк ишидин фориғ қилди. Ҳар ойинаким, ҳар киши ҳар неким кўнгли тиласа қила бошлади, то мулкка равнақ ва сипоҳқа насақ қолмади. Бу ишдин хоқони турк воқиф бўлуб, черик тортиб Жайхундин ўтуб, анинг вилоятнға дахл қилди. Баҳром чун ғафлат уйқусидин уйғонди, мулкни вайрон ва душманни муставли ва сипоҳни паришон топти. Билдиким, масоф тузуб, иш қила олмас. Мулкни Нарсиғаким, иниси эрди, топшурди ва ўзи уч минг киши била Озарбайжон оташкадасиға борурмен деб элдин чиқти. Билмадиларким, қаён борди. Эл гумон қилдиларким, хоқондин қочди. Заруратан хоқонға пешкашлар била арзадошт қилиб,

киши йибордиларким, келсанг мулкни топшурурбиз деб. Хоқоннинг хотири жамъ бўлуб, таскин била мулк тасарруфиға машғул бўлди. Аммо Баҳром Озарбайжондин Гуржистон била Дашти Қифчоқдин чиқиб, Хоразм бостуруб, Журжон навоҳийсида хоқонға шабихун уруб, оз киши била уч юз минг черикин бузуб, хоқонни дастгир қилиб, ўз илки била бошин чопти. Ва бу бир иш эрдиким, андин бурун ҳеч подшоҳ қилмайдур эрди ва андин сўнгра дағи ҳеч кишига даст бермайдур эрди. Магарким, Абулғози Султон Хусайн Баҳодирхоқ халладаллоҳу мулкаҳуға муяссар бўлдиким, бу навъ иш қилди. Ва анинг мужмали будурким, ул ҳазрат Хуросон тахтин олғондаким, ҳануз мулк тўқтамайдур эрди, Ёдгор Муҳаммад Мирзоким, мулк вориси эрди азим черик била ул ҳазратнинг устига юруди. Ва баъзи кўтаҳандиш эл бевафолиғ қилиб, анга қочиб борғон жиҳатдин халойиқ баддил бўлуб, уруш яроғин топилмай, ул ҳазрат мулкни солиб, оз киши била қироққа тортти. Ва ғаним тахтни олиб, мулкка мутасарриф бўлуб, фароғат била беадад хайл ва сипоҳини мулк бузмоқға қўёберган чоғдаким халойиқ фиғон ва ғиреви ул ҳазратнинг қулоғиға етишти. Усру оз нафар била ул ғолиб адув устига келиб, мулкига кириб, тахтиға юз қўюб, қаср салтанатида ани тутуб, дафъ қилиб, халқни анинг бедодидин халос қилди. Ва бу фақирнинг хиёлиға андоқ келурким, ул саҳарким бу иш воқеъ бўлди, ҳарнечаким мулоҳаза қилилди, юз кишига етмас эрдиларким, ул воқеада ҳозир эрдилар. Иншо Оллоҳул-азизким, ўз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақире қатириға дегинча шарҳ қилилгай. Ва Баҳромнинг тахтни қўюб, мусофарат тариқи била Ҳиндистонға борғонин ҳам, чун ғаройиби умурдиндир, мужмалан баён қилоли. Андоқ дебдурларким, Баҳром тамошо ва тафарруж ва нашотқа мойил киши эрди ва худрой ва забардаст ва ўз тавонолиғиға эътимод қилиб, бул ажаб ишларга мутасадди бўлур эрди. Ва алардин бири будурким, Ҳиндистон мулкининг ажубасин эшитиб, тафарружин ҳавас қилди. Ва мулкни Нарсиға топшуруб, ёшурун элдин чиқиб, Ҳиндистонға борди. Ва доим сайд била кун ўткарур эрди. Теграсидаги эл анинг ишидин мутаҳаййир

бўлуб, фавж-фавж ани кўргали борурлар эрди ва шижоатиға хайрон қолурлар эрдиким, беша сабоини-мисли қоплон ва арслон ва сойир даррандалар кўп ўлтурур эрди. Бир бешадаки, йўл қироғинда бўлғай, бир азим филким, андин улуғроқ бўлаолмағай, қутуруб ё маст бўлуб, йўл бошиға келиб, элга зарар еткура бошлади. Андоқким, кўп эл ҳалак бўлуб, ул шориъ боғланди. Ва подшоҳ неча қотла қолин эл йибориб дафъ қила олмади. Ва Баҳромнинг хабарин подшоҳқа айттилар. Ани тилаб ажаб қолдиким, бағоят хўбсурат ва қавий ҳайкал эрди. Ул ишни анга зоҳир қилди эрса, қабул қилиб, ёлғуз бориб, ул пилни ўлтурди. Подшоҳ мулозамат истидъоси қилди. Ул ризо бериб, онсиз бир аёғ ичмас эрди. То улким подшоҳға азим ваҳме мутаважжих бўлуб. Рой ўзин анга ҳариф кўрмай фирор яроғин қилди, Баҳром оз сипоҳ била юруб, ул душманнинг дафъин қилди. Подшоҳ қизин Баҳромға бериб, мулкин ҳам анга атаб, валиаҳд қилмоқ бўлди. Баҳром ўзин ошкор қилдиким, не кишидур. Рой мутаваҳҳим бўлуб, билмадиким не қилғай. Баҳром ани ўзидин эмин қилиб, Диндистонни яна анга бериб, хирож тайин қилиб, Синд қирғоғидин Ажам сориғи вилоятларни олиб, Ройнинг қизи била ниҳоятсиз яроғ ясаб, мулкига келди. Ва тўрт минг уйлуқ созанда ва гўянда ва раққос ва аҳли тараб Ҳиндистондин кўчуруб олиб келдики, ҳоло бу мамоликда лўлилар алар наслидиндур. Ва Дилором жанги ва ети қаср ва хаварнақ ва сойир ҳолотин билан деган киши бу фақир «Хамса»сида «Сабъаи сайёр»да ўқуб, маълум қилсун. Ва Баҳромнинг подшоҳлиғи етмиш йил ва олтмиш уч йил ҳам дебдурлар.

Ш е ь р:

Чу шоҳ ўлди оламға Баҳром Гўр,
Жаҳонда маю аншдин солди шўр.
Ажал шарбат айшини шўр этиб,
Чиқарди жаҳондин ерин гўр этиб.

ЯЗДИЖИРД БИННИ БАҲРОМ. Атоси васияти била салтанат

тахтига ўлтурди. Ва ул подшоҳе эрди бағоят зеборўй ва хушхўй. Адолат ва озарм пеша қилди. Анинг замонида мамолик мураффаҳулҳол ва раоё фориғулбол бўлди. Ғоят юмшоғ сўзлугидин ани Яздигирди Нарм дедилар Ва салтанатининг муддатин соҳиби «Ғузида» бир йил битибдур ва Банокатий ўн йил битибдур ва Қози Байзовий ўн секиз йил ва беш ой битибдур ва «Ғомеъут-таворих»и Жалолийда ўн ети йил битилибдур. Ва аҳли тарих анинг замонида ихтилоф кўп қилибдурлар. Чун фойдаси йўқ эрди, тааррз қилилмади.

Ш е ъ р:

Яна Яздигирд бинни Баҳром эди

Ки оламға адлидин ором эди.

Агар хўйи юмшоғ эди гар ирик,

Фалак қўймади ани доғи тирик.

ҲУРМУЗ БИННИ ЯЗДИЖИРД. Яздигирднинг икис ўғли бор эрди: улуғи Фируз ва кичики Ҳурмуз. Аммо Яздигирд Фирузни Сийстон била Нимруз мулкига йибориб эрди ва ул мамоликни анга мусаллам тутуб эрди. Ва Ҳурмуз кичикроқ эрди, валиаҳд қилиб, тахтин анга мусаллам тутти. Фируз бу ғадрға таҳаммул қилмади. Ҳиётила подшоҳиға илтижо қилиб, анинг мадади била сипоҳ тортиб, Ҳурмуз бошиға келди ва масоф тузуб, ани асир қилди. Ва баъзи дерларким, ани тутуб, қатлға еткурди. Ва баъзи муаррихлар ани салотин ҳисобиға қотмайдурлар. Ул сабабдин подшоҳлиғи замониға таарруз қилмайдурлар, вал – илму индаллоҳи.

ФИРУЗ БИННИ ЯЗДИЖИРД мусулмон ва оқил ва кордон ва одил подшоҳ эрди. Адолат била мамоликни обод қилди ва риоят била раоёни хушнуд ва шод этти. Анинг салтанати замонида ети йил қаҳат воқеъ бўлди ва раоёдин хирожни соқит қилди. Бу ети йил ҳеч киши кишидин ҳеч нима тиламади ва кўпрак муҳтожларға хазинасидин важҳи маош муқаррар қилди. Анинг

адолати баракотидин ҳақ таоло изз шаън ети йилдин сўнграким ёмғур берди. Ул йилда онча маҳсул карам қилдиким, ети йиллик қаҳатнинг қусурин рост қилди. Анинг била Хушнавоз орасидаким, Ҳиётила мулкининг подшоҳи эрди, ғариб ва ривоят қилибдурлар. Аммо маҳолға яқинроқ учун битил-мади. Билаин деган киши мабсутроқ кутубда тилаб топар. Ва Фируз кўпрак мамоликни олғондин сўнгра Туркистон мулкига юруди. Ва Туркистон подшоҳи анинг бир манзилида азим чоҳлар қаздуруб, устин хас пўш қилиб эрди, ғофил анда етканда, кўп эли ул чоҳларға тушуб, ўзи дағи бир чоҳқа тушуб ҳалок бўлдилар. Ва анинг осоридин Фирузосордур Рай навоҳийсида ва Равшан Фируздур Журжонда ва Ром Фируздур-Ҳиндистонда ва Исфаҳоннинг янги шаҳридур ва Шод Фируздур Озарбайжонда ва Ком Фируздур Форсда ва Хўжандда бир девор тортибдур. Баъзи эллик йиғоч: дебдурлар, ики вилоятнинг фосили ва баъзи ортуқ ва ўксук ҳам дебдурлар. Ва салтанати замони йигирми олти йил эрди.

Ш е ъ р:

Чу Фируз бинни Яздигирд ўлди шоҳ,

Анга муфтахир эрди хайлу сипоҳ.

Анга дағи гардун жафо айлади,

Ажал чоҳиға мубтало айлади.

ЯЛОШ БИННИ ФИРУЗ чун салтанат тахтин олди Сухроким атоси замонида вазир ва мамлакат масоли ҳида мушир эрди, ани ҳамул вузарот мансабиға тайин қилди ва мулк ихтиёрин анга топшурди. Сухро, чун мусулмоншева ва хирадмандпеша киши эрди, мамоликни тузди ва улусни ғаний қилди. Ва Ялошнинг иниси Кубод Ялошдин қочиб, Хоқони туркка борди ва борурда йўлда Исфаройин шаҳриға етканда, бир деҳқон уйига тушти. Агарчи мизбони ани танимади, аммо чун бағоят важиҳ ва мутакаллим киши эрди, зиёфат қоидасини яхши маръий тутти ва билдиким, азимуш-шаъа кишидур. Деҳқоннинг соҳибжамол қизи бор эрди, кўруб хотири майл қилиб, никоҳ истпдъоси муяссар

бўлуб, андин ўтуб хоқонға борди. Ул қиз Қубодднн ҳомила бўлуб, вақти еткоч, ўғул туғурди ва отин Нўширавон қилдилар. Қубод тўрт йил хоқон қошида туруб, хоқон анга қалин черик бериб, ул черикни бошлаб Ялош устига борурда, Исфаройинға еткач, ўғли Нўширавон била кўзи ёруди. Ҳамул кун элчи Ялошнинг аркони давлатидин етиб, Қубодға Ялошнинг ўлгонин хабарин етқурди ва аин подшоҳлиққа тилаган арзадоштларни топшурди. Қубод фарзандининг мулоқотин шугун тутуб, хоқон черикин ҳам андин қайтариб, ҳарам била ўғлин олиб, Мадойинға етиб, подшоҳлиққа ўлтурди ва Сухрони вузаротдин азл қилмади. Ва Ялошнинг подшоҳлиғнинг замони беш йилдин жузвий ўксукдур. Ва Ироқда Ялошобод деган шаҳр анинг бино-сидурур.

Ш е ь р:

Ялош бинни Фируз офоқ аро,
Не беш йилки беш кун эди кадхудо.
Ва лекин ани дағи бу кунда пир
Ажал хайли илкига қилди асир.

ҚУБОД БИННИ ФИРУЗ. Подшоҳлиқ тожи била сарфароз бўлғондин сўнгра Сухрони ўқ вазир қилди. Аммо Сухро ўз ҳаддидин тажовуз қила бошлади. Ани дафъ қилиб, Шопур деганни вазир қилди. Баъзн деб-дурларким, Бузуржмеҳр ҳаким Сухронинг фарзандидур ва ул Қубод хидматида бўлур эрди. Ва Маздаки лаин Қубод замонида пайдо бўлуб, нубувват даъвоси ошкор қилди ва элни бир-бирининг моли ва аёлиға шарикликка рухсат берди. Бу жиҳатдин авбош ва арзол йиғилиб, ғавғо қилдилар. Ва анинг атбои кўп бўлди ва Қубодни дағи фириб ва фусун била ўз миллатиға киюрди. Ва муъжизаси «Ўт манинг била такаллум қилур», – демак эрди ва оташкада ёнида нақб уруб, бировни таъйин қилиб эрдиким, ўзи ўтқа на хитоб қилса эрди, ул киши Маздак ўргатган жавобни бийик ун била айтур эрди. Чун Қубод анинг миллатини қабул қилди, эл мол ва аёллари номаҳфузлуғидин ожиз бўлуб, иттифоқ қилиб, Қубодни тутуб

банд қилдилар. Ва Жомосбниким, анинг иниси эрди, подшоҳ қилдилар. Маздак қочиб Озарбайжонга борди. Ва Қубоднинг сингли ани ҳийла била қочурди. Ва ул Туркистонга бориб, баъзи Ҳиётила дебдурлар, ҳар тақдир била кўмак олиб, мулк устига юругач, билдиларким, Жомосб анинг била муқовамат қила олмас. Ани ҳам банд қилдилар ва Қубодга топшуруб, Қубодин яна тахтқа ўлтуртдилар. Ва анинг замоннда Яман мулкнининг мулукидин Шумур зулжаноҳ хуруж қилиб, анга юрудн. Ва ул анинг била муқоваматдин ўзни ожиз кўруб, ярашти ва қолни тухфа ва табаррук бериб, ўткарди ва Шумур зулжаноҳ Жаиҳундин ўтуб, Мовароуннаҳрни олди. Ва Қубоднинг осоридин Форсда Козирун ва Ироқда Ҳалвон ва Мўсулда Чоқут ва Табаристонда неча мавзуъни дебдурлар. Ва Авжон ва Шаҳриёри Монийнн ва дағи анга нисбат берурлар. Ва муаррихлар Жомосбни мулк аъдодида тутмайдурлар. Ва Қубод била қаисар орасида низоъ бўлди. Қубод Румга черик тортиб, музаффар ва мансур ёнди. Ва умрнинг охирида Нўширавонни ўз ўрнида ўлтуртуб, ўзи гўша тутти. Ва Қубод салтанатини баъзи олтмиш уч ва баъзи олтмиш тўрт йил дедлар.

Ш е ъ р:

Қубод ўлди чун мулк уза қаҳрамон,

Халойиққа андин эди баҳрамон.

Анга дағи чарх этти охир инод,

Будур иш Қубод ўлса ар Қайқубод.

НЎШИРАВОН УЛ-ОДИЛ БИННИ КУБОД чун салтанат тахтин мушарраф қилди ва хилофат тожин сарафроз этти, Ардашер Бобокон қоида ва русумин ихё қилди ва анинг васпятларин мутолаа қилиб, ул дастур била амал қилурга муртакиб бўлди. Аммо адолат ва шафқат қонунин андин дағи орттурди. Адл жўйборидин мулк боғинда фароғат ашжори шодоб бўлди ва инсоф тарбиятидин амният ашжоридин фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди. Анинг замонини жамиъ салотин

замониға таржиҳ қилса бўлур, невчунки, чун ҳазрат пайғамбари охираззамон салавотуллоҳи васалламаҳу алайҳ анинг фархунда замонида мутаваллид бўлди.

Ва ул ҳазрат бу ишка эътибор қўюб, ўз каломи муъжиз низомини мундоқ сўрубдурким, вулитду фи замони ас-султонул-одил Ануширвон. Дебдурларким, анинг даврида биров яна бировдин бир боғ сотқун олди. Ва ул боғда кироманд дафина топти. Боғнинг бурунғи эгасига айттиким, келиб боғингдағи топилған мадфунни олғилким, мен сендин боғ сотқун олибмен, йўқки, ўзга нима олғоним йўқ. Ул айттиким, мен сенга боғни ҳар не билаки анга дохилдур сотибмен. Баъзи дедиларким, бу хазина байтул-мвл дохилидур, подшоҳқа тааллуқ тутар. Ҳар тақдир била можаро Нў-ширавонға етишти. Нўширавон сўрдиким, ўғул-қизингиз борму? Ҳамоноки бор зрди буюрдиким, ул бирининг қизини ул бирининг ўғлиға бердилар. Ул дафинани ул ики янги кадхудо бўлғонларға мусаллам туттилар. Бир кун бир йўлда тушуб, кабоб буюрди. Туз йўқ эрди. Яқинроқ бир кент кўрунди. Биров бордиким туз кетургай. Нўширавон муболаға қилдиким, тузни сот-қун ол! Мажлис ҳуззори айттилар: бу тузға не миқдор баҳо бўлғанки, сотқун олғанлар? Дедиким, мунча бемиқдор нима учун подшоҳ нечук ёмон расм қўйғай, ёмон русум жузвий бўлса, ҳар киши бир нима орттуруб, ани куллий қилурлар. Бадномлик ани бунёд қилғанга борур. Дорулмулки Мадойин эрди. Кисро тоқин ул ясади ва адл занжирин ул ости. Ва Бузуржмеҳр ҳаким анинг вазири эрди. Анинг машварати била Маздакка истимолатлар бериб, иликка кшорди. Ва хусусиятлар зоҳир қилиб, атбоин мулозим қилди ва ҳужжат била анинг дини ботил эрканни анга собит қилди ва ани ва жамиъ атбоин тириклай чоҳларға сарнигуя кўмдурди. Ва ўзин ўз илки била ўлтурди ва олам юзин анинг нопок лошидин пок қилди. Ва антса бўлурки, борча адолати бир сори эрди ва бу бир сори эрди. Ва анинг замонида Рум қайсари анинг била муҳолифат изҳор қилди. Нўшйравон сипоҳ тортиб, Румни мусахар қилиб, қайсарни тутуб, хирож бўйниға қўюб, муқаррар қилнбким, ҳар нил бир қатла

анинг даргоҳиға келгай. Дағи миннат қўюб, қайтиб Чин мулкига хоқон устига юруди. Хоқон сулҳ жонибидйн кириб, Фарғонадин ерини Нўширавонға мусаллам тутуб, қизин анга бериб узотти. Ва Нўширавон ондин қайтиб Ҳиётила мулкин мусаххар қилиб, Ҳиндистон азимати қилди. Ройи ҳинд чун ўзин анга ҳариф кўрмади, тазарруъ ва тазаллум юзидин кишилар ораға солиб, ул дағи хирож қабул қилди. Ондин қайтқонда, анга арз қилдиларким, қифчоқ Дарбандға муставлий бўлуптур. Ул йўлга убуру қилиб, Қифчоқни мақхур қилиб, Дарбандни олиб, ободон қилиб, яхши кишилар тайин қилнб, андоқ мазбут қилдиким, ул ноҳиятдин хотири жамъ бўлуб, Мадойинға азм қилди. Ва Дарбанд навоҳийсидағи қифчоқ бузған кўрғонларни иморат қилиб, кишилар тайин қилди. Ва мамоликида йўлларни тузотиб, сувларға кўпруклар боғлаб, аҳли фасодни йўллардин билкулл дафъ қилдиким, мусофирлар фароғат била бориш-келиш қилғайлар. Ва Сайф зи Язан Ҳимярики, Яман подшоҳи эрди ва мулкин Масрук бинни Абраҳа олиб, ани Ямандин чиқариб эрди. Нўширавон даргоҳиға юз қўюб истимдод қилди ва тазаллум кўргузди. Ва Нўширавон имдод қилиб, дарё йўлидин Яманға нибориб, анинг кўмаги мадади била мулкин олди. Ва Абраҳа ул кишидурким, Маккани бузғоли азимат қилиб эрдиким, бори таоло тайри Абобилни йибориб, ани ва черикин ҳалок қилди. Ва «Алам тара кайфа» сураси, бизнинг пайғамбарғаким, хотимул-анбиёдур саллаллоху алайҳи васаллам, анинг шаънида нозил бўлди. Ва ул ҳазрат мутаваллид бўлғон кеча оташка-даларнинг ўтиким, неча минг йил ўчмаган эрди, ўчти ва Сова дарёси ерга сингди, андоқким сувгасари анда қолмади ва ўн ики кунгра кисро тоқидин йиқилди. Ва Кисро бу ишлардин мутаҳаййир бўлуб, Сатиҳ қоҳинни тилаб, андин бу аломат кайфиятни истфсор қилди эрса, ул айттиким, бу ишлар анга далолат қилурким, бу кеча Арабда Қурайш қабиласидин бир кишн мутаваллид бўлмиш бўлғайким, фурс мулуки давлати анинг замонида охир бўлған ва ул охир замон пайғамбари бўлғай. Нўширавон баъсати қачон бўлурини сўрди. Сатиҳ қоҳин деди: йнқилғон ўн икки кунгра

адади била сендин сўнгра ўн икки киши сенинг насабингдин салтанат қилғайлар. Андин сўнгра ул соҳиби давлат борчаға муставлий бўлғай ва миллати оламни тутқай. Ва андоқки ул айтиб эрди бўлди. Ва Нўширавон боргоҳида тўрт олтун курси дойим кўюлур эрди. Бирида Бузуржмеҳр ўлтурур эрди, бирида қайсари Рум ва бирида қифчоқ хони. Ва анинг сойир салотин учун васиятномаси борким, не дастур била салтанат қилғайларким, бу мухтасарда ул кунжойиш йўқтурким, борчасин битилғай, ики-уч калима била ихтисор қилилди. Ва ул булардурким, адл бир қўрғондурким, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузулмас. Ва адл ганжедурким, кўпрак олғон сайин, кўпрак бўлур ва озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур. Ва хирадманд улдурким, махфнй андоқ иш қилмағайким, ошкоро ани қила олмаған ва биров анбида андоқ сўз демағайким, юзига дей олмаған. Урушда душман оз деб ғофил бўлмамоқ керакким, кўп ўтунни оз ўт куйдурур. Тахтининг тўрт поясида тўрт сўз битилиб эрдиким, ҳаркимда подшоҳлиқ йўқ – комкорлиқ йўқ, ҳаркимда хотун нўқ – ғамгусорлиқ йўқ, ҳаркимда фарзанд йўқ – дўстдорлиқ йўқ, ҳаркимда булар ҳеч қойси йўқ – беморлиқ йўқ. Ва анинг осоридин Румия шаҳри дебдурларким, Мадойин ёнида Антокия тарҳи била ясади. Ва салтанати замонини баъзи қирқ йил ва баъаи қирқ ети йилу ети ой дебдурлар.

Шеър:

Ануширвон Хусравий додгар,
Ки обод эди адлидин баҳру бар.
Анга дағи даврон вафо қилмади,
Санга қилмағай, чун анга қилмади.

ҲУРМУЗ БИННИ АНУШИРВОН Атоси васияти била тахтқа ўлтурди. Баъзи ани золим ва жобир дебдурлар. Аммо баъзи адл ва инсофқа нисбат берибдурлар. Ҳар тақдир била сиёсати ғолиб ва интиқоми шадид киши эрди. Агарчи авваллар Ануширвон қавоид ва русумин маръий тутти, аммо оз гуноҳға кўп сиёсат қилур

жиҳатидин эл андин мутаваҳҳим бўлдилар ва мужиби танаффури бўлди. Чун элдин танаффури маълум қилди, ул жиҳатдинким, таъбида интиқом ва сиёсат сифати ғолиб эрди. Раоёға хирожни орттурди ва сипоҳиға жузвий жарима учун қатлни лозим тутти. Чун эл бир йўли навмид бўлдилар, атрофдин душманлар мулки тамаъиға юз қўйдилар. Румдин қайсар ва Арабдин Аббосул-аҳвол ва мағрибдан Умар Валадрақ ва Туркистондин хоқони Чин. Бурунғи учовни тухфа ва ҳадоеъ била истирзо қилиб қайтарди. Аммо хоқони Чин бошиға Баҳроми чўбинаким, Ажам мулукидин эрди, сипаҳсолор қилиб, Хуросонға йиборди. Баҳром хоқон била урушиб, хоқон ва ўғли Баҳром иликида қатлга еттилар. Хоқон черикидин Баҳромға ғанимат ва ўлжа ҳаддин тошқори тушуб эрди, баъзиниким, салотинға лойиқ бўлғай, Хурмуз хидматиға йиборди. Ва кўп таҳсин ва эҳсон тамаъ тутти. Хурмузға бадгўйлар мундоқ еткурдиларким, Баҳром асру кўп ғанимат олибдур, дағи санга оз нима йиборибдур. Хурмуз жиҳатсиз бадфъсъллиғи жиҳатидин ва мол ҳирсидин Баҳромнинг ишин писанд қилмай, машҳур мундоқдурким, анга бурунчак ва чарх нибордиким, қилған ишингга лойиқ булардур. Баҳроми чўбин мутагаййир бўлуб анга ёғиқди, дағи Парвиз отиға ва анинг навкарлигига ўзин мансуб қилди. Ғарази бу тадбир эрдиким, Хурмуз ўғлидин бадгумон бўлуб, ародин кўтаргай ва Баҳром осонлиғ била Хурмузни дафъ қилиб, подшоҳлиғини олган. Ва бу ройи мувофиқ тушти. Хурмуз Парвиз қасдиға машғул бўлиб, Парвиз ваҳмдин қочиб, Арман вилоятиға борди ва Ширинга ошиқ бўлди. Андоқки, шарҳи келгусидур. Иншо алло, чун Парвиз қочти, Баҳромға бормади. Хурмуз билдиким, Баҳром кайд қилнбдур ва ўғли гунаҳсиз эркандур, сипоҳ ясаб, Баҳром ўтрусиға йиборди. Баҳром анинг сипоҳин урушуб бости. Ва Хурмуз салтанати корхонаси мутазалзил бўлуб, чун аркони давлат андин норози эрдилар, тутуб кўзига мийл тортиб, Арманға киши йибориб, Парвизин келтўруб подшоҳ қилдилар. Ва анинг салтанати ўн бир йил ва бирор нима эрди.

Шеър:

Яна Ҳурмуз ўлди чу кишвар хидев,
Сийёсатлари солди элга ғирев.
Анга даги элдин етиб интиқом,
Адам кишвари сари қилди хиром.

БАҲРОМИ ЧУБИНА. Чун Ҳурмузни аркони давлати кўр қилдилар ва Хусрав ва Парвиз Армандин келиб, атоси тахтига ўлтурди, Баҳроми Чўбина анинг устига черик тортиб, ул даги сипоҳ ясаб, Баҳромга ўтру чиқти. Ва Наҳрагюндин ўтуб, бир-бирига яқинлаштилار. Парвиз кўрдиким, Баҳром била муқовамат қилур тоқати йўқтур. Ҳурмуздин истимдод қилиб рой тилади. Ҳурмуз битиб йибордиким, хазойин била ўғул ушоғингни берк кўрғонларга мазбут қилиб, Румга бориб, қайсардин мадад тила! Парвиз ул дегондек қилиб, Баҳром вилоятидин рўгардон бўлуб, қайсарга паноҳ элтти. Баҳром Парвизга қовгунчи йибориб, ўзи Мадойинга келиб, подиюҳликқа ўлтурди. Чун Парвиз қайсар имдоди била анинг устига келиб, ул дағи чиқиб урушти. Босилиб, хоқон хидматиға борди. Анда захр бериб Баҳромни охир қилдилар. Ва анинг салтанати ики инлу бир нима эрди. Ва баъзи тарихда ани мулук ададига кижурмайдурлар. Ва Шервон салотинини анинг наслидин дебдурлар ва анинг нажодини баъзи Каркини милодқа ва баъзи Яздижирд бинни Баҳромга еткурубдурлар.

Шеър:

Чу Баҳроми Чўбинни бахти баланд,
Жаҳон мулкида айлади аржуманд.
Вале они Парвиз тиндурмади,
Дам урмади то мулкдин сурмади.

ХУСРАВ ПАРВИЗ БИННИ ҲУРМУЗ ул вақтдаким Баҳромдин юз қайтарди, Бандуя била Бастом анга ҳам тағойи эрдилар, ҳам сипаҳсолор. Ва Ҳурмузнинг кўзига алар мийл тортиб эрдилар ва

Ҳурмуз интиқомидин эмин эмас эрдилар. Парвизға айттиларким, Ҳурмуз санга Рум азимати буюруб, Баҳромни бизинг интиқомимиз жиҳатидин тилаб мулкни бергусидур. Агар ани орадин кўтарсанг, хотир жамъ бўлур. Парвиз жавоб бермади. Алар анинг тек турғонидин ул ишга ризо фаҳм қилмоқ тухмати била Ҳурмузни ҳалок қилиб, оз киши била Парвизни Фирот суйидин ўтқориб, Рум азимати қилдилар. Йўлда бир дайрда тушуб эрдиларким, Баҳром сипоҳи пайдо бўлди. Бандуя Парвизни узотиб, ўзи анинг салтанат либосин кийиб қолди. Сипоҳ етқоч, эшикни боғлаб, дайр томиға чиқти. Ани ул либос била Парвиз гумон қилдилар. Дедиким: чун сизга гирифтор бўлдум бағоят кўфтадурмен. Бу кун дайр теграсида ўлтурдунг, тонгла мени олиб ёнинг. Чўн бу навъ илтимос қилди, ул сипоҳ қабул қилиб дайр теграсида туштилар. Тонгласи чун ани чиқардилар, қилғон тадбиридин воқиф бўлдилар. Чора йўқ эрди. Баҳром қошиға элттилар. Баҳром анинг табъаи кўп жиҳатидин ўлтура олмадилар. Чун Парвиз Румга етти, қайсар анинг камоҳий ҳолин билиб, яхши дилжўйлик қилиб, Марям отлиғ қнзин анга никоҳ қилди ва қолин мадад бериб узотти. Баҳром устига келиб, Баҳром андми босилиб, қочиб хоқон қошиға борди. Парвиз Мадонин тахтига ўлтуруб, кўп мамоликни ҳийтаи тасарруфига кюрди. Ва макнат ва шавкати бир ерга еттиким, андин бурунғи салотинга муяссар бўлмайдур эрди. Ва баъзи муаррихлар анга муяссар бўлғон нималарни ҳайрат тариқи била теъдод қилибдурлар. Ул жумладин бири бир тахтдурким, ани Тоқдис дерлар эрди, олтундинким, иртифои юз қариш эрди. Ва ани жавоҳир била мурассаъ қилиб эрдилар ва тўрт поясида афлок ва ажум ва ақолими сабъа суратин хўброқ важҳ била тортиб эрдиларким, ул анда ўлтуруб, салтанат қилур эрди. Яна бир тожким, вазни олтмиш ботмон эрди, олтундинким минг гавҳар била мукалал қилиб эрдиларким, ҳар бири чумчуқ юмуртқасича. Ва устида гавҳар шабчароғким, мулк хирожи эрди ва ул тожни олтун занжир била боши муҳозийсиға осар эрди. Яна бир фарш эди, дебодинким, вусъати бир жариб эрдиким, ани жавоҳир била

мурассаъ қилиб эрдилар. Ёшил дебо ва гуногун жавоҳир, сабза ва раёҳин ўрнига қабашким, бу нималар нўқтур. Бу фарш устида мажлис тузар эрди. Яна бир от эдиким, Шабдизға машҳур эрдиким, сойир отлардин тўрт қариш бийикрок эрдиким, ул ўлғондин сўнгра суратин орттуруб, анинг била хурсанд бўлур эрди. Яна бир Борбад отлиғ муғанний эрдиким, замонининг яғонаси эрди. Яна Шопур отлиғ наққош эрдиким, анинг назири ҳам ул замонда йўқ эрди. Яна Бузург Уммиддек. вазири бор эрдиким, асрининг аълами эрди. Яна минг қилода пили бор эрди ва анинг замонида пил Ҳиндистондин ўзга ерда болалади ва ул ҳам ғариб амр эрди. Ўн секиз минг от тавиласида парвариш топар эрдиким, тўрт минги ўзининг жанибати эрди. Ўн ики минг оқ теvasи бор эрдиким, туркий дерлар. Шодурвонида неча минг соҳибжамол канизак эрдиким, алардин неча юз муғанния эрдилар. Ганжи бодовард анга насиб бўлди. Ва ул минг кемада олтун ва кумуш ва жавоҳир ва нафойис эрдиким, Румдин неча минг йилда қаёсирадин қолғон эрдиким, биридин яна бирига дарё била элтурда ел ани Мадойинға келтурди ва ул тасарруф қилди ва ани ганжи бодовард дедилар. Отланғанда неча юз саққо муқаррар эрдиким, гард маҳалида йўлға сув сепар эрдилар. Ва неча юз ходим уд сўзлар била бухурот куйдуруб, ел тарафидин атрофида олиб юрурлар эрди. Ва Кисро тоқин дебдурларким, ёримчуқ эрди ул тугатти. Ва Шириндек маҳбуби бор эрдиким, оламда анингдек ҳусну латофат ва жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эрди. Ва фақир барча муаррихлар нақизи тарафидин ики сўз топибменким, анга даст бердиким, ҳеч кишига даст бермайдур, ўткон борчадин? куллийрақдур. Бири улким, агарчи Шириндек оламда нодираси бор эрди, вале Фарҳоддек ҳам олам ажубаси рақибим бор эрдиким, ишқ ва ниёз атрофидин бовужуди Хусравдек подшоҳ кўнгли Фарҳодқа майл қилиб, илтифот ва тараҳҳум зоҳир қилди. Ва ани билиб Хусрав рашқдин макр била Фарҳод қатлиға бонс бўлдиким, андин машҳурроқдурким, битмак ҳожат бўлғай. Яна бири ҳазрат Рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам биъсатиким анинг замонида воқеъ бўлдиким, бу ўткон барча

тажаммул ва макнатни бу давлатнинг минг улушидин бир улуши тутса бўлмаским, ул ҳазрат анга дин ва ислом даъватиға нома битиб киши йиборди. Ва ул бу музахрафот ғуруридин ул ҳазратнинг муборак номасин йиртти ва итоат қилмади. Ва ўз мулк ва давлатиға қасд қилди. Ва ҳазрат муъжизасидан мулкига завол дориб, Шеруяки анинг ўғли эрди маъмур бўлди. Мунгаким Фарҳоднинг бегунаҳ қатлиға атосини қасос қилди. Ва булар барча ижмол била ўтти. Умид улким, барча ўз маҳалида тафсил била дағи адо бўлғай. Иншо алло ва Хусрав Парвизнинг салтанати ўтуз йил эрди.

Шеър:

Чу Хусрав бўлуб мулук ила сарфароз,

Мулук ичра топти бу навъ имтиёз.

Вале чарх айлаб ситамсозлиқ,

Заволида ҳам берди дамсозлиқ.

ШЕРУЯ БИННИ ХУСРАВ. Шеруя атосини ўлтургондин сўнгра, подшоҳлиқ тахтиға ўлтурди. Ва атосининг ўлтургонининг шарҳи узундур. Аммо мужмали будурким, Хусравнинг ғоят тажаммули ва жоҳидин ул навъким юқори теъдод қилилди, димоғида ғурур ва феълида футур воқеъ бўлуб эрди ва сиёсат ва ғзаби элга ҳаддин ошиб эрди. Ул жумладин бири буким, мунажжимлар анга деб эрдиларким, сенинг заволинг ўз авлодининг илгида бўлғусидур. Бу ҳазаён жиҳатидин ўн ети ўғлинн бир ҳисорға солиб, маҳбус асраб, қўймас эрдиким, хотун киши алар қошида ёвуғай. Мунажжимлар айтқон амр сурат боғлағай, яна ўз улусидин, алуҳдату аъларрови, йигирми минг кишини зиндонға солиб эрдиким, булардин минг киши эътиборлуқ улуқ кишилар эрди. Бир черикда яхши юрумадингиз деб ва ҳар кун нечани буюруб эрдиким, ўлтурурлар эрди. Ва Мардоншоҳ отлиғ сипоҳсолориниким, неча мамлакатнинг сардори эрди, мунажжимлар дегон билаким, санга Зобилистон ҳокимидин ҳазарбор тилаб, гуноҳсиз ўлтуруридин ижтиноб қилиб, қўлин

кести ва сўнгра риоят қилай деди. Ул қабул қилмади ва қатл истидъоси қилди эрса, қатл буюрди. Бу жиҳатлардин халойиқ андин жониға етиб эрдилар, барча иттифоқ била Шсруя билаким Марямднн туғуб эрди, иттифоқ қилиб, ани подшоҳ кўтариб, Парвизни тутуб ҳабс қилдилар. Шеруяға айттиларким, ул мундоқ ношойист ишлар қилибдур, ани ўлтур, нўқса сени ўлтурур. Шеруя деди: хужжат билан ўлтурай. Қилғон ишларин айтиб йиборди. Ҳар қайсиға бир жавоб айтди. Эл ғавго килиб, йигирми минг маҳбусни чиқордилар. Шеруя кўрдиким, иш ўзга бўлди. Мардоншоҳ ўғлини йибордиким, Хусравни ўлтурди. Атосини ўлтургондин сўнгра анинг ҳам жнсмига азим ранж тори бўлуб, ети ойдин сўнгра ҳаёт ваднатин ажал мутақозийсига топшурди. Мулк ҳирсидин ўн ети оғо-инисини дағи ўлтурди. Мунча шақоватқа мутасаддий бўлгондин сўнгра булар натнжасидин Кисро Арелон бинни Кисро Қубод бинни Фируз бу ародадур.

Шеър:

Чу Шеруя дун баргашта бахт,
Бу янглиғ лақаблар била олди тахт.
Ҳануз айламай тахт узра мақом,
Буюрди фалак тахта сори хиром.

АРДАШЕР БИННИ ШЕРУЯ. Чун Шеруя вафот қилди ва жамиъ мулк тегар оғо-инисини ўлтуруб эрди, ҳеч кииш акосирадин топмаднларким подшоҳ қилғанлар. Шсруяпинг ети яшар ўғли бор эрди Ардашер отлиғ. Заруратдин ани подшоҳ қилдилар. Ва чук Ардашер кичик эрди, Мехрижисниким, Парвизнинг хонсолори эрди ва бағоят рой ва тадбирга мансуб эрди ва локнафас ва некандншликка машҳур. Иттифоқи била ани вазир қилдиларким, Ардашер улғайгунча мулк тадбирин қила тургай. Ва Рум сагрида Шаҳрирод деган Парвизнинг бир улуқ кишиси бор эрдиким, ҳар кулли иш бўлса, анинг била машварат қилмай бўлмас эрди. Ва Ардашерни подшоҳ қилғонлар анинг била машварат қилмай, ул ишни қилдилар. Ул бу ишдин мутағаййир бўлуб, Ардашерга

хуруж қилди. Ва черик тортиб келиб, ҳам Ардашер, ҳам Мехрижисни ўлтуруб, Мадойин тахтида тож бошига қўюб, подшоҳлиққа ўлтурди. Ва Ардашер бир йил ва олти ой подшоҳ эрди.

Шеър:

Яна Ардашер эрди тифле нажанд,
Ки бўлди мақоми сарири баланд.
Бнйнк тахтдин чархи беваҳму бок
Қуйн ташлаб, ул тифл бўлди ҳалок.

ШАҲРИРОД. Чун подшоҳлиқ тахтига ўлтурди, чун андин улугроқ ва тенгтўшлуқ эл бор эрдилар. Аларга анинг хидмати қотиқ келур эрди. Ва ор қилурларки, анга акосира қоидаси била мулозамат қилғайлар. Ва акосиранинг қоидаси бу эрдиким, сабоҳким элга бори ом берурлар эрди, халойиқ ер ўпуб, сажда қилурлар эрди. Аммо анга баъзи қилсалар эрди, баъзига бўюнёрлиғ бермас эрдиким, сажда қилганлар, Акосира отланур бўлсалар эрди, расм эрдиким, сипоҳ йироқтин ҳалқа уруб, отлиғ турарлар эрди. Бир кун Шаҳрирод отланганда бу расм маръин эмас эрди. Ул ошуфталиқ қилдиким, нега маъҳуд қоидаси била турмайдулар. Сипоҳ орасидин биров бир синон била бу ёниға урдиким, ул ёнидин ўтти. Ва пароканда захмлар била ани охир қилдилар ва асғига ип тақиб маҳаллотқа судрадиларким, тикмас киши салтанат хаёлин қилса, сазоси будур. Ва анинг салтанати қирқ кун эрди. Чун акосира наслидин киши топилмади, Парвизнинг Турондўхт отлиғ қизини подшоҳ кўтариб, тахтқа ўлтурттилар.

Шеър:

Чу ғасп айлади Шаҳрирод мулк,
Анинг нангидин бўлди барбод мулк.
Жазосин анинг фарз билди сипеҳр,
Ўз ўрниға бу ишни қилди сипеҳр.

ТУРОНДУХТ. Чун подшоҳлиғ тахтиға ором тутти, бағоят оқила эрди, билдиким, мулк анга ўзгалардек вафо қилмагусидур. Дод ва адл бунёд қилди ва халойиққа кўп умидворлиғлар берди. Узидин бурунғи жамиъ акосира замонидин қолғон шалтоқларни жамиъ раоёға бағишлаб, дафтарларни буюрдиким ювдилар ва яхши ойинлар ораға киюрди. Ва Парвиз замонида Румдин Жилсиё отлиғ бутларким, Мадойинға келтуруб эрди, румлуғлар тнлар эрдиларким ва акосира бермаслар, ани румийларга йиборди. Ва мусолиҳайи мулк маслаҳати учунким алардин элга осиб тегмагай, қайсар миннатдор бўлуб ярашти. Ва халойиқ андин баче мураффах ва масрур бўлдилар. Ва анинг замонида ҳазрат саййидул-мурсалин саллаллоху алайҳи васаллам фано тангнойидин бақо оламиға хиром қилдилар ва хнлофат Або Бакр Сиддпқ разий аллоху анхуға муқаррар бўлди. Ва Турондўхт Шахриродни ўлтургон кишиниким, Масруҳ Хуросоний дерлар эрди, тарбият қилиб, вузарот берди. Ва бир йилу тўрт ой подшоҳлиқ қилғондин сўнгра мулкка видоъ қилди. Ва Парвизнинг йироқроқ қаробатидин Жаштанд отлиғ бировни салтанат тахтиға ўлтурттилар. Ул бечора дағи бир ойғача хаёлиға салтанатдин кўп молихулиё йўл берди. Бир ойдин сўнгра оламдин ўтти.

Шеър:

Чу Турон сарир узра топти сукун,
Анга ҳам вафо қилмади чархи дун.
Ул этти вафо, чарх қилди ситам,
Анга йўқки ёлғуз яна бирга ҳам.

ОЗАРМДУХТ. Чун подшоҳлиққа ўлтурди, кишини вазир қўймади ва мулк ишин ўз тадбир ва ройи била ясамоқ муқаррар қилди. Ва ул Турондўхт сингли эрди ва акосира дудмонида андин соҳибжамолроқ тарамай-дур эрди. Ва Парвизнинг Фируз Ҳурмуз отлиғ сипоҳ-солори бир эрдиким, Хуросон мулкани анга бериб

эр-ди. Ва ул Рустам отлиғ ўғлин ўз хилофатиға – Хуросонға йибориб эрди ва Рустам бағоят баҳодир киши эрди. Ва бул Рустамдурким амирул-мўминин Умар разий аллоҳу анху Мадойинға Саъд Ваққоснн ислом черикин бошлатиб йиборганда, Язджирд бу Рустамни ўтру йиборибдурким, иншо алло ўз ерида келгай. Ва Фируз Хурмуз зуафоға машъуф киши эрди, Озармдўхт ҳавосида беихтиёр бўлуб, ҳарам жонибин риоят қилмай, шаҳват ва нафсониятқа мағлуб бўлуб, киши ораға солиб таашшуқ изҳор қилди. Озармдўхт кечаға ваъда бериб, ул мавъидқа етканда, буюрдиким ани ўлдуруб, бошин қаср эшигида остилар. Чун тонгласи халойиқ муни кўрдилар, чун улук киши эрди, мутағаййир бўлдилар. Кайфиятни маълум қилғоч, таскин топдилар ва Фируз Хурмузға таън қилдилар. Рустам эшитиб, Хуросондин сипоҳ тортиб Мадойинға келиб, Озармдўхт била масоф қилиб, ани тутуб ҳам атоси қилғон муддаони ҳосил қилди, ҳам қониға қасос қилди. Ва андин сўнгра салтанат қилурға киши топмадилар. Ва анинг салтанати замони олти ой эрди.

Ш е ъ р:

Чу Озармдўхт ўлди маснад нишин,
Бас ошуфта қилди яна мулк ишин.
Қатил ўлди ул дағи топмай даранг,
Вале келтуруб мулк ҳолиға нанг.

КИСРО МЕҲРИЖИС. Акосира мулки бу ерга етконда, паришонлиғ кўп юзланган учун, тарихи мазбут эмас. Муаррихлар ҳар навъ нима битибдурлар. Аммо Табарийда бу навъ мастурдурким, Кисро Меҳрижис Аҳвозда эрди. Ул Ардашер Бобак наслидин эрди. Акосира аркони давлати ани топиб келтуруб, тахтқа ўлтуртдилар. Ва ул бирнеча кун подшоҳ эрди ва лекин бу улук иш уҳдасидин чиқа олмади ва ожиз бўлди.

Ани дағи дафъ қилдилар. Чун мулк шоҳсиз бўла олмас, Насибин деган биров Хирод Хусрав отлиғ Парвиз отлиғ Хусрав ўғлонларидин топдиларки, Шеруя қардошларин қатл қилурда

қочиб эрди ва ёшунуб юрур эрди. Ани келтуруб, тахтқа ўлтурттилар. Ул дағи бошқара олмади. Ани дағи орадин кўтардилар ва руҳсат бердиларким, келган еринга бор. Чун Парвиз ўғли эрди, ўлтурмадилар. Ва яна кўп Нўширавон наслиднн Фируз Меҳрон отлиғ кишини топтиларким, аноси Маҳондўхт эрди. Аммо ул киши мажнунваш эрди. Чун тахтқа ўлтуруб, тож бошиға қўюб илайида турдилар, ул паришон сўз айта бошладиким, манга бу тахт ва тождин нанг ва ордур. Кўрдиларким, ул дағи бу иш қобили эрмас. Ани ҳам орадин сурдилар. Яна киши тилар эрдилар. Мағриб шаҳарларидин бирида Фаррухзодни топтилар ва тахтқа ўлтурттилар. Ва ани ҳам Парвиз авлодидин дебдурлар. Ва ул дағи олти ой салтанат қилғондин сўнгра қатлға келди. Андин сўнг мутаҳаййир бўлдилар. Ва ул вақтда Яздигирд бинни Шаҳриёр Истахрда эрди, атоси Шаҳриёр Парвиз ўғли эрди ва Шеруя оғо-инисини ўлтурурда, Ширин ани қочуруб эрди, ул жиҳатдинким ўзи асраб эрди ва ул ёшурун қочиб юрур эрди. Ва анднн бир ўғул бўлуб, отин Яздигирд қўюб эрди. Атосидин сўнгра ҳам Истахрда бўлур эрди. Ани топиб, таклиф била тахтқа ўлтурттилар. Ва анинг замонида Ажам мулки иши заиф ва мутазалзил бўлди ва ҳар ёндин душманлар истило топтилар, батахсис араб. Ва Яздигирд муддате саъй қилиб, илик-аёғ урди ва бўлдура олмади ва амирул-мўминин Умар разий аллоҳу анху черикига мулкин олдуруб, қочиб, мулк араб илкига тушти ва ислом ливоси сарафроз бўлуб, куфр алами нигунсор бўлди. Яздигирд қочиб Исфаҳонға бориб, андин Кирмонға кириб, анда ҳам тура олмай, Марвға борди ва кейинча қовғун келиб, ёлғуз бир тегирмонда ёшунди. Тегирмон иёси анинг от-тўниға кўз қорортиб, ани ўлтуруб жиҳотин ийалади. Яздигирднинг подшоҳлиғи йигирми йил эрди, вассалом.

МАСНАВИЙ

Агар Яздигирд ўлсун ар Шаҳриёр,

Вагар Баҳман ўлсун, гар Исфандиёр,
Ки қўйди вужуд уйига чун қадам,
Яна анга бўлмоқ керактур адам.
Скандардек олғон юруб баҳру бар,
Агар топса минг йил жаҳонда мақар,
Яна бўлса маъмури тўқуз сипеҳр,
Оти наъли бўлса ёруқ моҳу-меҳр,
Борурда чу қолмас булардин бири,
Таманносин айларга қилмас кири.
Бировгаки рўзи бўлуб шоҳлиқ,
Замириға солса ҳақ огоҳлиқ,
Ки билса жаҳонға вафо йўқтурур,
Жаҳон аҳлиға ҳам бақо йўқтурур.
Кўзига жаҳон ҳашматин илмаса,
Ҳақ амридин ўзга амал қилмаса,
Адолат учун истаса мулку жоҳ,
Ситам дафъ айларга чекса сипоҳ,
Ҳар ишким бўлур муддаоси анга,
Ғараз бўлса Тенгри ризоси анга.
Бўлуб салтанат тахтида фақржўй,
Шаҳ ўлса вале бўлса дарвишхўй,
Муни шоҳлиғ деса эрмас йироқ,
Ки ғафлатдин огоҳлиқ яхшироқ.
Вале қилмади шоҳлардин киши,
Ки бу иш эрур Шоҳ Ғози иши.
Демай айни инсонки инсон айн,
Хам инсону ҳам айн Султон Ҳусайн.
Шаҳо келди шаҳлиғ мусаллам санга,
Не шаҳлиғки дарвишлиғ ҳам санга.
Десам айлайн васфинг осон эмас,
Ки мингдин бири демак имкон эмас.
Валекин манга улча мақдур эди,
Ул ишларниким асру машҳур эди,
Сенинг вақтинг ичра кўруб заъфу ранж,

Замоникӣ назм айладим панж ганж.
Ки ҳар ганжида улча зоҳирдурур,
Нисорингға юз минг жавоҳирдурур,
Ки они киюргон замон қошингға,
Борисин нисор айладим бошингға.
Чу девонға дебоча қилдим рақам,
Сифотингни шарҳ айладим анда ҳам.
Ки ҳар лафзини ақли жавҳаршунос
Кўруб, жавҳари фард айлар қиёс.
Чу «Назмӯл-жавоҳир» битиб отингға,
Ўқуш васф дарж айладим зотингға.
Ки анжум дурин гар тўкар чархи куз,
Эмас бир гуҳарнинг баҳоси ҳануз.
Яна дағи кўп назми гуҳарфишон
Басе наср дағи жавоҳирфишон.
Ки чун торттим хоман мушкбиз,
Санинг васфингға айладим нуктарез.
Бори гарчи поку мухайял эди.
Вале борча васфингда мужмал эди.
Киши нуктани қилса мужмал аён,
Яқинким анинг шарҳи топмас баён,
Вале азми эмди будурким худой,
Агар бўлса умрумға муҳлат физон,
Чекиб турфа тарихингға хомани,
Қилиб нуктаға тез ҳангомани.
Сифотингни аввалдин охирғача,
Хаёлотӣ махфию зоҳирғача
Валодат кунидин тутуб то бу дам,
Борин шарҳ ила айлағаймен рақам.
Бурунроқ солиб турфа бунёд анга.
Бериб зикр обоу аждод анга.
Суруб нукта султонлар аҳволидин,
Ҳикоят қилиб хонлар аҳволиднн.
Добон борчанинг мулку давронини,

Муайян қилиб даври поёнини.
Дебонким қаю олди аввал жаҳон,
Жаҳон они не янглиғ етти ниҳон.
Чу маснаддин этти анинг рахтини,
Ким олди жаҳондорлиғ тахтини.
Чу ул топти маснад юзидин фирор,
Яна шоҳлиқ кимга топти қарор.
Анга тегруким сен шаҳи некбахт,
Атодин-ато вориси тожу тахт.
Ки холо чалиб салтанат навбатин,
Топибсен жаҳондорлиғ шавкатин.
Адолат била хос эрур йўқса ом,
Жаҳон аҳлини тиндурубсен тамом.
Ки ҳақ айлабон мулку жоҳинг фузун,
Ҳаётинг танобини этсун узун.
Ғаразким бу сўз етса анжомиға,
Бу тарих юз қўйса итмомиға.
Анга ҳар киши солса очиб назар,
Бўлуб кўнгли мазмундин баҳравор.
Яқин англағай табъи донишвари,
Ки меросинг эрмиш жаҳон кишвари,
Санинг ҳаққинг эрмиш жаҳондорлиқ.
Жаҳон хонлиғиға сазоворлиқ.
Навоий чу арз айладинг муддао,
Келу муддао қилғил эмди дуо.
Ало, токи шаҳсиз чу бўлғай жаҳон,
Замон аҳлиға бўлмағуси амон.
Сен ўлғил замон аҳлиға шоҳу бас,
Санга адл тарвижи дилхоҳу бас.
Қиёматқача ҳашматинг мустадом,
Саломинг қилиб шоҳлар вассалом.

АРБАЪИН

Нашрга тайёрловчи:
СУЙИМА ҒАНИЕВА

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

Ҳамд ангаким, каломи хайрмаол
Қилди элга расулидин ирсол.
Ул расулеки, ҳам каломи фасих
Элга тегурди, ҳам ҳадиси саҳих,
То улус жаҳлдин халос бўлуб,
Илм хилватгаҳига хос бўлуб,
Чун тамуқдин нажот топқайлар,
Учмақ ичра ҳаёт топқайлар.
Жалла зикруҳ зиҳе илоҳи рафиъ,
Азза кадруҳ зиҳе расули шафиъ.

САБАБИ ТАЪЛИФИ МАНЗУМА

Ул сафо аҳли пок фаржоми,
Покфаржому покфар Жомий.
Ул яқин сори дастгир манга,
Қиблаву устоду пир манга
Ки тутубдур жаҳонни таснифи,
Назм девони, наср таълифи.
Чунки ҳижратдин эл аросида сўз
Сексан олти эди-ю секкиз юз,
Ким яна туҳфае аён қилди,
Туҳфа йўқ, турфае баён қилди.

Ўқуғонда бухориу муслим
Қирқ сўз борча шубҳадин солим.
Наср ила назмин мураккаб этиб,
Форсий лафз ила мураттаб этиб,
«Арбаъин»е чиқардиким, жонлар
Балки қирқ арбаъин чиқоргонлар.
Топтилар анда нашъаи мақсуд,
«Арбаъин»дин нечукки, аҳли шухуд,
Форсийдонлар айлабон идрок,
Орий эрди бу нафъдин атрок.
Истадимки, бу халқ ҳам бори
Бўлмағайлар бу нафъдин орий.
Мен демакни чу муддао айлаб,
Ул ижозат бериб дуо айлаб.
Муддао чун бори савоб эрди,
Ҳар дуо қилса, мустажоб эрди.
Бир-ики кунки эҳтимом эттим,
Кўз тутардин бурун тамом эттим.
Бор умидимки, шоҳи шаръойин
Ким, набий шаръига берур тазйин,
Улки авроқ ароки солғай кўз,
Айлағай кўнглига асар бори сўз.
Насридин дағи баҳравар бўлғай,
Назмдин дағи бохабар бўлғай.
Бу кун ўлса ҳадисларга мутиъ,
Тонгла бўлғай муҳаддис анга шафиъ.

1. Ло юъмину аҳадукум ҳатта яҳиббу ла аҳиҳи ма юҳиббу ли нафсиҳи.

Мўъмин эрмастур, улки иймондин
Рўзгорида юз сафо кўргай,
Токи қардошига раво кўрмас —
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

2. Ман аъта лиллаҳи ва манаъа лиллаҳи ва аҳабба лиллаҳи ва абғаза лиллаҳи фақад-исътакмала ийманаху.

Кимгаким хуббу буғзу манъу ато
Ҳақ учун бўлди жазм бил они,
Ким эрур тенгри лутфидин комил
Аҳли иимон қошида иймони.

3. Ал-муслиму ман салим ал-муслимуна мин ядиҳи ва лисониҳи.

Ким муслмонлиғ айласа даъво
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул муслмондурурки, солимдур.
Тилию илгидин муслмонлар.

4. Хислат аъни ло яжтамиъани фи мўъминин ал-бухлу ва суъ ул-хулқи.

Мўъмин эрсанг қилиб дуррингни нисор,
Эл била равшан ўл нечукким шамъ.
Негаким, тенгри ҳеч мўъминда,
Бухлу бадхўйлуқни қилмади жамъ.

5. Яшибу ибну адама ва ташуббу фиҳи хислатони ал-ҳирсу ва тул ул-амали.

Одамиға агарчи воқеъ эрур
Қариган сори барча ишда халал.
Икки феъли вале йигитрак ўлур:
Бири ҳирсу бириси тули амал.

6. Ман лам яшқуриннаса лам яшқуриллаҳа.

Улки холиқга шукр дер, аввал
Шокир ўлмоқ керак халойиқдин.
Кимки, махлуқ шукрини демагай,
Демагай дағи шукр холиқдин.

7. Ман лам ярҳаминаса ла ярҳамхуллоҳу.

Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.
Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм айламас раҳими карим.

8. Ад-дунё малъунатун ва малъунун ма фийҳа илла зикраллоҳи таоло.

Дунёву ҳар не андадур мавжуд
Бўлди ҳақ лаънати гирифтори.
Ғайри ҳақ зикриким, эрур зокир
Тенгрининг раҳмати сазовори.

9. Луъина абд уд-дийари ва луъина абд ул-дирҳами.

Раҳмат озодағаки ул олмос,
Даҳр динору дирҳамин ғамға.
Лек лаънат ангаки қул бўлғай:
Хоҳ динору хоҳ дирҳамға.

10. Дум ала-т-тахорати ювсаъу алайка-р-ризку.

Гар ҳамиша таҳоратинг бўлса,
Оригай фоқа чирки ул сувдин,
Тоҳир ўл истасанг фузун рўзий,
Хосир улким питурди бул сувдин.

11. Ла юлдағ ул-мўъмину мин жуҳрин воҳидин марратайни.

Эйки, бир неш етти музйидин
Кўнглунга печа узайса, ётла.
Чунки мўъминни тишламас ҳаргиз,
Бир тўшукдин йилон ики қатла.

12. Ал-ваъдату дайнун.

Кимки ҳар кимга ваъдае қилди,
Шарт эрур ваъдаға вафо қилмоқ.
Ваъдаким қилдинг ўйладурким дайн,
Фарздур қарзни адо қилмоқ.

13. Ал-мажолису бил-амонати.

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,
Билгил ул сўз санга амонатдур.
Гар ани ўзга ерда нақл этсанг,
Ул амонатға бу хиёнатдур.

14. Ал-мушашору муътаминун.

Ҳар кишиким бировни маҳрам этиб,
Машваратда амини роз этти,
Гар яшурди билиб салоҳ сўзин,
Ўзини қалбу ҳийласоз этти.

15. Ас-самоҳу рабахун.

Мол базл ила суд агар тиласанг,
Оқибат чун ўлум эрур мавжуд.
Асрагон қолур, улки базл эттинг

Санга ҳамроҳ борурдин эттинг суд.

16. Ад-дайнун шайн уд-дини.

Аҳли дин ул дурурки қилғай адо,
Бот агар зиммасинда дайн ўлғай.
Дайн адоси чу дин аломатидур,
Беадолиқ динға шайн ўлғай.

17. Ал-қаноъату молун ла яфна.

Ҳирсдин кечгил ул ғамедурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут қаноатки, ул эрур моле
Ки, ниҳоят эмас анга пайдо.

18. Навм ус-субайҳати ямиаъ ур-ризқа.

Субҳ уйкусин улки айлар тарк
Ризқу рўзин ўзига тўш кўргай.
Улки ғафлатдин этти навми сабуҳ,
Бу шарафни магарки туш кўргай.

19. Офат ус-самоҳати ал-манну.

Ҳар кишига риояте қилсанг,
Миннат ўткармагил гумонингға.
Негаким ул кишига офат эрур,
Юкла миннат ва лек жонингға.

20. Ас-саъиду ман вуъиза биғайриҳи.

Элга не келса айламас панд,
Улки кўнглини қилди ғафлат банд.

Кимки панд олди элга тушгандин,
Они билким, эрур саодатманд.

21. Кафа билмаръи исман ан юҳаддиса бикулли ма ясмаъу.

Бу ёзуқ бас кишигаким, элдин
Ҳар на сўзким эшитти фош этти.
Тоғ эшитганни дер, гуноҳидин
Гўйё тенгри они тош этти.

22. Кафа билмавти ваъизан.

Воизинг бас ато-ано ўлуми,
Ким аларча эрур санга носих.
Воизе ул ким айтуру қилмас,
Эрур ул воизинг мунга рожих.

23. Хайр ун-наси ман янфаъули-н-наси.

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?
Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин,
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрак улусқа нафъ андин.

24. Инналлоҳа юҳиб ус-саҳл ат-талқа.

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,
Тилу кўнглунгни қилиб якрўй,
Нукта сурсанг шукуфтау хандон,
Зист қилсанг кушодау хушрўй.

25. Таҳаду таҳаббу.

Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,

Баҳра топқон хирад атиясидин.
Худ жаҳонда атияе борму,
Яхшироқ дўстлиқ ҳадиясидин.

26. Утлуб ул-хайри инда ҳисонил-вужуҳи.

Эйки, бир ишда ҳожатинг бўлса,
Яхши юзлукдин иста бахшойиш.
Токи бахшойишидин аввалроқ
Кўрмагидин етушгай осойиш.

27. Зур ғаббан таздад ҳуббан.

Бир-бирин дўстлар агар гаҳ-гаҳ,
Кўрсалар, дўстлуқ ўлур ғолиб.
Шавқдин ихтилот ўлур матлуб,
Васл учун орзу ўлур толиб.

28. Туба лиман шағалаҳу айбуҳу ан уюб-ун-наси.

Эй хушо улки, айб кўрмамак ила
Юз ҳунарвар маротибин топқай.
Яъни ўз айби пардаси кўзига
Ўзга эл айби чехрасин ёпқай.

29. Ал-ғинал-яъсу мимма фи айдин-наси.

Бойлиғ истар эсанг эл илгидин
Ҳар на кўрсанг боридин ўл навмид,
Бул ғино, баски, халқдин кечибон
Тутсанг уммид ҳақдин-ўқ жовид.

30. Мин ҳуснил ислом ил-маръи таркуҳу ма ла юйбуҳи.

Кимки ислом кўзгусида тилар
Ҳар замон ўзга бир сафо мавжуд,
Кечсун ул навъ борча ишдинким,
Тенгри рози эмас, улус-хушнуд.

31. Лайса аш-шадиду бисиръати иннама аш-шадид ул-лазийна ямлику нафсаҳу инд ал ғазоби.

Эмас ул паҳлавонки ўз қадрин
Бош уза элтибон нигун қилгай.
Паҳлавон они билки етса ғазаб
Нафси амморани забун қилгай.

32. Лайс ал-ғанию ан касрат ил арзи иннамал-ғанию нафси.

Бой эмас улки, мол касратидин
Кўрмагай фоқау талаб ранжин.
Они билким, худой бермиш анга
Нафси аммора таркини ганжин.

33. Ал-ҳазму суъ уз-занни.

Ҳазм боис дурур ангаки, мудом
Иши эл сори бадгумон ўлгай.
Доимо эҳтиёт этар ангаким,
Қаёдлардин ҳама амон ўлгай.

34. Ал-илму ла яҳиллу манъху.

Эй хирадманд олимеки, санга
Илмдин рўзий айлади сонё.
Киши ўрганса қилмағил маҳрум,
Ёки нафъ олса бўлмағил монё.

35. Ал-калимат ут-таййибату садақатун.

Яхши сўз бирла ҳожат аҳлин сўр,
Бермасанг яхши тўъмадин нафақа.
Пе учунким расул қавли билан
Яхши сўз бордур уйлаким садақа.

36. Касрат уз-зиҳқи юмийт ул-қалба.

Асру кўп кулмаким, ўлар эрмиш,
Зинда дил кўнгли кулгу касратидин.
Муни ҳар кимки билди кўнгли била,
Кулмагай ўлса кўнгли ҳасратидин.

37. Ал-жаннату таҳта ақдоми уммаҳати.

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

38. Ал-балоу муаккалун бин-нутқи.

Деди кўп сўзлаган хато кўп этар,
Улки дерлар ани валиюллоҳ.
Ҳар балоким етар-эрур сўздин,
Буйла ҳукм айлади набиюллоҳ.

39. Ан-назару илал маръатил-ажиабияти саҳмун мин сиҳами иблиса.

Солма кўз кимса бўлса номаҳрам,
Гарчи нафсинг топар назорада суд,
Ки назарким ҳаром-шайтоннинг

Новакидур ва лек заҳролуд.

40. Ло яшбаъ ул-мўъмину дуна жориҳи.

Кимки мўъмин дурур қачон чидағай,
Ким ўзи тўқу қўшни бўлғай оч.
Анга доғи керак етурса насиб,
Хонида гар қулочу хоҳи умоч.

* * *

Эйки, шахсингни холиқи фаттоҳ
Деди: «Хаммарту арбаъина сабоҳ»,

Эрур ул арбаъининг аввали ҳол,
Айла бу «Арбаъин» била аъмол,

Ки бу навъ икки «Арбаъин» мавжуд
Бўлса, шоядки топқасен мақсуд.

Етса мақсуд муддао бирла
Мени ёд этгасен дуо бирла

Ки, Навоийға ул дуо етгай,
Булбули руҳиға наво етгай.

Вал-ҳамду лиллаҳи ала тавфиқи ҳаазл-арбаъини вас-салоту вас-
салом ат-таййибин ат-тоҳирини ва саллама таслиман касийран.

СИРОЖ УЛ-МУСЛИМИН

Матни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи:
СУЙИМА ҒАНИЕВА

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

Чу йўндум хомаи мушкин шамома¹,
Қилай деб Ҳақ оти бирла зебнома.

Таололлаҳ зиҳи, халлоқи Маъбуд²
Ки, махлуқот андин бўлди мавжуд.

Йўқ эрдин ҳар не бор ул қилди изҳор,
Борин йўқ айлабон ҳам бўлгуси бор.

Қилиб барҳақ улусқа анбиёси,
Муҳаммад барчасининг пешвоси.

Мунга юз минг салом андин дамодам,
Яна авлодию асҳобиға ҳам.

КИТОБ НАЗМИНИНГ САБАБИ

Қилур арз ушбу водий раҳнамои,
Ғариби бенаво, яъни Навоий

Ки, чун офоқ шоҳи давлатидин,
Анинг ҳам тарбият, ҳам ҳимматидин.

Не шоҳ Султон Ҳусайн, ул шоҳи Ғозий,
Мамолик шаҳларининг сарфарози.

Ки, минг йил олам ичра шоҳи бўлсун,
Салотин бандан даргоҳи бўлсун.

Менинг назмим ёйилди олам ичра,
Кўп офат солди хайли одам ичра.

Биров бир кун деди айлаб нишоте
Ким, ул қилмиш бино олий работе.

Мусофирға ҳар уй бир турфа манзил
Ки, ҳам орому ҳам ком анда ҳосил.

Эшиттим базмининг бир нуктадони³,
Шоҳи соҳибқирон жон дармиёни.

Демиш: не суд гар бир уйни тузмиш
Ки, назми шайнидин кўп уйни бузмиш,

Ўқуғон эл анинг шеърини пайваст,
Тилар бўлғай ҳамиша ошиқу маст.

Солиб ислому дин уйига ошуб,
Бинойи хайр буткармак не маҳсуб.

Тушуб бу нуктадин жисмим аро печ,
Чу билдим, чин эмиш дам урмадим ҳеч.

Дедимким, айлайин бир нусха мастур
Ки, бўлғай дину ислом уйи маъмур.

Неким, дин аҳлиға бўлғай зарурат,

Бари тутқай ани билганча сурат.

Ҳам эткаймеи бурун шарҳи ақойид
Ки, ислом аҳлиға бергай фавойид.

Яна ҳам фарз, ҳам вожиб, суннан ҳам
Неким ориз бўлур яхши, ёмон ҳам

Ки, дин аҳлининг ўлғай дилназири,
Мусулмонлиғ ишида ногузири.

Баён қилғаймен андоқ равшану пок.
Ки, идрок эткан они хайли атрок.

Ва лекин гоҳи ашғол эрди монёъ,
Гаҳи ҳар мухталиф ҳол эрди монёъ.

Анга тегруки, бу фурсатда ногоҳ,
Бировким, эрди кўп маънидин огоҳ.

Мақому мавлиди онинг Самарқанд⁴
Ки, нузҳат ичрадур фирдавс монанд.

Буён ўлмакка кишвардин етишти,
Суруши чархи ахзардин етишти.

Кўнгул майл айлаб онинг хидматиға,
Мушарраф қилдим ўзни суҳбатиға.

Бўлур эрди маонийдин гуҳарпош,
Сўз асносида бу навъ айлади фош.

Ки, бир кун Хожаеки⁵ чархи оли(й),
Ҳилолин истар онинг оти наъли.

Рашида Шиблю⁶ Зуннунга⁷ фойиқ,
Убайдуллоҳ⁸ деб отин халойиқ.

Ким, улдур пешвойи аҳли иршод,
Бу иршод этти саидин айлабон ёд.

Ким, ул кўп назм дерга бўлди роғиб,
Бу янглиғ назм ҳам эрди муносиб.

Чу қилди Хожанинг амрига тақрир,
Ул эрдиким, бурунроқ бўлди таҳрир.

Ки, мен дер эрдим айтай улча мақдур
Вале монёдин эрдим анда маъзур.

Чу сўрди Исо анфоси бу дамни,
Ҳам ул дам азмиға йўндум қаламни.

Бу сўзнинг сидқу кизби ков-кови,
Адаб эрмас чу содиқ эрди ровий.

Чу лобуд нукталар малҳуз бўлғай,
Умид улким, улус маҳзуз бўлғай.

Навоийдин чу топқайлар навое,
Анинг руҳиға ҳам етган дуое.

ШАРИАТДА АҲКОМ ШАРҲИ ВА АҚОИД ВА ҚАВОИДИ АДОСИ

Бурун билким, эрур шаръ ичра аҳком,
Ки, билмак они бўлмиш элга ноком.

Ул аҳком икки янглиғ бўлди мавжуд,

Ки, бордур ҳар бирида ўзга мақсуд.

Бирисидин мурод ўлди ақида,
Амал матлуб бўлди ул бирида.

Ақоид дедилар аввалгига исм,
Иккинчи аҳком фаръидин топиб қисм.

Амалдин чун бурун келди ақойид,
Пас, андин еткурай аввал фавойид.

ИЙМОН ҚОИДАСИНИНГ ИЖМОЛИ

Бурун ул нимаким, фарз этти Яздон.
Эрур оқилға болиғ бўлғач иймон.

Анинг маънисидур тил бирла иқрор,
Кўнгул бирла инонмоғлиғ дағи бор.

Тилар бўлсанг анга ўзни етурмак,
Бил олти нимага иймон кетурмак.

МЎМАН БИҲИЛАРИНИНГ ТАФСИЛИ

Бурун бермак тонуғлуқким, Худованд,
Ки, не бордур анга мислиҳ, не монанд.

Худоедур яраткан буду нобуд,
Ки, андин ўзга йўқтур Тенгри мавжуд.

Яна билмак малоикники, Холиқ,
Яратибдур ибодатқа мувофиқ.

Яна билмак китобин ҳам камоҳий,

Қадим ўлди дағи бори илоҳий.

Яна ҳам анбиёга қилмоқ иқрор,
Ки, борин элга ирсол этти Жаббор⁹.

Яна улким, бўлур қойим қиёмат,
Ки, кўпрак элгадур оху надомат.

Яна билмакдурур бемакру тазвир,
Ки, Ҳақдиндур ямон-яхшига тақдир.

СЕККИЗ СИФОТУЛЛОҲКИМ, АҚОИД ДОХИЛИДУР

Яна секкиз сифатқа муътақид бўл,
Алардин ҳар бирига кўргузай йўл.

Ким, ул секкиз эрур Ҳақнинг сифоти,
Ки, боридин муназзаҳ қилди зоти.

Эрур ҳаййю алиму яна қодир,
Муриду ҳам самиъ ўлдиву нозир.

Такаллум васфиға дағи мувофиқ,
Яна ибод афъолиға Холиқ.

Не бор анинг шарики, не вазири,
Не бор анинг саҳими, не назир.

Не жавҳар, не араздур, не маконда,
Не воқеъдур жиҳатда, не замонда.

Чу эрмас анга ҳеч ашё мушобих,
Анинг шаъниндадур: «Лайсака мислиҳ»¹⁰.

Қадим ўлди каломи дағи олам,
Эрур ҳодис дедим бу сўзни фафҳам¹¹.

НЕЧАКИМ ҲАҚ БИЛМАКИ АҚИДАДИНДУР

Яна билким, ақойид ичра мутлақ,
Неча иш келди билмак керак ҳақ.

Азоби қабр эрур куфр аҳли хосий,
Яна дин аҳлидин баъзи бўлса осий.

Яна икки малакнингдур саволи,
Яна ҳам руъятуллоҳ эҳтимоли.

Яна ҳақ бир сироту, яна мезон,
Яна дўзах, яна фирдавси ризвон.

Шафоат анбиёдин ҳам эрур ҳақ,
Муҳаммад барчанинг сархайли мутлақ.

Яна ҳақ келди эъжоз анбиёға,
Анингдекким, каромат авлиёға.

Яна билгил ақоид ичра маҳсуб,
Ки, бўлмас элдин амру наҳй маслуб.

Яна куфр англағил тасдиқи коҳин,
Нечукким, Тенгридин маъюсу эмин.

ИСЛОМ АРКОНИНИНГ ШАРҲИ

Ангаким, бўлди иймон амри кирдор,
Керак исломдин бўлса хабардор.

Биносин англағил ислоннинг беш,
Ани билмакка бўлғил фикратандеш.

Бу бешдир – бир эрур лафзи «шаҳодат»,
Ки, айтурлар ани аҳли саодат.

Эрур бир билмак ул Тенгрини аввал,
Муҳаммадни анинг халқиға мурсал.

Бу сўз иймон сўзида бўлди мазкур,
Ақойид шарҳини айларда мастур.

Яна тўртин дағи айтай яко-як,
Ки, мўмин хотирида қолмасун шак.

Салоти хамс анинг иккинчиси бил,
Анинг шарҳини айлай эмди тафсил.

ТАҲОРАТ ФАРОИЗИНИНГ АДОСИ

Эрур шарти анинг аввал таҳорат,
Таҳоратда сурай аввал иборат.

Таҳорат ичра билким, тўрт эрур фарз,
Гар этсанг истимоъ, айлай ани арз.

Ю(в)мвғлиқ юзни манглай то зақандур,
Қулоқдин то қулоқ важҳи ҳасандур.

Маҳосин бўлса ончаким, ёпар юз,
Ани ғусл айламак, эй ниятинг туз.

Ики қўлни ики тирсак била ю(в),
Вузу айларда билким, фарз эрур бу.

Яна бош масҳини ҳам фарз билғил,
Валекин, тўрт улуштин бирни қилғил.

Ю(в)моғ ики оёғни фарз эрур ҳам,
Ики ошуғни ҳам қилмоқ анга зам,

ТАҲОРАТ СУННАТЛАРИНИНГ ШАРҲИ

Вузуъда ўн ики иш келди суннат,
Бирисин тасмия¹² бил, бирни ният.

Ю(в)моғ уч қатла қўл тирсакка тегру,
Яна бир мазмаза уч қатла ҳам бу.

Чу бўлди мазмаза қилмоқ муқаррар,
Бил истиншоҳ ҳам мундоқ муқаррар.

Яна таҳлил қилмоқ лиҳияға зам,
Оёғ бирла илик бармоғлари ҳам

Яна уч қатла аъзони ю(в)моқ бил,
Яна бошнинг тамомин масҳ қилғил.

Яна тартиб, яъни улча таҳрир,
Қилинди берма лек анга таҳйир.

Биров ул жумладин келди муволот,
Ю(в)моқ, яъни паёпай узвни бот-бот.

ВУЗУЪ МУСТАҲАБЛАРИ

Таҳорат ичра олти мустаҳабдур,
Эшитсин ҳар киши аҳли талабдур.

Бурун ният, яна билгил муволот,
Бори бош масҳию тартиби одот.

Бўюн масҳини дағи мустаҳаб қил,
Агар қилсанг саодатқа сабаб бил.

Таяммундур бири, яъники бунёд,
Ю(в)моққа ўнг тарафдин қилмоқ ирод.

ВУЗУЪ НОҚИСЛАРИ

Ики ёндин неким дафъ этса тоҳир,
Таҳоратнинг бўлур нуқсонни зоҳир.

Яна бир узвдин рийм оқса ё қон,
Вузуға бор алардин дағи нуқсон.

Қонаса тишки, кўз солғанда толиб,
Оғиз сувиға рангин топса ғолиб.

Йўқ эрса қуссаким, қон келса софин,
Икисидур таҳоратқа манофий.

Яна қай уйлаким, бўлғай тўла фам,
Ва лекин дафъ бўлғай ғайри балғам.

Жунуну хушсизлик, дағи уйқу,
Ки, бўлғай такяда ноқисдурур бу.

Намоз ичра билик кулгу вуқуъи,
Ки, бор анинг сужудию рукуъи...

Бу ҳолатларки, мазкур ўлди бир-бир,
Берур барча вузуъ ҳолиға тағйир...

ҒУСЛНИНГ ФАРОЙИЗИ

Нимаким, ғусл қилмаққа эрур фарз,
Агар сен истимоъ этсанг, қилгй арз.

Оғизға мазмаза қилмоқ билгил,
Бурунға дағи истиншоқ қилғил.

Эрур бу икки бўлғач бебаҳона,
Бари аъзоға сув қилмоқ равона

Яна ғусл ичра суннатлар дағи бор,
Таомил айлагил то айлай изҳор.

ҒУСЛНИНГ СУННАТЛАРИ

Илик аввал ю(в)моғлиғ айла мафҳум,
Пас, андин сўнг ю(в)моқдур узви маълум,

Баданда гар нажосат бўлса зоҳир,
Ани қилмоқдурур су(в) бирла тоҳит).

Яна суннатдурур қилмоқ вузуъ ҳам,
Ю(в)бон аъзо қуюб уч қатла су(в) ҳам.

ТАЯММУМ ФАРЗЛАРИ

Таяммум фарзи аввал бўлди ният,
Илик туфроққа урмак икки навбат.

Керактур бирни юз масҳига билмак,

Яна не бирла масҳ эт қўл ва тирсак.

Таяммум ноқисин айлай ишорат,
Эрур ҳар неки нуқс этгай таҳорат.

Икинчи онча су(в)ға дастрасдур,
Ким, ул су(в) бир вузуъ қилмаққа басдур.

НАМОЗ ФАРОИИЗИДА ОЛТИ ХОРИЖ ФАРЗНИНГ ШАРҲИ

Намоз ичра фаройиз, эй хирадманд,
Ун икки нима айлабдур Худованд.

Намозингга алардин олти дохил,
Яна олтиси хориж келди ҳосил.

Бу олтидин бири қилсанг ибодат,
Ҳадас бирла нажасдин бир таҳорат.

Яна бир пок бўлмоқдур макон ҳам,
Яна авратни қилмоқдур ниҳон ҳам.

Яна бир вақт билмак кеча-кундуз,
Яна бир қибла сори айламак юз.

Яна бир ният этмак бўлди билгил,
Намоз албатта, ният бирла қилғил.

НАМОЗ ОЛТИ ДОХИЛИ ФАРЗИНИНГ БАЁНИ

Чу хориж олтини қилдим аёнинг,
Қилай дохилни ҳам хотир нишонинг.

Эрур аввалгиси аввалғи такбир¹³,

Қиём ўлди намозингда яна бир.

Яна бирни яқин билгил қироат,
Яна бирдур рукуъ айларда тоат.

Сужуд ўлди бири, эй хилқатинг пок,
Яна бир қаъдаи охир қил идрок.

Киши бу ерга истар бўлса маъни,
Ташаҳхудгача¹⁴ қилмоқ макс яъни.

НАМОЗНИНГ ВОЖИБЛАРИ

Намозинг ичра вожиб келди етти,
Ки, соҳиб шаръдин бу навъ етти.

Бурун «ал-ҳамд»¹⁵ни қилмоқ қироат,
Яна бир сура анга қилмоқ изофат.

Яна тутмоқдурур тартиб маръи,
Будур хожайи кавнайн шаръи.

Қироат айламак таъйин бирин бил,
Яна бир айламак арконға таъдил.

Бирин эл қаъдаи аввал тааҳхуд¹⁶,
Бири бу қаъдадин сўнгра ташаҳхуд.

НАМОЗНИНГ ЎН СУННАТЛАРИ ВА ЎН ҚАВЛИСИ АДОСИ

Намоз ичра йигирма келди суннат,
Кишиким қилса кўйдег жонға миннат.

Йигирмидин ўнини англа қавлий,

Яна ўнини феъли билмак авлий.

Бурун улки қавлийдур ани бил,
Яна феълийси сари майл қилғил.

Ул ўндин бирини истифтоҳ билгил,
«Аъзуз»¹⁷ иш бандиға мифтоҳ билгил.

Яна бил тасмия, андин сўнг омин,
Қил андин сўнг «самиъ Оллоҳу»¹⁸ таъйин.

Учу тўртинчида йўқ фотиҳа фарз,
Эрур суннат бу янглиғ қилдилар арз.

Рукуъ ва саждада ҳам икки такбир,
Ики тасбиҳға¹⁹ ҳам берма тағйир.

НАМОЗ СУННАТЛАРИДИН ЎН ФЕЪЛИСИ БАЁНИ

Яна феълий бировғаким, билиқдур,
Қулоққача бийик қилмоқ илиқдур.

Ўнг илгинг сўлға қўймоқтур яна сўз,
Яна сажда, ерга тикмоғинг кўз.

Рукуъ ичра илик тизга қилиб ёр,
Учани тутмоқ ул ҳолатда ҳамвор.

Ики овуч не ерга бўлса мансуб,
Эрур сажда арода бошқа матлуб.

Сужуд айларда пайдову ниҳондин,
Қорин тиздан жудо тут, қўлни ёндин

Яна сўл пошна устида ором,
Қилмоқ қибла сори мойил ибҳом.

Кеча-кундуз намозеким эрур фарз,
Эрур ўн етти ракъат уйлаким, қарз.

НАМОЗ ФАРОЙИЗИ РАКАОТИ АДАДИ

Ики субҳу яна тўрт ўлди пешин,
Яна аср ичра бўлди тўрт таъйин.

Учу тўрт англа, мағрибла ашода,
Вали қил витрни вожиб арода.

НАМОЗ СУННАТЛАРИНИНГ РАКАОТИ АДАДИ

Бировким, кеча-кундуз қилса тоат,
Эрур суннат анга ўн икки ракъат.

Икирар ракъат ўлди субҳ ила шом,
Ул икки-тўртар англа барча айём.

ИСЛОМНИНГ УЧУНЧИ РУКНИКИМ, ЗАКОТДУР, БАЁН ҚИЛМОҚ

Закот ўлди учунчи рукн билгил,
Нечукким, амр қилмиш Тенгри қилғил.

Киши соҳибнисоб ўлғунча маъмур,
Эмаским, ҳақ тутубтур ани маъзур.

Нисоб ўлса киши молиға зоҳир,
Айирмоқ фарз келди қирқдин бир.

Етурмагил ангаким, мустаҳиқдур,

Бу ишга мустаҳиқ бўлғай муҳиқдур.

Бу сийм аҳкомидур қилмоқ тасаддуқ,
Яна ашёда мундоқ бил таҳаққуқ.

Ки, ҳар турлук яна бўлса жиҳотинг,
Баҳоси узра мундоқдур закотинг.

Мавошийға битубтурлар қавойид,
Ани ҳам яхши англа кўргузуб жид.

Яна жамъики, дерлар исми худдом,
Муқаррардур аларға дағи аҳком.

Вале эрмас кияр тўн ва минар от,
Яна ҳам ногузир ўлған мис олот.

Давоту хома ё авроқу ажзо,
Бу дастур ўлса, бир, ҳар навъ ашё

Ки, онсиз бўлмағай матлуб ҳосил,
Закот ичра эмас ул шай дохил.

Вале дохили ҳаққуллоқ билгил,
Анинг имсокидин эъроз қилғил.

Адосида балонинг раддин айла,
Яна қилмоқ сабукбор ўзни тонгла.

ИСЛОМНИНГ ТЎРТУНЧИ РУКНИКИМ, РЎЗАДУР – ШАРҲ ЭТМАК

Эрур тўртунчи (рукни) ислоннинг савм,
Ки, ўтган кимсага тақво била явм.

Чу рўза бўлди йилда бир ой,
Анинг ижросида бўл нафсфармой.

Ани бил субҳдин то шом чоғлиқ,
Таому шурбу шаҳватдин йироғлиқ.

Эрур бу рўзада ният санга фарз,
Валекин неча авло айладим арз.

Навофилда валс ниятни қилмоқ,
Санга жоиздурур туштин бурунроқ.

Чибин ё пашшадек ҳар жинси ҳосил,
Эмас бўғзунгға кирса рўза ботил.

Тузу сирка тоторға аҳли идрок,
Тенгурса тил учун эмас анга пок.

Яна улким, ҳижомат қилсаю қасд,
Ғам эрмас, рўзаға чун қилмамиш қасд.

Гар ўтмак тифл учун чайнар аноси,
Раводур гар яна йўқтур ғизоси.

Вале билмак керактур ани макруҳ,
Керак макруҳдин хотирда андуҳ.

Унутиб гар есанг, ичсанг эмас ғам,
Эрур ул рўза боқий, эй мукаррам.

ФАВТ БЎЛГАН РУЗА ЭВАЗИ ВА КАФФОРАТИ

Агар бебоклик ойини туздук,
Физонинг ғайри бирла рўза буздук.

Ғизо еб рўза улким, қилса зойил,
Ва ё нафси бўлиб шаҳватға мойил.

Каффорат олтмиш мискинга итъом,
Эрур ё олтмиш кун савми ноком,

Ким, ул кунларнинг ўлғай иттисоли,
Йўқ эрса солим эрмас рўза ҳоли.

Ва ё бир банданинг кўнглин қилиб шод,
Анга Тенгри йўлинда қилмоқ озад.

ИСЛОМНИНГ БЕШИНЧИ РУКНИКИМ, ҲАЖДУР, БАЁН ҚИЛМОҚ

Бешинчи рукн билгил ҳажжи ислом,
Чу фарз ўлди адоси келди ноком.

Вале фарзиятида шартлар бор,
Қулоқ тутким, қилай борини изҳор.

Биров улким, иститоат бўлса мавжуд,
Анга тенгруки, қилдинг ани мақсуд.

Яна бир шарт йўл амнияти бил,
Бу чун мавжуд ўлур ҳаж нияти қил.

Яна гар дайн йўқ бўйнунгға лозим,
Санга бўлмоқ бўлур ул йўлға озим.

Яна гар йўқ аёлингдин маунат,
Ки, ул кўргай маош учун суубат.

Яна гар бермади жисмингда сонё,

Мараз андоқки, бўлғай йўлға монеть.

Бу маҳзурот гар йўқ тебра филҳол,
Ўзунгу дўст кўйи тавқиға сол.

Неким фарз ўлди бўйнунгда адо қил,
Етиб мақсадқа комингни раво қил.

ХОТИМА ВА КИТОБ ТУГАНЧИНИНГ ТАҚРИРИ

Манга бу нукталарким, бўлди таҳрир,
Қилай итмоми тақрибини тақрир.

Агарчи хутбаву фихрастида бор,
Вале ул аҳддин гардуни даввор.

Басе ошуфталиғлар қилди ҳодис,
Ки, итаюмиға маълум ўлди боис.

Тўқиз юз бешда²⁰ бир фархунда фарзанд,
Адаб бирла тавозуъдин баруманд,

Ки, мажлис ичра ҳозир эрди бир кун,
Масойил баҳси эрди тилга мақрун.

Чу анда қобилият зоҳир эрди,
Кўнгул бу назмға тартиб берди,

Ки шояд анга нафъи ҳосил ўлғай,
Кўп элга ҳам бу маъни восил ўлғай.

Сабаб бу ишни қилди даври айём,
Топорға бу китоб оғози анжом.

Чу равшан айлар ислом аҳли зотин:
«Сирож ул-муслимин» қўймишмен отин.

Умидим улки, ҳарким ўқуғай,
Мунунг нури била кўнгли ёруғай.

Дуо бирла мени ҳам айлағай ёд,
Равоним ул дуодин айлағай шод.

МУНОЖОТ

Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи:
СУЙИМА ҒАНИЕВА

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

Зиҳи исминг азим, раҳмонлиғу раҳимлиғинг – вожибут-таъзим. Исм – сенинг исминг ва раҳмонлиқ ва раҳимлиқ – сенинг қисминг, сен – ганж ва офариниш – тилисминг. Исминг жамъи сифоти – асмой хусно, раҳмонлиғ ва раҳимлиғингга юз минг ҳамду сано. Раҳим ҳам сен, раҳмон ҳам сен, азим ҳам сен, субҳон ҳам сен. СубҳонОллоҳ, не кибриёву азаматдурким, сендин ўзгага вужуд итлоқи бўҳтон ва туҳматдур. Зотинг – қайюми барҳақ, вужудунг боқийи мутлақ. Сендин ўзга мавжуд кўрунганлар намуди бенамуд, балки нобуду номавжуд, вужуд ва мавжуддин сен мақсуд. Таоло шаънука ва амма эҳсонука ва ло илоҳа ғайрука. Ё вадуд ва Маъбуди вожиб ул-вужуд¹.

ҲАМД. Илоҳи, азамат ва жабарут² сенинг шаънингдадур ва мулку малакут³ – сенинг ҳукму фармонингда, азалятингга бидоят йўқ ва абадиятингга ҳадду ниҳоят йўқ. Даҳр гулшанида ҳар гиёҳу яфроғ – сенинг ҳамдингга зокир ва сипеҳр анжуманида ҳар ҳарфу авроқ – сенинг неъматингга шокир. Жамолиятинг бўстонида секиз учмоқ – бир райҳони дилнавоз ва жалолиятинг зиндонида етти тамуғ – бир самуми жонгудоз. Ҳашаматинг боргоҳида бир шамма – меҳри мунир ва санъатинг коргоҳида бир лавҳа – сипеҳри асир. Юз бу оламча мавжуд этай десанг, «кун фаякун»⁴ иборати анга кофий ва минг ончани маъдум этай десанг, «ҳабоан мансуро»⁵ ишорати анга вофий. Ваҳдоният сифатида шарикун вазирадин мубарро ва фардоният сийратида

волиду валаддин муарро. Илминг дарёсидин ҳар гавҳар нужум дуларидин покроқ, мулкунг сахросидин ҳар лола қуёш машъалидин оташнокроқ. Бемонандлиғингға «лайсака мислихи шайъун»⁶ гувоҳи содиқ, бепайвандлиғингға «лам ялид ва лам юлад»⁷ далили мувофиқ. Ҳар негаким ташбиҳ қилинса ўшамассен, яхши боқилса ул сандин дурур ва сен ул эмассен. Ҳамдингда такаллум аҳли тили қосир, сипосингда мутакаллимлар ажздин мутаҳаййир. Бу бобда «лонухси саноан алайка»⁸ мазкур бўлур, ҳар неча балоғат лофин урган дам урмаса, маъзур бўлур.

НАЪТ⁹. Улки, «кунту набийян ва Одаму байналмои ваттин»¹⁰ мазмуни анбиёга муқаддамдур, «рахматан лил-оламин ва хотамун набиййин»¹¹ мантуқи била аларга муаххар ва хотамдур, ҳабиби Ҳазрати Илоҳ Муҳаммад расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васалламдур. Юз йигирма тўрт минг анбиёи мурсал хилқатидин мурод ул ва барча анга хайл ва ўн секиз минг олам ихтироъидин мақсуд – ул ва офариниш анга туфайл. Нубувват тахтида ҳумоюн фарқи узра тож, анбиёву расул хайлида соҳибмеърож, аввалину охири халқи анинг шафоатиға муҳтож. Буроқи иноят анинг маркаби улви хироми ва Жибрили ҳидоят анинг пайки барқгоми, лайлат ул-меърож анинг шабистони ва «ли маъОллоҳи вақтун»¹² анинг мақоми. «Салавотуллоҳу алайҳи ва ало олиҳит-таййибин ва асҳобиҳит-тоҳирин»¹³.

МУНОЖОТ. Илоҳи, акрам ул-акрамин¹⁴ – сен ва мен – гуноҳкор. Илоҳи, арҳам ар-роҳимин¹⁵ – сен ва мен тийрарўзгор. Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ, аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ.

Илоҳи, йўқ эрдим бор эттинг, тифл эрдим, улуғлар жарғасиға қоттинг, аммо нафсу ҳаво елидин зуҳдум ниҳолин ушоттинг ва офиятим хайлин ёзуқ сипоҳи турктозидин тарқаттинг.

Илоҳи, ёмон афъолимдин паришонлиғим чўқтур ва шум нафсимда пушаймонлиқ йўқтур, мундоқ балодин қутулурға уммидим сендин-ўқтур.

Илоҳи, ўзлук ёмонлиғидин ўзлугум била ўта олмайдурум ва

яхшиларнинг этагин ёмонлигим уётидин тута олмайдурмен. Илоҳи, йиллар ибодат қилғонни рад қилсанг, ҳеч яхшилиқ ким даҳл қила олмас ва қарилар исён қилғонни қабул қилсанг, ҳикматин ҳеч киши била олмас.

Илоҳи, Одам хилофот тахтининг муставжиби ўзиму бўлди, сенинг тақдиринг бўлмай шайтон мухолифатининг сўзиму бўлди?..

Илоҳи, бергучисен ҳам фиску фужурни, ҳам зуҳд, ҳам вараъни, аларнинг тухматин бир неча ожизға боғламоқ не яъни?

Илоҳи, иноятингға уммидворменким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматингға сазоворменким, хатову саҳвум беададдур.

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам, рад қилса, санга таважжуҳ эткаймен ва агар сен рад қилсанг, неткаймен ва кимга кеткаймен?

Илоҳи, сенинг йўлунгда туфроғ етса, тўтиёдур ва кесак йўлуқса, кимёдур, ғайрингдин қизил олтун қора туфроғдек беқадру камбаҳодур.

Илоҳи, ёмонлигимдин агарчи кўп аламим бор, ғамхорим сен бўлсанг, не ғамим бор.

Илоҳи, дунё майли риштасин кўнглумдин ўз ва нафсоният тийралиғида ҳидоят шамъи била ўзунг сори йўл кўргуз.

Илоҳи, ул узун йўл ва қатиг водийда иноятинг била йўлда ва анинг қатъида аёғим тойилса, дастгирлигинг била кўлда.

Илоҳи, бу йўл сайрида шайтонни теграмга ёвутма, агар ул адув йўл урса зуҳдумдин не келгай, иноятингни ўқсутма.

Илоҳи, тақвие берки, нафси ғаддор анга забун бўлсун, вараъе насиб қилки, шайтони нобакор боши анинг аёғида нигун бўлсун.

Илоҳи, ғафлат унқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастлигидамен, хушёр қил.

Илоҳи, ул бедорлиғни огоҳликка еткур ва бу хушёрлиғни беиштибоҳликка уландур.

Илоҳи, душмандур шайтони хийланамой манга ва нафси худройдур корфармой манга, бу варталарда дастгир бўлмасанг, вой манга.

Илоҳи, агар хислатим эгридур, ниятим туздур, бу жиҳатдин агар

қўрқунчум бордур, аммо уммедим бирга юздур.

Илоҳи агар афъолимға боқсам, уёт ўлтурур ва сенинг карамингни соғинсам, уммид танимға жон келтурур.

Илоҳи, сендин ёмонлиғ келмас ва мендин яхшилиғ, сен яхшисен ва мен ёмон. Ҳар кимға ўзига муносибдур қилиғ. Тикан иши санчилмоқ учун, ани куйдурмак муносибдур, баҳор файзи ом учун, анга гул мусоҳибдур.

Илоҳи, туфроғдин эл кўзига тийралик етар ва қуёш ашиъа била олам аҳли кўзин равшан этар.

Илоҳи, чун ҳар не қилилур санга тақдирдур, қилғучиға қилмоқта не тадбирдур.

Илоҳи, тақдир қилғанингни қилурға не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор.

Илоҳи, агарчи залолатқа тушубмен, аммо ҳидоятингға талабгормен ва агарчи тамуғ ўтиға тушкали ёвушубмен, аммо раҳматингдин умидвормен.

Илоҳи, умидимни карамингдин маъдум қилма ва раҳматингни халойиққа ом қилғонда мени ҳам маҳрум қилма.

Илоҳи, агар дастгир сен бўлмасанг, асо ҳамону ит ғунжиси ҳамон ва агар пардапўш сен бўлмасанг, ридо ҳамону эшак арғамчиси ҳамон.

Илоҳи, тоатингға ҳавасим бор, аммо нафска забунмен, ибодатингға мултамасим бор, аммо гирифтори ишқу жунунмен.

Илоҳи, лаҳву ҳаво майидин мастмен, ужду риё жомидин майпарастмен, бу дастовизлар била шайтонға ҳамдастмен.

Илоҳи, париузорларға мени девона қилдинг ва шамъи рухсорларға кўнглумни парвона қилдинг, бу сабаблардин расволиғ била оламға афсона қилдинг.

Илоҳи, неча мусалсал зулф савдосидин бўйнумда занжир бўлғай ва муанбар хол хаёлидин кўнглум асир, санга тақдир бу навъ эрса, манга не тадбир?

Илоҳи, кўнглум кишвари қаро кирпичлар ясоли яғмосидин бузуқтур ва сабрим уйи гулранг узорлар хўйи селидин йиқуқтур.

Илоҳи, ҳар оташин лаъл менинг ўт тушкан жонимдин намудор ва

ҳар сероб ғунчада менинг кўп пайкон кўнглум шакли падидор. Бу офатларнинг иложи сенга осондур, менга душвор.

Илоҳи, шўҳи чобукларға чевиланда ҳар ён шитоб солурсен ва аларнинг ҳар ён шитобидин менинг ошуфта кўнглумға ҳар дам изтироб солурсен.

Илоҳи, аларға ул шитобдин қарор нўқ ва менга бу изтиробдин ихтиёр йўқ. Аларнинг дилраболиғи ҳам – сендин ва ошуфта кўнглумнинг мубталолиғи ҳам – сендин.

Илоҳи, бирав ҳуснига малоҳат берурсён ва анинг тузин менинг кўнглум жароҳатиға сепурсен.

Илоҳи, бирав мижаси нишин захролуд этарсен ва унинг нўгин менинг яралиғ бағримға санчарсен.

Илоҳи, шамъ ҳусни безанмаги ҳам сендин ва парвона жони ўртанмаги ҳам сендин.

Илоҳи, гул узориға дилафрўзлук ҳам сен бердинг ва булбул фиғону зориға жигарсўзлук ҳам сен бердинг. Агар қайси шамъи гулрух ишқи ўтинким кўнглумға солдинг, парвона ва булбулдек сабру қароримни олдинг.

Илоҳи, агар ишқ суубатидин базм туздум ва май сели офатидин тақво ва зуҳдум уйин буздум. Ул не май ичмак ва аёғ тутмак эрдиким, аёғ-аёғ қон ютмоқ эрди.

Илоҳи, агар ҳажр шиддатидин туганлар ўртадим, дину ислом мазраъида хирманлар ўртадим.

Илоҳи, ҳар туган саводидин офиятим рухсорин қаро қилдим ва анинг дудидин имоним рўзгорин қаро қилдим.

Илоҳи, агар ҳавасдин бош-аёғ яланг ҳар ён югурдум, бошдин-аёғим ёмон эрканин халойиққа билдурдум.

Илоҳи, агар шавқ жунунидин кўксумга тош урдум, ул тош била нангу номусум шишасин синдурдум.

Илоҳи, гоҳи бу жунундин атфол тошин бошимға ёғдурдум, гоҳи аҳбоб маломати нишин кўнглумга еткурдум.

Илоҳи, қайси исён тийралиғи билаким, офиятим юзи қорормади, қайси бедод суубатиким, мен қаро юзлукка бормади.

Илоҳи, йигитлиғим бу навъ ҳам қатиғ ўтти, ҳам ачиғ, қарилиғда

юз қатла ўзумни ўлтурсам не асиф.

Илоҳи, эмди ҳамким, барчадин кечмак хаёлин қилурмен, ўзлугум
била кеча олмон, яқин билурмен.

Илоҳи, андоқки, бу балоларға солдинг, қутқор ва андоқким, бу
ибтилоларға киюрдунг, чиқор.

Илоҳи, мен тавба қилдим дегандин не суд, сен тавба бергилки,
ҳам Таввобсену ҳам Маъбуд.

Илоҳи, намозеки, эл бўлмағунча қилмағаймен, худнамолиғдур ва
ул намоз учун хирқаву ридо худоройлиғдур.

Илоҳи, ул намоишу оройишдин кўнглумни мубарро қилғил ва бу
навъ шайтон либосидин пайкаримни муарро этгил.

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг, риёдин асра ва ибодатқа йўл
кўргузсанг, хатодин асра.

Илоҳи, ул тоатки, ужб келтургай, кўнглумга ёвутма ва ул
маъсиятким узрға еткургай, тилимдин йироқ тутма.

Илоҳи, беилож дардға алил қилма ва бемурувват номардға залил
қилма.

Илоҳи, беасллар мазаллатидин асра ва бедиеънатлар туҳматидин
асра.

Илоҳи, жоҳил суҳбатига побанд этма ва арозил ҳашматига
ҳожатманд этма.

Илоҳи, носипослар маломатидин йироқ тут ва ҳақшунослар
хусусиятидин қироқ тут.

Илоҳи, кўнглумни дарду шавқинг муҳаббати била овут ва
кўзумни надомат ашки селоби била равшан тут.

Илоҳи, тилимни неъмат беқиёсингға шокир айла ва кўнглумни
ҳамду сипосингга зокир айла.

Илоҳи, қаламимға ҳамдинг рақамиға машғуллук бер ва
рақамимға халойиқ кўнглиға мақбуллук бер.

Илоҳи, замиримға худписандлиғни ёвутма ва хотиримни эл
нафъи айбжўлуғига тутма.

Илоҳи, хаёлимни ниёзу дард аҳлиға мойил, тут ва ниёзим кўзин
дардмандлар аёғи туфроғи била ёрут.

Илоҳи подшоҳи Исломни¹⁶ муслимин бошиға тутқил бардавом,

яъни бандаларнинг устига қўланкангни қил мустадом, то шоҳу гадоға дуогўйлиқ қилмиш бўлғаймен, вассалом.

РИСОЛАИ ТИЙР АНДОХТАН¹²

Матни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи:
СУЙИМА ҒАНИЕВА

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ

Алҳамду лиллоҳи раббил оламин вас-салавот-уссаллам ало расулиҳи Муҳаммади ва олиҳи ажмаин¹³.

«Ҳар ким тарк қилса тийрандозлиқни ўгриғондин сўнг бас тарк қилмиш бўлғай менинг суннатимни, ул мендин эмас».

Аммо хабарда андоқ келтирурким, чун Ҳазрати Одам Сафий¹⁴ (салавоту лиллоҳи алайҳи) дунёга келгондин сўнг Худойи таоло анинг гуноҳин бағишлади. Эrsa Жаброил¹⁵ (алайҳиссалом)га амр бўлдиким, Одамга деҳқончиликни ўгротгил. Жаброил (а. с.) келиб айди: – Ё Одам, Худойи таоло санга айди, андин сўнг амр қилдиким, деҳқончилик қилсун. Чун Одам (а с) бу пайғомни эшитти, эrsa қабул қилди. Ва Жаброил (а. с.) уруғ олиб келди ва

¹² Алишер Навоийга нисбат берилган (Қаранг: Бертельс Е. Э-Навои. М.; Л., 1948; Семенов А. А. Навоий қўлёзмалари тавсифи. Тошкент, 1940) бу ғоят кичик асар аштархонийлардан Абдулазизхон (1645 – 1680) китобхонасига мансуб бир мажмуа таркибида мавжуд, дейилади. Ушбу сатрлар муаллифининг Урфон Отажон билан ҳаммуаллифликда ёзган мақоласида рисоланинг мазмун ва моҳияти ёритилар экан, унинг Навоий қаламига мансублиги ҳақида баъзи далил ва мулоҳазалар билдирилади (Қаранг: «Тафаккур» журнали. 1995 й. 3/4-сон. 120 – 124-бетлар).

¹³ Тарж. а.: Бутун олимларнинг парвардигорига ҳамду санолар бўлсин, Оллоҳнинг расули ва унинг оила аъзоларига дуои саломлар бўлсин!

¹⁴ Одам – Оллоҳ яратган биринчи инсон. «Абулбашар» куняси, «Сафиуллоҳ» (Оллоҳнинг соф кули) лақаби. Халқда Одам Ота деб юритилади. Бу ерда Одам жаннатдан қувилгач, Оллоҳ унга деҳқончилик қилишни, буғдой экишни буюргани ҳақида сўз кетади.

¹⁵ Жаброил – Оллоҳ билан пайғамбар ўртасидагн воситачи, ваҳий келтирувчи тўрт фариштанинг бири. Унинг «Рух ул-амин» лақаби бор.

Одам (а. с.) сочти ва ерни мола қилди. Қазоға қарғалар келиб, эккан бугдойни ковлаб олиб ея бошлади. Одам (а. с.) андоқ кўруб, муножот қилиб айдиким: – Илоҳи, менинг, экканимни зоеъ қилмагил. Бас, Худойи таоло Жаброил (а. с.) дин Одами Сафийға бир ёй ва неча ўқ йиборди. Чун Одамға ўқ отмоқни ўгротти. Андин сунг буюрдиким, Одам бу ўқни қарғалар сари отгил. Бас, Одам (а. с.) отти ва хато қилди. Жаброил табассум қилиб айтди: – Яна бир ўқ отгил. Бу кезикда отган урди. Жаброил (а. с.) шодмон бўлди. Одам (а. с.) сўрдиким: – Эй Жаброил, аввал отқонимда нега табассум килдинг ва сўнг отқонимда нега шодмон булдунг? Жаброил (а. с.) айди: – Ул табассум анинг учун қилдим ва сўнг шодмон бўлдумким, агар аввалғи ўқунг қарғаларға тегса эрди фарзандларинг илгидин қиёматқача ҳеч нимарса халос бўлмағай эрди. Ва яна билгилким, ўқ отмоқ Худойи таолонинг лутфи эрур ва Одами Сафийнинг мўъжизасидур. Билгилким, ўқ отмоқлиқнинг савоби бисёрдур. Аммо андоқ баён қилоли то сизга маълум бўлғай.

Хабарда андоқ келтирурким, Пайғамбар (а.с.) ўқ отмоқнинг фазилатин бисёр этти. Эrsa саҳобалар (ризвон аллоҳи таоло алайҳим ажмаин) таажжуб қилиб сўрдиларким: – Ё Расулуллоҳ, тийрандозлиқнинг савоби не миқдордур? Расулуллоҳ (с. а. в.) буюрдиким: – Агар тийрандозлиқни бийик савобин айтсам халқ касбу тижоратидин қолғайлар. Ва ўқ отмоқдин ўзга иш қилмағайлар. Аммо бир соат ўқ отмоқ савоби билан эллик йилғи тоатнинг савоби баробар турур. Ва Расул (а. с.) айдиким: – Ҳар мўъминким, нишонаға ўқ отса Худойи таоло анга беҳиштилар савобин бергай ва агар нишонга тегса, беҳиштнинг эшикин анга очиб, ҳурни анга ақд қилғай.

Андоқ ривоят қилурким, Панғамбар (а. с.) саҳобалар бирла бир кун борур эрдилар. Саъди Ваққос¹⁶ фарзандлариға ўқ отмоқ ўгротур эрди. Ҳазрати Пайғамбар (а. с.) замоне нишонагоҳга боқиб турдилар. Баякбор бир йигит пайдо бўлди, илгида ўқ ва ёй. Бу йигит келиб бир ўқ отти, эrsa Пайғамбар (а. с.) бaсе шодмон

¹⁶ Саъди Ваққос – Муҳаммад пайғамбар саҳобаларидан бири.

бўлди. Андин сўнг саҳобалар (р. а. а.) сўрдиларким: – Ё Пайғамбари Худо, не сабабқа шодмон бўлдингиз?

Пайғамбар (а. с.) айдиларким: – Ул сабабдин шодмон бўлдум: ул йигит келур эрди – ғарқи гуноҳ эрди. Чун ўқ отти, эрса барча гуноҳларидан пок бўлди ва гуноҳлари тўкулди.

Хабарда андоқдурурким, Пайғамбар (а. с.) буюрди, ҳар ерниким, масжид қилур бўлсалар қирқ йил бурун фахр қилур эрмишким, мени масжид қиладурлар. Ва ҳар ердаким, ўқ отар бўлсалар саксон йил бурун фахр ва мубоҳот қилур эрмишким, мени нишонагоҳ қилиб, бир кун ўқ отганлар.

Амир ул-мўъминин Али¹⁷ (карамаллоҳу важхўҳи) гоҳо ўқ келтирур эрди, бош ва оёғларни ёланг қилиб, дуруд айтур эрди. Бир кун Саъди Ваққос ўқ отар эрдиким, Жаброил (а. с.) келди ва Ҳазрати Пайғамбар а. с.) Саъди Ваққос бирла туруб эрдилар, Пайғамбар (а. с.) айдилар: – Эй Саъди Ваққос, менинг учун бир ўқ отқил. Ва Жаброил (а. с.) айди: – Ё Расулуллоҳ, Саъди Ваққосга айтғил менинг учун ҳам бир ўқ отсун. Чун Ваққос бу икки ўқни отмоқдин сўнг Пайғамбар (а. с.) айди: Бир ўқ Худойи таолонинг номи учун отқил. Саъди Ваққос яна бир ўқ отти. Андин сўнг саҳобалар (р. а. а.) бориб, нишонагоҳдин ўқларни келтурдилар. Аммо ул ўқким, Худойи субҳонаҳу таоло оти учун отиб эрдилар, топмадилар. Жаброил (а. с.) келиб айди: – ё Муҳаммад, Худойи таоло айдиким, ул ўқни топмасунлар, анинг учунким, ул беҳиштда Саъди Ваққосқа ер олиб анда турди.

Манқулдурким, Шайх Шафиқи Балхий¹⁸ (р. т. а.) назъ ҳолинда

¹⁷ Амир ал-мўъминин – Алн ибн Абу Толнб (661 йилда қатл қилинган). Ислонда «Хулафо ар-рошидин» (тўғри йўлдан борувчи халифалар), халқ орасида «чорёрлар» деб аталувчи тўрт халифанинг тўртинчиси, Муҳаммад пайғамбарнинг куёви ва амакиваччаси. Ислондаги икки асосий оқимдан бири «шиа» (арабча «гуруҳ» демақдир)ни Али ташкил қилган.

«Амир ал-мўъминин» Ҳазрат Алининг лақабидир. Навоий Ҳазрат Алининг «Наср ул-лаолий» (насрий гавҳарлар) номли асарида жамъланган ҳикматларининг ҳар бирини бир рубойида талқин қилган (268 та) ва асарига «Назм ул-жавоҳир» (назмий-шеърлар жавҳарлар) деб ном берган. Адабиётда Али ажойиб саркарда ва жасур шахс сифатида таъриф қилинади.

¹⁸ Шафиқи Балхий – машҳур шайхлардан. Фаридуддин Аттор Иброҳим Адҳам тариқатини олган эди, деб ёзади («Тазкират ул-авлиё», 232-6). Шафиқи Балхий www.ziyouz.com kutubxonasi

қўпуб ўқ-ёй келтуруб, бир неча ўқ отти, эрса ёронлари кўруб шодмон бўлдиларким, Шайхнинг аҳволи яхшидур. Шайх (қ. с.) айдиким: – Эй ёронлар, билингларким, менинг ҳолим охир бўлубтур. Аммо андоқ хаёл қилдимким, бир тоат қилайин ва ҳеч тоат бу маҳалда ўқ отмоқдин беҳроқ кўрмадим. Билгилким, ўқ отмоқ савоби кўп ва масъаласи бисёрдур. Аммо мухтасар қилдук. Бо эҳтиром анжомид, ба итмом расид ин нусхаи шариф дар дасти бандаи заиф Фатхуллоҳ ал-котиб.

ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАР

«МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

1. Арабчадан таржима: «Инсонни нутқ ва тил билан шарафлаб, тилининг ширинлиги, фикр баён этишининг гўзаллиги, шукр айтишнинг шакари, (Оллоҳнинг бирлигига) гувоҳлик беришининг асали ва миннатдорчилиги туфайли уни (инсонни) яратган, барча бошқа жонзодлардан улуғ ва мумтоз қилган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

2. Тарж. ар.: Бўл! – деса бўлади.

3. Тарж. аар.: «Одамнинг лойини қирқ тонг пишитиб қўйдим»,

4. Тарж. ар.: «Ҳамма исмларни ўргатди».

5. Тарж. ар.: «Мен аниқроқ ва чиройлироқ гапираман».

6. Тарж. ар.: «Пайғамбар бўлдинг бас англаб ол».

7. Тарж. ар.: «Унга (пайғамбарларга), ёқимли хислатли оиласига ва покиза саҳобаларига Оллоҳнинг саловати ва кўпдан-кўп саломлари бўлсин».

8. Тарж. ар.: «Гуноҳлар мағфират қилинсин, гуноҳлар кечирилсин».

9. Тарж. ар.: «Қудратли ва улуғ мулк соҳиби (Оллоҳ сифати)».

10. Тарж. ар.: «Унга (пайғамбарга) салавот ва саломлар бўлсин».

11. Тарж. ар.: «Оллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин».

12. Тарж. ар.: «Ва уруғни, ўсимликни ва шохлари бир-бирига ўралиб кетган ўрмонзорларни кўкартириш учун ёмғирли булутлардан туганмас сувларни туширдик» (Қуръон. 78, 14 – 16).

13. «Ёпинчиқни кўтармаганда ҳақиқий илм ошмаган бўларди».

14. Нуҳ – унга Оллоҳнинг саловати бўлсин, диний ақидаларга

кўра жуда узоқ умр кўрган пайғамбар, уни баъзи манбаларда Одами соний (яъни: иккинчи Одам ато) ҳам дейилади. Ривоятларда келтирилишича Нух замонида 40 кеча ва 40 кундуз сел ёғади ва бутун дунёни сув босиб кетади. Шунда Нух, ўз яқинлари, тарафдорлари ва ҳар навъ ҳайвондан бир жуфтдан кемага солиб олади. Ер юзидагилар сувга ғарқ бўлади, ёлғиз Нух кемаси бир тоғ чўққисида, омон қолади. Нухнинг уч ўғли – Ёфас, Сом ва Ҳомлардан кейинчалик туркий, форсий ва ҳиндизабон халқлар тарқалади. Бу ерда Навоий шунга ишора қилади.

15. «Мезон ул-авзон» – Навоийнинг аруз илмига оид асари. Бу асарида Шамс Қайс, Хожа Наср Тусий ва Абдураҳмон Жомий каби аруз назариячилари, ҳамда бу илмга асос солган Халил ибн Аҳмаднинг асарлари билан Навоийнинг яқиндан таниш бўлгани кўриниб туради. Навоий аруз масалаларини бир қадар янгича талқин қилади ва уни қўшимча ҳамда янгилар билан бойитади. Ўзбек шеъриятининг, халқ оғзаки ижодининг неча юз йиллик тажрибаси бу асарда биринчи бор тадқиқ этилиб, умумлаштириб берилган.

16. Тарж. ар.: «Мен Зайдга дирҳам бердим».

17. «Ғаройиб ус-сиғар» – Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» деб номланган 4 девонидан биринчиси. Шоир ёзади: «...аввалғи девоним, туфулият баҳори ғунчасининг ажиб гуллари ва сиғар боғчасининг ғариб чечаклари била ораста бўлуб эрди, «Ғаройиб ус-сиғар» дейилди». Бу девон таркибида 650 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 1- маснавий (Саййид Ҳасад Ардашерга шеърий мактуб), 50 қитъа, 133 рубоий мавжуд бўлиб, 5718,5 байтдан, 840 шеърдан иборатдир.

18. «Наводир уш-шабоб» – шоирнинг «Ҳазойин ул-маоний»си таркибидаги иккинчи девони. Бу девон мундарижаси ҳақида Навоий ёзади: «Иккинчи девонники, йигитлик ошуфталиғ ва шабоб олуфталиғ ёзи ва даштида юзланган нодир ва вақоеъ била пийроста бўлур эрди, «Наводир уш-шабоб» аталди». Таркибида 650 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 50 қитъа, 52 муаммо бор. Булар 759 шеър бўлиб, 5423,5 байтни

ташқил қилади.

19. «Бадоеъ ул-васат» – Навоий «Хазойин ул-маоний»сидаги учинчи девони. У ҳақда шоир ёзади. «Учинчи девоним, васат ул-ҳаёт майхонасида ишқ билан шавқ паймонасида юзланган бадоеъ нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди, «Бадоеъ ул-васат» от қўйилди». Таркибида: 650 ғазал, 1 мустазод, 2 муҳаммас, 2 мусаддам, 1 таржеъбанд, 1 қасида, 60 қитъа, 13 туюқ, 10 чнстон бор. 740 шеър – 5420 байтдан иборат.

20. «Фавойид ул-кибар» – Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»сидаги тўртинчи девони. Шоир ёзади: «Тўртинчи девоним, умрнинг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойдалариким, жонсўз оҳ урмоқ ва жон топшурмоқдурким, анда сабт бўлубтур, «Фавойид ул-кибар» лақаб берилди». Таркибига 650 ғазал, 1 мустазод, 2 муҳаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржеъбанд, 1 соқийнома, 50 қитъа, 86 фардлар кирган. 793 шеър – 5888,5 байтдан иборат.

Мазкур 4 девон халқ орасида «Чор девон» номи билан машҳур бўлган. 1492 – 1498 йиллар давомида китобат қилинган.

21. «Хамса» панжасига панжа урубмен», бу сўзлардан мурад – Навоий бешта дoston яратган Низомий Ганжавийнинг«Панж ганжи» (Беш хазина), Хусрав Деҳлавий уни анъанага айлантириб, «Хамса» ёзгани ва уларга эргашиб ўзи ижод қилган «Хамса»ни кўрсатишдир.

22. «Ҳайрат ул-аброр» – «Хамса» таркибидаги биринчи дoston бўлиб, 64 бобдан, 3988 байтдан иборат. 889 (1489) й.да ёзилган. Навоийнинг эътироф этишича, Низомийнинг «Маҳзан ул-асрор» дostonи руҳида битилган фалсафий, дидактик асардир.

23. Шайх Низомий – Илёс Юсуф ўғли Низомий – улуғ озарбайжон шоири. 1141 й. Ганжада туғилган ва шу ерда 1209 й. вафот этган. Шоир «Панж ганж» (Беш хазина) номи остида бешта дoston яратган. Биринчи дoston «Маҳзан ул-асрор» (Сирлар хазиноси) 1170 й.да ёзилган турли фалсафий, ҳаётий масалаларда баҳс этувчи 20 ҳикоятдан иборатдир, иккинчи дoston «Хусрав ва Ширин» 1180й.да тугалланган, ишқий-романтик асардир.

Учинчиси «Лайли ва Мажнун» – муҳаббат достонидир. Шоирнинг тўртинчи достони «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал) ва охириги «Шарафнома» ва «Иқболнома» деб аталган икки қисмдан иборат «Искандарнома» достонидир.

24. «Фарҳод ва Ширин» – Навоий «Хамса»си таркибидагн иккинчи дoston. 59 боб, 5782 байтдан иборат; 880 (1484) й.да ёзилган ишқий-романтик дoston. Шоир бу дostonни Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав» дostonи «ўтидик чароғимни ёриттим», дея кўпроқ шу шоирдан илҳом олганини эътироф этади.

25. Амир Хусрав Деҳлавий – Яминуддин Абулҳасан Хусрав Деҳлавий – асли Шаҳрисабздан бўлган, отаси Сайфиддин Маҳмуд мўғул истилоси арафасида оиласини Ҳиндустонга кўчириб кетади. 1253 йилда Ганг дарёси соҳилига жойлашган Патёли шаҳрида туғилади. Шоир Шарқ адабиётида биринчи бўлиб, ҳаёт фаслларига мувофиқ шеърлардан алоҳида номланган 5 та девон тузган ва бу анъанани Жомий ва Навоий каби шоирлар давом эттирганлар. Хусрав Деҳлавий форс, урду, ҳинд ва араб тилларида ижод қилган. У «Хамса» яратиб, хамсачилик анъанасига асос солган. Шоир шунингдек, воқеий дoston («Дувалрони ва Хизрхон»), қатор қасидалар, катта ҳажмдаги «Эъжози Хусравий» ва бошқа асарлар яратган. Шоир 1325 й. Деҳлида вафот этган.

26. «Лайли ва Мажнун» – Навоий «Хамса»сидаги учинчи дoston. 36 боб – 3622 байтдан иборат ишқий дoston.

27. Хожу Кирмоний – Абулато Камолуддин Маҳмуд ибн Али (1290 VI., Кирмон- – 1354 й., Шероз) – Хусрав Деҳлавийдан сўнг хамсачилик анъанасини давом этдирган, ишқий-ахлоқий, тасаввуфий мавзуъларда дostonлар яратган Эрон шоири. Унинг 5 дostonи «Хамсаи Хожу» деб номланган. 1-дostonи «Хумой ва Хумоюн», 2 – «Гулу Наврўз» (Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonига пайрав), 3 – «Равзан ул-анвор» (Низомий «Маҳзан ул-асрор» дostonи йўлидаги), 4 – «Камолнома» (Саъдийнинг «Бўстон»ига татаббуъ) ва 5 – «Гавҳарнома»дир. Шоир «Гул ва Наврўз», «Сомнома» номли дostonлар ҳам ёзган. «Шавқийёт»,

«Сафариёт» ва «Ҳазариёт» деб аталган ғиноий шеърлардан иборат девонлар ҳам тузган. Ҳофиз Шерозий Хожу Кирмоний» ни ғазал соҳасида ўзининг устоди деб билган. Бу ерда Навоий «Лайли ва Мажнун» достонини Хожу Кирмоний «Гавҳарнома»си йўлида ёзганини эътироф этади.

28. «Сабъаи сайёр» – Навоийнинг тўртинчи достони. 37 боб – 8005 байтдан иборат. Шарқда кенг тарқалган «Баҳром Гўр» афсонаси асосида яратилган.

29. Ашраф – Абу Али Ҳусайн ибни Ҳасан Мароғий, Дарвеш Ашраф Хиёбоний номи билан ҳам танилган (туғ. й. номаълум, ваф. 1459), 1434 – 1440 й.ларда Низомий «Панж ганжи» пайравида «Минҳож ал-аброр», «Ширин ва Хусрав», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» (баъзи манбаъларда «Ҳафт авранг») ва «Зафарнома» достонларининг ёзган, ҳамда алоҳида номлар берилган 4 девоннинг ҳам ижодкоридир. Бу ерда Навоий «Сабъаи сайёр»ни Ашрафнинг «Ҳафт пайкар»идан таъсирланиб ёзганини баён этади. Лекин ҳозирга қадар Ашрафнинг бу достони топилгани йўқ.

30. «Садди Искандарий» – Навоийнинг «Хамса»сидаги сўнгги достон. 88 бобдан – 7215 байтдан иборат. Шоир «Хамса»си 889 – 890 (1483 – 1485) йилларда яратилган. Достонда идеал шоҳ – Искандар тимсоли атрофида гуманистик ғоялар, фалсафий-дидактик фикрлар, илмий фаразиялар ўзининг юксак бадиий ифодасини топгандир.

31. Ҳазрати Махдум – Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг лақаби (1414, Жом – 1492, Ҳирот). Навоий Жомий билан 1476 – 77 йилларда танишган ва уни ўзига пир деб билган, Жомий ҳаётининг сўнггига қадар самимий дўст ва маслакдош бўлиб қолган. Жомий «Ҳафт авранг» («Етти тахт») – Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг достонлари пайравида битилган етти достон» – «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин силсила»), «Соломон ва Абсол», «Тухфат ул-аҳрор» («Хурлар тухфаси»), «Сабҳат ул-аброр» («Поклар тасбиҳи»), «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномаи Искандарий» («Искандар хирадномаси»), алоҳида

номланган 3 та шеърлар девони, «Баҳористон» номли насрий асар (бир боби тазкира), «Мактублар мажмуаси», «Аруз рисоласи», «Қофия рисоласи» ва «Муסיқа рисоласи» каби ва муаммога бағишланган илмий асарлари, «Нафаҳот ун-унс» («Дўстлик нафаслари») номли ирфон ва тасаввуфга оид, ҳамда бир неча асарларга ёзилган шарҳларнинг муаллифидир. Навоий Жомий ҳақида «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарини ёзган (1492 й.). Бу ерда Навоий «Садди Искандарий»ни Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асаридан мадад олиб ёзганини баён этади.

32. «Хираднома» – Жомийнинг «Хирадноман Искандарий» асари хусусида сўз кетмоқда.

33. «Зубдат ут-таворих» – «Тарихлар сараси». Навоийнинг тарихга оид асарлари – «Тарихи мулуки ажам» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (Набий ва ҳақимлар тарихи)нинг умумий номи.

34. «Насойим ул-муҳаббат» – тўла номи «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шаббодалари»). Навоий эътирофига кўра, Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» («Дўстлик нафаслари») номли Шарқ ориф ва мутасаввифлари ҳақидаги маълумотлар жамланган асарини 901 (1495 – 96) йилда туркий тилга таржима қилган ва туркий машойихлар ҳақида янги маълумотлар киритган.

35. «Лисон ут-тайр» – Навоийнинг тасаввуфга оид достони. Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайф» асарининг таржимаси, дейди Навоий. Лекин Е. Э. Бертельс ҳар икки асарни диққат билан муқояса қилиб, айниқса 63 хикоятдан 51 таси янгидан яратилгани, 12 тасигина Аттор ҳикоятларининг туркийча талқини эканлигини кўрсатиб берди ва мавжуд маълумотлар асосида моҳир санъаткор қалами билан оригинал даражадаги асар яратди Навоий, – деган хулосани қилади (Қаранг: Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская лит-ра. Наваи и Аттар. М., 1965. С. 417). Бу асар 904 (1408 – 09) й.да ёзилган.

36. «Наср ул-лаолий» – Ҳазрат Али ҳикматларининг мажмуаси.

Навоий ҳар бир ҳикматни бир рубоий доирасида бадиий талқинини берган ва унга «Назм ул-жавоҳир» деб ном берган.

37. «Назм ул-жавоҳир» – 1485 йилда Хусайн Бонқаронинг «Рисола»сига жавобан ёзилган асар. Унинг насрий (кўпгина рубоийлар ҳам келтирилади) муқаддимасида ёзилиш тарихи, Хусайн Бойқарога миннатдорчилик изҳори ва Ҳазрат Али ва унинг «Наср ул-лаолий» таркибидаги ҳикматларига муносабат баён этилган. Асар муқаддима, 268 рубоий ва бир хотима-рубоийдан иборат.

38. Насири Тусий – Абдужаъфар Муҳаммад ибн Ҳасан Насируддин Тусий (1201, Тус – 1272 Бағдод). Унинг фалсафий, ижтимоий-ахлоқий мавзуларда ёзган асарлари кўп бўлиб, бу ерда Навоий «Меъёри ашъор» номли аруз назариясига оид асарини кўзда тутди.

39. «Расоилга қалам сурупмен» – дейишдан мурод шоирнинг бошқа катта-кичик асарлар ёзгани бўлиши керак. Масалан, «Муножот», «Сирож ул-муслимин» каби.

40. «Макотибға рақам урубмен» – дер экан, шоир она тилисида битилган ва форсийда ёзилган мактубларини назарда тутди. Шоирнинг «Муншаот» номли туркийдаги ёзишмалари мажмуаси маълум.

41. Хожа Ҳофиз Шерозий – Шамсуддин Муҳаммад (1321, Шероз – 1389, шу шаҳар). Тожир оиласида дунёга келган ва етим қолган Шамсуддин нонвойга шогирд тушган ва Қуръони мажидни ёд олиб, гўзал тиловат қилган. Тахаллуси шу муносабат билан Ҳофиздир. Шоир шуҳрати энг баланд паллаларда уни турли мамлакат шоҳлари ўз саройларига даъват этишганида у рад этган. Ҳофизнинг қabri Шероздаги гўзал боғлардан бирида бўлиб, ҳозир «Ҳофизия» дейилади. Шоирнинг дўсти ва шогирди Муҳаммад Гуландом унинг шеърларини тўплаб девон тузган. Ҳофизнинг вафотидан 35 йил кейин кўчирилган қўлёзма асосида Эрон олими Холхалий аниқланган девон тузди, унда 418 ғазал, 5 қасида, 41 рубоий, 3 маснавий («Соқийнома», «Охуйи ваҳший», «Муғаннийнома») мавжуддир.

Ҳофиз шеърлари анъанавий ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқийнинг турли-туман мавзӯларида ёзилган. Лекин ундаги бадиият шу қадар юксакки, шоирнинг ўз замони ва кейинги давр шеърлятига баракали таъсирининг сири шу билан боғлиқ. Ҳофиз XVII асрдан бошлаб, Ғарб адабиётига ҳам таъсир ўтказди. Айниқса Гётенинг Ҳофиздан илҳомланиб яратган «Ғарб ва Шарқ девони» шоирнинг Ғарб тафаккур оламида ўзига хос ўрин эгаллаганини кўрсатади.

Навоий Ҳофизнинг шеърятдаги маҳоратига юксак баҳо берган ва ўзининг форсийдаги «Девони Фоний»сида аксар ғазалларини Ҳофизга татаббуъ қилиб ёзган. Бу ерда Навоий Ҳофиз ғазалиётининг тасаввуфий моҳиятидан баҳраманд бўлганини эътироф этади.

42. Тарж. ар.: Туширилган ваҳий каби.

43. Тарж. ар.: Юборилган пайғамбар ҳадислари каби.

44. Тарж. ар.: Бу ажойиб нарса.

45. «Дарёйи аброр» – Амир Хусрав Деҳлавий қасидаси. Унга жуда кўп шоирлар жавобия қасидалар ёзганлар. Жомий, Навоий, Мирхонд, Нафъий ва бошқалар шулар жумласидандир. Жомий ҳатто «Дарёйи аброр»нинг бир байти шарҳида «Миръот ус-сафо» номли рисола ёзган. Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида бу қасидага жавобан ёзган «Тухфат ул-афкор»нинг яратилиш тарихини баён этади. Шу ерда Жомийнинг Хусрав Деҳлавий қасидасига «Лужжат ул-асрор» («Сирлар теранлиги») номли жавобия ёзгани ҳақида тўхталиб ўтади.

46. Тарж.: шоҳ ноғорасининг ичи бўшу ғулғуласининг ҳайқириғи бош оғриғидир, кимки хўл-қуруққа қаноатланса, денгиз ва ер юзининг подшоҳидир.

47. Тарж.: шоҳлар қасрининг кунгураси Зуҳал (Сатурн сайёраси) мақомидан ҳам юксак бўлсада, билгилки, дин қалъасининг деворидаги рахналар ундандир.

48. «Тухфат ул-афкор» – Навоийнинг Амир Хусрав Деҳлавий «Дарёйи аброри»га жавобан форс тилида ёзган қасидаси. Шоир уни ёзишда Жомийнинг жавобияси «Лужжат ул-асрор»ни ҳам

назарда тутганлигини қайд этиб ўтади. Навоийнинг бу қасидаси «Ситтаи зарурия» («Олтита зарурлик») дейилган умумий ном остидаги олти қасидадан биридир.

49. Тарж.: Хукмрон (подшоҳ)лар тожини безовчи ўтли лаъл (уларнинг) бошларида хом хаёллар пиширувчи лаққа чўғдир.

50. «Баҳористон» – Абдурахмон Жомийнинг 1487 йилда Саъдий Шерозийнинг машхур «Гулистон» номли асари пайравлигида ёзган ахлоқий ва дидактик мазмундаги асари. Уни Жомий ўз ўғли Зиёвуддин Юсуфга дарслик тарзида яратган. «Баҳористон» муқаддима ва 8 бобдан иборат: (1. Орифлар саргузашти. 2. Улуғлар ҳикматлари. 3. Адолатли шоҳлар ҳақида. 4. Сахийлик тарғиби. 5. Ишқий ҳикоятлар. 6. Ҳазил-мутойибалар. 7. Шеър ва шоирлар. 8. Тамсиллар). Навоий бу ерда «Тухфат ул-афкор» номли қасидасининг матлаъини Жомий ўз «Баҳористон»ида келтиргани ва ғоят таъриф қилганини миннатдорлик билан ёдга олмоқда.

51. Муштарий – луғ. сотиб олувчи, харидор (форслар Биржис деб атайдилар) Юпитер сайёраси. Нужум илмида уни «Саъди акбар» («Фалак қозиси»), жойи 6-фалакда дейдилар.

52. «Миръот ус-сафо» – Амир Хусрав Деҳлавий қасидаси. Навоий таъкидлашича, уни шоир Хоқоний Шервоний қасидаси («Айвони Мадоин»)га татаббуъ қилиб ёзган.

53. Хоқоний Шервоний – Афзалуддин Бадил ибни Али (1120, Шервон – 1198, Табриз) буюк озарбайжон шоири. «Тухфат ул-ироқайн» номли 3 мииг байтли маснавийси ғоят шуҳрат қозонган. 17 минг байтдан иборат девони ҳам бор. Навоий бу ерда Хоқонийнинг бир қасидаси жавобида Хусрав Деҳлавий ҳам қасида ёзганини тилга олади.

54. Тарж.: Кўнглим ёш боладир, ишқ пири унга тил бўйича устоздир. Юз қоралик – сабоқ ва мискинлик – мактаб гўшаси (бурчаги)дир.

55. «Жило ур-руҳ» – «Руҳнинг жилоси». Абдурахмон Жомийнинг қасидаси. Навоий уни Амир Хусрав Деҳлавиннинг «Миръот ус-сафо» қасидаси жавобида ёзилган, дейди.

56. Тарж.: Муаллим ким? У – ишқ ва (ишқ) мактабининг хомушлик бурчагидир; дарс – нодонлик, доно дилим (эса), унинг сабақ олувчи ёш боласидир.

57. «Насим ул-хулд» – «Жаннат насими». Алишер Навоийнинг форсийда ёзган қасидаси. «Девони Фонийда Хоқонийга татаббуъ деб, бу ерда эса Хоқоний ва Хусрав Деҳлавий – ҳар иккаласига татаббуъ деб ёзади.

58. Тарж.: Муаллим – ишқдир, ақл пири – сабоқ олувчи боладир, болага адаб бериш учун фалак айланувчи чарх бўлди. Бу ерда қадимда мактабларда «фалак» (фалақ, фалоқ) дейилган, боланинг оёғидан ўтказиб, айлантириб қийнов, азоб берувчи қуролга ишора қилинмоқда. Бу қасида Навоийнинг «Ситтаи зарурия» таркибидаги 6 қасидадан бири.

59. «Руҳ ул-қудс» – «Пок, муқаддас руҳ». Навоийнинг мазкур 6 қасидаларидин бири.

60. Тарж.: Кандай яхши Қудрат қалами билан нарсалар тасвирланган; ундан ҳар замон минг хил ажойиб нақшлар пайдо бўлади.

61. «Айн ул-ҳаёт» – «Ҳаёт чашмаси». Навоийнинг форсийдаги 6 қасидасидан бири.

62. Тарж.: Тун посбонлари қора чодир ёйганларида, ой юзли гунчаларга (гўзалларга) жилва берадилар.

63. «Минҳож ун-нажот» – «Нажот йўли». Навоийнинг «Ситтаи зарурия» таркибидаги 6 қасидасидан бири, форсийда ёзилган.

64. Тарж.: Юзинг шамъидин инсонлар кўзи нурланди, айна инсонликдан жаҳон кўз қорачиғи (қароғи) бўлдинг.

65. «Қувват ул-қулуб» – «Юраклар қуввати». Навоийнинг 6 қасидасидан бири, бу ҳам форсийда ёзилган.

66. Тарж.: Жаҳон – фано (катта) йўлининг тор марҳала (манзили)сидир; у ерда турма, бу йўл шоҳу гадонинг йўли. Байтда бу дунёнинг ўткинчилигига киноя мавжуд. Шоирнинг эътироф этишича, бу 6 қасидада Оллоҳ ва Пайғамбар (с. а. в.) мадҳи ва тасаввуф; маърифатга, ҳақиқатга оид фикрлар баён этилади.

67. «Фусули арбаъа» – «Тўрт фасл». Навоийнинг йил фасллари

– «Саратон» (ёз), «Хазон» (куз), «Баҳор» ва «Дан» (қиш) деб номланган форсийдаги асарлари.

68. Хожа Калимуддин Салмон – Жамолуддин Хожа Салмон ибни Хожа Алоуддин Муҳаммад Соважий (1310, Ироқ Ажамидаги Сова шаҳри – 1376, ўша ер) – форс шоири. Унга «Қасидаи маснуъ» деган асари катта шуҳрат келтирган: Бу ўта мураккаб қасидани шоир бир неча баҳр, турли-туман шеърий санъатлар қўлланилган мувашшаҳ (безатилган, зийнатланган) тариқида ёзган. Унинг «Куллиёти»да 16 минг байтдан зиёд шеърлар ва «Жамшид ва Хуршид», «Фироқнома» дostonлари мавжуд.

69. Тарсеъ санъати – икки мисраъ шеърни бир-бирига мос сўзлар билан безаб, оҳангдош қилиш санъати. Бу ерда Навоий Салмон Соважийнинг бир қасида матлаъида қўллаган мазкур санъатда бир сўзда такаллуф қилгани – четга чиққанини кўрсатиб ўтади (оби – мушки).

70. Тарж.: Покиза юзининг софлиги баҳор сувини тўқди. Жаннатдек кўйи (манзили)нинг ҳавоси тоза ва энг хушбўй ҳид таратди.

71. Тарж.: Баҳор фаслининг насими бўстонга шундай елдики, унда ошиқларга нигор (севгили) васлининг хуш иси етишиди.

72. Халил ибн Аҳмад (ваф. 786 й.) – араб тилшунос олимларидан, аруз вазиларининг ижодкори ҳисобланади.

73. Тарж.: Эй, сенинг юзинг жаҳонни безовчи юлдуздир. Эй, сенинг хушбўй ҳидинг жон роҳатидир; Ё раб, сенинг сочинг бўлмаса, чунонам паришонлик бўлади, кокилинг (эса) фиғонли тунга ўхшайди.

74. Ҳазрати Шайх Муслихуддин Саъдий – Муслихуддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Мушрифуддин Саъдий Шерозий (1203 – 8, Шероз – 1292, ўша ер), улуғ форс шоири. Унинг «Бўстон» ва «Гулистон» каби асарлари таркибидаги назмий ва насрий ҳикоятлари, 4 та девони таркибидаги лирик-ғиноий шеърляти ғоят машҳур бўлган.

Бу ерда Навоий шоир ғазалининг ранг-баранг ва гўзаллигини таърифламоқда.

75. Анварий – Авҳадуддин Али ибни Муҳаммад ибни Исҳоқ (1105, Абиварднинг Ховарон шаҳри – 1187, Балх), машҳур форс шоири. Анварий ўз ҳажвиялари билан эл оғзига тушган, уни қасиданависликнинг пайғамбари деб аташган. Шоирнинг қаламига 250 қасида, 337 ғазал, 472 рубоий, 557 қитъа мансуб бўлиб, шеърятининг умумий ҳажми 15000 байтни ташкил қилади. Навоий бу ерда Анварий ва Салмон каби шоирларнинг шеърларидан дақиқ – нозик фикрлар хусусида унинг қошига муҳокама учун келганлари ва фикрини тўғри ҳисоблаб, муноқашалари (бахс) бартараф бўлгани ҳақида ёзади.

76. Мир Шоҳий – Амир Оқмалик ибни Малик Жамолуддин Ферузшоҳий, тахаллуси Мир (амир) Шоҳий (1385, Сабзавор – 1453, Астробод), таниқли шоир, хаттот, наққош ва мусиқачи. Унинг ажодлари мўғул истилочиларига қарши кўтарилган деҳқон ва хунармандларнинг «сарбадорлар ҳаракати» деб доврўф таратган кўзғолоннинг етакчиларидан бўлганлар. Бу ҳаракатга барҳам берилгач, Мир Шоҳий Бойсунғур Мирзо (Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли, Улуғбек Мирзонинг иниси) саройини тарк этиб, Сабзаворга қайтади ва деҳқончилик билан шуғулланади. Навоий «Мажолис ун-нафоисда бу шоирни кўрмагани, лекин ораларида ёзишмалар бўлиб турганини қайд этиб ўтган. Сабзаворда вафот этган шоирнинг наъшини Астрободга келтириб дафн қилинган.

77. Котибий – Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (туғ. й. номаълум, Туршез – 1435, Астробод), машҳур шоир, хаттот ва мунший. Тахаллуси хаттотлик санъатига иштиёқи ва ундаги маҳорати баланд бўлганига далилдир. Манбаъларда Котибий қаламига 140 асар мансуб деб қайд қилинади. Девони ва «Хамса»сига кирган дostonлари бор.

78. Султон ус-салотин – Ҳусайн Бойқаро назарда тутилади. Ҳусайн Бойқаро Темур Кўрагон наслидан бўлиб, Мирзо Мансур Бойқаронинг ўғлидир. У 1438 й. туғилган ва 1506 й. вафот этган. Навоийнинг болаликдан дўсти. 1469 й. Ҳирот тахтига чиққанида Навоий Самарқандда таҳсил олаётган эди. У дарҳол Навоийни махсус фармон билан пойтахтга даъват этган ва дўстини аввал

муҳрдорлик, кейинчалик вазирлик рутбасигача кўтарган эди ва унинг халқпарварлик йўналишдаги фаолиятига ҳамда самарали ижодига кенг йўл очиб берган, зарур имкониятларни яратиб берган эди. Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳирот бутун Шарқда илм-маърифат, санъат, адабиёт ва маданиятнинг яшнаган марказига айланган эди. Ҳусайн Бойқаро қадимги ўзбек тили тақдири масаласига катта масъулият ва зўр таважжуҳ билан қараган. Ўзи ана шу тилда гўзал шеърлар битган яхши шоир ҳам. У «Ҳусайний» тахаллуси билан ижод қилар эди. Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг 8-мажлисини Ҳусайн Бойқаро ғазаллари таҳлилига бағишлаган. Ҳусайн Бойқаро қаламига 1485 й. насрда битилган бир рисола ҳам мансуб. Унда Навоий «Хамса»си ва шеърлятига ғоят юксак баҳо берилган.

Навоий ҳам деярли ҳар бир асарида Ҳусайн Бойқаро таърифига алоҳида боблар ажратган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур тили билан айтганда, «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллуғи бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолға етургай».

Навоий бу ерда ҳам Ҳусайн Бойқаронинг унга кўрсатган эҳтироми ва асарларига эътибори, умуман илм, адаб аҳлига бўлган юксак муносабатини баён этади.

79. Ҳассон Собит ва Лақит – ҳижрий тарихнинг аввалларида яшаган араб шоирлари.

80. Иброҳим Маҳдий (779 – 839) – араб аббосий халифаларидан Маҳдийнинг ўғли. Бағдодда халифалик қилган. Замонасининг таниқли олимларидан, санъат ва адабиёт ҳомийси ва ижодкори бўлган.

81. Маъмун халифа – IX асрда Бағдодда халифалик қилган Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли. Маъмун даврида маданият, илм-фан жуда юксалган.

82. Камол Исмоил (1170, Исфохон – 1238, ўша ер) – атоқли форсийгўй исфохонлик шоир, 12 минг байтдан нборат девони

бор. Уни қасида бобида «халлоқ ал-маоний», яъни маънолар (бу ерда ҳам янги тимсоллар, ҳам янги маънавий санъатлар назарда тутилади) ижодкори деб ардоқлашган.

83. Заҳир – Заҳир Форёбий, Заҳируддин Тоҳир ибни Муҳаммад (1160, Балх – 1202, Табриз), асли хоразмлик, Нишопур мадрасаларида таҳсил кўрган, кўп сафарларда бўлган. Унинг шогирди шеърларини тўплаб, девон тартиб қилган ва Мажидуддавла деган озарбайжон амалдориға тақдим этган. Заҳир қасидаларида мадҳ асосий мавқеъда бўлиб, уларнинг зимнида ҳукмдорларни одил, инсондўстлик ва ҳимматли бўлишга даъватни ўқиб олиш қийин эмас. Шоирнинг қитъалари ҳам ижтимоий ақидаларни тўлароқ баён қилади. Навоий бу ерда Заҳирни қасидагўйликдаги маҳоратини назарда тутди.

84. Фирдавсий – Абулқосим Мансур ибни Ҳасан Тусий (934, Тус яқинидаги Божий қишлоғи – 1021, ўша ер) улуғ форс шоири. Ёшлигидан қадимги дostonлар, ривоят ва асотирларға қизиқиши бениҳоя бўлган Абулқосим, айниқса Абу Мансур Абулмуайяд Балхийнинг, Масъуд Марвозийнинг ва Дақиқийнинг тугалланмай қолган «Шоҳнома»ларини жамълаб, ўрганиб чиқади. 975 – 976 йилларда ўзининг «Шоҳнома»сини ёзишға киришади ва қарийб ўттиз йил меҳнат қилиб, 994 йилда уни тугаллайди. Лекин бу даврга келиб, шоирға ҳомийлик қилган сомонийлар таназзулга юз тутган ва тахтни Маҳмуд Ғазнавий эгаллаган эди. 1010 – 1014 йилларда Фирдавсий «Шоҳнома»ни замонға созлаб таҳрир қилиб чиқади. Аммо асардаги зардуштийлар мадҳи, умуман ғоратгар истилочиларға нафрат, уларға қарши туришға даъват сарой аҳли, сарой шоирлари ва ҳукмронға маъқул тушмайди. Фирдавсий таъқибдан қочиб, қолган умрини саргардонликда ўтказади. У 87 ёшида Тус яқинида вафот этади ва ўз боғиға дафн қилинади. Ҳозирги кунда Эрондаги «Кохи Гу-листон» музейи фондида «Шоҳномаи Бойсунғурий» номи билан машҳур, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли, Улуғбек Мирзонинг иниси Бойсунғур Мирзо томонидан нодир нусхалар асосида тайёрланган (унға Бойсунғур Мирзо сўзбоши ҳам ёзган) «Шоҳнома» сақланади. Бадиий

безакларга бой, 22 та миниатюра ўрин олган бу қўлёзamani Жаъфар деган котиб китобат қилган.

Фирдавсий қаламига бир неча ғиноий – лирик қасида ва ғазаллар, қитъа ва рубоийлар ҳам мансуб. 100 байтлар чамасидаги бу шеърларни турли манбалар, чунончи, фарҳанг, тазкира ва баёзлардан олиб, немис олими 1872 йилда нашр қилган.

Навоий бу ерда Фирдавсийни маснавий устодларидан деб таъриф қилмоқда.

85. Султон Тўғрул – Салжуқийлар сулоласининг охириги ҳукмдори. Ироқда подшоҳлик қилган. Шоҳ Шужоъ (ваф. 1385) – Эронда ҳукм сурган Оли Музаффар ҳукмдорларидан. Олим ва шоир бўлган.

86. Хулогухон (Ҳалокухон) (ваф. 1285) – Чингизхоннинг набираси. Элкония давлатининг биринчи ҳукмдори.

87. Темур Кўрагон (1336, 9 апрель, Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) – 1405, 18 февраль – Ўтрор) – Темурийлар сулоласининг асосчиси, йирик саркарда. Отаси Тарағай барлос қабиласи зодагонларидан. Онасининг исми Тагина бўлган. 1370–1507 йиллар мобайнида Темурийларнинг марказлашган давлати. Мовароуннаҳр ва Хуросондан ташқари Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва Ҳиндистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган.

Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Темур шахсияти, фаолиятига баҳо бериб, VII мажлисин унинг номи билан очар экан, кези келганда назм ва насрдан бирор байт ўқиб юборар, адабиётдан хабардор бўлган, деб ёзади. Бу ерда Хулогухон давридан Темур Кўрагон, унинг ўғли Шоҳрух замониғача туркий тилда ижод қилган кўп шоирлар яшаб ўтди, деб таъкидланмоқда.

88. Шоҳрух Султон (1377 – 1447) – темурий ҳукмдорлардан. Темурнинг тўртинчи ўғли. Улуғбек ва Бойсунғур мирзоларнинг отаси. Унинг 42 йиллик ҳукмронлик даврида Самарқанд, Ҳирот, Марв ва б. жойларда бир қанча истеҳком, бинолар ва иншоотлар қурилди, илм-фан, маданият, адабиёт ривож топди. Навоий бу ерда Шоҳрух замонида туркигўй шоирлар ижод қилгани ҳақида

сўз юритмоқда.

89. Саккокий (XIV аср охири ва XV аср биринчи ярми) – туркигўй лирик шоир. Улуғбек Мирзо даврида шуҳрат қозонган. Шоирнинг Улуғбек Мирзо, Халил Султон ва б. нуфузли шахсларга қасидалари бор.

90. Ҳайдар Хоразмий (XIV аср охири – XV аср биринчи ярми) – Низомий Ганжавийнинг «Маҳзан ул-асрор» достони асосида таржима йўсинида ўзига хос бир дoston яратган. У Темурийлардан Умаршайхнинг ўғли Искандар Мирзо даврида ижод қилган ва ўз достонини унга бағишлаган.

91. Атоий (XV) – туркигўй, соҳиби девон шоир. Унинг ғиноий шеърлятида мажозий ва ҳақиқий ишқ юксак маҳорат билан тараннум этилган.

92. Муқимий (XV) – ҳиротлик туркигўй шоир. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг иккинчи мажлисида бу шоир ҳақида маълумот беради ва унинг тасаввуф истилоҳотини яхши билганини таъкидлайди.

93. Яқиний (XV) – туркигўй шоир ва адиб. Шоирнинг насрда ёзилган «Ўқ ва ёй» мунозараси ўзбек адабиётидаги шу жанрнинг етук намунаси саналади. Навоий ўз тазкирасида бу шоир ҳақида: «Тундроқ машраблиқ (яъни: қўпол, кескин феъл-атворли) киши эрди... охир дамида тавба қилиб, аҳли салоҳ тариқи била кечти», – деб ёзади.

94. Амирий (XIV аср охири – XV аср аввали) туркий ва форсийда равон шеърлар ёзган шоир. Унинг «Даҳнома» номли ғиноий достони ҳам бор. Қабри Бадахшон томонидаги Арҳангсарой деган жойда, деб ёзади Навоий ўз тазкирасида.

95. Гадоий (туғ. 806/1403 – 1404) – туркигўй, соҳиби девон шоир. Унинг ягона девони Париж Миллий китобхонасида сақланади. Гадоийнинг Шоҳрух набираси (қизининг ўғли) Халил Султонга бағишланган тугалланмаган қасидаси бор. Ўзбек адабиётшунослигида биринчи марта шоир шеърлари 1965 йилда (ношир ва сўзбоши муаллифи С. Ғаниева) ва тўла ҳолда Париж нусхаси асосида 1973 йилда (ношир ва сўзбоши муаллифи Э.

Аҳмадхўжаев) босмадан чиққан. Навоий Гадоий шеъриятига ўз «Мажолис ун-нафоис»ида юқори баҳо берган.

96. Лутфий (1366, Ҳиротнинг Деҳиканори – 1465, ўша жой) – туркийда кўпроқ ёзган, форсийда ҳам қалам тебратган шоир. Лутфий девони ғазал, туюқ, қитъа, рубоий, қасида ва фардлардан таркиб топган. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Лутфий форсий ва туркийда ўхшаши йўқ сўз санъаткори бўлганини ва асар охирида у билан бир учрашувини баён этади. «Насойим ул-муҳаббат» асарида Лутфийнинг тасаввуф билимдони эканлигидан далолат берувчи таърифни келтиради. Лутфийнинг Шохрух Мирзо, Бойсунғур Мирзо ва Жомийга гўзал қасидалари бор.

Лутфий «Гул ва Наврўз» номли дoston яратган дейилади. Лекин бу асар Лутфийга мансуб эмаслиги ҳақида адабиётшунослигимизда мунозаралар олиб борилди, масала ҳамон ҳал бўлмади.

97. Султон Бобур (ваф. 1457, Машҳад) – Абулқосим Бобур Темурий ҳукмронлардан. 1447 – 1457 йилларда Хуросонда шоҳлик қилган. Шохрух вафотидан кейин авж олиб кетган Темурий шаҳзодаларнинг ўзаро курашларига дош бера олмай пойтахтни ташлаб кетганлар Бобур тахтга ўтиргач, қайтиб кела бошлаганлар. Улар ораснда Навоийнинг оиласи ҳам бор эди. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ёшликларида ана шу Бобурнинг сарой хизматида кирган эдилар. Абулқосим Бобур маданиятимиз тарихида чуқур из қолдирган шоир, хаттот, адабиёт ва санъат аҳли ҳомийси, «Шохномаи Бойсунғурий» номи билан машҳур бўлган гўзал китобат ташаббускори ва иштирокчиси Бойсунғур Мирзонинг ўғли эди.

98. Рустами дoston – бу ерда Навоий Ҳусайн Бойқарони Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шохнома»си қаҳрамони Рустамга ўхшатмоқда.

99. Соми Наримон – Фирдавсий қаҳрамонларидан, Зобулистон ҳукмдори Рустамнинг бобоси. Бу ерда Навоий Ҳусайн Бойқарони Соми Наримонга ўхшатмоқда.

100. Искандар (мил. ав. 356 й., Пелла – мил. ав. 323 й., Бобул) – Юнондаги Мақзун вилояти хукмдори. Шарқда Искандари Зулқарнайн номи билан машхур. Шарқ адабнетида Искандар ҳақида биринчи дoston Фирдавсий «Шоҳнома»си таркибида каёнийларга бағишланган қисмларда келтирилади, Низомий Ганжавий «Искандарнома» («Шарафнома» ва «Иқболнома» деб номланган икки қисмдан иборат), Хусрав Дехлавий «Ойинаи Искақдарий» номли дostonлар яратишган. Жомий ва Навоийларнинг ҳам «Хирадноман Искандарий» ва «Садди Искандарий» дostonлари мавжуд. Бу дostonларда Искандар одил ва халқпарвар хукмрон сифатида таъриф қилинади. Искандар тимсоли Шарқ шеъриятида кўплаб келтирилади. Бу ерда Навоий Хусайн Бойқарони Искандарга ўхшатмоқда.

101. Жамшид – ривоятларда Йима, Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги қаҳрамонлардан бири, Таҳмураснинг ўғли. 700 йил хукмронлик қилган дейилади. Унинг даврида темирдан ҳарбий аслаҳалар, либос тикиш, деҳқончиликка асос солинган. «Наврўз» байрамини ҳам Жамшид жорий этган. Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Жамшидга алоҳида мақола бағишлайди. Бу ерда ҳам шоир Хусайн Бойқарони Жамшидга ўхшатмоқда.

102. ар.: «Султон ибн Султон, Ҳоқон ибн Ҳоқон, дин, дунё ва салтанат қуввати Абулғозий Султон Хусайн Баҳодирхон Оллоҳ таоло унинг салтанати ва мулкани абадий қилсин, оламини унинг яхшилиги ва кароматидан баҳраманд айласин».

103. 905 ҳ. й. – мил. 1499 – 1500 й.

«МЕЗОН УЛ-АВЗОН»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

Навоийнинг бу асари туркигўй халқларни аруз илмидан баҳраманд этиш ниятида ёзилган. Шоир анъанавий арузга туркий шеъриятга хос бўлган вазнларни, уларнинг баҳрларини кўшди.

«Мезон ул-авзон»дан аввал Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунуни балоға», кейин эса Бобурнинг «Рисолаи аруз»и туркийда

яратилган.

«Мезон ул-авзон» 1993 йилда проф. Камол Эраслан томонидан Туркияда нашр этилаётган Навоий куллийетининг 14-жилди сифатида босмадан чиқди. Ундаги қисқа маълумотномада Навоийнинг ҳаёти, адабий фаолияти ва асарлари адади берилади. Асарлар саноғида «Зубдат ут-таворих» ҳам бор, лекин бу Навоийнинг алоҳида асари бўлмай, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ва «Тарихи мулуки Ажам»га шоир берган умумий номдир.

Киришда Камол Эраслан аруз ва аруз илми, бу соҳадаги Навоий хизмати ҳақида, жаҳон хазиналаридаги «Мезон ул-авзон»нинг қўлёзмалари ҳақида маълумотлар беради. Асар матни сўнгида нусхалардаги фарқлар (3 бет), матннинг ҳозирги турк тилига ўгирилган матни, аруз вазнлари (5 бет) ва аруз атамалари (71 бет) берилгандир.

* * *

1. Тарж. ар.: Оллоҳ мулкини даҳлсиз ва умрини узун қилсин!

2. Халил ибн Аҳмад (ваф. 175/791) – Аруз илмининг асосчиси. Арузга оид асари «Китоб ул-айн» деб аталади. Бир ривоятга кўра у аруз ҳақидаги асарини Маккада, бошқасида Басрада ёзган дейилади.

3. Шамс Қайс – Шамсуддин Муҳаммад бин Қайс Розий (ваф. 628/1230 – 31) Эроннинг Рай шаҳрида туғилган. Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Бухоро, Марв, Ироқда яшаган, мўғуллар истилоси йилларида сарсон-саргардонликда машаққатлар чеккан. Унинг «Ал-мўъжам» асари машҳур бўлган.

4. Хожа Насир Тусий (597/1200 – 1201 – 672/1273 – 1274) – «Асос ул-иқтибос» ва «Меъёр ул-ашъор» номли арузга оид асарлари бор.

5. Маҳдуми Нуран – Абдураҳмон Жомийнинг лақаби.

6. Тарж- ар.: «Суйган нарсаларингизни инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз» (Қуръон. «Оли Имрон» сураси, 92-оят).

7. «Пайдар-пай юбориладиган шамоллар ва қутирадиган бўронларга қасам» (Қуръон. «Вар-мурсалат» сураси, 21. 1, 2-

оятлар).

8. «[Тақводор зотлар учун] барча дарвозалари очиқ мангу жаннатлар бордир. Унга мангу қолғувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз» (Қуръон. «Сод» ва «Зумар» суралари. 50 ва 70-оятлар).

9. Амир Хусрав Деҳлавий – Қаранг: Ушбу китоб, изоҳлар, 311-бет.

10. Амир ал-мўъминин Али – Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (661 йилда қатл қилинган). Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва кўеви. У «хулафо ар-рошидин» (тўғри йўлдан боровчи халифалар) деб аталган («Чорёрлар» ҳам дейдилар) дастлабки тўрт халифадан тўртинчиси. Исломдаги икки асосий оқимлардан бири «шиалик»ни ташкил этган ва шиаларнинг биринчи имоми.

11. Хожа Исмаил Бухорий (ваф. 1437) – Бухорода яшаб ижод қилган шоир. Халил Султон саройида хизмат қилган. Халил Султон зиндонбанд этилгандан сўнг у саргардонликка учрайди. Улуғбек тахтга ўтиргач, Исмаил Бухорийни саройга таклиф этади. Лекин шоир таклифни қабул қилмайди, у узлатни, дарвешлар орасида бўлишни афзал кўради. Исмаил Бухорийнинг 8000 минг байтдан иборат шеърлар девони, «Иброҳим Адҳам» номли маснавийси мавжуд. Шоирнинг тасаввуфий фикрлар, сўфиёна ҳис-туйғулар билан йўғрилган шеърлари халқ орасида машҳур бўлган. Шоирнинг девонида Улуғбекка (13), Халил Султонга (40) ва Темурий шаҳзодаларга бағишланган жамъи 75қасида, 466 ғазал, мухаммас, қитъа ва бошқа шакллардаги шеърлари мавжуд. Бу девон 1987 йилда Техронда нашр қилинди. Унга Аҳмад Карамий «Забардаст олим ва порсо ориф» номли (6,5 саҳ.) сўзбоши ёзган. Сўзбошида таъкидланишича, ирфоний жиҳатдан Исмаил Бухорий шеърлари Ҳофизга ва равонликда Саъдийга ўхшайди. Шоир «Исмаил», «Исмаилуллоҳ», «Насирий» тахаллусларида ёзган ва охиригисини унга Халил Султон тавсия этган экан.

«ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО»ДАГИ ҚУРЪОНИ КАРИМ ОЯТЛАРИ ВА БОШҚА АРАБИЙ ИБОРАЛАР ТАРЖИМАСИ

1. Одамнинг лойини қирқ кун (тонг) ўз қўлим билан қордим.
2. Ва у зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди...
(Қуръони мажид «Бақара» сураси, 31-оят. Бундан кейин сура номи ва оятлар рақами берилади).
3. Барча-барча фаришталар унга (яъни, Одамга) сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилувчилар билан бирга бўлишдан бош тортти («Ҳижр» – 50).
4. Ва албатта то жазо (қиймат) кунигача сенга (барчанинг) лаънати бўлур («Ҳижр» – 35).
5. Эй одам, сен эса жуфтинг (Ҳавво) билан жаннатни маскан тутиб... («Ҳижр» – 19).
6. ... Мана шу қарғачалик бўла олмадимми? («Моид» – 31).
7. Ва биз уни юксак мартабага кўтардик («Марям» – 57).
8. Парвардигорим, ер юзида кофирлардан бирон ҳовли-жой эгасини қолдирмагин («Нух» – 26).
9. ... у сенинг аҳлингдан эмас... («Худ» – 46).
10. ... ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам.. (ўлим сизларни топиб олади («Нисо» – 78).
11. Биз: «Эй зулқарнайн, ё уларни азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», – дедик («Қаҳф» – 86).
12. «Мана шу Парвардигорим» («Анъом» – 76).
13. У ҳам ботиб кетгач: «Эй қавмим, мен сизларнинг ширкингиздан покман» («Анъом» – 78).
14. Экин ўсмайдиган бир водий... («Иброҳим» – 37).
15. Менга кексалик пайтимда Исмоил ва Исҳоқни ҳадия қилган зот – Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин («Иброҳим» – 39).
16. Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдур. У эшиттувчи ва кўриб тургувчидир («Шўро» – 11).
17. «Эй ота, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда килаётган эмиш» («Юсуф» – 4).
18. ... Бу башар (фарзанди) эмас... («Юсуф» – 31).
19. (Айтди:) «Мен сизларга ризқ бўладиган (ҳар қандай) таом олдингизга келишидан илгари унинг қандай таом эканини,

таъвилини айтиб бера оламан» («Юсуф» – 37).

20. (Айтди:) «Эй ўғилларим, (Мисрга) бир дарвозадан кирманглар, балки бошқа-бошқа дарвозалардан киринглар!» («Юсуф» – 57).

21. «Эй отажон, мана шу илгари кўрган тушимнинг таъбиридир» («Юсуф» – 100).

22. «Парвардигоро, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилгувчиларнинг яхшироғидирсан» («Аъроф» – 89).

23. Мен сизларнинг энг устун Парвардигорингизман («Заннажот» – 24).

24. «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга нафъи тегса ёки уни бола қилиб олсак...» («Қасос» – 9).

25. Тилимдан тугунни – дудуқликни ечиб юборгин.

26. Менинг ўзим Оллоҳман («Тоҳа» – 27).

27 «Парвардигорим, ўзинг мен учун ҳузурингда – жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин ва менга бу золим қавмдан нажот бергин...» («Таҳрим» – 11).

28. Эй Ҳомон, мен учун бир (баланд) қаср қургин («Ғофир» – 36).

29. «...Асойинг билан» денгизни ургин... («Шуаро» – 63).

30. Оллоҳдан, унинг ғазабидан паноҳ тилаймиз ва яна паноҳ тилаймиз. нафсларимизнинг ва амалларимизнинг ёмонлигидан (Дуо).

31. ... Эшитдик ва бўйинсунмадик... («Бақара» – 93).

32. Эй ер, тут (ют) буни.

33. ... Бас, боргин, сен ўзинг ва Парвардигоринг улар билан урушаверинглар («Моида» – 24).

34. «... Парвардигорим, мен фақат ўзимга ва биродарим (Ҳорун)га эгаман, холос. Бас, ўзинг биз билан бу итоатсиз қавмнинг орасини ажратгин...» («Моида» – 25).

35. У (хизматкор) айтди, «Буни кўринг, биз (денгиз соҳилидаги) қояга бориб (ором олган) пайтимизда, мен балиқни

(унга жон кириб, саватдан тушиб кетганини) унутибман» («Қаҳф» – 63).

36. «... ИншоОллоҳ, сен менинг сабр-тоқатли эканимни кўрурсан. Мен бирон ишда сенга осийлик – итоатсизлик қилмасман» («Қаҳф» – 69).

37. «Аниқки, сен мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!» («Қаҳф» – 72).

38. Айтди: «Мана шу сен билан менинг ажрашимиздир...» («Қаҳф» – 78).

39. Сабр қилинг, эй онажон, Сиз Оллоҳга яқинлашиб, унинг ризолигини топдингиз. Сиз билан жаннат орасида икки қадамгина қолди.

40. Мусо (ўзининг хизматкори) йигитига: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтаманман» («Қаҳф» – 60).

41. Эй Довуд, дарҳақиқат, биз сени ерда халифа қилдик. Сен кишилар орасида ҳақиқат билан ҳукм қил! («Сод» – 26).

42. Улар дедилар: «Қўрқмагин, (Бизлар) биримиз биримизга зулм қилган икки даъволашгувчи (жамоат)дирмиз. Бас, сен бизларнинг ўртамизда ҳақ билан ҳукм қилгин ва (бизлардан бирор тарафга) жабр қилмагин ҳамда бизларни текис – тўғри йўлга бошлагин» («Сод» – 22).

43. Киши ўз нафси туфайли ҳалокатга учрайди.

44. Деди: «Парвардигорим, ўзинг мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин биронтаси учун муяссар бўлмайдиган бир мулку давлат ҳадя этгин. Зеро, ёлғиз сенинг ўзинггина (барча яхшиликларни) ҳадя этгувчисан» («Сод» – 35).

45. Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйсундирдик) («Сабаъ» – 12).

46. Ахир улар ўзларича Оллоҳ осмон ва ерни ҳамда улар орасидаги бор нарсани фақат ҳақ (қонун) ва белгиланган муддат билан яратганини (демак ўша муддат битгач, дунё тугаб, охират бошланишини) тафаккур қилиб кўрмадиларми? Дарҳақиқат, бу

одамлардан кўпчилик қайта тирилиб, Парвардигорларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир.

47. Албатта, у Сулаймондир ва у (мактубда шундан битилгандир): «Меҳрибон ва раҳмдил Оллоҳ номи билан бошлайман. Сизлар менга кибр-ҳаво қилмай, ҳузуримга бўйсунган ҳолнигизда келингиз!» («Намл» – 27).

48. (Шунда) жинлардан бир паҳлавон айтди: «Мен уни сен ўрнингдан туришингдан илгари сенга келтирурман. Албатта, мен бунга қодир ва ишончлидурман» («Намл» – 39).

49. (Оллоҳ деди)... «Дарҳақиқат, Биз Сулаймонни имтиҳон қилдик» («Сод» – 34).

50. ... Ва унинг тахти устига жонсиз жасадни ташладик («Сод» – 34).

51. «Аниқки, Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик...» («Луқмон» – 12).

52. (Оллоҳ деди:) «Юнус ҳам, шубҳасиз, пайғамбарлардандир» («Саффон» – 139).

53. «Парвардигорингиз ҳукмига сабр қилинг ва наҳанг балиқ соҳиби (Юнус пайғамбар) каби бесабр бўлманг!» («Қалам» – 48).

54. «... Ҳеч илоҳ йўқ, магар ўзинг бордирсан, эй пок Парвардигор, дарҳақиқат, мен (ўз жонимга) жабр қилувчилардан бўлиб қолдим...» («Анкабут» – 87).

55. «Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?» «Бир кун ё ярим кун», – деди у Оллоҳ деди: «Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара – бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклари ажраб кетганини) кўргин» («Бақара» – 259).

56. Яхудийлар: «Узайр Оллоҳнинг ўғли», – дедилар («Тавба» – 30)

57. «... Парвардигорим, мен қиз туғдим». Ҳолбуки, Оллоҳ унинг нима туққанини билгувчироғдир ва ҳар қандай ўғил ва қиз каби (бу қизнинг ўрнини босгувчи) эмасдир «ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга, унинг зурриётига даргоҳингдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сендан илтижо қиламан» («Оли Имрон» – 33).

58. «Бас, Парвардигори уни (Марямни) хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди...» («Оли Имрон» – 37).

59. Ҳар қачон Закариё (Марямнинг) олдига ҳужрага кирганида, унинг ҳузурида бир ризқ – насиба кўрди. У: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» – деб сўраганида (Марям) жавоб қилди: «Булар Оллоҳ ҳузуридандир...» («Олв Имрон» – 37).

60. «Албатта, Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур» («Оли Имрон» – 37).

61. Сўнг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида унга фаришталар нидо қилдилар... («Оли Имрон» – 38).

62. (Биз унга): «Э Яхё, Китобни (яъни Тавротни) маҳкам ушлагин, (дедик) ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат – маърифат ато этдик» («Марям» – 12).

63. Эсланг (Эй Муҳаммад), фаришталар: «Ё Марям, албатта, Оллоҳ сенга ўзининг сўзини хушхабар қилиб берадики, унинг исми ал-Масиҳ Исо бинни Марям бўлиб, дунёю охиратда обрўли ва (Оллоҳнинг) яқинларидап бўлур ҳамда одамларга гўдаклик пайтида ҳам вояга етган чоғидагидек гапирур ва Солиҳ бандалардан бўлур...» («Оли Имрон» - 46).

64. Эсланг, Исо бинни Марям: «Эй Бани Исроил, албатта, мен Оллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридурман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчи бўлган ҳолда юборилдим...» («Саф» – 6).

65. «Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб, унга пуфласам, у Оллоҳнинг изин – иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан...» («Оли Имрон» – 49).

66. «Ва Оллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман...» («Оли Имрон» – 49).

67. «... Эй тангрим, Парвардигор, бизга осмондан бир дастурхон нозил қилгилки, у аввалу охиримиз учун байрам ва сенинг оят – мўъжизанг бўлиб қолади. Бизни (шу неъматдан) баҳраманд қилгил. Ўзинг энг яхши ризқ бергувчисан...» («Моида»

– 114).

68. Оллоҳдан паноҳ тилаймиз нафсларимизнинг ва амалларимизнинг ёмонлигидан (Дуо).

69. Ҳали улар (яъни, пайғанбар (а. с.)га замондош бўлган яҳудий ва насороларнинг айримлари ўша Асҳобул – Қаҳфни): «Учтадир, тўртинчилари итларидир», – деб гайбга тош отурлар (аниқ билмаган нарсалари ҳақида гап сотурлар)... («Қаҳф» – 22).

70. (Улар Қаҳф – ғорларда) уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни зиёда ҳам қилдилар («Қаҳф» – 25).

71. Сўнг (яҳудин ва насроний) фирқалар (Исо хусусида) ўзаро ихтилоф қилдилар... («Марям» – 37).

72. Чоҳ эгалари лаънат қилинганлар («Буруж» – 4).

73. (Шеър) Аёлларнинг вафоси ҳақида зикр қилишни кўй. (Уларнинг вафоси) тонгги шабада ва (ёлғон) аҳду паймоннинг ўзидир.

74. Қадр кечаси мниг ондан яхшироқдир («Қаҳф» – 3).

75. Оллоҳ сенга зония хотинларнинг юзини кўрсатсин.

76. Меъдангда таом бўлатуриб, таом ема. Қуръони Қарим оятлари Алоуддин Мансур таржимасидан олинди.

«АРБАЪИН»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

Шарқ адабиётида «арбаъин» анъанаси мавжуд бўлиб, халқ орасида машҳур, энг саҳиҳ ҳадислардан 40 тасини саралаб олиб, унинг мазмунини бир рубоийда талқин қилинган.

Абдураҳмон Жомийнинг «Чиҳил ҳадис»ини Алишер Навоий туркийга таржима қилган. Шоирнинг нияти, асар муқаддимасида таъкидланганидек, «форсийдонлар идрок айлаган» қирқ ҳадис моҳиятидан туркийзабонларни ҳам баҳраманд қилиш эди. Бу ҳадисларни шеърга солишда эса барча шоирлар уларнинг осон тушунилишини, ёдда сақланилишини ҳам назарда тутганлар.

ҲАДИСИ ШАРИФ ТАРЖИМАЛАРИ

1. Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайди.

2. Кимки ҳайр-эҳсон қилишда, ноўрин жойларга сарф қилмасликда, яхши одамларни дўст ва ёмон одамларни душман тутишда фақат Оллоҳнинг ризолигини ният қилган бўлса, демак у ўз иймонини бутун сақлайди.

3. Қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина ҳақиқий мусулмондир.

4. Мўъмин кишида икки хислат жамъ бўлмайди: бахиллик ва ёмон хулқилик.

5. Инсон кексайган сари унда икки хил хислат яшариб боради: дунёга муҳаббат ва орзу-ҳавас.

6. Кимки инсонларга шукр айтмаса Оллоҳга ҳам шукр қилмайди.

7. Одамларга раҳмли бўлмаган кишига Оллоҳнинг ҳам раҳми келмайди.

8. Дунё малъундур, Оллоҳ зикридан бошқа дунёдаги бефойда ишлар ҳам малъундур.

9. Динор ва дирҳамга қул бўлганларга лаънат бўлсин.

10. Доим таҳоратли юргин, таҳорат – тозалик ризқу рўзингни оширади.

11. Мўъмин киши бир тешиқдан икки марта чиқолмайди.

12. Ваъда – бу қарздур.

13. Мажлисларда эшитганинг – омонат.

14. Маслаҳатчи – ишончга сазовордир.

15. Қўли очиқлик – фойдадур.

16. Қарз – бу дин узра доғдур.

17. Қаноат – туганмас бойликдир.

18. Тонги уйқу ризқни қисқартиради.

19. Миннат – сахийлик офатидир.

20. Бошқалардаги камчиликни кўриб, ўзини тuzатган одам – саодатлидир.

21. Эшитган гапларини ўзгаларга айтиш – инсоннинг гуноҳга ботиши учун кифоядир.

22. Ўлим – бу айни панду насиҳатдур.
 23. Инсонларнинг яхшиси – инсонларга фойдаси тегадиганидир.
 24. Оллоҳ таоло хушфеъл ва очиқ юзли бандаларини севади.
 25. Бир-бирингизга ҳадялар бериб, дўстлашинглар.
 26. Яхшиликни чехралари очиқ одамлардан кутинглар.
 27. Гоҳ-гоҳ кўришганда муҳаббат ошар.
 28. Ўз айбини билиб, бошқалар айбини қидирмайдиган одам – хўб яхши одамдур.
 29. Ҳақиқий бойлик – бу одамлар кўлидаги нарсалардан ноумид бўлиш, тамаъ қилмасликдур.
 30. Ўзига ярашмаган нарсаларни тарк этиш – инсон мусулмончилигининг хуснидур.
 31. Курашда ғолиб чиққан паҳлавон эмас, балки ғзаби келганда, ўзини босиб олган одам паҳлавондир.
 32. Бойлик – молу дунёнинг кўплнги билан эмас, балки нафснинг тўқлиги билан ўлчанади.
 33. Ишонмаслик – эҳтиёткорликдир.
 34. Илмда бахиллик йўқ.
 35. Яхши сўз – садақадур.
 36. Кулгининг кўпи – қалб ўлими.
 37. Жаннат оналарингиз оёғи остидадур.
 38. Ҳамма бало – тилдандур.
 39. Бегона аёлларга ташланган ҳар бир назар – шайтон ўқидур.
 40. Мўъмин киши қўшниси оч туриб, ўз қорнини тўйғазмайди.
- Шул «Арбаъин»га муваффақ этгани учун Оллоҳга шуқр. (Муҳаммад) ва унинг барча пок наслига Оллоҳнинг марҳамат ва раҳмати ҳамда саломи бўлсин.
- Ҳадисларни Тошкент давлат шарқшунослик институти аспиранти Мансур Асқаров таржима қилган.*

«СИРОЖ УЛ-МУСЛИМИН»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

1. Маъноси: хушбўй ҳид таратувчи қаламни йўнди, демақдир.

2. Тарж. ар.: Тангри юксак, унга ҳамма талпинувчи ажиб бир зотдир.

3. Шоҳ мажлисларида қатнашиб юрадиган, зийрак ва унга ғоят яқин (айнан жондек ички) ким эса (фикримизча шаҳзодалардан бири) Навоий шеърияти дилларни вайрон ва ислому дин уйини алғов-далғов қилади, ўзи жуда кўп хайрли ишлар қилади, лекин булардан не фойда, яъни ҳисобга ўтармикан, деган фикрни айтади. Навоийда «Ислом уйини маъмур» этадиган бир асар ёзиш нияти пайдо бўлади. Лекин турли юмушларнинг кўплиги бунга имкон бермайди.

4. Самарқандда туғилган ва ўша шаҳарда яшайдиган бир улуғ покиза зот Ҳиротга ташриф буюради. Навоий унинг хизматига шошади.

5. Хожаеким... – Хожа Аҳрор назарда тутилади. Асл исми Хожа Убайдуллоҳ, Тошкентга яқин Боғистон қишлоғида 1404 йилда туғилган ва 1490 йилда Самарқандда вафот этган машҳур шайх, нақшбандийлик валийларидан бири, йирик феодал, нуфузли дин арбоби. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг муршиди комили Хожа Аҳрор илмда яқинга қадар ўз ҳаққоний баҳосини ола олмаган эди.

Проф. А. И. Болдирев ўз ҳаётининг сўнги йилларида Хожа Аҳрор ҳақида кичик бир тадқиқот яратиб, унинг моҳиятини «Бартольд ўқишлари» (1974 йилда таъсис этилган) номи остида ўтказилиб келинаётган Умумиттифоқ Шарқшунослар анжуманига тақдим этдилар (1982). Маъруза кашфиёт даражасида қабул қилинди ва 1985 йилда Москвада «Феодализм давридаги яқин ва Ўрта Шарқда руҳонийлар ва сиёсий ҳаёт» тўпламида нашр этилди. Унда Хожа Аҳрорнинг аграр фаолияти, «тамға»ни йўқ қилиши, «шариат ва дин аҳкомлари»ни бузувчиларни жиловлаб туриши, Жомий, Навоий ва Бобур талқинида унинг шахсияти ва фаолиятига муносабат, асарлари, хайрли ишлари, бунёдкорлиги, Улуғбек қатлига дахлсизлиги ва ҳ.к.лар бирлашиб, илмдаги унга қарашни ижобий томонга

йўналтириш, ҳақиқий баҳосини олиши лозимлиги қаламга олинади.

6. Шиблий – Абубакр Шиблий, машҳур сўфий, комил авлиёлардан. Фаридуддин Аттор «Тазкират ул-авлиё»да Шиблий маноқибларидан 60 та нақл, суҳбатларни келтиради. 945 йилда Бағдодда вафот этган.

7. Зуннун – Абулфайз Субон Зуннун Мисрий, машҳур сўфий. 859 йилда вафот этган. Манбаларда унинг кимё фани билан машғул бўлгани таъкидланади.

8. Убайдуллоҳ – Хожа Аҳрорнинг исми.

9. Жаббор – Оллоҳнинг сифатларидан бири, мажбур қилувчи, демакдир.

10. Тарж. ар.: Ҳеч нарса унга ўхшаш эмас (Қуръон. «Шўро» сураси, 11-оят).

11. Тарж. ар.: билиб ол.

12. Тасмия – «Бисмиллоҳир раҳмонир-раҳим»ни айтмоқ.

13. Такбир – «Оллоҳу акбар» (Оллоҳ улуғдир)ни айтмоқ.

14. Ташаҳҳуд – «ат-таҳиёту лиллоҳи вас-салавоту ват-таййибот.

Ассалому алайка айюҳан-набийю ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ. Ассалому алайно ва ало ибодиллоҳис-солиҳин. Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва расулуҳуади айтмоқ.

15. «Ал-ҳамд» – Қуръони мажиднинг биринчи «Фотиҳа» сураси.

16. Таъаҳҳуд – аҳд қилмоқ.

17. «Аъзу» – «Азу биллоҳи минаш-шайтонир-рожим»ни айтмоқ.

18. «Самиъоллоҳ» – «Самиъоллоҳу лиман ҳамидаҳ»ни айтмоқ.

19. Икки тасбиҳ – бири рукуъ тасбиҳи «Субҳона раббиял-азим» ва иккинчиси сажда тасбиҳи «Субҳона раббиял-аъло»ни айтмоқ.

20. 905 ҳ. й. 1499/1500 милодий йилга тўғри келади.

«МУНОЖОТ»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

Алишер Навоийнинг «Муножот» асари биздаги дастлабки маълумотларда (Қаранг: Адабий мерос – 3, 1973) шоирнинг ўза тузган «Куллиётн» учун махсус ёзилган сўзбоши, дейилган.

«Муножот» мундарижасидан маълум бўладики, у «Куллиёт» сўзбошиси эмас, ҳаёти сўнгида ўз асарларидаги ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва дунёвий муддаолар, шахсиятидаги давр талаблари, мафкурасига муносабат ҳақида кўп фикр юритган шоирнинг ботиний ҳаяжонлари, армон-ўкинчлари бирлашиб, Оллоҳ наздида тавбалар қилиш эҳтиёжини яратган. «Муножот» ана шундай илтижолар мажмуъидан иборат. Унда мазмун билан шакл узвий боғлиқ. «Муножот» тили – теран тафаккур тили, ҳис-туйғуларга тўла руҳий ҳолат тили. Моҳиятан эса, бу асар келажак авлодларга қаратилгандек. Инсон ўзлиги, маънавий камолот, иймон устуворлиги, эзгуликлар сари интилишга даъват этувчи асар бўлиб, унда бу йўлда тўсиқ бўлувчи жамъики иллатларга қарши туришни ҳам англатади.

1. Тарж. а.: Шонинг олий, эҳсонинг умумий. Ўзингдан ўзга Илоҳ йўқдир, Эй дўст ва қатийъ мавжуд зот.

2. Тарж. а.: улуғлик ва қудрат.

3. Тарж. а.: подшоҳлик ва коинот.

4. Тарж. ар: бўл деса бўлади.

5. Тарж. а.: тўзиган чанг.

6. Тарж. а.: Оллоҳга ўхшаш бирор нарса йўқ.

7. Тарж. а.: у туғмаган ва туғилмаган.

8. Тарж. а.: сенинг мақтовингни айтиб тугата олмаймиз.

9. Наът – пайғамбарни мадҳ этиш, унинг яхши сифатларини мақташ. Шарқ адабиётида «одоби тасниф»га кўра асарлар» Оллоҳнинг «ҳамди» (мақтови, улуғланиши) ва пайғамбар» «наъти» билан бошланган.

10. Тарж. а.: Одам Ато сув билан тупроқ таркибида ётган даврдаёқ мен (Муҳаммад) бор эдим.

11. Тарж. а.: бутун олам ва охирги пайғамбар.

12. Тарж. а.: Менда Оллоҳ билан бирга бўлмоқ учун вақт бор.
13. Тарж. а.: Оллоҳнинг саломлари ва раҳматлари ул зотга, пок оила аъзоларига ва тоза саҳобаларига бўлсин!
14. Тарж. а.: улуғлар улуғи.
15. Тарж. а.: раҳмлилар раҳимлиси.
16. Бу ерда подшоҳ Хусайн Бойқаро назарда тугилади. «Муножот» бизда биринчи марта «Ёшлик» журналида (1990, 6-сон. Нашрга тайёрловчи С. Ғаниева), кейин эса, «Боқий сатрлар» сериясида 1991 йилда, алоҳида араб ва жорий ёзувда (С. Ғаниева), рус тилида (С.Ғаниева таржимасида) «Литературная газета»да (Досье – 7. Коран. 1991), шунингдек, инглиз, олман, француз, испан, араб, ҳинд, форс, урду, дари тилларида ҳам чоп этилди («Ўзбекистон» журнали, 1990, 11 – 12-сонлар).

«РИСОЛАИ ТИЙР АНДОХТАН»НИНГ ИЗОҲ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

Алишер Навоийга нисбат берилган (Қаранг: Бертельс Е. Э. Навои. М.; Л., 1948; Семенов А. А. Навоий қўлёмалари тавсифи. Тошкент, 1940) бу ғоят кичик асар аштархонийлардан Абдулазизхон (1645 – 1680) китобхонасига мансуб бир мажмуа таркибида мавжуд, дейилади. Ушбу сатрлар муаллифининг Урфон Отажон билан ҳаммуаллифликда ёзган мақоласида рисоланинг мазмун ва моҳияти ёритилар экан, унинг Навоий қаламига мансублиги ҳақида баъзи далил ва мулоҳазалар билдирилади (Қаранг: «Тафаккур» журнали. 1995 й. 3/4-сон. 120 – 124-бетлар).

1. Тарж. а.: Бутун олимларнинг парвардигорига ҳамду санолар бўлсин, Оллоҳнинг расули ва унинг оила аъзоларига дуои саломлар бўлсин!

2. Одам – Оллоҳ яратган биринчи инсон. «Абулбашар» куняси, «Сафиуллоҳ» (Оллоҳнинг соф қули) лақаби. Халқда Одам Ота деб юритилади. Бу ерда Одам жаннатдан қувилгач, Оллоҳ унга деҳқончилик қилишни, буғдой экишни буюргани ҳақида сўз

кетади.

3. Жаброил – Оллоҳ билан пайғамбар ўртасидаги воситачи, ваҳий келтирувчи тўрт фариштанing бири. Унинг «Рух ул-амин» лақаби бор.

4. Саъди Ваққос – Муҳаммад пайғамбар саҳобаларидан бири.

5. Амир ал-мўъминин – Алн ибн Абу Толнб (661 йилда қатл қилинган). Ислонда «Хулафо ар-рошидин» (тўғри йўлдан борувчи халифалар), халқ орасида «чорёрлар» деб аталувчи тўрт халифанинг тўртинчиси, Муҳаммад пайғамбарнинг куёви ва амакиваччаси. Ислондаги икки асосий оқимдан бири «шиа» (арабча «гуруҳ» демакдир)ни Али ташкил қилган.

«Амир ал-мўъминин» Ҳазрат Алининг лақабидир. Навоий Ҳазрат Алининг «Наср ул-лаолий» (насрий гавҳарлар) номли асарида жамъланган ҳикматларининг ҳар бирини бир рубоийда талқин қилган (268 та) ва асарига «Назм ул-жавоҳир» (назмий-шеърлар жавҳарлар) деб ном берган. Адабиётда Али ажойиб саркарда ва жасур шахс сифатида таъриф қилинади.

6. Шафиқи Балхий – машҳур шайхлардан. Фаридуддин Аттор Иброҳим Адҳам тариқатини олган эди, деб ёзади («Тазкират ул-авлиё», 232-6.). Шафиқи Балхий 174/790 – 791 йилда. Мовароуннаҳрда дунёдан ўтган.